

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛАНГИЧ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН**

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН

КОМПЛЕКС ИШ РЕЖА

ТУЗУВЧИ:

Н.ОРИПОВА

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

**“Tasdiqlayman”
Pedagogika-psixoiogiya
Fakulteti dekani _____
p.f.n. B.Jo'rayev 2007 yil**

**Pedagogika-psixologiya fakulteti “Boshlang'ich ta'lif va sport tarbiyaviy ish”
ixtisosligi uchun “Tarbiyaviy ishlar metodikasi” fanidan**

ISHCHI DASTUR

Qarshi – 2007

Tuzuvchi:

O'qituvchi. Oripova N.

Ishchi dastur «Boshiang'ich ta'lism» kafedrasi yig'ilishida (Bayonnomma №28. 09.17) ko'rib chiqilib amaliyotga tavsiya etilgan

Fakultet ilmiy-uslubiy kengash raisi:

prof. M. Ochilov

Kafedra mudiri:

dots. T. Fafforova

So'z boshi

Ma'naviy-axloqiy jihatdan yetuk, har tomonlama sog'lom bo'lgan barkamol shaxsni shakllantirish, jahon talablari darajasiga javob bera oladigan raqobatbardosh kadrlarni yetishtirib berish o'qituvchilar oldidagi muhim vazifa hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi I.A.Karimov "Sog'lom avlod - xalqimiz kelajagi" ma'rzasida: "Faqat jismoniy jihatdan baquvvat bo'lgan odamni tarbiyalash unchalik qiyinmas. Ammo ham jismoniy, ham ma'naviy jihatdan kamol toptirish g'oyat murakkab vazifa. Ayniqsa , bugungi kunda mafkuraviy kurashlar goh oshkora' goh pinhona tus olgan hozirgi nozik, qaltis sharoitda, tahlikali zamonda bu masala nihoyatda dolzarb ahamiyatga ega" (Karimov I. A. "Ozod va obod Vatan, erkin va faravon hayot provard maqsadimiz. Tom 6. T.: O'zbekiston ,2000, 95-bet)

Ta'lim-tarbiya sohasidagi ishlarni isloh qilishda O'zbekiston Prizdenti va Oliy Majlis qabul qilgan qaror, qonun va farmonlar dastur amal bo'lib xizmat qilmoqda. Bunda "Ta'lim to'g'risida", Qonun, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlari, maktabdan va sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlar konseptsiyasi' boshlang'ich ta'lim konseptsiyasi kabi hujjatlar muhim ahamiyatga ega.

Tarbiyaviy ishlar metodikasini o'qitshdan maqsad – bo'lajak o'qituvchining tarbiyachilarga o'quvchilarni tarbiyalashning vosita usul va shakllarini hamda uni amalgam oshirish va shunga doir amaliy ko'nikma va malakalarni hosil qilish va rivojlantirishdan iboratdir. Shu ma'noda Oliy o'quv yurtlari boshlang'ich ta'lim ixtisosligi o'quv rejasiga "Tarbiyaviy ishlar metodikasi" o'quv kurslarini kiritilishi bejiz emas. Chunki axloqiy sifatlar juda kichik yoshlidan boshlab bolalarning ongiga singdirilsagina ijobiy samara berishi mumkin.

O'qituvchi bu sifatlarni singdirish yo'llari va usullarini chuqr

egallagan bo’lmog’i lozim.O’zbekiston Respublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi (2002 yil 21-fevraldagagi 54-sonli buyrug’I bilan) tasdiqlangan O’zbekistn Respublikasi davlat standartlarining davlat tizimi oily ta’lim 5141600-Boshlang’ich ta’lim tarbiya ish yo’nalishi zaruriy mazmuni va bakalavrlarning tayyorgarlik darajasiga qo’yiladigan talablardan keli chiqib, shuningdek tarbiyaviy ish metodikasiga doir mavjud manbalar va fanning o’ziga xos xususiyatlarini inobatga olib uni quyidagi bo’limlarga ajratish maqsadga muvofiq:

Tarbiyaviy ishlар metodikasi fanining predmei, maqsad va vazifalari.

Tarbiyaviy ishlarda xalq pedagogikasi donishmandlarning pedagogic merosi hamda milliy an’ana va urf-odatlarning tutgan o’rni.Tarbiyaviy ishlarda maktab, o’quvchilarning jamoat tashkilotlari o’rni: maktab, oila va jamoatchilikning o’zaro hamkorligi.

Boshlang’ich sinf o’quvchilarini tarbiyalashning mazmun va yo’nalishlari.

Boshlang’ich sinf o’quvchilarini dars hamda sinfdan va mакtabdan tashqari ishlар jarayonida tarbiyalash metodikasi.

Shuningdek talabalar tarbiyaviy ish metodikasi fanidan amaliy mashg’ulotlar jarayonida tarbiyaviy tadbirlarni tashkil qilish metodikasini o’rganishlari, amalyotdagi ahvolini tahlil qilishlari, o’tmishdagi ilg’or pedagogic merosdan, hamda yangi pedagogic texnalogiya haqidagi g’oyalardan amalda qo’llay bilish malaka va ko’nikmalarini hosil qilishlari lozim.

Bizningcha talabalarning bilimiga ko’nikma va malakalarga qo’yiladigan talablar quyidagilardan iborat:

-bo’lajak o’qituvchi-tarbiyachilar tarbiyaviy ishlarni tashkil qilishning nazari va amaliy asoslari haqida chuqur bilimga ega bo’lishlari;

- bo’lajak o’qituvchi – tarbiyachilar tarbiyaviy ishlarni tashkil qilish jarayonida xalq pedagogikasi, donishmanlarining pedagogic merosi, hamda

milliy an'ana va urf-odatlarning tutgan o'rni, tarbiyaviy ahamiyati va imkoniyatlari haqida keng ma'lumotga ega bo'lishlari;

-tarbiyaviy ishlarda maktab,o'quvchilarning jamoat tashkilotlari faoliyatidan samarali foydalanish yo'llarini bilishlari;

-bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi oila, mahalla va jamoatchilik bilan hamkorlikda bolalarnitarbiyalashni kuchaytirish haqida bilimga ega bo'lmog'i

-dars hamda sinfdan tashqari ishlar jarayonida o'quvchilarni tarbiyalash metodikasini har bir o'qituvchi chuqur o'rgangan bo'lishi;

-o'quvchilarni tarbiyalanganlik darajalarini aniqlay olishlari;

-o'quvchilar tarbiyaviy ishlarni rejalashtirayotganda bolalarning individual xususiyatlarini, yoshi,bilim darajasi, dunyoqarashi, tarbiyalanganlik darajasi, motiv va ruhiy holatlarini alohida e'tiborga olishlari;

-bo'lajak o'qituvchi-tarbiyachi har bir tarbiyaviy hodisa va masalaga ijodiy yondashish, samaraliroq metod vashakllaridan foydalanish orqali tarbiyaviy tadbirlarni samaradorligiga erishish;

-tarbiyaviy ishlarning samaradorligini oshirish uchun o'z bilimini muntazam ravishda boyitibborish.

Tarbiyaviy ish metodikasi predmeti bilan uzviy bog'liq bo'lgan fanlar tizimiga: pedagogika nazaryasi va tarixi, pedagogic mahorat,o'qituvchi odobi, etika estitika, tarix, falsafa, psixologiya, adabiyot,ekologiya, bolalar fiziologiyasi, anatomiyasi va gigenasi kabi fanlar kiradi.

Tarbiyaviy ish metodikasini o'rganish jarayonida ta'limning texnik vositalardan: kompyuter va axborot texnikalari, ilg'or pedagogic texnologiyalar muommoli vaziyatlar, test usuli va reyting nazorati shakllaridan keng foydalaniladi.

Boshlang'ich ta'lim va tarbiyaviy ish ixtisosligi o'quv rejasi tarbiyaviy ish metodikasini o'rganishga ajratilgan o'quv soatlarining taqsimoti

quyidagicha: ma’ruza-108 soat, seminar- soat, laboratoriya- soat, amaliy mashg’ulot- soat, mustaqil ish - soat

MA’RUZA MASHG’ULOTLARI MAZMUNI

1-mavzu: Tarbiyaviy ishlar metodikasining maqsadi, vazifalari va fahlar bilan aloqasi (2-soat)

Tarbiyaviy ishlar metodikasining maqsadi, vazifalari. Tarbiyaviy ishlar metodikasining predmeti, ob’ekti. Tarbiyaviy ishlar metodikasining fanlar bilan aloqasi.

2-mavzu: Tarbiyaviy ishlarda foydalaniladigan tarbiya usullari (4- soat)

Tarbiya usullarining umumiylashtirish usullari. Ijtimoiy ongni faoliyat jarayonida va ijtimoiy xulq tajribalarini shakllantirish usullari. Mashq, o’rgatish, o’z-o’zini tarbiyalash usullari. Rag’batlantirish va jazolash usullari.

3-mavzu: Tarbiyaviy ishlar jarayonida amal qilishi lozim bo’lgan prinsiplar va uzlucksiz tarbiya qismlari (2-soat)

Tarbiyaning maqsadga qaratilganlik qoidasi. Tarbiyada demokratiya va insonparvarlik qoidasi. Tarbiyada milliy va umuminsoniy qadriyatlarning ustunligi qoidasi. Uzlucksiz tarbiyaning qismlari.

4-mavzu: Tarbiyaviy ishlarda xalq dostonlari, qo’shiq va topishmoqlardan foydalanish (2-soat)

O’zbek xalq dostonlaridan boshlang’ich sinflarda foydalanish imkoniyatlari.

O’zbek xalq qo’shiqlari va topishmoqlaridan tarbiyaviy ishlarda foydalanishning o’rnini va ahamiyatini.

5-mavzu: Boshlang’ich sinflarda ertak , rivoyat, maqol va tez aytishlardan foydalanish (2-soat)

Ertaklardan tarbiyaviy ishlarda foydalanish. Hikoyat va rivoyatlar muhim tarbiyaviy manba. Maqollarning tarbiyaviy imkoniyatlari. Tez aytishlardan 1-4

sinflarda foydalanish imkoniyatlari.

6-mavzu: Tarbiyaviy ishlarda o'zbek xalq o'yinlaridan foydalanish metodikasini (2-soat)

O'zbek xalq o'yinlari va ularning bola tarbiyasidagi ahamiyati. O'zbek xalq o'yinlaridan tarbiya ishlarida foydalanish shakl va usullari. O'zbek xalq o'yinlari o'quvchilarni jismoniy tarviyalovchi asosiy vosita.

7-mavzu: O'zbek milliy an'analarning tarbiyaviy ahamiyati va boshlang'ich sinflarda foydalanish imkoniyatlari. (2-soat)

An'analarning mazmuni va mohiyati. Oilaviy an'analar, ularning ko'rinishlari, bola tarbiyasidagi ahamiyati. Milliy urf-odatlarning tarbiyaviy ahamiyati. An'analar va milliy urf-odatlardan tarbiyaviy ishlarda foydalanish.

8-Mavzu: Qadimgi yozma bitiklarning tarbiyaviy imkoniyatlaridan foydalanish (2-soat)

"Avesto" muqaddas kitobining bujudga kelishi va unda insonparvarlik g'oyalarining ulug'lanishi. Urxun-Enasoy yozuvni yodgorliklarida vatanparvarlik g'oyalarining ulug'lanishi. Qadimgi yozma bitiklarning tarbiyaviy imkoniyatlaridan foydalanishning ahamiyati.

9-mavzu: Tarbiya ishlarida islomiy-axloqiy merosidan foydalanish (4-soat)

Islomiy axloqiy merosning vujudga kelishi. Hadislarning tarbiyaviy imkoniyatlari. Imom Buxoriy va at-Termiziy hadislaridan tarbiya ishida foydalanish. Kubraviy, Yassaviy va Naqshband tariqatlari, ularning tarbiyaviy imkoniyatlari.

10-mavzu: IX-XI-asrlardan yaratilgan didaktik asarlardan tarbiyaviy ishlarda foydalanish (4-soat)

Al-Xorazmiy va Beruniy merosidan tarbiyaviy ishlarda foydalanish. A.N.Farobi hikmatlarining tarbiyaviy imkoniyatlari.

Tarbiyaviy ishda Abu Ali ibn Sino merosidan foydalanish.

11-mavzu: O'rta asr donishmandlarining pedagogic merosidan tarbiyaviy ishlarda foydalanish (4-soat)

Amir Temurning axloq odob to'g'risidagi o'gitlari va tarbiyaviy imkoniyatlari. Ulug'bek merosidan tarbiyabiy ishlarda foydalanish.

Z.M.Boburning nazmiy asarlari tarbiya manbai

12-mavzu: Sharq klassiklarining asarlaridan boshlang'ich sinflarda foydalanish imkoniyatlari (2-soat)

Kaykovusning “Qobusnoma” asarining tarbiyaviy ahamiyati. Sa'diy Sheroziyning Guliston asari va uning tarbiyaviy imkoniyatlari
Tarbiyaviy ishlarda Amir Xisrav Dehlaviy she'riyatidan foydalanish imkoniyatlari

13-mavzu: Yangi usul maktabi tarafdarlarining didaktik merosi vositasida o'quvchilarni tarbiyalash imkoniyatlari (2-soat)

Tarbiyaviy ishda Behbudiy merosidan foydalanish, “Padarko'sh” asarining tarbiyaviy ahamiyati. A.Avloniy pedagogik merosining muhim tarbiyaviy imkoniyatlari. “Turkiy Guliston” – muhim tarbiya vositasi

14-mavzu: Tarbiyaviy ishlar jarayonida o'quvchilarda davlat ramzlariga nisbatan milliy g'ururni tarbiyalash. (2-soat)

O'zbekiston Respublikasi davlat madhiyasining qabul qilinishi. O'zbekiston Respublikasi davlat bayrog'I va gerbining qabul qilinishi. Sinfdan tashqari ishlar jarayonida davlat ramzlariga nisbatan milliy g'ururni tarbiyalash.

15-mavzu: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi o'quvchilarga tarbiyaviy ishlar jarayonida huquqiy tarbiy berishning negizi sifatida (2-soat)

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qabul qilinishi.
Konstitutsiyada bolalar huquqlarining himoya qilinishi. Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari jarayonda huquqiy tarbiya berish yo'llari.

16-mavzu. Sinf rahbarining tarbiyaviy ishlarini tashkil etish metodikasi kursi predmeti, maqsadi va vazifalari (2-soat)

Bo'limning maqsadi, sinf rahbari shaxsiga qo'yilgan talablar. Sinf rahbarining ish rejasi, tarbiyachilik faoliyati.

Sinf rahbarining ota-onalar bilan olib boradigan ishlari

17-mavzu: Maktabdagagi tarbiyabiy ishlar tizimida sinf rahbarining faoliyatini tashkil etish metodikasi (2-soat)

Sinf rahbarining asosiy vazifalari. Sinf rahbari yuritadigan hujjatlar: sinf jurnalni, o'quvchilarning kundaliklari, tabellar...).

Sinf jamoasini tashkil metodikasi.

18-mavzu: Sinf rahbari tarbiyaviy faoliyatini samaradorligini oshirish shart sharoitlari (2-soat)

Sinf rahbari o'quvchilarning ma'nabiv-axloqiy tarbiyachisi, bu borada unga qo'yilgan talablar.

Sinf rahbari o'quvchilarning ma'nabiv-axloqiy tarbiyalashning vazifalari.

19-mavzu: Sinf rahbarining o'quvchilarni o'rganish metodikasi (2-soat)

O'quvchilarni individual o'rganish. Sinf jamoasini organish.

O'quvchilarni oilada o'rganis. O'quvchilarni turli xil metodlar yordamida o'rganish.

20-mavzu: O'quvchilarni pedagogic kuzatish (2-soat)

O'quvchilar hayoti va faoliyatini kuzatish. O'quvchilar mehnatini ilmiy tashkil etish, uning asosiy talablari. O'quvchilarni reja tuzishga o'rgatish.

21-mavzu: Sinf jamoasini tashkil etish va uni tarbiyalash metodikasi (2-soat)

Sinf rahbari sinf jamoasini shakllantiruvchi shaxs. Sinf jamoasini tashkil etishda foydalananiladigan usullar.

Sinf jamoasini tarbiyalashda ota-onalarning o'rni.

22-mavzu: Shaxsga jamoaviy tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishning shakl va metodlari (2-soat)

Shaxsning shakllanishida oila muhiti, kollektiv, jamiyatning o'rni.

Bola shaxsining rivojlanishida irsiyat, muhit va tarbiyaning roli. O'rta Osiyo mutafakkirlari: Farobiy, Ibn Sino, Alisher Navoiylarning shaxs tarbiyasi haqidagi fikrlari.

23-mavzu: O'quvchilar bilim sifatini oshirish va sinfda intizomni mustahkamlash (2-soat)

O'quvchilar bilish faolligini oshirishda sinf rahbarining vazifalari. O'quvchilar bilish faoliyatini takomillashtirish yo'llari.

Tarbiya jarayonini tashkil etishda o'quvchilarning ishonchini qozonish.

24-mavzu: O'quvchilarda intizomlilikni tarbiyalashning usul va metodlari (2-soat)

O'quvchilarda intizomlilikni tarbiyalashda sinf rahbarining maqsadi va vazifalari. Har bir o'quvchining bilimdonligi va ijodiy imkoniyatlarini aniqlash. Intizomlilikni tarbiyalashda no'anana viy dars turlaridan foydalanish.

25-mavzu: O'quvchilarning o'quv faoliyati samaradorligini oshrish borasida sinf rahbari olib boradigan ishlar (2-soat)

Sinf rahbari o'quv faoliyati jarayonida bilishga qiziqishni uyg'otib borishi. O'quv mehnati va dam olishni to'g'ri yo'lga qo'yish. O'quv mehnati madaniyatini oshirish.

26-mavzu: Maktab o'quvchilari shaxsini har tomonlama kamol toptirish (2-soat)

Shaxs kamolotiga ta'sir etuvchi omillar. Maktab o'quvchisi shaxsini tarbiyalashda tarbiyaning etakchilik roli.O'quvchi shaxsini kamolga etkazishda faoliyatni to'g'ri tashkil etish.

27-mavzu: Sinf rahbarining oila va jamoatchilik bilan olib boradigan ishlari (2-soat)

Sinf rahbarining yosh ota-onalar bilan olib boradigan ishlari. Yosh ota-onalarning vazifalari, bиринчи ota-onalar majlisini tashkil qilish metodikasi. Ota-onalarga pedagogik bilim berish shakl va rejalar. Ota-onalar uchun ma'ruza.

28-mavzu: Sinf rahbari ishini rejalashtirish va hisobga olish (2-soat)

Sinf rahbari isini rejalashtirish, uning o'ziga xos xususiyatlari. Sinf rahbarining istiqbolli rejalar, uning manbalari. Sinf rahbari ish rejasining asosiy bo'llimlari va mazmuni.

29-mavzu: Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar kursining predmeti, maqsadi va vazifalari (2-soat)

Tarbiyaviy ishlarning asosiy yo'naliishlari, maqsadi va vazifalari. Tarbiyaning asosiy tizimi. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar mazmuni, shakl va uslublari.

30-mavzu: Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni tashkil qilishning ilmiy va nazariy asoslari (2-soat)

Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar jarayonida tugaraklarning

turlari. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar jarayonida qo'llaniladigan ish usullari: og'zaki ish usullari, amaliy ish usullari, ko'rgazmali ish usullari. Sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlarning forma va metodlari.

Maktabdan tashqari ishlar.

31-mavzu: Tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish va unga qo'yilgan pedagogik talablar (2-soat)

Tarbiyaviy ishlarni rejalashtirishning asosiy omillari. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining darsdan tashqari faoliyatini hejalashtirishning o'ziga xos qoidalari.

Tarbiyaviy tadbirlarni rejalashtirish.

32-mayzu: Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni tashkil qilishda tashkilotchining ish metodikasi (2-soat)

Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni tashkil qiluvchining vazifalari. Maktabdan tashqari faoliyat ish usullari: og'zaki, amaliy ish usullari "Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar" konsepsiyasida ko'zda tutilgan maqsadlar.

33-mavzu: Sinfdan va maktabdan tashqari ishiarni tashkil qilishda tashkilotchi shaxsiga bo'lgan talablar (2-soat)

Direktor o'rinnbosarining ma'naviy-ma'rifiy ishlari. Direktor o'rinnbosarining huquqlari. Direktor o'rinnbosarining asosiy vazifalari.

34-mavzu: Tashkilotchining o'quvchilar jamoasi bilan hamkorlikda ish olib borish metodikasi (2-soat)

Bolalar jamoasining rivojlanish. A.C.Makarenkoning jamoada shakllangan belgilar haqidagi fikrlari. Jamoa an'analari: kundalik va bayram an'analari.

35-mavzu: Tashkilotchi va o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarish ishlarining metodikasi (2-soat)

Maktabda o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarishi. Maktablarda o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarishga imkoniyat yaratish, oquvchilarning tashabbuskorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash.

36-mavzu: Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish metodirasi

Rejalashtirishga qo'yiladigan talablar. Rejalashtirishda nazarda tutiladigan masalalar. Maktab o'quvchilari uchun sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlar yuzasidan namunaviy ish reja tuzish.

37-mavzu: Tashkilotchining oila va jamoatchilik bilan hamkorlikdagi tarbiyaviy ishlar metodirasi (2-soat)

Sinfdan va maktabdan tashqari ishlar jarayonida tugaraklarning o'rni. Sinfdan va maktabdan tashqari ishlar tashkilotchisining vazifalari. Sinfdan va maktabdan tashqari ishlarni yo'lga qo'yishda oila, maktab, mahalla hamkorligi

38-mavzu: "Kamalak" bolalar uyushmasining tarbiyaviy imkoniyatlaridan foydalanish (2-soat)

Bolalar va o'smirlar uyushmasining vujudga kelishi. Kamalak bolalar uyushmasining vazifalari, maqsadi. Uyushma atrofiga bolalarni jalg etish.

39-mavzu: "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakatining tarbiyaviy imkoniyatlaridan o'quvchilarni tarbiyalashda foydalanish (2-soat)

''Kamolot'' YOIX maqsadi va vazifalari. ''Kamolot'' YOIXning dasturi va nizomi. Ijtimoiy harakatning tarbiyaviy imkoniyatlaridan boshlang'ich o'quvchilari faoliyatini tashkil etishda foydalanish.

40-mavzu: Sinf rahbarining pedagogik texnikisi va mahorati (2-soat)

Tarbiyachining pedagogic texnikasi, pedagogik texnikaning tarkibiy qismlari. Pedagogik mahorat asoslari. Mashhur rus pedagoglarining pedagogik mahorat haqidagi qarashlari(Yu. P. A'zarov, A.S.Makarenko)
Tarbiyachi pedagogning nutqsiz munosabati

41-mavzu: Sinf rahbarining pedagogik faoliyati va kasbiy sifatlari (2-soat)

O'qituvchining pedagogik qobiliyati. Qobiliyatning turkumlari: tashkiliy, didaktikaga oid, perceptiv, kommunikativ... Pedagogning kasbiy nazokati.
Tarbiyada muomalaning roli.

42-mavzu: Tarbiyaviy ishlarda o'qish darsining o'rni (2-soat)

Boshlang'ich ta'lim standartida o'qish darsiga qo'yilgan talablar. O'qish darsining tarbiyaviy imkoniyatlarini oshirishda milliy qadriyatlarning o'rni. O'qish darslarida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish.

43-mavzu: Odobnoma darslari muhim tarbiya vositasi (2-soat)

Odobnoma darsiga boshlang'ich ta'lif standartlarida qo'yilgan talablar. Odobnoma darsining mazmuni , maqsad va vazifalari. Odobnoma darslarini turmush bilan bog'lab olib borish.

44-mavzu: Sinf tarbiyaviy ishlarda ko'rik tanlovlarni tashkil qilish va o'tkazish metodikasi (2-soat)

Ko'rik tanlovlardan ko'zda tutilgan maqsad va vazifalar. Ko'rik tanlovnin tashkil etish tartibi.Ko'rik tanlov dasturi va ishlanmalardan namunalar.

45-mavzu: Sinf tarbiyaviy soatlarini tashkil etish metodikasi. (2-soat)

Sinf tarbiyaviy soatlarining maqsad va vazifalari. Tarbiyaviy soatlarini tashkil qilish yo'llari. Tarbiyaviy soatlarni o'tkazish tartibi va davomiyligi.

46-mavzu: Mustaqil O'zbekiston bayramlari munosabati bilan tashkil etiladigan ertaliklar. (2-soat)

Ertaliklarni tashkil etish metodikasi. Mustaqil O'zbekiston bayramlari yuzasidan tashkil etiladigan ertaliklar: Bilimlar kuni, Alifbe bayrami, 8-mart, Navro'z , so'ngi qo'ng'iroq. Mustaqillik bayrami ertaligining tarbiyaviy tomonlari.

47-mavzu: Tarbiyaviy mavzudagi suhbatlar o'tkazish (2-soat)

Axloqiy mavzudagi suhbatlarni tashkil etish. Tarbiyaviy mavzudagi suhbatlarni o'tkazish metodikasi. Suhbatlarning namunaviy mavzulari va o'tkazilgan suhbatlardan namunalar.

48-mavzu: Kitob ko'rgazmalarini tashkil qilish va o'tkazish (2-soat)

O'quvchilarning mutolaasini o'rganish va rahbarlik qilish. Kitob ko'rgazma turlari yo'naliishlari. Kitob ko'rgazmalarini o'tkazishga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish.

49-mavzu: Tarbiyaviy ishda fan va ishlab chiqarish ilg'orlari bilan uchrashuvlar o'tkazish (2-soat)

Fan va ishlab chiqarish ilg'orlari bilan uchrashuvlar mazmuni, maqsad va vazifalari.Uchrashuvlarni dasturi va rejalarini tuzish.Uchrashuvlarni tashkil qilish va o'tkazish, ulardan namunalar.

50-mavzu: Boshlang'ich sinflarda sayohatlarni tashkil qilish va o'tkazish (2-soat)

Sayohatni tashkil qilishning maqsad va vazifasi. Sayohatlarni o'tkazish metodikasi. Sayohatlar orqali bolalarda ijobiy sifatlarni tarbiyalab borish.

Fanni o'qitishdagi yangi pedagogik texnologiyalar

Tarbiyaviy ishlar metodikasi kursini o'qitish jarayonida zamonaviy o'quv texnika aparaturalardan, kompyuterdan foydalanish mumkin. Ilg'or o'qituvchilar bilan uchrashuvlar o'tkazish va bevosita ta'lif va tarbiya jarayonida ular faoliyatini kuzatish lozim. Har bir mavzuga oid muommoli vaziyatlar yechimini topish, virtual kutubxona fondidan foydalanishga talabalarni jalb etish bilimlarni chuqur egallashga yordam beradi. Talabalar bilimini nazorat qilish va baholashda test, yozma ishlar, kolokvium kabi nazorat shakllaridan foydalanish bilim olishga bo'lgan qiziqishni oshiradi.

O'quv materiallar tarkibi

Fan bo'yicha o'quv mashg'ulotlari va ular uchun ajratilgan vaqt

O'quv semestri	Ma'ruza	Seminar	Laboratoriya	Amaliy ishlar	Must. ishlar	Jami
V-VIII						

Fanning asosiy maqsad va vazifalari

Tarbiyaviy ishlar metodikasi fanining asosiy maqsadi ta'lif va tarbiyaning uzluksizligini ta'minlash, sinfdan va maktabdan tashqari ishlarning samaradorligini oshirish yo'llarini izlash, o'quvchilarning darsda olgan bilimlarini mustahkamlash, sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlar jarayonida milliy qadriyatlardan foydalanishning ustunligini ta'minlash, namunali sinf jamoasini yetishtirib chiqarish va boshqalar.

Fanning asosiy bo'limlari va ularda o'rganiladigan muammolar

Tarbiyaviy ishlar metodikasi to'rt bo'limdan iborat bo'lib, birinchi bo'lim tarbiyaviy ishlar metodikasining nazariy-metodologik asoslari haqida.Ikkinchi bo'limda tarbiyaviy ishlar metodikasining o'qituvchi faoliyatida tutgan o'rni haqida ma'lumot beradi. Uchinchi bo'lim sinfdan tashqari mashg'ulotlarning turlari haqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. To'rtinchi bo'lim tarbiyaviy ishlar jarayonida sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlarni takomillashtirish metodikasi va shart sharoitlari haqidadir.

Fanning boshqa fanlar bilan aloqasi

Tarbiyaviy ishlar metodikasi fani yakka holda mukammallikka erisha olmaydi.U pedagogika, psixologiya, etika, falsafa, estitika, mantiq, sosiologiya, madaniyatshunoslik, ma'naviyat asoslari fanlari bilan chambarchas bog'liq.

Fan bo'yicha talabalar bilimini nazorat qilish

Fan bo'yicha talabalarning bilimi O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan belgilangan amaldagi reyting usulida nazorat qilib boriladi.

Maksimal ball – 100 ball

Saralash ball - 55 ball

Joriy nazorat (50%)

Nº	Nazorat turi	Nazorat soni	Bir nazorat uchun ball	To'plangan ball
1	Mashg'ulotlardagi faolligi uchun			
2	Og'zaki javob (seminar)			
3	Amaliy tajriba ishlari			
4	Davomat			
5	Mustaqil ta'lim a) Referat b) ma'ruza matnini qayta ishlash			
	Jami			50

Oraliq nazorat (35%)

Nº	Nazorat turi	Nazorat soni	Bir nazorat uchun ball	To'plangan ball
1	Yozma ish yoki topshirig'i			
2	Mustaqil ta'lif a) asarlar tahlili			
	Jami			

Yakuniy nazorat (15%)

Nº	Nazorat turi	Nazorat soni	Bir nazorat uchun ball	To'plangan ball
1	Oq'zaki yoki yozma ish			
2	Mustaqil ta'lif			
	Jami			

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН ОРАЛИҚ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўқувчиларга тарбия бериш методларини изоҳланг.
2. Тарбиявий соат машғулотларининг асосий хусусиятлари ҳақида.
3. Тўғараклар ташкил қилишда, директор ўринбосари вазифаси ҳақида
4. Кичик ёшдаги ўқувчиларни оиласидаги ва мактабдаги меҳнат тарбиясининг боғлиқлиги.
5. Эрталик байрамларини ташкил этиш усуллари.
6. Ўқувчиларга тарбия бериш усулларини изоҳланг.
7. Синф раҳбарининг мактаб жамоаси билан алоқаси.
8. Тарбия жараёнида тадбирларнинг аҳамияти.
9. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар мазмуни.
10. Синф раҳбарининг педагогик жамоада тутган ўрни.
11. Синф раҳбарининг ота-оналар билан алоқаси.
12. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла мактаб ҳамкорлигини амалга ошириш усуллари.
 1. Тарбиявий ишлар жараёнида ҳалқ оғзаки ижодидан фойдаланишининг аҳамияти.
 2. Ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссиётини тарбиялаш усуллари.
 3. Синф мажлисини ташкил этиш усуллари.
 4. Синф жамоасини ташкил этиш усуллари.
 5. Синф раҳбарини ташкил этиш методикаси.
 6. Шахсга жамоа билан тарбиявий таъсир қўрсатиш усулини изоҳланг.
 7. Синф жамоаси билан умум мактаб жамоасининг ҳамкорлик ишлари ҳақида.
 8. Ўқувчи шахсининг ривожланишида тарбия усулларини қўллаш.
 1. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш методикаси.
 2. Мактабда тарбиявий ишларни режалаштириш ҳақида.
 3. Жамоани ташкил қилиш методикаси.
 4. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбия асослари.
 5. Синф тарбиявий соатларини ташкил этиш.
 6. Синф раҳбарини ишини режалаштириш.
 7. Бошланғич синф ўқувчиси билан ўқитувчининг муомиласи.
 8. Ҳалқ ривоятларида тарбия ҳақида.
 9. Синф раҳбарининг ўқувчи ота-оналари билан олиб борадиган тарбиявий ишлари ҳақида.
 10. Ислом динида одоб-аҳлоқ тарбияси ҳақида.

1. Ўқувчиларни тарбиялашда жамоанинг роли.
 2. Синф раҳбарининг синф жамоасини жипслаштиришдаги роли.
 3. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбия асосларини изоҳланг.
 4. Тарбиявий тадбирлар режасини тузилиши.
 5. Мактабдаги тарбиявий ишларда синф раҳбарининг фаолияти.
 6. Халқ оғзаки ижодиётида меҳр-шавқат тарбияси ҳақида.
 7. И.А.Каримовнинг «Ватанинни севмоқ иймондандир» асарида шахс тарбияси.
 8. Мактабда маданият ва маърифатнинг боғлиқлигини изоҳланг.
 9. Ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссиётини тарбиялаш усуллари.
 10. Болалар тарбиясида миллий қадриятларимизнинг тиклашнинг аҳамияти ҳақида.
-
1. Синф раҳбарининг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш усуллари.
 2. Синф раҳбари ва мактаб жамоаси ҳақида.
 3. Мактабдаги тарбия жараённан муомала, муносабат одобини изоҳланг.
 4. Таълим тизими ва уни мактаб ўқувчиларида жорий этилишини изоҳланг.
 5. Жамоанинг ривожланиш босқичлари ҳақида.
 6. Синфдан ташқари ишларнинг ташкил этиш усуллари ҳақида.
 7. А.Авлонийнинг аҳлоқий тарбия ҳақидаги фикрларини изоҳланг.
 8. Синф раҳбарининг юксак маънавий камолати ҳақида.
 9. Тарбия жараённан ўқувчиларга тежамкорлик тушунчаларини сингдиришни изоҳланг.
 10. Мактаб директори ўринбосарининг ишларида аҳлоқий тарбияни ташкил этишни изоҳланг.

TARBIYAVIY ISHLAR METODIKASI FANIDAN TESTLAR

1. Tarbiyaviy ish metodikasi fanining tadqiqot ob‘ekti nimadan iborat?
A.Ta‘lim jarayoni
***B. Uzluksiz ta‘lim-tarbiya jarayoni**
C. Tarbiya jarayoni
D. Shaxs tarbiyasi

2. Tarbiyaviy ish metodikasi fani qaysi fanlar bilan aloqador?
***A. Pedagogika, etika, sotsiologiya, psixologiya, falsafa, madaniyatshunoslik, ma‘naviyat asoslari.**
B. Tarbiya nazariyasi, falsafa, etika, matematika.
C. Tabiiy fanlar, gumanitar fanlar
D. Iqtisodiy fanlar

3. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy tadbirlarni kim tashkil qiladi?
A. Sinf rahbari
B. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlар tashkilotchisi
C. Tarbiya muassasasi rahbari
***D. Hamma javoblar to’g’ri.**

4. Maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlар qanday muassasalarda tashkil etiladi?
A. Sport majmularida
B. O’quvchilar saroylarida
C. Maktadagi to’garaklarda
***D. A va V javoblar to’g’ri**

5. Tarbiyaviy ish jarayonida qaysi ish usullaridan foydalilanildi?
A. Ertaliklar, majlislar, to’garaklar
B. Ommaviy va yakka ish usullari
***C. Og’zaki ish usullari, amaliy ish usullari, ko’rgazmali ish usullari**
D. Hamma javoblar to’g’ri

6. Tarbiyaviy ish jarayonida amalga oshirildadigan sayohatlar, olimpiada va to’garaklar qaysi ish usuliga kiradi?
***A. Amaliy**
B. Og’zaki
C. Ko’rgazmali
D. To’g’ri javob yo’q

7. Tarbiyaviy ish jarayonida amalga oshirildadigan ertaliklar, kitobxonalar konferentsiyalari, munozaralar qaysi ish usuliga tegishli?

- *A. Og'zaki
- B. Amaliy
- C. Ko'rgazmali
- D. To'g'ri javob yo'q

8. Maktab muzeylari, kitoblar ko'rgazmasi tashkil etish qaysi ish usuliga taalluqli?

- A. Og'zaki
- B. Amaliy
- *C. Ko'rgazmali
- D. To'g'ri javob yo'q

9. Tarbiyaviy ish metodikasi fanining tadqiqot predmeti nima?

- A. Shaxs va tarbiya jarayoni
- *B. Tarbiya jarayonini tashkil etuvchi, bilim va tarbiya beruvchilar hamda uni o'ziga qabul qiluvchilar o'rtaсидagi pedagogik munosabatdir.
- C. Ta'lim-tarbiya jarayoni
- D. O'qituvchi, o'quvchi.

10. Tarbiya jarayonining asosiy maqsadi nimadan iborat?

- A. Shaxs tarbiyasi
- B. O'quvchi tarbiyasi
- *C. Har jihatdan barkamol shaxsni shakllantirish
- D. To'g'ri javob yo'q.

11. Tarbiya metodlarini ko'rsating.

- A. Ijtimoiy hulq tajribasini shakllantirish metodlari
- B. Ijtimoiy ongni shakllantirish metodlari
- C. O'z-o'zini tarbiyalash, jazolash va rag'batlantirish metodlari.
- *D. Hamma javoblar to'g'ri.

12. Suhbat va hikoya metodlari tarbiya metodlarinig qaysi guruhiga tegishli?

- A. Ijtimoiy hulq tajribasini shakllantirish metodlari
- *B. Ijtimoiy ongni shakllantirish metodlari
- C. O'z-o'zini tarbiyalash, jazolash va rag'batlantirish metodlari.
- D. To'g'ri javob yo'q.

13. Mashq qildirish metodi tarbiya metodlarining qaysi guruhiga tegishli?

- *A. Ijtimoiy hulq tajribasini shakllantirish metodlari
- B. Ijtimoiy ongni shakllantirish metodlari
- C. O'z-o'zini tarbiyalash, jazolash va rag'batlantirish metodlari.
- D. To'g'ri javob yo'q.

14. Tanbeh berish va ogohlantirish metodlari tarbiya metodlarining qaysi guruhiga

tegishli?

- A. Ijtimoiy hulq tajribasini shakllantirish metodlari
- B. Ijtimoiy ongni shakllantirish metodlari
- *C. Jazolash metodlari.
- D. To'g'ri javob yo'q.

15. Namuna qilib ko'rsatish metodi tarbiya metodlarining qaysi guruhiga tegishli?

- A. Ijtimoiy hulq tajribasini shakllantirish metodlari
- B. Ijtimoiy ongni shakllantirish metodlari
- *C. Rag'batlantirish metodlari.
- D. To'g'ri javob yo'q.

16. O'z-o'ziga baho berish tarbiya metodlarinig qaysi guruhiga tegishli?

- A. Ijtimoiy hulq tajribasini shakllantirish metodlari
- B. Ijtimoiy ongni shakllantirish metodlari
- C. A va V javoblar to'g'ri.
- *D. O'z-o'zini tarbiyalash metodlari.

18. Tarbiyachining bolaga bo'lgan barcha talablari nechta guruhga ajratiladi?

- A. Bir guruhga
- B. Ikki guruhga
- *C. Uch guruhga
- D. To'rt guruhga

17. Shaxs shakllanishiga ta'sir etuvchi omillar qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?

- *A. Irsiyat, ijtimoiy muhit, ta'lim-tarbiya.
- B. Ota-onalik, muktab, jamoatchilik.
- C. Pedagogik jamov, ota-onalik.
- D. A va S javoblar to'g'ri.

19. Pedagogning tarbiyalanuvchilarga nutqsiz munosabati turlarini ko'rsating.

- A. His-hayajonni ifodalaydigan harakatlar
- B. Prosadika va ekstrolingvistika
- C. Takesika va proksemika
- *D. Hamma javoblar to'g'ri

20. Tarbiyaviy ish metodikasi fani nimani o'rghanadi?

- A. Ta'lim usullarini
- *B. Ta'lim-tarbiya ishlarini amalga oshirish va o'quvchilarga tarbiyaviy ta'sir etish usullarnini
- C. Axloqiy tarbiyani
- D. Mehnat tarbiyasini

21. Tarbiya maqsadlarini amalga oshirishda qanday tamoyillarga amal qilinadi?
- A. Ta‘lim va tarbiyaning ustuvorligi va uzlusizligi
 - B. Ta‘lim va tarbiyaning birligi, dunyoviyligi va jahon andozalari darajasiga ko‘tarish
 - C. Ustoz-shogirdlik munosabatlarini va maktab, oila, jamoatchilik hamkorligini amalga oshirish
 - *D. Hamma javoblar to‘g’ri
22. Ta‘lim-tarbiya tizimini demokratlashtirish nimani anglatadi?
- *A. Ta‘lim-tarbiya jarayonini har qanday buyruqbozlikdan xoli ravishda o’zaro hamkorlik, do’stona munosabat va erkinlik asosida tashkil etish.
 - B. So’z erkinligi
 - C. O’quvchilar erkinligi
 - D. To‘g’ri javob yo’q
23. Ta‘lim-tarbiya jarayonini insonparvarlashtirish nimani anglatadi?
- A. Inson shaxsini ulug’lash
 - B. Inson erkinligi
 - *C. Ta‘lim-tarbiya jarayonining ishtirokchilari shaxsini hurmat qilish, barcha harakatlarni ular kelajagi va baxt-saodatiga qaratish.
 - D. V va S javoblar to‘g’ri
24. Insonparvarlik tushunchasi qanday ma‘noni anglatadi?
- *A. Inson shaxsini hurmat qilish, uning baxt-saodatini ta‘sinlashga intilish.
 - B. Inson erkinligi
 - C. So’z erkinligi
 - D. Insonni ulug’lash
25. Demokratiya tushunchasi qanday ma‘noni anglatadi?
- A. «Erkinlik»
 - B. «Ozodlik»
 - C. «So’z erkinligi»
 - *D. «Xalq hokimiyyati» tushunchasini
26. Ta‘lim-tarbiyaga uzlusiz tizim sifatida qarash nimani anglatadi?
- A. Ta‘lim tizimini
 - *B. Ta‘lim-tarbiya jarayonining bir-biri bilan mantiqiy bog’liq va davomiy qismlardan iboratligidir.
 - C. Ta‘limning uzlusizligini
 - D. Tarbiya uzlusizligini
27. Tarbiya jarayonidagi pedagog mahorati deganda nimani tushunasiz?
- A. Tarbiya bera olish

B. Axloqiy tarbiyalay olish

*C. Tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchilar va hamkorlar bilan til topisha olish hamda tarbiya usullarini mukammal egallash.

D. Mehnat qilishga o'rgata olish

28. O'qituvchi mahoratining tarkibiy qismlarini ayting.

*A. Kasbiy bilim va pedagogik qobiliyat

B. Mehnat va malaka

C. Bilim, ko'nikma, malaka

D. Ta'lim-tarbiya

29. Tarbiya jarayonidagi pedagogik texnika tarkibiy qismlarini ko'rsating.

A. Pedagogik mahorat, mimika

B. Mimika va pantomimika

C. Nutq madaniyati va so'zlashuv odobi

*D. Nutq madaniyati, mimika va pantomimika, o'qituvchining hissiy holati.

30. Tarbiya jarayonida o'qituvchi qanday mimik holatlardan foydalanishi mumkin?

*A. Iljayish, tasdiqlash, qovoq uyish, qosh chimirish va h.k.

B. Erkalash, ogohlantirish

C. Maqtov va qoralash

D. Nasihat va o'git

31. Tarbiya jarayonida o'qituvchi tushkunlik kayfiyatini o'quvchilardan yashira oldi. Bu pedagogik ta'sirning qaysi turiga tegishli?

A. Pedagogik qobiliyat

*B. Pedagogik takt

C. Nutq madaniyati

D. So'zlashuv odabi

32. O'qituvchining nutq madaniyati pedagogik mahoratning qaysi tarkibiy qismiga tegishli?

A. Pedagogik qobiliyatga

*B. Pedagogik texnikaga

C. Pedagogik taktikaga

D. Tarbiya usullariga

33. O'qituvchi o'quvchi bilan shaxsiy munosabat o'rnatayotganda oraliq masofa qancha bo'lishi lozim?

*A. 45 sm dan 120 sm gacha.

B. 120 sm dan 400 sm gacha.

C. 400 sm dan 750 sm gacha.

D. 750 sm dan 1000 sm gacha.

34. O'qituvchi o'quvchi bilan rasmiy munosabat o'rnatayotganda oraliq masofa qancha bo'lishi lozim?
- A. 45 sm dan 120 sm gacha.
*B. 120 sm dan 400 sm gacha.
C. 400 sm dan 750 sm gacha.
D. 750 sm dan 1000 sm gacha.
35. Ommaviy munosabatda o'qituvchi va omma orasidagi masofa qancha bo'lishi lozim?
- A. A. 45 sm dan 120 sm gacha.
B. 120 sm dan 400 sm gacha.
*C. 400 sm dan 750 sm gacha.
D. 750 sm dan 1000 sm gacha.
36. Quyidagi pedagogik malakalar majmui pedagogik texnikaning qaysi tarkibiy qismiga tegishli: «Jiddiylik darajasi, xayriyohlik kayfiyatini saqlash, umidbaxshlik»?
- A. Nutq madaniyati.
B. Mimika, pantomimika.
*C. O'qituvchining hissiy holati.
D. Hamma javoblar to'g'ri.
37. Quyidagi fikr qaysi mashhur pedagogning qalamiga mansub: «Tarbiyachi tashkil etishni, ish yuritishni, hazillashishni, quvnoq, jahldor bo'lishni bilishi lozim, u o'zini shunday tutishi kerakki, uning har bir harakati tarbiyalasin»?
- A. Abdulla Avloniy.
*B. A.S.Makarenko.
C. Mishel Monten.
D. Ya.A.Komenskiy.
38. Pedagogik mahoratning shakllanish bosqichlari qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?
- A. Boshlang'ich, o'rta va yuqori.
*B. Reproaktivlik, ijodiylik, ijodiy-novatorlik.
C. Past, o'rta va yuqori.
D. Hamma javoblar to'g'ri.
39. O'qituvchining o'quvchilarga kommunikativ ta'sir etish usullarini ko'rsating.
- A. Muloqot va muomala
B. So'zlashuv
*C. Ishontirish va singdirish

D. Tajriba almashinuv

40. Quyidagi belgilarga ega jamoa shakllanishning qaysi bosqichida: «Pedagogning talablari faollarning jamoaga bildiradigan talablari bilan qo'shiladi. Pedagog fappardan barcha o'quvchilarni ijtimoiy qimmatla faoliyatga jalg etish vositasi sifatida foydalanadi. Faollar jamoa a'zolariga topshiriqlar berada, ularning bajarilishini nazorat qiladi va talab qiladi».

- A. Birinchi bosqichida
- *B. Ikkinci bosqichida.
- C. Uchinchi bosqichida.
- D. To'rtinci bosqichida.

41. Quyidagi belgilarga ega jamoa shakllanishning qaysi bosqichida: «Pedagogning kuch-g'ayrati natijasida sinfda o'rnatilgan muayyan darajadagi tartib-intizom mavjud. O'quvchilarning uncha katta bo'limgan qismi o'qituvchining fikrinni qo'llab-quvvatlaydi. Sinf faollari faoliyati to'liq yo'lga qo'yilmagan».

- *A. Birinchi bosqichida
- B. Ikkinci bosqichida.
- C. Uchinchi bosqichida.
- D. To'rtinci bosqichida.

42. Quyidagi belgilarga ega jamoa shakllanishning qaysi bosqichida: «Jamo o'z-o'zini boshqarishga o'tgan. O'zaro munosabatlar axloqiy qimmatga ega. Bunday jamoada pedagogning talablari jamoa a'zolarining bir-biriga bo'lgan talablari bilan uyg'unlashadi».

- A. Birinchi bosqichida
- B. Ikkinci bosqichida.
- *C. Uchinchi bosqichida.
- D. To'rtinci bosqichida.

43. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ish tashkilotchisining vazifalari nimalardan iborat?

- A. Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish, sinf faollari va pedagogik jamoa yordamida ishni yo'lga qo'yish va amalga oshirishni nazorat qilish.
- B. Tarbiyaviy ishlarga bevosita rahbarlik qilgan holda hamkorlarga uslubiy yordam ko'rsatish
- C. Tarbiyaviy ish jarayonida jamoatchilik kuchidan foydalanish va muhim tadbirlarda qatnashish.
- *D. Hamma javoblar to'g'ri.

44. O'qituvchining jamoa bilan muloqot shakllari qaysi qatorda to'g'ri

ko'rsatilgan?

- *A. Passiv-ijobiy, faol-ijobiy, o'zgaruvchan.
- B. Doimiy, o'zgaruvchan.
- C. Jamoaviy va yakka.
- D. B va C javoblar to'g'ri.

45. Jamoa a'zolarini nima birlashtiradi?

- A. Tengdoshlik xususiyatlari
- B. Tartib-intizom
- *C. Yagona maqsad
- D. To'g'ri javob yo'q.

46. Pedagogik mahoratni oshirish yo'llarini ko'rsating

- A. Badiiy asarlar o'qish orqali
- B. Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish orqali
- C. Tajriba orttirish davomda
- *D. Auditoriyada va auditoriyadan tashqarida

47. Yuqori darajada shakllangan jamoada boshqaruvni kim amalga oshiradi?

- *A. Jamoa o'z-o'zini boshqaradi
- B. Sinf rahbari
- C. Sinf faollari
- D. Ota-onalar

48. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ish jarayonida qaysi ish usullaridan foydalilaniladi?

- *A. Og'zaki ish usullari, amaliy ish usullari, ko'rgazmali ish usullari
- B. Ommaviy va yakka ish usullari
- C. Ertaliklar, majlislar, to'garaklar
- D. Hamma javoblar to'g'ri

49. Sayohatlar, olimpiada va to'garaklar qaysi ish usuliga kiradi?

- A. Og'zaki
- *B. Amaliy
- C. Ko'rgazmali
- D. To'g'ri javob yo'q

50. Ertaliklar, kitobxonlar konferentsiyalari, munozaralar qaysi ish usuliga tegishli?

- *A. Og'zaki
- B. Amaliy
- C. Ko'rgazmali
- D. To'g'ri javob yo'q

51. Maktab muzeylari, kitoblar ko'rgazmasi qaysi ish usuliga taalluqli?
- A. Og'zaki
 - B. Amaliy
 - *C. Ko'rgazmali
 - D. To'g'ri javob yo'q
52. Tarbiya jarayonidagi talab nima?
- A. Topshiriqlar berish
 - *B. Tarbiyalanuvchilarning muayyan faoliyatini rag'batlantirishni yoki to'xtatishni va aniq amaliy hamda axloqiy sifatlarni namoyon qilishni ta'minlaydi.
 - C. Vazifalar berish
 - D. A va B javoblar to'g'ri.
53. Iltimos, ishonch, ma'qullash qanday talablar guruhiga kiradi?
- *A. Ijobiy talablar
 - B. Betaraf talablar
 - C. Salbiy talablar
 - D. Hamma javoblar to'g'ri
54. Maslahat, sha'ma, shartli talab va o'yin shaklidagi talablar qanday talablar guruhiga kiradi?
- A. Ijobiy talablar
 - *B. Betaraf talablar
 - C. Salbiy talablar
 - D. Hamma javoblar to'g'ri
55. Fosh qilish, ishonchsizlik bildirish va do'q qilish qanday talablar guruhiga kiradi?
- A. Ijobiy talablar
 - B. Betaraf talablar
 - *C. Salbiy talablar
 - D. Hamma javoblar to'g'ri
56. «Empatiya» nima?
- *A. Suhbatdoshini hissiy idrok etish, unga achinish qobiliyati.
 - B. Suhbatdoshga nisbatan hurmat.
 - C. Suhbatdoshga nisbatan nafrat.
 - D. To'g'ri javob yo'q.
57. «Refleksiya» nima?
- A. Reflekslar yig'indisi
 - B. Munosabatlar yig'indisi

C. Hissiy munosabatlar

*D. Pedagogning o'zi bolalar tomonidan qanday qabul qilinayotganligini bamisoli chetdan turib ko'rish qobiliyati.

58. Pedagogik diqqatning kÿp ob'ektliligi deganda nimani tushunasiz?

- A. Diqqatni bir necha ob'ektga yo'naltirishni bilish
- B. Diqqatni bir necha ob'ektga y naltirib, asosiy narsalarni ajratish va ikkinchi darajali narsalarni nazorat  ila bilish
- C. Diqqatning yangi ob'ektlari paydo b lganligini xis kilish va yangi ob'ektlar paydo b lishini oldindan bilish.

*D. Hamma javoblar to'g'ri.

59. Pedagogik dqqatning jo'shqinligi deganda nimani tushunasiz?

- A. Diqqatni bir ob'ektdan ikkinchisiga o'tkaza bilish
- B. Diqqatni ob'ektlarga taqsimlash darajasini qo'llab-quvvatlash, ularni o'zgartirish, nazorat qilish, diqqatni qayta taqsimlash.
- C. Jo'shqin nutq faoliyatini boshqarish

*D. A va B javoblar to'g'ri.

60. Pedagogik diqqatning barqarorligi deganda nimani tushnasiz?

- A. Nutq faoliyatini boshqarish.
- *B. Faoliyatdagi to'sqinliklarni yengish, ularning oldini ola bilish va o'zgarib borayotgan sharoitda sinfning barqaror diqqatini tashkil etish.
- C. O'qmituvchi faoliyatida barqarorlikning namoyon bo'lishi
- D. To'g'ri javob yo'q.

61. O'zaro fikr almashish omillarini ko'rsating.

- A. Axborot almashinuv, fikr almashinuv.
- *B. Ishontirish, ta'sir qilish, taqlid qilish
- C. Ishontirish, axborot almashinuv
- D. Ta'sir qilish, axborot almashinuv

62. To'garaklar turlarini ko'rsating.

- *A. Fan to'garaklari, badiiy havaskorlik to'garaklari, kasb-hunar to'garaklari, sport to'garaklari
- B. Ilmiy to'garaklar, badiiy to'garaklar
- C. Mahorat maktabi, fan to'garaklari
- D. Hamma javoblar to'g'ri

63. Tarbiya muassasalarining ish rejalarini turlarini ko'rsating

- A. Tarbiyaviy ish reja, ta'limiy ish reja
- B. Maktab ish rejasi, to'garak ish rejasi
- *C. Istiqbol ish reja, yillik ish reja, joriy ish reja

D. Fan to'garaklari ish rejasi, sport to'garaklari ish rejasi

64. Davlat ta'lim standartlari qanday talablarni belgilaydi?

- A. Ixtiyoriy
- *B. Majburiy
- C. Qat'iy
- D. To'g'ri javob yo'q.

65. Kasbiy bilim nimalarni o'z ichiga oladi?

- A. O'qitilayotgan fanga doir bilimlarni
- B. O'quvchilar o'rganayotgan bilimlarni
- C. O'qitish metodikasi, pedagogika, psixologiya
- *D. Barcha javoblar to'g'ri

66. Pedaggik qobiliyatning tarkibiy qismlari qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan?

- A. Kommunikativlik.
- B. Pertseptiv qobiliyat
- C. Intuitsiya, emotsiyonal turg'unlik. Ijodiy qobiliyat
- *D. Barcha javoblar to'g'ri

67. Mutlaq to'g'ri, ommabop tarbiyachilik mahorati mavjudmi?

- A. Mavjud
- *B. Bo'limgan va mavjud emas
- C. Asta-sekin shakllantiriladi
- D. A va B javoblar to'g'ri

68. V.A.Suxomlinskiy mahoratlari pedagog bo'lish uchun o'quvchiga nisbatan qanday munosabatda bo'lishni tavsiya etadi?

- A. Faqat talabchan bo'lishni
- *B. Talabchan va hurmatda bo'lishni
- C. Qiziqishlarni hisobga olishni
- D. Doimiy nazorat qilishni

69. Trening nima?

- *A. Odad va ko'nikmalarni egallash maqsadida mashq qilish
- B. Jismoniy mashq
- C. Aqliy gimnastika
- D. Aktyorlik mahorati

70. Jismoniy treninglar necha bosqichda amalga oshiriladi?

- *A. Uch bosqichda
- B. Bir bosqichda
- C. Ikki bosqichda

D. To'rt bosqichda

71. Trening turlarini ko'rsating

- A. Jismoniy trening
- *B. Jismoniy va aqliy trening
- C. Aqliy va ruhiy trening
- D. Aktyorlik treningi

72. Asab mashqlarini ko'rsating

- A. Fikran arifmetik amallarni bajarish
- B. Buyumlarni sanash, shahar va olimlar nomlarini sanab chiqish
- C. O'rtoqlari qiyofasidagi o'zgarishlarni tavsiflash
- *D. barcha javoblar to'g'ri

73. Pedagogik texnika nima?

- *A. Pedagogik jarayon uchun zarur usul va malakalar
- B. O'quv mavzularini tushuntirish usullari
- C. O'quv jarayoniga yondashuvlar
- D. Barcha javoblar to'g'ri

74. Tarbiya jarayonida nutq texnikasi deb nimaga aytildi?

- *A. Tarbiyachi fikrini tarbiyalanuvchilarga yetkazish vositalariga
- B. So'zlash usullariga
- C. Nutq ritmiga
- D. Nutq turlariga

75. Nutq madaniyatining nazariy asoslarini kimar yaratgan?

- A. Bayhaqiy
- B. Konfutsiy
- *C. Qadimgi Gretsiya va Rimlik olimlar Arastu, Demokrit, Demosfen, Tsitseron, Kvintilian
- D. Husayn Voiz Koshifiy, Dovoniy, Kaykovus

76. Tarbiyachi va tarbiyalanuvchilararo muloqotni yo'lga qo'yishning qanday usullari mavjud?

- A. avtoritar uslub
- B. Demokratik uslub
- C. Liberal uslub
- *D. Hamma javoblar to'g'ri

77. « ... Kadrlarni puxtarop qilib tayyorlamasdan, ...biror bir sohada ahvolni hech qanaqa tarzda o'zgartirib bo'lmaydi». Prezident I.Karimov Ushbu fikrni qachon, qaerda aytgan edi?

- A. 1996 yil, 24 may, jzR Oliy kengashining IX chaqiriq, X sessiyasida
B. 1989 yil, 28 oktyabr, jzR Oliy kengashining XI chaqiriq, IX sessiyasida
*C. 1997 yil 29 avgust, jzR Oliy kengashining XI chaqiriq, IX sessiyasida
D. 1995 yil 16 fevral, jzR Oliy Majlisining I sessiyasida
78. Bo'lajak tarbiyachilarni qanday ilm bilan qurollantirish hozirgi kunda dolzarb muammo?
- A. Ta'lim tizimining barcha bosqichi uchun muvofiq pedagogik mahorat ilmi bilan.
B. Ta'lim tizimining quyi bosqichiga muvofiq ilm bilan
*C. Ta'lim tizimining har bir bosqichi uchun muvofiq keluvchi pedagogik mahorat ilmi bilan
D. Oliy ta'lim bosqichiga muvofiq ilm bilan
79. Tarbiyachi faoliyatining maqsadi qanday belgilanadi?
- *A. Jamiyat talabiga ko'ra
B. oila talabiga ko'ra
C. Maktab talabiga ko'ra
D. Rahbarlar talabiga ko'ra
80. Tarbiyaning insonparvarligi qachon namoyon bo'ladi?
- A. Tarbiyalanuvchi qiziqishlariga hurmat bilan qarashda
B. Tarbiyalanuvchi hohish irodasini hurmat qilishda
C. Tarbiyalanuvchi shaxsi va qadr-qimmatini hurmat qilishda
*D. Hamma javoblar to'g'ri
81. Tarbiyachi ovozi xususiyatlari qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan?
- A. ovoz kuchi, masofaviy tarqalishi
B. Diapozon, ovoz harakati, o'zgaruvchanligi, tembr.
*C. A va B javoblar to'g'ri
D. Nafas olish tartibi
82. Pedagogik mahorat asoslaori qanday fan?
- A. Doimiy rivojlanib boruvchi fan
B. Dialektik xususiyatga ega bo'lган fan
S. Uzoq tarixiy taraqqiyot yo'lini bosib o'tgan fan
D. Hamma javoblar to'g'ri
83. Qaysi toifadagi o'qituvchi bilan ishslash muktab rahbariyati uchun oson kechadi?
- A. 1- va 3-toifadagi o'qituvchi bilan
*B. 1-, 2-toifadagi o'qituvchilar bilan
S. 1-, 4-toifadagi o'qituvchilar bilan
D. Barcha javoblar to'g'ri

84. 1-toifaga kiruvchi o'qituvchiga xos sifatlar:

- A. kasbiy bilimi chuqur, qobiliyatli
- B. Tashabbuskor, namunali
- S. Mustaqil va ijodiy fikrlovchi
- *D. Hamma javoblar to'g'ri

85. Pedaogik mahoratning shakllanish bosqichlari qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?

- A. Boshlang'ich, o'rta va yuqori.
- *B. Reproduktivlik, ijodiylik, ijodiy-novatorlik.
- C. Past, o'rta va yuqori.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

86. O'qituvchining o'quvchilarga kommunikativ ta'sir etish usullarini ko'rsating.

- A. Muloqot va muomala
- B. So'zlashuv
- *C. Ishontirish va singdirish
- D. Tajriba almashinuv

87. Ishontirish usulining samarali kechishi nimalarga bog'liq?

- A. Axborot majmui va o'qituvchining avtoritetiga.
- B. Ishontirish ta'siri qaratilgan shaxsnig ruhiy jihatlari va ularning ta'sir etish jarayonida inobatga olinishiga.
- C. O'qituvchi va o'quvchilarnig o'zaro muloqot jarayonidagi aqliy va ruhiy holatiga.
- *D. Hamma javoblar to'g'ri.

88. Singdirish usuli turlarini ko'rsating.

- A. Doimiy va vaqtchalik
- *B. Bevosita va bilvosita.
- C. Yakka va guruh bilan.
- D. Jamoaviy.

89. Qat'iy talab va buyruqlar singdirish usulining qaysi turiga mansub?

- *A. Bevosita pedagogik singdirish usuliga
- B. Bilvosita pedagogik singdirish usuliga
- C. Tushuntirish usuliga
- D. To'g'ri javob yo'q.

90. Ishoralar, qoralash, rag'batlantirish singdirish usulining qaysi turiga mansub?

- A. Bevosita pedagogik singdirish usuliga
- *B. Bilvosita pedagogik singdirish usuliga

C. Tushuntirish usuliga
D. To'g'ri javob yo'q.

91. Emotsional barer nima?

- *A. O'qituvchining fikrlarini qabul qilishga halaqit beradigan his-tuyg'ular.
- B. Qarama-qarshi tuyg'ular.
- C. Fikrlar to'qnashuvi.
- D. To'g'ri javob yo'q.

92. Tovush hosil qilishda qanday nafasdan foydalaniladi?

- A. Fiziologik
- *B. Fonatsion
- C. Chuqur
- D. To'g'ri javob yo'q.

93. Jamoani boshqarishning quyidagi tavsifi qaysi uslubga mansub:
«Muammolarni hal qilishda jamoa fikriga tayanadi. Har qanday vaziyat yechimini ko'pchilik hal etadi»?

- A. Liberal uslub
- *B. Demokratik uslub
- C. Avtoritar uslub
- D. To'g'ri javob yo'q.

94. Quyidagi dunyoqarashga ega rahbar jamoani qaysi uslubda boshqaradi: «Men jamoani boshqaraman. Demak muammolarni ham yolg'iz o'zim hal qilaman. Chunki Mensiz jamoa tanazzulga yuz tutadi»?

- A. Liberal uslub
- B. Demokratik uslub
- *C. Avtoritar uslub
- D. To'g'ri javob yo'q.

95. Quyidagi aqidaga amal qiladigan rahbar qaysi uslubda jamoani boshqaradi:
«Men senga tegmayman, sen menga tegma»?

- *A. Liberal uslubda
- B. Demokratik uslubda
- C. Avtoritar uslubda
- D. To'g'ri javob yo'q.

96. Obro' nima?

- A. Hurmat-e'tibor
- B. qo'rqinch
- *C. Katta yoshli kishilarning hech qanday shubhasiz e'tirof etiladigan ta'siri va xislati

D. To'g'ri javob yo'q.

97. Etikaviy suhbat nima?

- *A. Axloqiy tarbiya maqsadida tashkil etiladigan suhbat
- B. Tarbiyaviy ta'sir usuli
- C. Do'stona munosabatlar
- D. Mehr-oqibat shakli

98. Obro'ning qanday turlari mavjud?

- A. Zug'um obro'yi, masofa obro'yi, apoq-chapoqlik obro'yi, avrash obro'yi
- B. manmanlik obro'yi, pedantik obro', nasihatgo'ylik obro'yi.
- C. Mehr-muhabbat obro'yi, ko'ngil bo'shlik obro'yi
- *D. Hamma javoblar to'g'ri

99. Qanday oilalarda bolalar ma'naviy sog'lom va barkamol tarbiya oladi?

- A. Ota boshqargan oiladi
- B. ona boshqargan oiladi
- C. Bobo-buvilar boshqargan oilalarda
- *D. Hamfikr va ahil oilalarda

100. Oilal muhiti bola tarbiyasiga qay darajada ta'sir etadi?

- *A. Katta
- B Bir oz
- C. Ta'sir etmaydi
- D. Bilmayman

TUZUVCHI:

N. ORIPOVA

**“Тарбиявий ишлар методикаси” фанидан
якуний назорат саволлари**

1-вариант

- 1. Тарбиявий ишлар методикаси фанининг предмети ва мақсади нималардан иборат.**
- 2. Тарбиявий ишлар методикаси фанининг манбалари**
- 3. Зардўштийлик ахлоқининг асосий учлиги.**

2-вариант

- 1. Синф раҳбарининг вазифалари**
- 2. Ота-оналарга педагогик билим бериш шакл ва режалари.**
- 3. Тарбиявий ишлар методикаси фани қайси фанлар билан алоқадор.**

3-вариант

- 1. Синф раҳбарининг ўқувчиларни ўрганиш методикаси**
- 2. Мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг турлари.**
- 3. Ибн Синонинг тарбия ҳақидаги фикрлари.**

4-вариант

- 1. Халқ педагогикасида қўлланиладиган тарбия методлари.**
- 2. Синф раҳбарининг ўқувчиларни кузатиш методикаси**
- 3. Имом-Ал Бухорий ҳикматларининг тарбиявий аҳамияти.**

5-вариант

- 1. Тарбиявий иш жараёнида қўлланиладиган оғзаки иш усуллари.**
- 2. Синфдан ташқари жараёнда эрталиклар ташкил этиш методикаси.**
- 3. Ал-Фаробийнинг ахлоқий қарашлари.**

6-вариант

- 1. Тарбиявий иш жараёнида қўлланиладиган амалий иш усули ҳақида.**
- 2. Тарбиянинг узлуксиз жараён эканлиги.**
- 3. Синфдан ташқари жараёнда кўрик-танловларни ташкил этиш методикаси.**

7-вариант

- 1. Таълим-тарбия жараёнининг асосий тамойиллари.**
- 2. Тарбиявий ишлар жараёнида кўргазмали иш усулларидан фойдаланиш.**
- 3. Амир Темурнинг маърифий қарашлари.**

8-вариант

- 1. Синф раҳбари юритадиган иш хужжатлари.**
- 2. Синф раҳбарининг иши қандай мақсадларни ўз ичига олади.**
- 3. Мирзо Улугбекнинг педагогик қарашлари.**

9-вариант

- 1. Тарбиявий ишларни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш.**
- 2. Узлуксиз таълим-тарбиянинг қисмлари.**
- 3. Синфдан ташқари жараёнда экскурсияларни ташкил этиш методикаси.**

10-вариант

- 1. Тарбия дараёнида педагогик техниканинг ўрни.**
- 2. Биринчи ота-оналар мажлисини ташкил этиш методикаси.**
- 3. Синф раҳбари ишини режалаштириш.**

11-вариант

- 1.”Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар” концепциясининг қабул қилиниши.**
- 2. Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ташкилотчининг иш мето-дикаси.**
- 3. Тарбиявий ишларни режалаштиришнинг асосий омиллари.**

12-вариант

- 1. Тарбиявий ишлар методикаси фанининг тадқиқот предмети.**
- 2. Тарбиянинг ижтимоий онгни шакллантирувчи методлари.**
- 3. Кайкавуснинг “Қобуснома” асарида тарбиявий қарашлар.**

13-вариант

- 1. Синфдан ташқари ишлар жараёнида тугаракларнинг ўрни.**
- 2. Синфдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида оммавий иш**

усулларидан

фойдаланиш.

3.Директор ўринбосарининг хукуқлари.

14-вариант

1.Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши.

2.Синфга қисқача тавсифнома.

3.Синфдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида Ватанпарварликни тарбия-ловчи иш шаклларидан фойдаланиш.

15-вариант

1.Ўқувчиларга тарбия беришнинг асосий турлари ва шакллари.

2. Тарбиячининг муомала маҳорати.

3. Тарбиячининг нутқсиз муносабати.

16-вариант

1.Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини самарадорлигини оширишда синф раҳ-барининг вазифалари.

2.Синф жамоасини ташкил этиш методикаси.

3.А.Навоийнинг педагогик қарашлари.

17-вариант

1.Бола шахсини шакллантиришда тарбиячининг маънавий қиёфасининг роли.

2.Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда турли дарс усулларидан фойда-ланиш.

3.Проксемика нима.

18-вариант

1.Ўқитувчининг педагогик қобилияти ва касбий сифатлари.

2.Буюк мутафаккирлар таълим-тарбия ва педагогик фаолият тўғрисида.

3.Тарбиявий соатларнинг вазифалари ва турлари.

19-вариант

1.Тарбиячининг нутқсиз муносабати.

2.Тарбиячининг педагогик менежментлик фаолияти.

3.Хадисларнинг тарбиявий аҳамиятидан тарбиявий ишларда фойдаланиш.

20-вариант

- 1.Синф жамоасини ташкил этиш методикаси.**
- 2.Инсон камолотига таъсир этувчи омиллар.**
- 3.А.С.Макаренконинг ўқитувчи маҳорати ва қобилияти ҳақидаги фикрлари.**

21-вариант

- 1.Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлиш ва унга маъсулият билан ёндошиш.**
- 2.Барқамол инсонни тарбиялашда жамоанинг роли.**
- 3.М.Беҳбудийнинг педагогик қарашлари.**

22-вариант

- 1.Таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш.**
- 2.Просадика ва эксролингвистика.**
- 3.Ёш ота-оналар билан ишлаш методикаси.**

23-вариант

- 1.Тарбиявий ишлар жараёнида И.А.Каримов асарларидан фойдаланиш.**
- 2.Педагогик рағбатлантириш ва жазолаш методлари.**
- 3.Ҳакимзода Ниёзийнинг педагогик қарашлари.**

23-вариант

- 1.Синф жамоасининг ривожланиш босқичлари.**
- 2.Ўқувчи кундалик фаолиятини тўғри ташкил этиш методикаси.**
- 3.Синф жамоаси аньаналарининг турлари.**

24-вариант

- 1.Тарбиявий ишларда маъruzаларни ташкил этиш ва уларнинг турлари.**
- 2.”Давра сухбати” усулидан фойдаланиш.**
- 3. Ўқитувчининг ҳуқуқ ва бурчлари.**

25-вариант

- 1. Педагогик ўйинли дарсларнинг моҳияти ва ташкил этиш методикаси.**
- 2.Ўқувчиларнинг китоб билан ишлаш ишларини йўлга қўйиш.**
- 3.Ян Амос Коменскийнинг педагогик қарашлари.**

ТУЗУВЧИ:

Н.ОРИПОВА

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН МУСТАҚИЛ ИШЛАР МАВЗУЛАРИ

1. Синф раҳбар ишини режалаштириш.
2. Ўқувчиларга тарбия беришнинг асосий турлари ва шакллари.
3. Оилада маънавий-аҳлоқий тарбиянинг таркиб топиши.
4. Синф тарбия соатларини ўтказиш тартиби.
5. Дарс жараёнида таълим-тарбия мувозанати тенглиги.
6. «Ватан остоңадан бошланади» мавзусида тарбиявий тадбирлар.
7. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбия асослари.
8. Синф тарбиявий соатларини ташкил этиш.
9. Мактаб оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини ташкил қилиш.
10. Эстетик тарбия ва маданият.
11. Мактабнинг ўқув тарбиявий ишлари жараёнида синф раҳбарларининг фаолияти.
12. Оила жамоасининг вазифаси.
13. Синф жамоасига педагогик раҳбарлик қилиш методикаси.
14. Оилада бола шахсининг ривожланиши хақида
15. Маданиятнинг инсон ҳаёти учун аҳамияти.
16. Эрталик байрамларини ташкил қилиш методлари.
17. Синф жамоасига педагогик раҳбарлик қилиш усулларини изоҳланг.
18. Синф раҳбарининг юксак маънавий камолоти, педагогик дунёқараши.
19. Халқ оғзаки ижодиётида меҳр-шавқат тарбияси.
20. И.А.Каримов «Баркамол инсон» асарида комил инсон тарбияси.
21. Синфда ота-оналар мажлисини ташкил этиш усуллари.
22. Маърифатпарвар шахслар ва уларнинг асарлари.
23. Оилада таълим-тарбия боғлиқлигини изоҳланг.
24. Таълим жараёнида болаларни тарбиялаш тизими ҳақида изоҳланг.
25. Оилада бола тарбияси.
26. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарларининг вазифалари.
27. Шахсга жамоа билан тарбиявий таъсир кўрсатиш усулини изоҳланг.
28. Синф жамоаси билан умум мактаб жамоасининг ҳамкорлиги.
29. Ўқувчилар жамоасини жипслаштирувчи омиллар
30. Синф раҳбари қандай фазилатларга эга бўлиши керак.
31. Маънавий-аҳлоқий тарбия ишларини амалга оширишдаги педагогик маҳорат.
32. Тарбиявий ишларни режалаштириш.
33. Ҳадисларда ота-онага ҳурмат мавзуси.
34. «Нон азиз» мавзуси тарбиявий тадбир ташкил қилиш методикаси.
35. Таълим-тарбияда синфдан ташқари ишларнинг самараси.
36. Синф раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишлари.
37. Оилада тежамкорлик фазилатлари.

38. Синф раҳбарининг вазифалари.
39. Жамоани ўзига хос хусусиятлари.
40. Ота-оналар қуидаги ҳадислардан мисоллар келтиринг ва изоҳланг.
41. Ислом динида одоб-аҳлоқ тарбияси.
42. Синф раҳбарининг ўқувчи ота-оналари билан олиб борадиган тарбиявий ишлари.
43. Ўқувчиларни тарбиялашда жамоанинг роли.
44. Тарбиявий соатларни ташкил қилишда жонли мулоқот аҳамиятини изоҳланг.
45. Жамоани жипслаштиришга синф раҳбарининг вазифаси.
46. Оилада маданиятнинг ривожланиши.
47. Синф тарбиявий соатларини режалаштириш.
48. Жамоада қонун ва анъаналар яратиш.
49. Оилада исломий қадриятларнинг аҳамиятини изоҳланг.
50. Жамоани ташкил қилиш.
51. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш.
52. «Таълим тўғрисидаги қонун»нинг таълим-тарбияда аҳамияти.
53. Ўқувчиларни ақлий ва аҳлоқий тарбиялашда синф раҳбарининг роли.
54. Шахсни жамоа орқали тарбиялаш.
55. Миллий маданият тушунчаси нима?
56. Синф жамоасини шакллантиришнинг асосий босқичлари.
57. Ўқувчининг маънавий-аҳлоқий мезонлари.
58. Бола тарбиясида оила жамоасини изоҳланг.
59. Ўқитувчи шахснинг ўқувчи шахсига таъсири.
60. Жамоада раҳбарлик ёки жамоа истиқболини қўра билиш тамойили.
61. Оила тарбиясида миллий қадриятларнинг аҳамияти.
62. Оилада иқтисодий тарбия.
63. Ҳадисларда аҳлоқий тарбия ҳақида.
64. Синф жамоасига педагогик раҳбарлик қилиш методикаси.
65. Оилада бола тарбиясининг миллий асослари.
66. Ҳадисларда ота-онага хурмат ҳақида изоҳланг.
67. Алишер Навоий асарларида болалар тарбияси.
68. Жамоани ташкил этиш усуллари.
69. Ўзбекона урф-одатларга доир тарбиявий тадбирни ташкил этиш.
70. А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ» асарининг яратилиши.
71. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик.
72. Синф раҳбарининг юксак маънавий камолоти.
73. Ислом дини ва исломий қадриятларнинг тикланиши.
74. Жамоани мустаҳкамловчи муомала маданиятни ўстириш.
75. Муомала маданиятини ўстириш.
76. Ўқувчи шахсининг ривожланишида тарбия усулларини қўллаш
77. Мактабда маданият ва маърифатнинг боғлиқлиги.
78. Ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш.

79. Миллий қадриятларимизнинг тикланиши бола тарбиясидаги аҳамияти.
80. Мактабда тарбиявий ишларни режалаштириш.
81. Оиласда фарзанд тарбиясида ота-онанинг обўсини изоҳланг.
82. Синф раҳбари ишининг миллий қадриятлар билан бойитилиши.
83. Қурони Карим ва Ҳадисда инсон камолоти ҳақида.
84. Ўқувчиларга билим бериш жараёнида ноанъанавий ёндашиш.
85. Бошланғич синф ўқувчиси билан ўқитувчининг муомиласи.
86. Халқ ривоятларида тарбия.
87. Ислом динида маънавий ва маърифий масалалар.
88. Таълим тизими ва уни мактаб ўқувчиларида жорий этилиши.
89. Тарбия жараёнида тадбирларнинг аҳамияти.
90. А.Авлонийнинг аҳлоқий тарбия ҳақидаги фикрларни изоҳланг.
91. Миллий қадриятларимизнинг тикланиши.
92. Интизомни мустаҳкамлаш ва ўқувчилар масъулиятини ошириш.
93. Тарбиявий соат машғулотларининг асосий характерли хусусиятлари.
94. Тўгараклар ташкил қилишда директор ўринбосарларнинг роли.
95. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбия асослари.
96. Синф мажлисини ташкил этилиши.
97. Синф жамоасини ташкил қилиш.
98. Синф раҳбарининг мактаб маъмуриятидаги ўрни.
99. Комил инсонни шакллантиришда меҳнат тарбияси.
100. Оиласда бола тарбияси.
101. Синф раҳбарлиги ишининг мақсади.
102. Оиласда маънавий-аҳлоқий тарбия.
103. Мактабдаги тарбиявий ишларда синф раҳбарининг фаолияти.
104. Жамоадаги шахсни тарбиялаш.
105. Ўқувчиларга тарбия бериш методлари.
106. Ўқувчи шахсининг ривожланишида тарбия методлари.
107. Оила бюджети.
108. Мактабдан ва синfdан ташқари ишларни тарбиявий аҳамияти.
109. Оиласда фарзанд бурчи.
110. Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини ташкил қилиш.
111. Болаларнинг қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришда мактабнинг ролини изоҳланг.
112. Ота-оналар ҳақидаги ҳадислардан мисоллар келтиринг.
113. Шахсни жамоа орқали тарбиялаш.
114. Ўқувчиларни маънавий аҳлоқий тарбиялашда синф раҳбарининг ўрни.
115. Бола тарбиясида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш.
116. Жамоа ва унинг шахсни шакллантирищдаги ўрни.
117. Тарбиявий тадбирлар режаларини тузишни изоҳланг.
118. Мактабдаги тарбиявий ишларда синф раҳбарининг фаолияти.
119. Мутафаккирларнинг иқтисодий тарбия ҳақидаги фикрлари.
120. Таълимда техника воситаларидан фойдаланиш.

121. Мактабда маънавий ва маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси.
122. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг биргаликда олиб борилиши.
123. Оилада исломий қадриятларнинг аҳамиятини изоҳланг.
124. Ўқувчиларга тарбия бериш усуллари.
125. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда директор ўринбосарининг вазифалари.
126. Миллий дастурни ўқувчилар онгига сингдириш.
127. Маданият ва маърифатнинг ўзаро боғлиқлиги.
128. Тарбиявий ишларни олиб боришда ўқитувчининг тайёргарлик даражаси.
129. Ёш авлод тарбиясининг ахлоқий мезонлари.
130. Ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини изоҳланг.
131. Оилада анъаналар ва расм-руsumлар ҳақида изоҳлар.
132. Бола шахсининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
133. Жамодаги ўртоқлик ва жамоатчилик ҳис-туйғуларини ташкил этиш.
134. Маънавиятнинг ривожланиши.
135. Тарбияда иқтисоднинг бола онгига шаклланиши.
136. Ўқувчиларга тарбия бериш методлари.
137. Тарбиявий ишлар жараёнидан, халқ оғзаки ижодидан фойдаланишининг аҳамияти.
138. Ташкилотчининг оила мактаб ва жамоатчилик билан алоқаси.
139. Ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссиётини тарбиялаш усуллари.
140. «Ватан остоидан бошланади» мавзусида тарбиявий тадбирлар ўтказиш сценарийси.
141. Халқ ривоятларида тарбия.
142. Ҳадисшунос олим Ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти.
143. Тарбиявий ишларни режалаштириш.
144. Жамоанинг ўзига хос хусусиятлари.
145. Ҳаракатли ўйинларнинг болалар тарбиясидаги аҳамиятини изоҳланг.
146. Янги педагогик технология ва ундан фойдаланиш коидаларини изоҳланг.
147. Бошланғич синфларга раҳбарлик қилиш тизими ҳақида.
148. Жамоа ва унинг шахсни шакллантиришдаги ўрни.
149. Дарс жараёнида таълим-тарбия мувозанати, тенглиги.
150. Оила бюджети.

ТУЗУВЧИ:

Н. ОРИПОВА

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ

1. Синф раҳбарининг ўқувчиларга бўлган муносабатида педагогик маҳоратнинг аҳамияти.
2. Шахсни тарбиялашда оила, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги.
3. Шарқ мутафаккирлари бола тарбияси хақида
4. Синф раҳбарининг оила ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этиши.
5. Жамоани истиқболини белгиловчи тарбиявий тадбирларни ташкил этиш усуллари.
6. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар
7. Синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларда фойдаланиладиган иш усуллари.
8. Жамоада оилани бошқариш.
9. Бола тарбиясида маҳалла ва мактабнинг роли.
10. Ўқувчиларни тарбиялашда ривоят ва ҳадислардан фойдаланиш.
11. Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда тежамкорлиқдан фойдаланиш усуллари.
12. Ўқувчиларни тарбиялашда тарбиявий машғулотларнинг аҳамияти.
13. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда тежамкорлик тарбияси.
14. Аҳлоқий тарбияда халқ мақолларидан фойдаланиш.
15. Оилада ва мактабда ўқувчилар шахсини шакллантириш.
16. Тарбияда оилавий удумлар ва анъаналар.
17. Оилада маънавият ва марифатнинг таркиб топиши.
18. А.Темурнинг одоб-аҳлоқ тўғрисидаги ўйтлари.
19. Ота-она биринчи тарбиячи.
20. Шахс маънавиятининг ривожлантириш омиллари ва воситалари.
21. Ўқувчиларни миллий қадриятлар асосида маънавий-аҳлоқий тарбиялашда оиланинг роли.
22. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида оила тарбияси.
23. Мактабда маънавият ва маърифат ишларини режалаштириш.
24. Ўқувчини маънавий-аҳлоқий тарбиялаш.
25. Кайкавуснинг "Қобуснома" асари ва унинг тарбиявий аҳамияти.
26. Тарбиявий ишларни амалиётда тадбиқ этишда педагогик маҳорат ва унинг асосий тамоилилари.
27. Кичик мактаб ёшдаги болаларини тарбиялашда ўзбек ҳалқ ўйинларининг аҳамияти.
28. Бошланғич синфда ўқув тарбиявий ишларга раҳбарлик қилишининг асосий қонун-қоидалари.
29. Жадид маърифатпарварларининг ватанпарварлик ғоясидан тарбиявий ишларда фойдаланиш имкониятлари.

30. Бошланғич синфларда Ватанпарварлик миллий ғурурини тарбиялаш.
31. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш.
32. Синф раҳбарини маънавий ахлоқий сифатлари.
33. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштиришнинг миллий асослари.
34. Тарбиявий тадбирларда халқ анъаналаридан фойдаланиш.
35. А.Навоий ва Воиз Коширий ижодиётида ахлоқий тарбиядаги узвийлик.
36. Тарбиявий тадбирларни ташкил этишда сценарийни тузиш методи.
37. Эрталик байрамларни ташкил этиш методикаси.
38. Мактаб ота-оналар мажлисларини ташкил этиш миллий характери.
39. Тарбиявий тадбирларда халқ ривоятларидан фойдаланиш.
40. А.Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида маънавий ахлоқий тарбия.
41. Ўқувчилар жамоасини иш фаолияти.
42. Тарбиявий тадбирлар жараёнида И.Каримовнинг хикматли сўзларидан фойдаланиш.
43. Бошланғич синф ўқувчиларида иймон-эътиқод тушунчаларини шакллантириш.
44. Ўқувчиларга табиатни эъзозлашга ўргатиш йўллари.
45. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларга иқтисодий тарбия бериш йўллари.
46. Синф раҳбарининг маънавий ахлоқий сифатлари.
47. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш миллий асослари.
48. Тарбиявий тадбирларда халқ анъаналаридан фойдаланиш.
49. Навоий ижодиётида ахлоқий тарбия масалаларининг ёритилиши
50. Бошланғич синф ўқувчиларида меҳр-шавқат ҳиссини тарбиялаш.
51. "Соғлом авлод" дастурини амалга ошириш синф ўқувчисини ўрни.
52. Саёҳатларни ташкил қилиш методикаси.
53. Синф мажлисларини ташкил этиш методикаси.
54. Давлат рамзлар - бошланғич синф ўқувчиларига ҳукуқий тарбия бериш воситаси сифатида .
55. Мактаб ота-оналар мажлисларини ташкил этиш методикаси.
56. Оилада ўзбеккона қадриятларнинг кўринишлари.
57. А.Авлонийнинг "Туркий гулустон ёхуд ахлоқ" асарида маънавий ахлоқий тарбия.
58. Мактабдан ташқари таълим муассасаларини иш фаолияти ва ёшлар тарбиясидаги ўрни.
59. Тарбиявий ишларни режалаштириш
60. Синф раҳбарининг вазифаси.
61. Синфда ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик.

62. "Нон азиз" мавзусида тарбиявий тадбир ташкил қилиш методикаси.
63. Ҳаракатли ўйинларни болалар тарбиясига аҳамияти.
64. Кайковуснинг "Қобуснома" асари асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш методикаси.
65. Тарбиявий ишларда янги педагогик технология ва ундан фойдаланиш йўллари.
66. Жамоа ва унинг шахсни шакллантиришдаги ўрни.
67. Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги.
68. Хадисшунос олим Ат-Термизийнинг ҳёти ва фаолияти.
69. Ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий тарбиялашда синф раҳбарининг роли.
70. Комил инсон шакллантиришда меҳнат тарбияси.
71. Тарбиянинг асосий вазифалари.
72. Бола шахсининг ривожланишида таъсир этувчи омиллар.
73. Инсон камолоти ва шахснинг ривожланишида муҳитнинг роли.
74. Ўқитувчиларга билим бериш жараёнида ноъананавий ёндошиш.
75. Жамоанинг ўзига хос хусусиятлари.
76. Мактаб ўқувчиларининг ҳар томонлама камол топтиришда маънавиятнинг роли.
77. Ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотида муомила маданияти.
78. Синф тарбиявий соатлар ўтказиш тартиби.
79. Ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.
80. Дарс ва дарсдан ташқари машгулотларни демократлаштириш.
81. Жамоада ўртоқлик ва жамоатчилик ҳис-туйғуларини ташкил этиш.
82. Синф раҳбари ишининг миллий қадриятлар билан бойитилиши.
83. Тарбиявий ишлар методикаси фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
84. Синф мажлисини ташкил этилиши.
85. Мактаб ва оиласида бола тарбиясининг тизими.
86. Оила тарбиясида миллий қадриятларнинг аҳамияти.
87. Оиласида ота – онанинг вазифаси ва бурчлари.
88. Оиласида исломий қадриятлар.
89. Оиласида анъаналар ва расм – русумлар.
90. Мактабдан ва синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий аҳамияти.
91. Мактабда маънавий ва маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси.
92. Маънавий – ахлоқий тарбия ишларини амалга оширишдаги педагогик маҳорат.
93. Маърифатпарвар шахслар ва уларнинг асарлари.
94. Бола тарбияси халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш.
95. Ижодий ўйнларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти.
96. Тарбиявий тадбирларнинг ўқувчи руҳиятига таъсири.
97. Синф раҳбарининг ота – оналар билан ҳамкорликдаги ишлари.
98. Жамоа ва унинг шахсини шакллантиришдаги ўрни.

99. Тарбиявий тадбирлар режаларини тузиш.
100. Оилада бола тарбиясида пандномаларидан фойдаланиш.
101. Ўзбек шоираларининг пандлари, (Зебинисо, Увайсий, Нодира, Анваротин).
102. Оилада тежамкорлик фазилатлари.
103. Шахсни ҳар томонлама камол топишида мактабнинг вазифалари.
104. Таълим жараёнида иқтисодий тарбия масалалари.
105. Тарбия жараёнида ўқувчиларни тежамкорликка ўргатиш.
106. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда ташкилотчи шахсига бўлган талаблар.
107. Ташкилотчи ва мактаб директори.
108. Ўқувчиларнинг ўз - ўзини бошқаришда тарбиявий мулкчилик шароитлари.
109. Миллий дастурни ўқувчилар онгига сингдириш.
110. Синф раҳбарининг мактаб жамоаси билан алоқаси.
111. Тўгараклар ташкил қилишда директор ўринбосарининг роли.
112. Таълим тизими ва уни мактаб ўқувчиларда жорий этилиши.
113. Жамоани мустаҳкамловчи муомила маданиятини ўстириш.
114. «Таълим тўғрисидаги қонун» нинг таълим-тарбияда аҳамияти.
115. Бошлангич синф ўқувчиларида миллий истиқбол мафкурасини шакллантириш.
116. Ўқувчи шахсининг ривожланишида тарбия методлари.

117. Мактаб директори ва ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари.
118. Мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш.
119. Маънавий-қадриятлар воситасида ўқувчилардан дўстликни тарбиялаш.
120. Тарбиянинг умумий методикалари.
121. "Наврӯз" байрамини ўтказиш методикаси.
122. "Қадимий зиёратгоҳлар" мавзусидаги сайирни ташкил қилиш. (1-2 синflарда).
123. "Мустақил диёр" мавзусидаги тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.
124. Тарбиявий ишларни режалаштиришни педагогик асослари.
125. Ўзбекона урф-одатларга доир тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.
126. Ота-оналарга тарбияга оид билим бериш.
127. Исломда оила ва оилавий тарбияга муносабат ва унинг болаларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашдаги тутган ўрни.
128. Шарқ мутафаккирларнинг меросида оила ва оилада болаларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш масалалари.
129. Оила тарбияси ҳақида Абу Али Сино ўғитлари асосида.

130. Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши.
131. Маҳаллада тарбиявий ишларни ташкил этиш.
132. Истедодли ва зукко болаларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш.
133. Ўқувчиларни ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш борасида синф раҳбари олиб бориладиган ишлар.
134. Ўқувчиларга тарбия беришнинг асосий турлари ва шакллари.
135. Синф раҳбарининг ота-оналар билан учрашувлар, кечалар, давра сухбатлари ташкил этиш режалари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР
МЕТОДИКАСИ**

Қарши – 2007 йил

АННОТАЦИЯ

Тарбиявий ишлар методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари, тарбиявий ишларда тизимлилик, тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини баҳолаш тамойиллари, мактабда ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш методикаси, тарбиявий жараёнини бошқариш тарбиявий ишларни режалаштириш ва таҳлил этиш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш технологияси, оиласидан тарбиянинг мазмунини, анъаналари, метод ва воситалари, оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги, оиласидан педагогик томондан қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ишлар бўйича директор мувовини ишини ташкил этиш, синф раҳбари ишининг мазмунини ва методлари, “Камолот” ёшлар ҳаракатини уюштириш методикаси, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқарида турли ўйинлар, танловлар, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этиш методикаси ўргатади.

1-МАВЗУ. СИНФ РАҲБАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ КУРСИ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Синф раҳбари деганда ўқувчиларни бир хил савияда, бир хил ёшда, билими жиҳатидан ҳам тенг бўлган жамоани бошқариб турувчи педагог синф раҳбари деб аталади.

Синф раҳбарининг асосий мақсади, ўқувчиларини тўғри тарбиялаш жараёнида ўқувчи ва синф раҳбари билан бир-бирини тушуна олиши ва синф раҳбари томонидан ўқувчиларга эътиборлироқ бўлиши керак.

Мактабда ўқувчиларга тарбия синф раҳбарининг ишлари орқали берилади.

Жумладан, тадбирлар, мушоиралар, ҳар хил кечалар, учрашувлар, танловлар ва бошқа ўйинлар орқали ўқувчиларга таълим тарбия берилади. Шунга қараб ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ривожланиб боради.

Синф раҳбари мактаб маъмурияти билан биргаликда ва маҳалла жамоаси, ота-оналар билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни олиб боради. Мактаб маъмурияти синф раҳбари ва унинг олиб бораётган ишларини доимо қўллаб-куватлашлари лозим. Чунки синф раҳбари ўз ўқувчиларини яхши билади ва уларни тарбиялаш учун нималар кераклигини ҳисобга олиб иш юритади. Синф раҳбари ишини маънавият ва маърифат ишлари бўйича яъни ташкилотчи директор ўринbosари бошқариб туради.

Синф раҳбарининг иш режасини мактаб директори ва директор ўринbosари тузади ва назорат қилиб боради.

Бошланғич синф мактаб таълим мининг дастлабки босқичи болалар ўқитувчи раҳбарлигида таълимда биринчи қадам қўядилар. Ўқув фаолиятида билим, қўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўқитувчи синф билан кўпгина ёлғиз ишлайди ва тарбиячи сифатида иш юритади.

Ўқитувчилик болаларга бўлган муносабатда, катта меҳрибонлиги билан ғамхўрлиги ҳарактерланади. Булар эса катта талабчанлик билан олиб борилади. Ўқувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ҳамда ўқувчиларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб уларни кайта қуриш хусусияти ҳам синф раҳбари учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга қўйиладиган педагогик талаблар беришга эришади, ота-оналар, куни узайтирилган группа тарбиячилари жамоатчилик билан доимо алоқа боғлаб туради. Зарур бўлган вақтда ўқишида ўқувчиларга ёрдам кўрсатишни ташкил этади. Синф раҳбари қиласидиган ишлари хужжатларини олиб боради ва уни мактаб маъмуриятига тақдим этади. Ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлашга доир ишларни ўтказади ва жисмоний ҳамда ақлий меҳнат қилишга ўргатиб борилади.

Синф жамоасини ташкил этишда, синф мажлисини ташкил этишда синф раҳбарининг роли катта ҳисобланади. Синф мажлиси ўтказиш учун аввало жамоани жипслаштирилади. Синф раҳбари мажлисда кўплаб масалалар

кўрадилар. Синф мажлисида 3-4 та масалалар кўрилиб муаммоли томонлари таҳлил қилинади ва ўз ечимини топиш керак бўлади.

Синф раҳбари мажлис ўтказиши давомида яхши ўқийдиган болаларни синфда яъни жамоа ичида рағбатлантириш керак. Болалар бир-бирига дўстона муносабатда бўлишади. Уларни бир-бирига интилиб, яхши ўқий бошлашга интилади. Ёмон ўқийдиган болалар ҳам яхши ўқийдиган болаларга интилиб, улар ҳам яхши ўқишига интилади. Бундан ташқари синф раҳбари ўқувчиларни савияси ривожланиши учун ўзи синфга кутубхона қилиши керак. Бу кутубхонадаги китобларни ўқувчилар синфдан ташқари ўқиши вақтида ёки дарсдан сўнг бўш қолган пайтларида ўқиб ўзларига фойдали томонларини олиши мумкин. Бизнинг ёш авлод халқимизнинг инқилобий, меҳнат, жанговар анъаналарни ўзлаштириб, ўзига катта авлоднинг энг яхши фазилатларини ғоявий эътиқод ва матонатини, Ватанга муҳаббатини, унинг иқтисодий-сиёсий ва жанговар қудратини мустаҳкамлашда иштирок этишига интилишини сингдирибгина ўз боболари ва оталари ишини давом эттириб ва кўпайтира олади.

Оила ҳам жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Оилада бола тарбиясини йўлга қўйиш жуда катта аҳамиятга эга.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига дирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатишнинг чуқур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади.

Ота-оналар билан иш шакллари одатда синф раҳбари ўз шахсий хусусиятларини тажрибасини ўқувчиларнинг оиласиданда вужудга келган ўзига хос хусусиятларни, ота-оналарни билим ва тажрибасини, болаларни тарбиялашда юқорида кўрсатиб ўтилган хатолар ва қийинчиликларни, феъл-автор хусусиятларни мактаб педагоглар жамоасидаги муҳитни ота-оналар билан иш олиб боришда таркиб топган анъаналарни ва ҳоказаларни ҳисбдан олиб белгилайди.

Ота-оналарга педагогик билим беришни амалга оширишда фақат билим бериб қолмасдан, уларни тарбия соҳасидаги амалий малака ва кўнималар билан қуроллантириш, уларнинг педагогик фаолиятини уйғотиш мустақил шуғулланишга ундаш, мақсадга мувофиқ оила ички муносабатларини йўлга қўйиш ғоят муҳимдир.

Ота-оналар йиғилишлари ота-оналар билан иш олиб боришининг анъанавий таркиб топган шаклидир. Ҳал қилинаётган аниқ вазифаларга боғлиқ холда синф йиғилишларини ташкилий, якуний чорак йиғилишларини мавзуга доир йиғилиш баҳс, йиғилиш практикум, ота-оналарнинг умумий таълими бўйича синф режасига кўра йиғилиш каби йиғилишлар бўлиши мумкин.

Ташкилий йиғилишларда ота-оналар қўмитаси сайланади, иш режаси тасдиқланади. Микрорайонда педагогик иқлим ўрнатиш юзасидан тадбирлар

ишлаб чиқади, жамоат топшириклари тақсимланади ва турли иш йўналишларига доир ташаббускор ота-оналар гурухлари тузилади, отаноналар иштирокида умуммактаб тадбирларини ўтказиш режалари мувофиқлаштирилади.

Чоракдаги якунловчи синф мажлислари ота-оналарнинг эътиборини ўқувчиларнинг билимга доир қизиқишлиари, қобилиягини, ахлоқий иродавий фазилатларини ривожлантиришдаги ютуқлар, камчиликлари, фойдаланилмаган имкониятларга қаратиш мақсадини кўзда тутади.

Бирор мавзуга бағищланган йилишлари тарбиянинг энг долзарб муаммолари юзасидан ўтказилади, уларда ота-оналар қўмитаси ва синф раҳбарининг ўқувчиларнинг у ёки бу соҳадаги тарбияланганлик даражаси тўғрисида тўпланган материаллардан фойдаланилади.

Мажлис-мунозаралар ота-оналар эътиборини тарбиянинг бирор муаммосига жалб этиш мақсадида ўтказилади. Бундай мажлисларни ота-оналар қўмитаси аъзоалаида ота-оналарнинг бир қисми ўз вазифаларига, мактабнинг тавсияномаларига нотўғри муносабатда бўлаётганликлари ота-оналарнинг бир қисми тайёрагарлик кайфиятида эканлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказиш тавсия этилади.

Мажлис-практикум, ота-оналарнинг тарбиявий жараёнларда иштирок этишини фаоллаштириш унга мақсадга йўналтирилган тус бағищлаш мақсадида ўтказилади.

Ота-оналарнинг синфдаги умумий таълимий режасига кўра мажлислар, аввалдан белгиланган режа, муайян системага мувофиқ ота-оналарга педагогик билим беришнинг шакли ҳисобланади.

Якка тартибдаги педагогик сухбат-синф раҳбарининг ўқувчилар ота-оналар билан олиб борадиган ишининг энг оммалашган, қулай ва самарали шакли ҳисобланади. Сухбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, оиласи тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тарбидаги ривожланиши дастурини ва биргаликдаги педагогик ҳаракатлар системасини ишлаб чиқиш ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатишларини ва тарбияси қийин болалар хулқини тузатиш ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларда вужудга келадиган келишмовчиликларни ҳал этиш каби кенг кўламдаги таълим тарбиясининг вазифалари ҳал қилинади.

Тарбиявий таъсир кўрсатиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчилар ва ота-оналарнинг мувофиқ ҳаракатлари билан белгиланишини назарда тутиб, боланинг ўзиг хос психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, унинг хулқ атворидаги энг кичик четга чиқишиларга ҳам ўз вақтда эътибор бериши керак, бунда синф раҳбари билан ота-оналарнинг ишончли муносабатлар ўрнатиш, ўқувчиларо илавий тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарнинг ишончли ўзаро муносабатларини ўргатгандагина эришилади, бундай муносабатларни ўргатиш ва

чуқурлаштириш учун якка тартибдаги сұхбатлардан фойдаланиш жуда мұхим.

Хар бир ота-она ўз фарзандини яхши күради, шунинг учун улар ўз фарзандыда ҳосил бўлган янги, ижтимоий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган биргаликдаги ҳаракатлари хусусида маслаҳатлашишни мұхим деб ҳисоблайдиган синф раҳбарига самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар.

Синф раҳбарлари ота-оналар билан биргаликда тарбиявий ишни ташкил этар эканлар, энг янги психологияк-педагогик тадқиқоталр маълумотларини эътиборга олишлари ҳам мұхимдир. Уларга мувофиқ ўсиб келаётган киши шахсини шакллантиришга оиланинг қўшадиган ҳиссаси турли ёш босқичларда турлича бўлади ва тўлқинсимон ўзгаради.

Бундай билимларнинг йўқлиги оилавий тарбияда кўплаб хатоларга олиб келади. Синф раҳбари ота-оналар билан ишлашда буни ҳисобга олмай иложи йўқ. Бу жиҳатдан ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги қўйидаги қийинчиликлари ва хатоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Ота-оналарнинг болалар билан муомиласининг етишмаслиги. Улар ўзлари, ишлари ҳақида кам сўзлаб берадилар. Мактаб боалалари жамоасининг ҳаёти, ўз боласининг қизиқишлиари, унинг жамоат ишлари билан ишга муносабати ва бошқалар билан кам қизиқади.

2. Болаларни меҳнат жараёнларига жалб этиш орқали уларнинг меҳнат тарбиясини ташкил қила билмаслик.

3. Ота-оналар турмушда салбий мисолларни мавжудлиги мактабнинг педагогик куч-ғайратини йўққа чиқаради.

4. Ота-оналар тарбиявий таъсирини изчил эмаслигини онда-сонда ўқитишини текшириш, бирор ножӯя иш учун тозалаш ахлоқий иммунитет ҳосил бўлишига ёрдам бермайди.

5. Оилавий тарбиянинг асоси сифатида таъқиқлашлар системаси, ижтимоий намуна асосида тарбиялай билмаслик, бола ҳаётини у хар доим тўғри хатти-харакатини машқ қиласиган тарзда ташкил эта олмаслик натижасидир.

6. Ҳаракатларнинг мактаб билан мувофиқлаштирилмаганлиги ёки у билан келишмовчилигидадир.

7. Айрим ота-оналарнинг болалар улғайиб бориши билан тарбиявий фаоллигини сусайтириб юборишлари, бу эса болаларнинг ота-оналардан узоқлашувига, мактабга қизиқиши пасайишига олиб келади.

8. Қарорлар қабул қилишда кечикиш. Бола катта бўлгандан кейин ақли кириб, тузалади деб ўйлаш одатда ўзини оқламайди, кўпинча қайта тарбиялашни талаб этадиган педагогик жиҳатдан қаровсизлик ҳолатига олиб келади.

Педагогик лекция педагогик билим беришнинг энг машҳур шаклларидан биридир. Кейинги пайтларда ота-оналарга педагогик билим бериш кенг миқёс касб этиб, оналарга педагогик билм бериш

корхоналардаги, клублар, маданият уйлари ҳузуридаги турар жойлардаги ва ота-оналар педагогика университетлари орқали турли шаклларда амалга оширилади.

Очиқ эшиклар куни ёки ота-оналар куни, одатда мактаб таътиллари пайтида ўтказилади. Уларни ташкил этиш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин. Бу таркиб топган анъаналарга ва синф раҳбари ижодкорлигига боғлиқдир. Оиланинг юксак тарбиявий имконияти болалар ва ота-оналарнинг ўзиг ҳос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси обрўлилиги билан таъминланади. Ўз фарзандининг барча заиф ва кучли томонлариний ўргакдаги чоғидан биладиган, уларнинг қалбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган унга таъсир этишни биладиган онадан ва отадан яхшироқ ким ҳам эзгуликка, меҳнатсеварликка, дўстликка, биродарликка, муҳаббатга ўргата боради.

Хулоса қилб айтадиган бўлсак, синф раҳбари ҳар доим ўкувчиларидан хабардор бўлиб туриши керак. Масалан, бир ўкувчининг ўзлаштириши ёмон бўлса, уни яхшилаш учун ўқитувчи биринчи ўринда ота-онаси билан учрашиб, суриштириш керак. Нимага яхши ўқимаяпти, нима учун дарсларни ўз вақтида қилмайди, шулар ҳақида ота-онаси билан сұхбат олиб бориш керак. Агар боланинг оиласида ҳамма шароит бўлиб, бола ўзи яхши ўқишини ҳохласада, ўзи ўйлаган натижага эриша олмаётган бўлса, ўқитувчи боланинг яхши ўқийдиган ўртоғининг ёнига ўтқизиб қўйиш керак. Бундан ташқари ўшанга ўхшаган пассив ўқувчиларни тўплаб ҳар хил фанлардан, масалан, математика, она тили, ўқиши ва бошқалардан қўшимча дарсларни ташкил этиб, болаларни ўқишига бўлган талабини, қизиқишини янада оширишга ўқитувчи ҳаракат қилиш керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан фаол ишлаш керак. Негаки, мактабда синфда бўлаёттан ишлардан ота-оналар ҳам хабар топиб, қийналган вақтида ҳамроҳ бўлиш лозим. Бунинг учун ота-оналар билан ўқитувчининг ўртасида боғлаб турувчи алоқа дафтарчасини тутиши ва уни доим қолдирмасдан юритиб туриши даркор.

1. Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири ўқитувчи ва педагогика меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Чунки ўқитувчида барча педагогик ғоялар мужассамланган бўлиб, унинг фаолияти орқали бу педагогик ғоялар амалга оширилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти заминида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ: болаларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил эта билиш, ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларни олиб бориш ва ҳакозо. Буларни ҳаммаси ўқитувчилардан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган сана 1991 йил 31 август халқимиз ҳаётида улуғвор воқеалардан ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг

бой тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганиши, тарғиб қилиш, ўзлигини таниши имкониятига эга бўлади. Бу воқеадан сўнг кўп сонли ўқитувчилар жамоалари олдига Ватан равнақи учун хормай-толмай хизмат қила оладиган, буюк ватан йўлларида ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қўйилади. Бу вазифа олий таълим концепциясида алоҳида таъкидланади.

Шунинг учун бундай улкан вазифани амалга оширишда синф раҳбари ҳам ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшади. Синф раҳбарининг асосий вазифаларидан бири бизнинг келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тўғри, инсонпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат. Тарбия жараёнида ўқитувчи ва синф раҳбари бир-бирини тушуниш керак ва синф раҳбари ўқитувчиларга эътиборлироқ бўлишини тақозо қиласди.

Синф раҳбари ишини мактаб маъмурияти билан биргаликда ва махалла жамоаси билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни олиб боради. Мактаб маъмурияти синфда раҳбари ва у олиб бораётган ишларни қўллаб қувватлаш лозим. Чунки синф раҳбари ўз ўқитувчиларини яхши билади ва уларни тарбиялашни учун нималар қилиши кераклигини ҳисобга олиб иш юритади.

Синф раҳбари ишини маънавият ишлари бўйича деректор ўринbosари бошқаради. Синф раҳбарининг иш режасини мактаб директори ва маънавият ва маърифат ишлари бўйича деректор ўринbosарлари тузади ва бошқаради. Бошланғич синфлар мактаб таълимининг дастлабки босқичи болалар ўқитувчи раҳбарлигида таълимга 1-қадамни қўядилар.

Ўқув фаолиятида билим, кўникума ва малакани эгаллайдилар. Ўқитувчи синф билан ёлғиз ишлайди ва қўпинча тарбиячи сифатида иш юритади. Ўқитувчиларнинг болаларга бўлган муносабати катта меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан ҳарактерланади. Бу эса талабчанлик билан олиб борилади. Ўқитувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиши ҳамда ўқувчиларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб уларни қайта қуриш хусусияти ҳам синф раҳбари учун муҳим аҳамиятга эга. Мактаб уставида синф раҳбарининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Синф раҳбари барча ўқитувчилар билан биргаликда алоқада бўлиб, ўзининг синфи билан тарбиявий ишларни олиб боради. Ўқитувчилар тамонидан ўқувчиларга қўйиладиган педагогик талаблар бирлигига эришади. Ота-оналар, кун узайтирилган группа тарбиячилари, жамоатчилик билан доимо алоқада бўлиб туради.

Зарур бўлган вақитда ёрдам кўрсатилиниб ташкил қиласди. Синфда белгиланган хужжатларни олиб боради ва уни мактаб маъмуриятига тақдим этади. Ўқитувчилар соғлигини мустаҳкамлашга доир ишларни ўтказади ва меҳнат қилишга ўргатади. Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусиятини шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишидан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даст аввал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини, ўзларини қандай тутишларини уй вазифаларини

сидқидилдан бажаришларини ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва ниҳоят энг муҳими уларнинг ўқишидаги мўлжаллари нималардан иборат. Бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади. Педагог синф билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин.

Синф раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бундан ўқитувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Педагог шахсни ҳар тамонлама етук камол топтиришда катта роль ўйнайди. Ақлий тарбия шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи ахлоқий тарбиясининг вазифаси ва мазмунини ўқитувчилардан экологик онг ва маданиятни шакллантиради.

2. Ўқитувчилик касбига шу жумладан синф раҳбари касбига хос бўлган муҳим фазилатлардан бири – болаларни севиши, уларнинг хисиёти билан қизиқиши, ҳар бир шахсни хурмат қилишдан иборат. Болани севган бутун куч ва билимини болаларнинг келажаги буюк ватанга содик фуқаро қилиб тарбиялашган сафарбар қила оладиган одамгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Болага бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд одам ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

«Бошланғич таълим концепцияси»да бошланғич синф ўқитувчиси қиёфаси таърифланади: «...энг муҳими балаларда ўқиш, ўрганишга чинаккам хавас, иштиёқ уйғотувчи, эътиқод хосил қилувчи устоз сифатида алоҳида ўрин тутади.» ва яна шу концепциядан бошланғич синф ўқитувчиси фазилатларига қўшимча келтирилади. Ўқитувчи: «...Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли бўлиши;

- болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбиялай олиши;
- нутқий равон, халқ тили бойлиги ифода усули ва тасвир воситаларини адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши» зарур.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб синф раҳбарининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчининг савотли бўлишига, ўз хиссиётини идора эта олишига, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёларни белгилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган синф раҳбаригина синфда мўтадил психологик иқлим ўrnата олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Ўз хизмати хусусиятига кўра синф раҳбари ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилятига эга бўлиб ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи зарур. Ташаббускор ва ғайратли синф раҳбари болаларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчилар унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ўқитувчининг саломатлиги ҳам маълум талаблар қўйилади.

Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобиляти яхши бўлиши керак. Узоқ тикка тура олиши, қўп юриши, эпчиллик каби фазилатларга ҳам эга бўлмоғи муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепсиясида мутахассис вазифалари қуидаги белгиланган: «... мутахассис ўз фаолиятини соҳасидаги қатъий назар, ижодий жамоаларда ишлай олиш қобилятига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёргарликка эга бўлиши, янги технологияларни жорий этишнинг хўжалик ижтимоий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиши керак».

Ушбу фикрлар ўқитувчиларга ҳам яъни моҳир синф раҳбарларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор муносабатларига кириб боришими ўқитувчиларни нафақат касбий билимларини, балки иқтисодий юридик, техникавий билимларидан ҳам хабардор бўлишини тақозо қилмоқда. Бу ўринда бошланғич синф ўқитувчилари, синф раҳбарларининг хизмати катта.

3. Бошланғич синфлар жамоасини жипслаштирувчи омиллардан бири ўқув тарбия мазмунидир. Давлат таълим стандарти асосида белгиланган фанларнинг мазмуни салоҳияти ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан бирга жамоага хос бўлган ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, адолатпарварлик, меҳру шавқат каби фазилатларни уйғунлиги туфайли жипслашади. Шу туфайли давлатимиз дарсликларини янги авлодни тузиш концепциясига эътибор қаратади, ҳамда таълим мазмунини миллий истиқлол ғояси асосий тамоиллари билан бойитишга эътибор кучаяди. Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади. Чунки жамоа тожини тарбиялаш коммунистик тарбия-етакчи принципидир. Тарбия методларини танлашда уларнинг жамоадан ривожланиши даражасига мослиги мувафақиятининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўқитувчилар жамоасини

мустахкамловчи ўқувчи фаолиятини ҳаракатлантирувчи муҳим манбалардан фойдаланиш методикасидир.

Дарсликдаги матнларни ва характер хусусиятига кўра ўқувчилар жамоасини мустахкамловчи матнларга ёндаги матнларни танлаш тарбиялаш тарбиявий тадбирларни жамоани мустахкамлаш билан ўтказиш.

Синф мажлиси ҳар бир синф учун алоҳида синф раҳбарлиги бошлигида ўтказилади. Синф мажлисида қўриладиган масалалар синф фаоллари билан биргалиқда келишиб бажарилади. Синф мажлисида асосий мавзу тарбиячи қаратилганлиги учун тарбиячи оид бўлган мақолалар, эртак-матнлар, шеърлар асосида баён этилади.

4. Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, ўз касбини севиши, бу касбга бўлган чексиз садоқат ўқитувчини бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишнинг юқори савияда ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлига боғлиқ.

Синф раҳбари шаҳсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири синф раҳбарининг ўз ишини яхши билишидир. Унинг методикасини пухта ўзлаштирган бўлиши зарур. Шуни тўғри ташкил қилиш ва уни болалар билан тушунарли, қизиқарли ва масъулиятли хис қилган ҳолда олиб бориш керак. Ўқувчилар ўқитувчи билимини болаларга етказа олиши имкониятларни қадирлабгина қолмай, балки унинг шу предметга бўлган қизиқишини, унинг фидоилигини ҳам қадирлашади, тақдирлашади.

Синф раҳбарининг юксак маданияти, унинг теран билим доираси (айниқса, Ўзбекистон мустақиликка эришгандан сўнг халқимизнинг ўз тарихини, маданиятини, урф-одатини ўрганишига, билишга бўлган қизиқиши ортиб бораётган даврда) таълим-тарбия ишларини мувоффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси айниқса синф раҳбари миллий қадриятларимизни билибгина қолмай, уни кенг ота-оналар жамоатчилиги ичida, синфда оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчилик касби жуда катта ва руҳий ва жисмоний куч талаб этади. Шунинг учун ўқитувчининг айниқса синф раҳбарининг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган умумий талаблар билан бошланғич синф ўқитувчисининг касбини ўзига хослиги айрим специфик талабларни келтириб чиқаради. Чунончи, бошланғич синф ўқитувчиси анатомия, физология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор бўлмоғи, ўқувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил этиши лозим; (синф гигиеник талабга жавоб бериши, ўқувчилар режими, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини қузатиши ва тўғри йўналтириш); ўқитувчи ўз нутқини ирода қилиши; адабий нурқ нормаларига риоя қилиши; овознинг баланд пастлигига аҳамият бериши, нутқининг жонли, ифодали бўлишига эътибор бериши; болаларни чарчатиб қўймаслик мақсадида иш турларини тез-тез ўзгартира олиши, ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиши, улар билан яқиндан алоқа ўрната олиши (бу фаолияти тури бошланғич синф ўқитувчиларини, жисмоний холатини ўрганишга ёрдам беради) ва уларга тарбиявий таъсир ўтказишга ёрдамлашиши керак.

Ниҳоят у ўз устида тинмай ишламош лозим. Айниқса қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро бу нарсаларни билмай туриб мустақиллигимизни мустахкамлаб, буюк давлат қуриб бўлмайди. Шундай экан, бошланғич синфдан бошлаб болалар шарқона тарбия таъсирига олмоғи, ўз қадриятларини билмоғи лозим. Бу ўқитувчидан қолаверса синф раҳбаридан чукур билимли бўлишни талаб этади.

5. Раббим – фан, пайғамбарим билимдир.

(Абдураиф Фитрат).

Устозлик – бу келажак, истиқбол учун мерос қилиб қолдириладиган бойлиқдир. Бу бойликнинг қадр-қиймати шу қадар буюкки, у одамни маънавий жиҳатдан бой қилиб, қалбини бахтга илохий нурга тўлдиради.

«Устоз» сўзига берилган таърифга эътибор беринг-а, унинг мазмуни

нақадар бой: Устоз – муайян фан, билим гохида ботакрор олим, педагог мутахассис, ўз йўналиши бўйича барча янгиликлардан боҳабар, ҳайётда ўз ўрнини топган мавқеи, салоҳияти ва мактабига эга; олим фузало, оқил комил ўрнак бўладиган, ўзининг илғор тажрибасига эга ва келажакни илмий тасаввур қиласидиган; илмий, билимли, ҳамма томондан тан олинган малахатгўй инсон.

Дунёда бирон кимса йўқки, унинг устози бўлмаса. У ҳукумат раҳбарими, буюк алломами, вазир ёки иқтидорли шифокорми, халқ меҳрини қозонган ёзувчими ёки қўли гул косибми, қарангки барча-барчанинг ўз устози ва ҳаёт йўлини чароғон этиб турувчи йўлбошчиси бўлади. Сиз ўзингизни устозлик баҳт соҳиби ҳисобласангиз, қўйидагиларни унутмаслик керак.

– «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» ғояси сизнинг ҳар кунги фаолиятингиз учун дастуруламол бўлсин ва шу буюк халқ ва давлатга муносиб шогирдлар тайёрланг.

Устознинг энг буюк бурчи – халқقا нафи тегадиган ақл идрокли, қобилиятли ўқувчи шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогрд тайёрлаш учун энг аввало унинг ўзи маънавий жиҳатдан баркамол, фикрлаш тарзи ноёб, дунё қарши соғлом, ўз юрти ва халқининг ғояси ва илғор мафқуранинг байтроғдори бўлиши керак.

2-МАВЗУ. МАКТАБДАГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТИЗИМИДА СИНФ РАҲБАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ, ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Хозирги даврида мактаб ва уйдаги ўқув-тарбия ишларини амалга ошираётган педагогик жамоа олдига жуда катта вазифалар қўймоқда. Мактаб ёш авлоднинг дунёқарашини таркиб топтириш, ғоявий, сиёсий жиҳатдан чиникитириш, юксак ахлоқий фазилатларга эга қилиш, меҳнатига ва онгли касб танлашга тайёрлаш лозим. Бу вазифаларни ҳал қилишда синф раҳбари муҳим рол ўйнайди. Чунки, у бир синф шароитида тарбиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади ва бошқаради.

Синф раҳбари қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзига юклатилган синфдаги тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажараётганда у ёлғиз эмас, шу синфда дарс бераётган турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ва уларга суюнган ҳолда ўқувчиларда миллий дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқий тарбиясини ривожлантиради. Ўқувчиларни дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этади ва синф жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишиш ва қобилятини ўстириш ҳар бир ўқувчининг индивидуал-психик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва ҳаётий мақсадларини шакллантириш синф раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда ҳар бир ўқувчининг соғлигини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беради.

3. Синф раҳбарининг диққат марказида ўқувчиларнинг юқори дарсда ўзлаштиришини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир ўқувчининг кундалик ўзлаштиришида воқиф бўлиб туради. Орқада қолаётганларга ўз вақтида, кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Синфдаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини йўналтиради, улар иштирокида синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишлардаги иштирокини таъмин этади, мактаб миқиёсида уюштирилаётган муҳим тадбирларда ўз синфининг фаол қатнашишини таъминлайди.

5. Синф ўқувчиларининг ота-оналари, ўқув куни узайтирилган гуруҳларининг тарбиячилари, корхоналар ва муассасалардаги, турар жойлардаги оталиққа олувчилар билан яқин алоқага ўрнатади.

6. Синф раҳбари шу синфда дарс бераётган барча фан ўқитувчилари ўртасида ўқувчиларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билимлар тарқатиб, оила билан мактаб ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

7. Синф раҳбари ўз синфидағи турли ҳужжатларини; синф журнали, ўқувчиларнинг қундаликлари, табеллар, шахсий маълумотлари, турли хил режа ва ҳисботларни юритади.

Кўриниб турибдики, вазифа кенг ва мураккаб, уларни муваффакиятли

ҳал қилиш синф раҳбарининг шахсий сифатларига ҳам боғлиқдир. Синф раҳбарининг шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар ўқитувчига қўйиладиган талаблардан фарқ қилмайди. Лекин, синф раҳбари асосий тарбиячи, болалар маънавий жиҳатдан андоза оладиган шахс бўлганлиги учун ҳам, бу талаблар унинг шахсий фазилатига айланиб кетиши билан тарбияда алоҳида роль ўйнайди.

Тарбиявий ишларнинг сифат ва самарадорлиги, аввало тарбиячининг ғоявий ишончига ва сиёсийлигининг даражасига боғлиқ. Бунинг учун синф раҳбари фан янгиликларини мунтазам, эгаллаб бориши билан ўзининг билимини, онгини оширади.

Синф раҳбарининг ахлоқий обрўси ғоят даражада юқори бўлиши ҳам бу ўринда муҳимдир. Синф раҳбари ана шундагина тарбиявий таъсир кўрсатишга эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг ва хулқининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Синф раҳбари учун малака ва кўнимкаларга эга бўлишни ўзи етарли эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги инсонпарварлик фазилатлари, ўз ишига садоқати, интизоми, одамийлиги, ахлоқий сифатлари билан ҳам таъсир ўгказади. Чунки, тарбиячилик қобиляти жуда кўп сифатларни: чуқур билим, кенг фикрлилик, ишга жон дилдан кўнгил қўйиш, болаларга бўлган чексиз, муҳаббат муомала назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ темперамент, оқил ва адолатлилик намунаси, алоҳида назокат сиполик ва вазминлик каби фазилатларнинг бўлишини тақозо қиласди. Бунга яна тарбиячилик техникаси қўшимча ишда муваффақият таъминланиши табиийдир. Тарбиячилик техникаси синф раҳбарининг асосий қуролидир.

Синф раҳбарларидан маданият даражасининг кенглиги, педагогик одоб талабларига риоя қилиш, ҳар бир бола шахсини инсон сифатида ҳурмат қилиш билан унга нисбатан талабчанликни унутмаслик, ташкилотчилик малакаларига эга бўлиш, ўз муомоласини тинимсиз ошириб бориш билан ишга ижодий ёндашиш талаб қилинади. Муҳими шундаки, синф раҳбарининг ўзи болаларни тарбияламоқчи бўлган ғоявий-ахлоқий баркамолликка мос бўлиши керак. Тарбиядаги хатоларнинг кўпчилигига асогий сабаб, боланинг олдига қўйилаётган талаблар тарбиячи ҳарактерида ҳамиша ҳам намоён бўлавермаслигидадир.

Синф раҳбарининг фаол жамоатчи сифатида ҳамиша намуна кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айни вақта у коммуникатив қобилятга эга бўлиши, рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларни фақат педагогик қоидаларга боғлаб баҳолашгина эмас, балки рўй беришни сабабига қараб ҳукм ҳам чиқаришни, ижод қилиш қобилятига эга бўлиши керак. Синф раҳбари мактабдаги энг етук педагог ҳисобланиб, у бажарадиган меҳнатининг ўлчови, чегараси йўқ. Унинг билмаган иши уддасидан чиқа олмайдиган соҳаси бўлмайди. Шу билан бир қаторда, у беғараз, холис шахс бўлиб, жамоатчилик асосида ишлайдп. Синф раҳбари педагоглар, ота оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларининг нуқтаи назарини ҳисобга

олиши, ҳаракатларни бир марказга бирлаштириш, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказиш ва айни вақтда ўзининг ўрнини аниқ таъминлай олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффақиятини таъминлашга гаров бўлади. Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларни фикрлаш қобилятини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Ҳатто ўзлаштириш юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни ўстиришга, таълим сифатини оширишга ҳаракат қилиш зарур.

Айrim мактабларда юқори ўзлаштиришга эришишга ўқув, дидактик масала сифатида мактабда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйишга боғлиқ бўлади. Ўқиши жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, диққатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишлар системаси тўғри ва бевосита синфда ўзлаштиришни кўтаришга таъсир этади. Синф раҳбари ўқитувчилар билан ҳамкорликда болаларни ўқишига онгли муносабатда бўлишига ўргатади. Ўқувчиларнинг ўқишлиарини назорат қиласади, дарсларга киради, кузатади ва ўз синфидағи ўқувчилар билан биргаликда синфда ўқув ишларининг сифатини ошириш чора-тадбирларини белгилайди. Юқори синфларда юқори ўзлаштириш учун кўриш сусаймайди, аксинча у яна кўпроқ аҳамият касб этиб боради.

1. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда ва унга маълумот билан ёндашиш ҳиссини тарбиялаш билимнинг сифатли бўлиши боланинг ўқишига бўлган интилишига қизиқишига уларнинг ҳаракатчанглигига, диққатига фаолиятига ташаббускорлигига, мустақиллигига боғлиқдир. Бундай сифатларни ўқувчиларда шакллантиришни уларга ўқув меҳнатининг ижодий аҳамияти тушунтириш ва ўқув машғулотларига масъулият билан ёндашиш ўқувчилардан талаб этиш синф раҳбарининг фаолиятига муҳим ўрин эгаллайди. Синф раҳбари улар олдида ўқиши болаларини очиб беришга ижтимоий фойдали меҳнат билан боғланиш ўқиши билан хаёт ўртасидаги меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқали кўрсатиш, ватанни ҳимоя қилиш ҳиссини тарбиялаш орқали эришилади.

2. Ҳар нарсани билишга қизиқиши ва билимга муҳаббат уйғотиш.

Бола билимга қизиқмай туриб, ўқишига интилмай туриб, муваффақиятли ўқий олмайди. Биринчи навбатда қийинчилик билан ўзлаштирилган фанларига нисбатан боланинг қизиқишини уйғотиш керак. Боладаги ўқиши, меҳнатга нисбатан ҳавас ва қизиқиши ўқишидаги қийинчиликларни енгишга, билим фаолиятини оширишга қизиқувчанлик ва мустақиллигини камол топишига олиб келади.

3. Ўқув меҳнати маданиятини ошириш.

Ўзлаштиришнинг паст бўлиши аксарият, ўқув меҳнатини системали ва режали олиб бориш иқтидорли болаларда шаклланадиган келиб чиқади.

Синф раҳбарининг ва ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар бир

ўқувчининг фикрлашга ўргатишдан иборатдир. Айниқса болаларда ўқиш қийинчиликларини енгиш, тушуниб ўқиш ва китоб билан мустақил ишлаш уй вазифаларини бажаришда риоя қилишни олган билимларини, амалда кўллаш каби билим олиш учун зарур бўлган сифатларини шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний тараққий этишга маданиятли бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамиша бу ҳақда гамхўрлик қилиш лозим.

4. Ўқувчиларни ўқув меҳнатида муайян режага итоат этишга ўргатиш.

Ўқув меҳнати билан дам олишни тўғри ташкил этиш, ташкилий равища уй вазифаларини бажариш таълим самарадорлигини оширади. Ўқувчилар режимга итоат этишларини ўқитувчи, синф раҳбари ва ота-оналар мунтазам равища назорат қилиб боришлари керак. Шу йул билан уларни муваффақиятли ўқишга, ўқув меҳнатида сарамжонликка ўргатиш мумкин.

5. Ўқиш жараёнида ўртоқларига ёрдам беришни уюштириш.

Ўртоқларига ўзаро ёрдам, синфда улгурмовчиликни, икки йилликни ва мактабни ташлаб кетиш ҳолларининг олдини олишга ёрдам беради. Шу билан бирга синфда ўртоқлик дўстлик ва бир жамоа бўлиб шаклланишига олиб келади.

6. Синф ўқувчилари билан алоҳида бўлиши ва яхши ҳамкорлик.

Синф раҳбари таълим-тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу синflарда дарс берувчи бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этади. Ўқув ишларида синф раҳбарининг ва шу синфда ишлайдиган бошқа ўқитувчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, ўқувчиларга нисбатан ягона талабни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг бир-бирига ўзаро ёрдамлари таълим-тарбия сифатини оширади.

З-МАВЗУ. СИНФ РАҲБАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ

Синф раҳбари мактаб ўқитувчилар жамоаси ва педагогика кенгашининг аъзосидир. Синф раҳбарининг бурчи жуда кенг ва кўп томонламадир.

Синф раҳбари ишининг асосий қисми ўқувчиларни ўрганиш. Ўқувчилар билим сифатини ошириш ҳамда уларнинг тартиб интизомини мустаҳкамлаш. Дарсдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишлар ҳам синф раҳбарининг асосий вазифаларидан биридир.

Ўқувчилар жамоаси – синф раҳбарининг таянчи. Ўқувчиларни тарбиялашда синф жамоасидаги барча ўқувчиларнинг бир-бирларига таъсиrlари катта аҳамиятга эга. Уларни бир-бираига кўрсатадиган ўrnаклари интизомни яхшилаш ва мустаҳкамлашга, уларни хулқ маданиятини, одатини, кўниkmасини ҳосил қиласди.

Синф раҳбари болаларни одобли қилиб тарбиялашни, уларга андиша билан гапиришни, мақбул ҳракат қилишни ўргатиши лозим.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида таълим-тарбия жараёнларини, воситаларини, аҳлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. Ўқитувчи одоби ва муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар ва таълим бераётган фанини ва тарбия жаарёнини севиши керак дейди. Ўзига хос ўқувчи жамиятда обрўли ва ҳурматга лойик инсондир, деб ҳисоблади. Шогирдлар муаллимни ҳурмат қилишлари, эъзозлашлари зарурлигини уқтиради.

Навоийнинг фикрича, баъзан бир киши битта болага тарбия беришга ожизлик қиласди, муаллим эса бир нечта бола-синф жамоасини ташкил этади ва илму-адаб ўргатади. Бу жараёнда синф раҳбари кўп машаққатларга дуч келади. Шунинг учун шогирдлар устоз олдида умрбод қарздор эканликларини ҳис этишлари лозим. Шогирд подшолик мартабасига эришса ҳам муаллимга қуллуқ қилса арзиди.

*Хак йулида сенга бир ҳарф ўқитмииш ранж ила,
Айламак бўлмас адo онинг ҳақин юз ганж ила.*

Синф раҳбари ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялар экан, у ўз фаолиятида қуйидаги талабларга риоя қилиши керак:

- синф раҳбари ўқувчи ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим.
- синф раҳбари болаларга аҳлоқий нормаларни ўргатиши керак.

- гердайиши, манманлик, таъмагирлик, нодонлик каби иллатлар ўқитувчи аҳлоқига ёд сифатлардир.

- халқ назарида олим ҳисобланадиган ўқитувчилар ёмон ишлардан, фиску-фасоддан ўзларини тия билишлари зарур.

Синф раҳбарининг ота-оналар билан тўғри муомила қила олиши мураккаб, нозик иш. Чунки ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги ўрта ёки олий маълумотли кишилар, улар вақтли матбуот, телевидение, радио орқали кўпгина педагогик ахборотларни билиб оладилар. Шундай вазиятлар ҳам бўладики, ўғил ёки қиз бола мактабда ўзбошимчалик қиласи, лекин оилада хушёр ва гапга қулоқ солади, ёки аксинча. Оилада муомаласи қўпол, ўзбошимча, мактабда эса ўзини хушмуамола, интизомли тутади. Бунинг сабаби нимада? Бундай ҳолатларнинг ҳаммаси учун бир хил сабаб ва тўғри жавобни топиш амри маҳол. Чунки ҳар бир ҳолатда унинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Демак, синф раҳбари ва ота-оналарнинг мақсадлари бир хил бўлса ҳам, уларнинг ҳамкорлиги, бир-бирини тушуниши, муомала муносабатлари қарама-қаршиликларсиз бўлмайди.

Синф раҳбарининг фаолияти камол топаётган киши шахсини таркиб топтиришга қаратилгандир. Бу фаолиятнинг натижалари тарбияланувчининг қиёфасида, унинг шахсидаги хусусиятларида, характер ва хулқ-атворида ўз аксини топади. Агар тарбиячи педагог нимага интилаётганини равshan ва аниқ тушунилмаган жойда тарбияланувчилар шахсини такомиллаштиришга астойдил интилиш бўлмайди, балки тарбияда ўтказиладиган иш тасодифий тусга эга бўлиб, бунинг учун ажратилган вақтни тўлдириш учунгина олиб борилади. Тарбия фаолиятининг мақсадларини аниқ билмаган ва бу мақсадларни ҳисобга олмаган ҳолда тўла қимматли тарбия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Маънавий-аҳлоқий тарбиянинг мақсади жамият талабларига боғлиқ бўлиб, бу талаблар ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва жамиятда ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларининг ҳаммаси ёш авлодда маънавий аҳлоқ ва эътиқодни шакллантиришга, уларни Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш тузимини такомиллаштиришда бошланғич мактаб муҳим ўрин эгаллайди.

Маънавий аҳлоқий тарбия-маънавий онгни бир мақсадни кўзлаб таркиб топтириш, аҳлоқий туйғуларни ривожлантириш ҳамда хулқ-атвор кўникумлари ва одатларини ҳосил қилишдан иборат. Синф раҳбари ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг қуидаги вазифаларини ҳал этиши керак.

1) Туғилиб ўсган жойига, Ўзбекистон Республикасига юксак муҳаббат туйғуларини, унинг табиати ва кишилар ҳақида, Ватаннинг ҳимоячилари ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида, ота-боболаримиз, уларни дунё

цивилизациясига қўшган хиссалари тўғрисида кўпроқ билишга интилишни тарбиялаш.

2) Ўқувчиларда Ватанимизнинг бой тарихи, шунингдек бошқа мамлакатлар тўғрисда, тинчлик учун кураш ҳақида чет эллардаги болалар ташкилотлари ҳақида дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш.

3) Болаларда ўртоқлик туйғусини, бошқаларга ёрдам кўрсатиш иштиёқини, умумий фойда йўлида биргалиқда фаолият кўрсатишга интилишни таркиб топтириш. Болалар ўртасида, ўғил ва қиз болалар ўртасида дўстона муносабатларни рағбатлантириш, соҳта ўртоқлик кўринишларига қарши кураш олиб бориш лозим.

4) Ўз сўзи ва ваъдаси учун, ўқитувчи ва колектив топшириқларининг бажарилиши учун маъсулият туйғусини тарбиялаш.

5) Болаларда кишиларга тўғри муносабатни, кексалар, bemorlar, инвалидларга нисбатан эътибор ва ғамхурликни, хушфеъл ва бетартиб, камтар ва ҳақгўй булишини тарбиялаш.

Ўқувчиларни барча кишиларнинг яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларини фарқлай олишга, ўз хатти-ҳаракатларига ва ўртоқларининг хатти-ҳаракатига адолатли баҳо беришга ўргатиши ҳамда ўз куч ғайратини ўқувчиларда нопоклик, адолатсизлик, кишиларга раҳм-шафқатсиз бўлишга нисбатан салбий муносабатни таркиб топширишга қартиши керак.

Ўқувчиларни тарбиялаш ўқитишга қараганда анча қийин деган фикрни ўқитувчилар орасида тез-тез эшлиши мумкин. Маънавий-аҳлоқий тарбия таълим бериш билан мустаҳкам алоқада бўлгани ҳолда, ўзининг хусусиятларига эга. Маънавий-аҳлоқий тарбия ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни барча процессларини билим бериш ва ўргатиш билан бирга қамраб олади. Бундай иккита ўзаро боғланган томон: ҳётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш процесслари ажralиб туради. Ҳаётни билиш маълумот олишнинг асосий функцияси, унга бўлган муносабатни таркиб топтириш тарбиянинг асоси, вазифасини ташкил этади.

Синф раҳбари фақат таълим-тарбиянинг бирлигини эмас, балки уларнинг хусусиятларини ҳам кўра билиши мухимdir. Мактабдаги тарбия инсон шахсини таркиб топтириш юзасидан олиб бориладиган улкан ишининг бир қисми холос, у боланинг илгариги тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, ундаги барча яхши сифатларни ўстириб, нотўғри тасаввурлар, одатларни тузатиб бориши ва бўлажак сифатга замин тайёрлаши керак. Маънавий-аҳлоқий тарбия ўқувчи мактабни тамомлагандан кейин ҳам тугалланмайди, у бутун умр бўйи давом этади.

Маънавий-аҳлоқий тарбия-таълим бериш билан боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз хусусиятларига, ўзига хос вазифалари, уни ташкил этишнинг форма ва методларига эга бўлиб, маҳсус равишда ўрганилиши лозим.

Ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг мухим шарти сифатида

уларнинг ўқув ва ўқишдан ташқи хилма-хил фаолиятларининг бирлиги тўғрисидаги тушунчалар билан боғлиқдир.

Ўқув ва маънавий-аҳлоқий тарбия фаолияти бир-бирларини тўлдириш лозим: Синф раҳбари томонидан тарбиявий босқичга раҳбарлик қилинган тақдирдагина тарбияда бирор мақсадга қаратилганлик, маълум бир системанинг бўлиши мумкин. Маънавий-аҳлоқий тарбиялаш аввало тарбияланувчи шахсининг таркиб топиш процесига раҳбарлик қилишни такозо этади.

Бирор мақсадга қаратилган тарбия процессида тарбияланувчиларнинг жисмоний ҳамда маънавий-аҳлоқий етуклиги ўсиб боришига қараб уларнинг мустақиллиги ва ижодий активлиги ортиб боради. Ўқувчилар колективининг онглилиги ортиб бориши билан тарбиячининг вазифалари ўзгаради. Тарбия давомида тарбияланувчининг қарашлари, ҳаётий нуқтаи назари аста-секин таркиб топади.

4-МАВЗУ. СИНФ РАҲБАРИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Синф раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмундир. У ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларни тарбиялаш билан бир қаторда ўқув йили ёки чорак давомида нималар қилиш кераклиги болалар ҳаётини нима билан банд қилиш ва танланган иш турини қандай амалга оширишни бехато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони ечади. Бу борада синф раҳбарига турли хил манбалар ёрдам беради.

Тарбияга комплекс ёндошиши бирор ўқувчини ҳам эътибордан қочирмаслик синф раҳбари учун алоҳида масаладир. Тарбиялаш учун синф раҳбари тарбия обьекти бўлган болани яхши билиш, уни яхлит идрок этиши керак. Кўпчилик синф раҳбарлари болани дарсда ўқувчи, мусобақада спротчи сифатида, яъни ҳар бир аниқ иш шароитидан келиб чиқиб идрок этади ва шунга кўра муомола қиласи, бола шахсининг бошқа томонлари эса ҳозирча ҳисобга олинмайди. Аммо ҳар бир боланинг ўз тажрибаси, ўз эмоционал маданият даражаси, қадрлайдиган нарсалар, эҳтиётлари, талаблари, умидлари, алоқалари, муносабатлари каби бутун бир дунёси бор. Тарбияда ана шулар ҳисобга олиниши керак. Синф раҳбари ўз ўқувчисининг ички дунёсини, кечинмаларини, ҳулқида вужудга келаётган ҳолатларнинг сабабини, иродасини яхши билсагина унинг қалбига йўл топа олади ва болага таъсир этишининг тўғри йўлини аниқлайди. Ана шундай сифатларга эътибор берган синф роҳбари тарбияда етакчи ўринни эгаллади.

Шуни ҳам унитмаслик керакки, болага тарбиявий таъсир этувчи омиллар ҳозирги даврда ғоят даражада кўпайди: оила, кенг жамоатчилик, радио, телевидения кино, театр, китоб, журнал, мусиқа ва бошқалар.

Синф раҳбарининг болага тарбиявий таъсир этишдаги етакчилик, бирдамлик ролни тарбиявий таъсирининг бу қадар кўп тармоқлари орасида сақлаб қолиш ғоят қийинлашиб боряпти. Баъзан болага тарбиячидан кўра ўртоғи, қўшниси, кўчадаги дўстлари кучлироқ таъсир этиши ҳолларига дуч келамиз. Аммо бунинг акси бўлган тақдирдагина тарбияда муваффикиятга эришилади. Бунга эса тарбиячининг нутқи назари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, ҳар бир болада маълум куртаклар: яхшилик ва поклик билан бир қаторда салбий, активлик ва пассивлик сифатлари мавжуд. У муносабатларга эътибори жиҳатидан ҳам ҳар хил сифатларга эга. Агар тарбиячи унга оптимистик нуқтаи назардан ёндашса, бола яхшиликка интилиб, унинг умидини оклади ва аксинча болага олдиндан ношуд, ялқов, тартибсиз деб қаралса ҳамда, ўжарлик ва терслик боланинг сифати ҳукум чиқарилса у ҳолда тарбияланувчи ўзининг худди шундай қилиб кўрсатади. Натижада у бу борада ҳам тарбиячининг «умидини оқлади».

Синф раҳбари болаларни яхши била олиши учун уларни ўрганиш дарсда, дарсдан ташқари вақтларда умуман боланинг ҳаёти ўтадиган барча

шароитларда амалга оширилади. Болани ўрганиш билан синф раҳбари унинг индивидуал хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади.

Боланинг индивидуал хусусияти унинг хулқига, ўзлаштиришига муносабатларига жамоадаги ўрнига таъсир этади. Шу боисдан ҳам жамоадаги индивидлар тарбияланадиганда алоҳида ўқувчини унитиш ярамайди. Чунки синф раҳбари кўпгина ташкилий ишларни уюштиришда кимга суюниш, кимга қандай вазифа юклаш, кимга мустақиллик бериш ва кимга мунтазам ёрдам бериш кераклигини фақат уларнинг индивидуал хусусиятларини яхши билиш туфайлигина бехато аниклади. Демак, индивидуал муносабат болага тарбиявий таъсир этишнинг энг самарали йўлини топиш имкониятини беради.

Тарбиявий ишлар жараёнида синф раҳбари бутун синф жамоасини ҳам ўрганиши керак.

Синф раҳбари ўзига берилган синфи қабул қилиб олиш билан болалар ҳақида кўпгина маълумотларни аниқлади. Бу маълумотлар боланинг оиласидан ўқитувчилардан, ўртоқларидан олинади ва тарбияга ягона таъсир бирлиги ҳам шу асосда вужудга келади.

Мана шу ўринда болалар ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу учлик марказида бола, яъни ўқувчи туроди, мактаб ва оила эса унга икки томондан таъсир этади. Айни вақтда бола мактаб билан оиласидаги алоқани таъминловчи восита ролини ҳам бажаради. Лекин унинг мактаб ҳақидаги оиласи етказадиган маълумотлари ҳамиша ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди ва у ҳатто кундалик орқали бериладиган ахборотларни ҳам ўзига талқин этиб боради. Кўпинча оила билан мактаб ўртасида вужудга келадиган англашинмовчилик ҳам мана шу туфайли рўй беради. Ўқувчи катталарнинг ўзи билан муомола қилаётган вақтдаги позициясини солишириб кўриш орқали маълум хulosага келади ва ўзига ҳукум чиқаради. Худди шу ҳол унинг хулқида ўз аксини топади ва у бир гал ўқитувчининг, бошқа вақт ота-онасининг тарбиясини олади. Ҳатто энг виждонли болада ҳам бу ҳолни рўй бериши табиийдир.

Ана шу ҳолатнинг вужудга келмаслиги учун ота-онага ёрдам бериш, ўқитувчи билан ота-она ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри бўлишида оила тарбиясига раҳбарлик қилиш зарур. Бунинг учун у ҳар бир оилани гуруҳ ва ҳар томонлама ўрганиш керак. Синф раҳбарининг оилавий шароитни индивидуал муносабат учун у қўйидагиларни ўз ичига олган дастурга эга бўлиши керак:

1. Оила ҳақида умумий маълумот: оила таркиби: катталарнинг иш жойи, касби, оиланинг моддий жиҳатдан фойдаланганлик даражаси; уй жой шароити;

2. Оиланинг маданий даражаси: оила аъзоларининг маълумоти, оилавий кутубхона бор йўқлиги, қандай матбуотга ёзилиши, анъаналари ва оилавий байрамлар.

3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари, ота-онанинг болага ва боланинг ота-онага муносабати, уларнинг инсоний етуклиги ва қиёфаси болаларнинг ўз ота-оналарининг касби ҳақидаги тушунчалари, оиласда салбий таъсирнинг бор йўқлиги.

4. Болага оиласдан ташқарида кўрсатилаётган таъсирлар ва ота-оналарнинг уларда муносабати, ўртоқлари, ховли, кўча, қўшнилар, ота-онанинг танишлари, қариндошлар ва бошқалар.

Синф раҳбари тарбиявий ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг болалар ички дунёсига чуқур сингиб киришига, уларнинг кечинмалари ҳамда хулқ-авторини тушунишига боғлиқдир. Ўқувчининг нима билан яшаётганлигини, унинг қизиқиши ва майиллари қандайлигини иродасининг ўзига хослиги ҳамда ҳарактери хусусиятларини ўрганиш деганимиз, унинг қалбига мумкин қадар ишончли йўл топиш, унга тарбиявий таъсир этишнинг ҳамда мақбул методларидан фойдаланиш демакдир.

Тарбиячи ўқувчининг индивидуал хусусиятларини яхши ўргангач ва тушунган тақдирдагина, бу ўқувчи шахсини муваффақиятли тарбиялаб этиштира олади. Ўқувчиларни ўрганиш ўқитувчининг, айниқса синф раҳбарининг вазифасидир. У ўқувчиларпи фақат дарсдагима эмас, балки синфдан ташки вақтдан уларга тарбия бериш вақтида ҳам, ўқувчилар уйларига борганда ҳам, ҳар хил экскурсиялар вақтида ҳам ўрганади.

Синф раҳбари синфи қабул қилиб олгандан кейин, унинг биринчи иши, одатда, ўқувчиларни ўрганиши билан боғлиқ бўлади.

Бу иш унинг ўзи беркитилган синфдаги бутун иш фаолияти мобайнида давом этади ва унинг тарбиявий иши системасида муҳим бир томонни ташкил этади.

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг хулқлари ва майлларини, улар олган тарбия даражасини билган ҳолда, маълум мақсадга қаратилган ва таъсирчан режа тузиш осон бўлади.

Маълумки, ўқувчи шахснинг таркиб топиши ва ривожланиши бир текис бормайди. Синф раҳбарининг мазкур ўқувчи тўғрисида келган белгилари бугунга келиб етарли бўлмай қолиши мумкин.

Тўғри, ўқувчиларни ўрганиш кўп вақт ва куч талаб этади. Аммо кейинчалик булар ҳаммаси катта натижалар беради. Синф раҳбари ўқувчиларни, уларнинг хусусиятларини билган ҳолда, улар камолоти жараёнини муваффақиятли тарзда йўлга солиб этишиш мумкин бўлади. Ўқувчиларни ўрганишга бошқа ўқувчилар, етакчилар ва ота-оналар жалб этилади.

Бунда ўқитувчилар ҳамда синф раҳбарлари ишидаги муносибликка риоя қилиш жуда муҳимдир. Ўқувчиларни ўрганишни натижалари билан барча ўқитувчиларни таништириб бориш зарур. Шу билан бирга уларнинг ҳар қайси ўқувчи тўғрисида билганларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Булар ўқувчиларга тарбия бериш жараёнида уларга бир хилда талаблар

қўйиш ва уларга бир хил муомола қилишга эришишга ёрдам беради. Ўқувчиларни ўрганиш уларга индувидуал ёндашишининг зарур шартидир. Ўқувчиларни уларга таълим ва тарбия бориш жараёнида ҳар қайси ўқувчига индивидуал ёндашишга эришиш мақсадида ўрганмоқ лозим. Ўқувчилар ўз ҳарактерига қизиқиши ва майлига кўра бир хил эмас. Улардан бир хиллари бир мунча чаққон, бошқа бир хиллари эса сусткаш, уқувсиз, баъзи ўқувчилар жасур ва шижоаткор, бошқа бирлари эса уятчан ва тортинчоқ бўлишади. Баъзи бир ўқувчилар ўз ташкилотчилиги ва қаътийлиги билан ажralиб турса, бошқа бирларида эса бу хусусиятлар мавжуд эмас. Хуллас, синф бир бирига ўхшамаган, турли хусусиятдаги болалардан ташкил топган бир группадир. Синфда ташқи кўриниш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш болалар бўлмагани сингари, ўз ички хусусиятлари жиҳатидан бир бирига ўхшайдиган болалар ҳам бўлмайди. Уларнинг ҳарактери, қизиқишилари кайфиятлари ва хоҳишилари, уларнинг хулқ-атворлари сабаблари, кўникма ва малакалари, одатда, турлича бўлади. Ҳар қайси ўқувчи ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган хусусиятга эга бўлади. У алоҳида шахс сифатида камол топиб боради.

Одатда синф раҳбари синфдаги барча ўқувчиларга нисбатан ягона тарбиявий вазифалар қўяди ва ҳал этади. Масалан, у ўзининг барча ўқувчиларини меҳнатсеварликка, бир жон бир тан бўлишига, ҳаққонийликка ўргатишга ҳаракат қиласди. Аммо бу вазифаларнинг ҳал этиш йўллари, восита ва методлари ўқувчиларнинг индувидуал хусусиятларига қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг баъзиларини ўз вақтида рағбатлантириш, баъзиларига буюриш хулқ-атвор қоидаларини бузган ўқувчиларни жазолаш даркор. Бинобарин, ўқувчиларга тўғри тарбия бермоқ учун тарбия жараёнида уларга индивидуал ёндашишни амалга оширмоқ керак. Бунииг учун эса уларни чукур ва ҳар томонлама ўрганмоқ зарур. Синф раҳбари ўз ўқувчиларини билмаса, у ўқувчиларга ёндашишда, педагогик таъсир кўрсатиш методдарини танлашда катта хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Ўқувчиларга индивидуал ёндашишнинг амалга ошириши тарбия ва таълим бериш принципларидан биридир. Бу тамойил ўқувчилар ва синф раҳбарликларининг ўқув-тарбиявий иш тажрибаларидан болаларни севиш ва хурмат қилинишнинг номоён бўлиши, уларнинг камолоти тўғрисида қундалик ғамхўрлик қилиш асосида кенг қўлланади.

Тарбиячи ўқувчилар жамоасини тарбиялар экан, ҳеч қайси ўқувчини назардан соқит қолдирмасилиги даркор. Ўқувчиларнинг хулқ-атвори тартиб интизоми, ўзлаштириш кўп жиҳатдан уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. Баъзи бир ўқувчи ўзининг ўқишига бардошсизлиги туфайли дарсларга улгурмайди, иккинчи бирининг дарсда яхши жавоб беришга ўз журъатсизлиги, тортинчоқлиги ҳалақит беради, яна бирининг яхши ўқишига ўзлаштирилмаганлигининг сабабларини билган тақдирдагина, унинг олдини олиш борасида, реал ва таъсирчан тадбирлар қўллаш мумкин бўлади.

1. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳамиша ва ҳамма ҳолда

хисобга олмоқ зарур.

Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш бу ҳар қайси ўқувчининг хусусиятларига фаол тарзда мослашиш эмас. Бу энг аввало ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хислатларини, унинг психологик тараққиёти хусусиятларини, унинг шахсий тажрибасини хисобга олган ҳолда унга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг янада самарали йўлларини фаол равишда қидириб топишдир. Бундай ёндашишга фақат тарбиялаш ва ўқитиш қийин бўлган ўқувчиларгина эмас, балки истисносиз ҳамма ўқувчилар муҳтождир, тарбиячининг ўқитувчининг вазифаси фақат қолоқларни ва интизомсизларни илғорлар ва интизомлилар қаторига етказиб олишдагина иборат эмас, балки шу билан барча ўқувчиларнинг, жумладан, энг яхши интизомли, билимли, санъатта ҳавасманд болаларнинг ҳам ақлий, ҳам қувватларини ва ташкилотчилик қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Ўқувчиларга тарбия бериш жараёнида уларга индивидуал тарзда ёндашиш ҳар қайси ўқувчини ўз назар-эътиборида тутишдан, унинг хусусиятларини билишдан, унинг ижобий хислатларига таянишдан, унга оғир пайтларда мунтазам ёрдам кўрсатиб боришдан ва уни яхши хатти-ҳаракати учун рағбатлантириб туришдан иборатдир.

Хатто ўқувчиларни синфда жойлаштириш каби ишларда ҳам уларга индивидуал ёндашишга риоя қилмоқ даркор. Ўқувчиларни ўрганиш қатор талабларга жавоб берган тақдирдагина, у ўз олдига қўйилган натижаларни беради. Мактаблар ўз тарбиявий ишини кўп даражада енгиллаштириш, бу тарбиявий ишни янада аниқ ва мақсадга йўналтирилган тарзда олиб бориш эканлигини синф раҳбари учун қоида тусига кирмоғи зарур.

2. Ўқувчиларни ўрганиб, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.

Ўқувчи шахсини ўрганиш ҳам пираворд мақсад, эмас балки уларга таълим-тарбия бериш учун зарурий шарт-шароитдир. Одатда тажрибали синф раҳбарлари ўрганаётib тарбия бериш, тарбиялаётib ўрганиб бориши қоидасига амал қиласидар. Ўқувчиларни ўрганиши бу тарбиячилар учун муваффакиятли тарбиялашнинг зарурий шарт-шароити бўлиб хизмат килади, тарбиялаш эса ўз навбатида ўқувчиларни камол топтириш жараёнида уларни ўрганишнинг асосий йўлларидан бири синфдатида фойдаланилади. Ўқувчиларни ўрганиш борасидаги ишлар шахсини камол топширишнинг табиий тарзда фаол иштирок этиш билан, ўқувчиларда зарурий маънавий хислатлари ва ҳарактер хусусиятларини таркиб топиш билан органик равища қўшилиб кетади.

Синф раҳбари ўқувчилар хулқ-атворидаги ижобий хислатларни ривожлантиртиш, салбий хусусиятларга барҳам беришни «лойиҳалаштиради».

3. Ўқувчиларни ўрганишни режали тарзда ва мунтазам олиб бориш даркор.

Ўқувчи хулқ-атворидаги якка-ярим учрайдиган ва тасодифий воқеаларни эмас, балки унинг шахсида жуда куп учрайдиган типик

хусусиятларни ўрганмоқ керак. Шуни ҳисобга олиш керакки ўқувчилар ҳамма вақт ўсиб камол топиб борадилар. Уларнинг қизиқишлари доим ўзгариб боради, уларнинг ички дунёлари доимо бойиб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни факат ривожланишга ўргатмоқ ва бу ривожланишни фаол бошқариб бориш зарур. Ўқувчиларни янада яхши, ҳар томонлама ўргатмоқ учун қилинадиган муомоллаларнинг барча имкониятларида фойдаланмоқ лозим. Факат ўқувчиларнинг айрим ҳатти-ҳаракатларига бу ҳатти ҳаракатлар номоён бўлишларини ташкил этиш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодаламоқ мумкин.

Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйсндиromoғи лозим. Ўқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошланғич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишининг янада самарали усул ва методларини танлаб олишга ижодий ёндашиш мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майллари ҳамда қизиқишларини қайд қилиб бериш билангина чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, булар билан олиб бориладиган тарбиявий ишини ташкил этиш муҳимдир. Ўз ўқувчиларини яхши ўрганиш демак, ташқи томонига эмас, балки улар ҳулқ-атвор сабабларини ўрганишга эътибор бермоқ даркор.

4. Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиш.

Ўқувчи таълим жараёнида ижтимоий фойдали маслаҳатга ва жамоат ишига жалб қилиш лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-оналар ва теварак-атрофидаги кишилар билан киришадиган муносабатларини ўргатиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахснинг янада тўла очилади. Ўқувчиларни тиббий иш ва кундалик ҳатти-ҳаракат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

1. Ўқувчиларни хилма хил методлар ва усуллар билан ўргатиш.

Ўрганиш методлари қанчалик турли туман бўлса, ўқувчиларни шунчалик тўла ва асосли ўрганиши мумкин бўлади. Ўқувчи шахсини ўрганишининг асосий методларидан бири унинг иш фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларини ўрганишдан иборатdir. Айни бир вақтда қўшимча методлар сифатида ўқувчилар билан, мазмун сифатида иш олиб бориладиган ўқитувчилар билан ўқувчиларнингота-оналари билан суҳбатлардан фойдаланилади. Ўқувчилар инсонларни таҳлил қилиш ва улар иш фаолиятлари натижалари таҳлил қилиш сингари методлар ҳам қўлланади. Ўқувчиларни ўрганиш методикаси таъсирчан бўлмоғи керак. Ўқувчини ўрганиш асосида унинг ҳарактери ва ҳулқ-атворидаги салбий хусусиятларининг олдини олиш ҳам ижобий ҳислатларни мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.


5. Ўқувчиларни ўрганиб, улар ҳаёти ва турмуш шароитлари билан танишиш.

Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳислатлари, унинг ютиқлар ва камчиликлари, энг аввало унинг таълим ва тарбия олиш жараёнида ижтимоий уй шароити, теварак-атрофи ҳам аҳамият касб этмайди. Ўқувчиларни ўргатиш дастури уларни факат мактабдагина эмас, балки шу билан бирга уй шароитида, оиласда ҳам ўрганишни назарда тутмоғи даркор.

6. Шахснинг алоҳида хусусиятларини эмас, балки бутун шахсин ўрганмоқ даркор.

Синф раҳбари тарбиявий ишнинг турли босқичларида ўқувчи ҳулқатворининг айрим томонларини ўргатишга эътиборини қаратиши мумкин. Ўқувчини ҳар томонлама ўргатишга эришмоқ учун дастурни олдиндан яхши ўйлаб тузиш, ўқувчиларни ўргатиш режасини, сұхбат саволларини, иншолар мавзуларни тайёрлаб олиш зарур.

I	<ul style="list-style-type: none"> – Оила; – Маҳалла жамоатчилиги; – Мактаб жамоатчилиги; – Телевидение; – Ҳозирги давр янгиликлари; – Ўзаро муамала. 	II	<ul style="list-style-type: none"> – Ўзининг тажрибаси; – Қадрлайдиган нарсалари; – Шахсий талаблари; – Ниятлари ва умидлари; – Ўзаро алоқалари; – Муносабатлари.
III	<ul style="list-style-type: none"> – Алоҳида эътибор бериш; – Ҳар бир ҳаракатини кузатиш; – Раҳбатлантириш; – Сұхбат ўтказиш; – Эркин мулоқотга ўргатиш; – Яқиндан сирлашиш 	IV	<ul style="list-style-type: none"> – Мавзуни түғри танлаш; – Тарбиявий аҳамиятини күрсата билиш; – Қизиқарлы ўтказиш; – Ўқувчилар ижросини эшлишиш ва күриш; – Мақсадга эришиш; – Мазмунли ташкил этиш.



5-МАВЗУ. ЎҚУВЧИЛАРНИ ПЕДАГОГИК КУЗАТИШ

Ўқувчилар жамоаси мустақил ташкилотдир, аммо у педагогик раҳбарликка муҳтождир. Ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам, айни вақтда болалар жамоасига нисбатан маъмуриятчилик ҳам, буйруқбозлиқ йўлига ўтиб олиш ҳам мумкин эмас. Биринчи ҳолда, синф раҳбари бу ишлардан умуман четлашиб, ўқувчилар билан алоқанинг сусайишига йўл қўйса, иккинчи ҳолда у тазийқ йўлига ўтиб ўқувчилар мустақиллигини йўққа чиқаради.

Синф раҳбарининг бош вазифаси болалар жамоаси фаолиятини моҳирлик билан бошқариш, ўқувчилар ташаббускорлигини ўстириш, синф жамоаси фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтиришдан иборатдир.

Ўқувчиларни педагогик кузатиш ўқувчилар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишнинг энг ишончли усулларидан биридир. Бу йш дарсларда, дарсдан ташқари вақтларда, ижтимоий-фойдали меҳнат шароитида, қўйингчи, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида амалга оширилади. Албатта – бу дегани – синф раҳбари ҳамма вақт ва ҳамма жойда ўқувчилар изидан юриб, уларни зимдан кузатади деган гап эмас.

Ўқувчиларни кузатиш нафақат мактабда, балки кўча-кўйда, оиласда, театрда, сайру-томушада, спорт ўйинларида, оддий гурунгларда ҳам олиб борилади.

Ўқувчиларни кузатиш қанчалик пухта, аниқ, изчил режа асосида олиб борилса, иш шунчалик осон кечади.

Тажрибали синф раҳбарлари ўқувчиларнинг турли ахлоқий ва жисмоний хислатларини бир қанча синовлар орқали оппа-осон аниқлашади кўяди. Жисмоний тарбия дарсларида турникка тортиниш, қийин ва нозик машқларни бажаришда, врач хонасидаги эмлаш жараёнида, бир оз қийинроқ меҳнат топшириқларида, улардан узокдаги бирор кишини чақириб келиш, ёқтиргмаган ишни буюриш орқали улардаги ирода ва қўрқоқлик, куч ва нимжонлик, қатъийлик ва журъатсизлик, меҳнатсеварлик ва ялқовлик каби хислатлар намоён бўлади.

Ўқувчиларни кузатиш ва ундан тўпланган маълумотлар умумийлик ва нисбийлик касб этишини унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам тасодифий ва шошилинч хulosалар чиқармаслик керак. Ўқувчилар хулқ-аворидаги ташқи жиҳатдан бир хилдаги воқеа-ҳодисалар турли сабабларга кўра содир бўлиши мумкин.

Ўқувчиларни кузатиш давомида, айниқса уларнинг баъзи бир хатти-ҳаракатларини баҳолашда уларнинг келтириб чиқарган сабабларини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Масалан, ўқувчи дарсга кечикиб келди, дейлик. Синф раҳбари уни қўйишдан олдин вазиятни аниқлаб олиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда балки ота-она айбдордир, балки у кўр кишини кўчадан ўтказиб

қўйгандир, балки йўлда ағанаб тушиб, кийимларини қайта алмаштириб келгандир... Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Буни инкор қилиб бўлмайди.

Баъзан ўқувчи ўқитувчининг гапларини эътиборсиз тинглайди. Бу ўқитувчидаги нароziлик уйғотади ва у ҳақ. Балки унинг оиласида нотинчлик бўлгану у тун бўйи ухламасдан безовта бўлиб чиқкан, дарсда фикрини бир жойга тўплай олмайди.

Нима бўлгандаям, ўқувчиларни кузатиш юксак маданий, сахий қалб, болалар шахсига катта ҳурмат, болалар тарбиясини билиш, синчковлик, етук маҳорат ва малака талаб этади.

Педагогнинг кузатиши қанчалик қимматли бўлмасин, бутун синф ҳақида ва айрим ўқувчилар тўғрисида маълумотлар ўрганишнинг бошқа усул ва йўл-йўриқлари ёрдамида аниқлашни ва кенгайтиришни талаб этади.

Бундан келиб чиқиб, мактабда ўқувчилар шахсий ишини самарали ташкил этиш замон талабидир. Бунинг учун уларга меҳнатни илмий ташкил қилишнинг оқилона энг оддий усулларини ўргатиш зарур. Бу билан уларга энг кам куч сарфлаб энг кўп самарага эришиш имконини яратган бўламиз.

Меҳнатни илмий ташкил қилишнинг қуйидаги асосий талаблари мавжуд:

1. Мақсадни аниқлаб олиш.
2. Ишни қисмларга ажратиш.
3. Қисмларни кераксиз нарсалардан тозалаш, қолганларини оқилона жойлаштириш.
4. Энг керакли қурол-асбобларни танлаш.
5. Энг яхши усулларни ўрганиш.
6. Мақсадга эришиш.

Буларни ўқувчилар ҳаётига қандай татбиқ қилиб бўлади?

Ўқиши – ақлий меҳнат турларидан бири. Мамлакатимизда миллионлаб ўқувчилар мактабларда ўқишиди. Ўқиши – бу ўзига хос хусусиятга эга меҳнатдир. Шу нарса аниқки, бу меҳнат ҳам айни бир натижага эришиш учун кўп ёки оз куч сарфланишига қараб у ёки бу даражада самарали бўлиши мумкин.

Ўқувчиларни ҳар бир ишга киришишдан олдин хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки режа тузиб олишга ўргатиш керак. Ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳам, шахсий ишда ҳам тартиблилиқ, тежамлилик режанинг мавжудлиги ва мукаммаллигига боғлиқдир:

Режа – ишдаги муваффақиятнинг асосидир.

Режа – харакат учун дастур.

Режанинг таркибий қисмлари:

1. Иш мақсадини аниқлаш.
2. Иш учун нималар керак?
3. Иш тартиби, иш жараёни, вақти, жойи.

Ниҳоят, ишнинг ўзини: унинг нимадан бошланиши, қандай бориши,

нимадан кейин нима келишини аниқ тасаввур қилиш керак.

Ишни бажариш учун энг аввало тегишли иш ўрни керак. Мактабдаги күпчилик дарслар учун парта ёки стол сингари иш ўрни тўлиқ кифоя қилади.

Энди иш ўрнига қуидаги талаблар қўйилади:

1. Иш ўрнида ҳеч қандай ортиқча нарса бўлмадлиги керак. Акс ҳолда керакли нарсани топиш учун кўп вақт сарфланади.

2. Иш ўрнида тозаликни таъминлаш керак. Иш ўрни қанчалик тоза бўлса, ишлаш шунчалик осон, завқли бўлади.

3. Иш ўрнида бажариладиган ишга мувофиқ тартиб таъминланиши лозим. Бизга керак бўладиган ҳамма нарсани бир томонда (яхшиси чапда), бажарилган ва фойдаланилган нарсаларни ўнг томонда сақлаш керак. Кўп ишлатиладиган нарсалар яқинроқ туриши керак.

Столда тартиб сақланиши учун ручка, қалам, кнопка, қисқич, ўчирғич ва маҳсус қаламдондан фойдаланиш ўринли. Шуни унумаслик керакки, синф хонасидаги тартиб, озодалик ҳар бир иш ўрнидаги тартиб ва озодаликка боғлик.

Бу хилдаги иш жараёни ўқувчиларни тартиблиликтаки, озодаликка, ўз-ўзини назорат қилишга, қизиқиб меҳнат қилишга ўргатади.

6-МАВЗУ. СИНФ ЖАМОАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ

1. Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш – тарбиянинг етакчи принципидир.

Болалар жамоасини шакллантириш методикаси ҳозирги кунда анча тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогика курсида баён этаман, жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қўйидагилардан иборат: талаблар қўйиш; фаолларни аниқлаш, ўқув меҳнат, ижтимоий сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш; соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш, ва қўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар хар қандай жамоа (мактаб, синф жамоаси, мактабдан ташқари болалар бирлашмаси ва ҳоказолар)ни шакллантириш ва ривожланиши учун қўлланма бўлиб ҳисобланади.

Болаларнинг жамоа турмуш, нормалари ва қоидаларининг интизомини бўзилишига муносабатларини кузатиб жамоанинг ташкилий тузулиши таъсирчанлиги ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичларида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун жамоада салбий ҳодисалар очиқ мухокама қилинмайди ва мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди. Агар жамоа ривожланишининг 2-чи босқичида бўлса, номигагина эмас балки ҳаракатларини қўллаб қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган мухим белгилардан бири – ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлолом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди.

Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларни, ўзларини дарсда қандай тутишларни, ўзларини дарсда қандай тутишларни, уй вазифаларни сидқидилдан бажаришларни ёки бажармасликларни аниқлайди. Ва ниҳоят энг мухими – уларнинг ўқишидаги мулжаллари ижтимоий моҳиятга

молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

8-«Б» синфда шпаргалкалар, айтиб туришлар кўчириб ёзишлар авж олган эди. Ўқувчилар буни тан олишдан ҳам уялишмас, бундай ҳолни ўзига хос дўстлик жамоатчилик деб ҳисоблашишар эди. Аксинча саволларга жавоб олишда «Сен шпаргалкага қандай муносабатдасан?» деган саволга факат бир ўқувчи – Наргиза бундай деб ёзди: «Айтиб туришни ва айтиб туришдн фойдаланишни ўзига эп кўрмайман». Анкета саволларига жавоб қайтариш натижаларини мухокама қилиш чоғида кўпчилик Наргизанинг тутган йўлидан ғазабланишди: Қаранглар қандай мағурланиб кетибди! Қадр-қиммат бизда ҳам бор, лекин у алгебра бўйича контрол ишга нисбатан анча мухимроқ ишларда намоён бўлади. Синф раҳбарига бу синфда ишлаш жуда қийин эди. Бу ерда кўпгина қобилятли ва яхши ўзлаштирадиган айни пайтда қолоқ ўқувчилар ҳам бор эди. Дарсдан ташқари пайитларда турли тадбирлар-кечалар, учрашувлар, экспурсиялар ўтказилади. Лекин, буларнинг ҳаммаси энг мухим нарсага – ўқувчиларнинг таълим жараёнига, муносабатига ва бу жараёндаги ўзаро муносабатига таъсир кўрсатмасди. Кўпчилик 8-синф ўқитувилари: ўқиш ҳар бир кишининг шахсий иши, деган принципга амал қиласидар. Юқорида баён этилган синф жамоаси ривожланиш даражасининг пастлигидан далолат беради. Мана шундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун жамоанинг ривожланиш усулини аниқлаб олишимиз керак бунинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан дарсда, дарсдан ташқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш жараёнида кўзатишдан иборатдир. Махсус диагностик усувлар. Масалан: анкета, тарқатиш, педагогик вазиятларни вужудга келтириш, бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин, бу усувлар гурӯҳни жуда эҳтиёткорлик билан катта педагоглик одоби билан қўллаш лозим. Ўқувчиларни ўрганишнинг ҳар бир усули айни вақтда тарбия усули ҳам эканлиги ўқитувчилар учун қонун бўлиши керак.

2. Жамоада шахсни якка тартибда тарбиялашдан мақсад мактаб ўқитувчисини ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш, уни тегишли малака ва кўнималар билан қуроллантиришдан иборатдир. Тарбиявий таъсир кўрсатишга бўйини ёр бермайдиган тарбияси қийин болалар – бу албатта, ёмон ўзлаштирувчилар эмас, ҳолбуки улар орасида одатда улар кўпчилиги ана шундай болалардир. Замонавий синф раҳбар ўқувчидар ёмон хулқ атворининг, паст ўзлаштиришнинг сабабларини пухта ўрганади. Бунда ўқувчининг синфдошлари билан муносабатлари, бу муносабатларнинг маънавий асослари энг мухим масалалардан биридир. Жамоа муносабатлари – даставвал муайян принципларга асосланган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадлар йўналтириб турадиган ўзаро маъсуллиятли муносабатлардир.

Синф ўқитувчилари кўп бўлган шароитда ҳар бир бола якка тартибда ёндашиш, ҳар бир бола қалбига тўғри йўл топиш жуда қийин. Агар ўқувчилар жамоаси қўллаб қувватласа, ҳар холда бундай йўлни топиш мумкин.

Жамоада шахсни тарбиялашда якка тартибдаги ёндашувнинг моҳияти алоҳида ўқувчини жамоа фаолиятигандан жалб этишдан жамоани эса мазкур ўқувчи билан қизиқтириб қўйишдан ҳам иборатдир. Ҳар қандай жамоада тарбияси қийин болалар бўлади, лекин «ажратиб қўйилган» болалар бўлмайди.

Ўқувчиларнинг хулқ атвори, ўқувчининг мунтазам ўрганишни ўз олдига маҳсус мақсад қилиб қўймаса унинг учун сезилмаган тарзда ўзгариши мумкин. Бундай ўрганиш якка тартибда ишни ташкил этишнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади. Жамоани ташлантириш, юзасидан олиб бориладиган иш албатта айрим ўқувчиларнинг ривожланишга таъсир этади ва шунинг учун ҳам бу жараён стихияли эмас, балки мақсадга қаратилган ва бошқариладиган бўлиши керак.

3. Синф раҳбари ўқувчиларни якка тартибда ва жамоа билан тарбиялашда ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликда бўлади. Ота-оналарга педагогик билим беришни уюштиришда синф раҳбарига муайян тарзда ёрдам берадиган асосий манба «Ота-оналарга педагогик билим беришнинг намунавий дастури»дир. Мазкур дастур ўқувчиларнинг ота-оналари билан хилма-хил машғулотларни бирга қўшиб олиб боришни қўзга тутади.

Дастурда ўқув йили мобайнида иккита умумтаълим машғулотни ва ҳар бир синф ота-оналари учун 6 тадан 9 тагача машғулот ўтказиш кўзда тутилган. Машғулотлар шундай тарзда қуриладики, ота-оналар педагогика, психология ва физиология асослари изчил курсини ўзлаштириб, фарзандлари билан синфдан-синфга ўтгандек бўлишади. Курс болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ва таълимининг ҳар бир йилдаги таълим-тарбия вазифаларини ҳисобга олиб қурилган.

Ота-оналарнинг юксак таълимий ва маданий даражаси педагогик ва психологик таъсир этиш сифатини ошириш учун улар билан бевосита мумомалада, ўқитувчиларнинг бу йўналишидаги ижодий жамоа ишида ўрганиш мумкин.

Ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъанавий таркиб топган шакл бу ота-оналар йиғилишларидир. Ота-оналар мажлислари турли хил қўринища бўлади:

1) Ташкилий йиғилишлар ота-оналар комитети сайланади. Бунда асосан жамоатчи ўқимишли кишилар (ҳисобланади) сайланади.

2) Чорақдаги якунловчи синф мажлислари ота-оналарнинг эътиборини ўқувчиларнинг билишга доир қизиқишилари, ахлоқий қобилятлари, иродали фазилатлари, ривожлантиришдаги ютуклари, камчиликлари, фойдаланилмаган имкониятларга қаратиш мақсадини кўзда тутади. Агар ҳар бир ота-она мажлисларнинг кейин ўз боласига тарбиявий таъсир кўрсатиш системасига тўзатишлар киритишнинг асосий йўлларини аниқ тасаввур этсагина, синф раҳбари ўтказилган мажлислардан қаноат ҳосил қилиши мумкин.

3) Бирор мавзуга бағищланган йиғилишлар, тарбиянинг энг

долзарб муаммоалари юзасидан ўтказилади.

Агар мактаб синф раҳбарлари орқали ота-оналарга уларнинг педагогик билимини оширишда ёрдам берар экан ўз навбатида ота-оналар ҳам мактабга болаларни тарбиялашни ташкил этиш ишда ҳар томонлама ёрдам беришлари мумкин ва лозим.

Синф раҳбарининг ота-оналар комитети билан моҳирона, яхши уюштирилган ва йўлга қўйилган иши, болалар билан олиб бориладиган бутун тарбиявий ишларнинг мувафақиятли бўлишига гаров ҳисобланади. Ташабускор, ижодий ишлайдиган ота-оналар комитети синф раҳбарига, синф жамоасини ташкил қилишдаги бебаҳо ёрдамчисидир.

Якка тартибдаги педагогик сұхбат синф раҳбарининг ўқувчилар ота-оналари билан олиб бориладиган ишининг энг оммалашган қулай ва самарали шакли ҳисобланади.

Сұхбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, ўқувчилар оиласи тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тартибдаги ривожланиш дастурини биргаликдаги педагогик харакатлар системасини ишлаб чиқиш, ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатишларини ва тарбияси қийин бола ҳулқини тузатиш ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш, каби кенг қўламдаги таълим-тарбия вазифалари ҳал қилинади.

Ўқитувчилар у ёки бу ўқитувчининг бирор ўқувчи унинг дарсида интизомни бузганлиги хусусидаги шикоятга жавобан ота-онани мактабга чақирирадилар. Синф раҳбари ҳамма нарсани синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Баъзан ўқувчиларнинг дарсда ёмон ишлашга, гап қайтаришга ва ҳакозоларга ўқитувчининг ўзлари айбор бўладилар. Бундай ҳолда ўқитувчидаги педагогик одобнинг йўқлиги ёки унинг дарсдан, синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ёмон ташкил этганлиги учун маъсулиятни ўқитувчи ва ота-оналарга ағдариш нотўғри бўлур эди. Агар ўқувчи бир мунча тарбиясиз интизомсиз бўлса ҳам синф раҳбари ота-оналарга факат унинг камчиликлари ҳақида гапирмаслиги керак. Бу уларнинг ёқимсиз бўлиб, улар ва педагог ўртасида ишончли муносабатлар ўрнатишига ёрдам бермайди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради, шунинг учун улар, ўз фарзандида ҳосил бўлган янги, ижобий қуртаклар хусусида қувончни ўртоқлашадиган ва болаларнинг ҳулқидаги ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган, биргаликдаги харакатлар хусусида маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисблайдиган синф раҳбарига самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар. Бундай шароитда ота ёки она жуда ҳайриҳо бўлади ва синф раҳбари билан бажонидил алоқа боғлади.

Синф раҳбарининг ўқувчилар оиласида бўлиши мактаб ва оила ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Оилада бўлишнинг мақсадини аниқ вазият белгилаб беради. Синф раҳбари нима мақсадда оиласи беришга мувофиқ тарзда унга олдиндан тайёргарлик қўради (Ўқитувчилар билан

маслаҳатлашади, ўқувчининг ўзлаштириши хулқини аниқлайди, аввалги бориши натижалари тўғрисидаги мавзуларни кўриб чиқади, сухбат мазмунини ва шаклини белгилайди, муҳокама қилиш ота-оналар билан келишиш учун масалаларни танлайди, яқин келажак учун ота-оналарнинг тарбиявий вазифаларни, тавсияномаларни ва ҳаказоларни белгилаб олади).

Оилада бўлганда факат маслаҳатчи бўлиб қолмасдан, ўзи ҳам ота-оналарнинг фикри ва таклифларига қулоқ солишлари керак, чунки улар фарзандларининг мувофаққиятидан бизга нисбатан кам манфатдор эмаслар. Юқори синф ўқитувчиларининг оилаларига боришни зарур деб ҳисоблайдиган синф раҳбари ноҳақдир. Юқори синф ўқитувчилари олдида касб танлаш муммоси туради, ота-оналар эса бунга ўз фарзандларининг ўёки бу фаолиятига қизиқиши ва қобилятини инкор этиб, ўз ҳаётий тажрибалари асосида ёндошадилар. Бу жиҳатдан синф раҳбари тамонидан одоб билан ёрдам бериши зарурлиги равшандир.

Нобоп оилалар билан ишлаш синф раҳбари учун алоҳида қийинчилик туғдиради. Одатда бола оилавий нотинчликнинг қурбони бўлади, бинобарин уни педагогикага зид оилавий муносабатлардан асраш – мактабнинг вазифасидир.

9 – синф ўқитувчиси Жавлоннинг ота-онаси ўзаро қаттиқ зиддиятда эдилар. Отаси муҳандис, спиртли ичимликка берилиб, рафиқасини ҳақоратларди. Ҳаттоқи муносабатларини юмшатишини истаб унинг бу қилмишларига чидақ келарди. Лекин ўғли Жавлон аралашиб отасидан онасини таққирлашни бас қилишини талаб қиласди. Иш мушлашишгача бориб етади.

Шундан сўнг Жавлон дарсларга бормай қўяди. Синф раҳбари шошилинча чора кўради, яъни Жавлоннинг отаси ишлайдиган жойга бориб тушунтириш ишларини олиб боради. Шундан сўнг оилада вазият аста секин яхшилана боради. Она ҳам, ўғил ҳам ўқитувчининг ота билан сухбатлашганини билишмайди.

Жамоатчи ва билимли синф раҳбари ҳар қандай вазиятдан жуда усталик билан чиқиб кетади ва ҳар томонлама ривожланган синф жамоасини ташкил қиласди.

5. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбиявий таъсирини мувофиқлаштиришда – оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равиша одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодир ва одатда таъсир кўрсатади,

Оила тарбия вазифасининг бу улкан миқиёси унинг мафкуравий ва психолого-педагогик таъсир кўрсатишининг чуқур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни оила даражасида таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шаҳсий тиклантириш жараёниниг зарур бўғинига айлантиради.

Мактаблар тажрибасида фаолият одатда оммавий жамоа, гурӯҳ ва индивидуал шаклларда ташкил этилади. Табийки индивидуал шакллар муаммолаш назарда тутмайди.

Фаолиятни ташкил этишнинг оммавий шакллари ҳам (яъни уларда ўқувчиларнинг муайян гурухлари иштирок этади), ўз моҳиятига қўра уни амалга ошириш жараёнида фаолият мақсадига (масалан, лекция, концерт ва ҳоказо) эришиш учун қатнашчиларнинг ўзаро муаммосини назарда тутмайди.

Жамоа ташкил этишнинг самарали шаклларидан бири гурухий ишдир бунда мазкур иш болаларнинг таркиб жиҳатдан (энг кўпи билан беш киши) гурухларда амалга оширилади. Шундай кичик гурухларда барча аъзолар бир-бирлари билан бевосита муомилада бўладилар ва бир-бирларига бевосита таъсир кўрсатадилар.

Ўқитувчилар гурухларда муаммоларнинг ўзига хос ҳусуиятини ўрганиш унинг гурухларни ўқувчилар муомаласини ташкил этишнинг самарали шаклига айлантириладиган ҳусусиятларини аниqlаш имконини беради.

Мактабларда гурухий ишларни ташкил этишнинг турли усуллари қўлланилади: бир хил ишлар: унда жамоани ташкил этган барча гурухлар бир хил топшириқларни бажарадилар; табақалаштирилган гурухий ишлар; унда гурухлар индивидуал топшириқ оладилар. Ташкил этишнинг гурухий шакллари амалда ўқувчилар фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилади. Масалан: синфдаги дарсдан ташқари билиш фаолиятида «топилган ва топилмаган сирлар кечаси» ўтказилади. Синф бир неча гурухга бўлинади, улардан ҳар бири ўз «сири»ни белгилаб ва уни синфга тақдим этади. Дарсда билиш фаолиятини масалан 8-синфдаги тарих дарсида ўқувчилар гурухларга бўлинадилар, уларнинг ҳар бири топшириқ олади. Гурухларнинг вакиллари топшириқларнинг бажарилиш якунларини бутун синфга маълум қиласидилар, синф улар муҳокама қилиб, тузатишлар киритади.

Жамоа ташкил этганда ўқувчилар мұхитида мавжуд бўлган ҳақиқий гурухларни тутиш, бир-бирига ва ўзаро дўстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гурухларни ҳусусиятларини уларнинг йўналиши, қизиқишилари, малакасини билишлари ҳисобга олиш ва фойдаланиш керак. Жамоа ишни ташкил этишда ва амалга оширишда вазифаларни тақсимлаш вақтида мазкур ҳусусиятларни ҳисобга олиш ишининг самародорлигини оширади. Иккинчи томондан бу ҳол гуруҳдаги муаммоларни жамоанинг қизиқишилари соҳасига ва жамоанинг қизиқишиларини гуруҳдаги муомила соҳасига олиб киради.

Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқитувчиларнинг шахсларо реал мавжуд бўлган алоқаларни ҳисобга олиш икки хил мақсадга эришиш: гурух аъзоларини жамоа хаётига жалб қилиш ва улар ўртасига муомалага таъсир кўрсатиш имконини беради.

7-МАВЗУ. ШАХСГА ЖАМОАВИЙ ТАЬСИР КҮРСАТИШНИНГ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

Мавзунинг мақсади ва вазифаси шахснинг шаклланишида оила мұхити, колектив ва жамиятнинг таъсирини ифодалаш, шахснинг жамоага, жамиятга алоқадорлиги тушунчаларини шакллантириш.

Үқитувчи уйга берилған икки топшириқ ҳақида гаплашиб бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бир-икки топшириқ ҳақида гаплашиб бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бир-икки ўқувчидан сўрайди. Ўқувчилар аввало ота-оналаридан ёки опакасидан, кейин эса тарбиячилари, ўқитувчилари, маҳалла-куйдан миннатдор эканлигини айтадилар, ўқитувчи хулоса қиласи:

– Жавобингиздан маълум бўлдики, шахснинг камол топиши аввало оила мұхитига боғлиқдир. Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг куидаги шеърий парчасига эътибор беринг.

*Улча эрур тифлга шойиста иши,
Билки кичикликда эрур парварии.
Қатрага чун тарбият этди садаф,
Эл бошига чиққунга тонди шараф.*

Тифл, яъни болани кичиклигига парваришлаш, яъни тарбиялаш керак, садаф қаторига кирган қатра, яъни дур одамларнинг бошида туриш шарафига мұяссар бўлди. Ҳудди шунингдек, ота-она гўё садаф, болалар эса уларнинг бағридаги катралар – дурлардир.

Оиладаги шароит, озиқ-овқат ва жиҳозлар таъминоти, ўзаро муносабатлар: эр-хотин, бобо-буви қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки ҳамда бошқа қариндошларнинг бир-бирига муомаласи оила аъзоларининг биргалиқда ишлаш, дам олиши, адабиёт, санъат, илм-фан ва спорт билан шуғулланиш, даромад, руҳий-маънавий ҳолатлар, қўни-қўшничилик алоқалари, маҳалладаги тўй-маъракаларга қатнашиш ва ҳакозолар оила мұхитини ташкил этади.

Оила мұхити ахлоқ-одоб, маданият қоидаларига асосида ташкил топса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, бунда оиладаги болалар тўғри камол топади.

Ҳамқишлоқлар бир оиладек яшаб, бир-биридан хабардор, бир-бирларига меҳрибон бўладилар, қишлоқнинг, колективнинг иши ҳақида ҳисоб бериб турадилар, бир-бирларини ва шу аснода болаларини ҳам коллектив руҳида тарбиялайдилар.

Ибн Сино коллективдан, жамиятдан ажralиб тарбия топган боланинг баҳтсиз бўлиб қолишни таъкидлайди.

Инсон оилада дунёга келган билан жамиятга алоқадордир. Фаробийнинг

фикрига «инсоннинг ва жамиятни қўлга киритиши, аҳлоқий ва ақлий мукаммалликка эришуви, инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир».

Жамиятнинг қанчалик ривожланганлиги оила фаровонлигига, шахснинг камолотида қўриш мумкин. Ёки шахснинг баркамоллиги, оиланинг тўла-тўқислигига қараб, жамиятниг иқтисодий, сиёсий, маънавий-аҳлоқий аҳволини билиш мумкин. Чунки, шахс-оила жамият муносабатлари ўзаро мустаҳкам боғланган. Шунинг учун шахс оила-жамият муҳитида шаклланади, камол топади.

Ўқитувчи фаолиятида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади. Жамоа назарияси қонунларига мувофиқ уни яратиш методикаси асослари қуидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув, меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданият фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва қўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади.

Тарбия методларини танлашда уларнинг ривожланиш даражасига мослиги муваффакиятининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи тарбиявий ишни синфдан жамоа муносабатларининг ривожланиши даражасини аниқлашдан бошлайди. Ўқитувчининг эса янги синф билан кўп марта иш бошлигига тўғри келади: ўз меҳнат фаолиятининг дастлабки йилида, синфи навбатдаги битириб чиқиш мавсумидан кейин, баъзан эса мактабда вужудга келган вазият тақозо билан синф раҳбари ўзининг методлари жамоанинг ривожланишига тўсқинлик қиласлиги учун шундан кейинги ишлари давомида вақти-вақти билан жамоанинг ривожланиши даражасини аниқлаб туради.

Назарияда жамоа ривожланишнинг уч ёки тўртта даражаси ажратиб кўрсатилади.

Бошланғич даража педагогнинг куч-ғайрати натижасида синфда ўрнатилган муайян даражадаги тартиб, интизом билан, ўқувчиларнинг унга катта бўлмаган қисми синф раҳбарининг ҳаракатларини қўллаб-куватлаши билан изоҳланади. Тарбия жараёнига ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим ўқувчилар ва умуман жамоа ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ташкил этади, ўзига ва бир-бирига талаблар қўяди ва ўз-ўзини назорат қиласди. Синф раҳбари ва ўқувчилар жамоаси ўй-нийтлари ва ишларида биргадирлар.

Паст даражадан юқори даражагача борадиган йўл узок бўлиб, муайян қийинчиликларни бартараф этиш билан кечади. Айни пайтда жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар юзасидан жуда қизиқарлидир. Бу синф раҳбарининг асосий натижалари бу иш қанчалик муваффакиятли ўтишига боғлиқ бўлади. Агар ўқувчилар жамоаси ташкил этилмаган бўлса,

ўқувчи мактабни ҳеч афсусланмай тарк этади, ҳатто кейинчалик мактаб йилларини эсламайди ҳам. Ўқувчиларни иноқ жамоага бирлаштириш моҳир синф раҳбари қўлида тарбияланган одам баҳтлидир. Улғаяётган кишининг ҳётдаги мавқенини шакллантиришда, унинг ҳаёт йўлини белгилашда ўз вазифасини англаш синф раҳбарининг болалар жамоасини барпо этиш юзасидан олиб бориладиган фаол ва қатъий фаолиятнинг зарур шарти ҳисобланади.

Жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш методикаси. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиш даражасидаги жамоа норматив таърифини аниқ жамоа таърифи билан таққослашдан иборатдир. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳар томонлама событқадам фаолиятининг, ўзаро мальсулиятли муносабатларнинг мавжудлиги: ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти ва ҳ.к.

Болаларнинг жамоа туркум нормалари ва қоидаларининг, интизомнинг бузилишга муносабатларини кузатиб, жамоасининг ташкилий тузилиши таъсиранлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсиран фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бундай жамоада салбий ҳодисалар очик муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди ва ҳакозо.

Агар жамоа ривожланишининг иккинчи босқичида бўлса, номигагина эмас, балки педагогнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишни кузатиш мумкин.

Жамоа ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгиларидан бири – ўқувчиларнинг биргалидаги фаолиятига иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Синф раҳбари жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш учун болаларда уларнинг ҳозирги ва бўлажак ҳаётларида ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари мавжудлигини билиш муҳим, яъни жамоанинг ҳаётий фаолияти истиқболларини барча ёки ярим ўқувчилар қабул қилишни ва бу истиқболларнинг хусусияти қандайлигини билиб олиш зарур. Агар бўлажак шанбалик ёки байрам кечаси болалар учун фаолиятга ундовчи бўлса ва бўя кун истиқбол факат айрим ўқувчилар учун аҳамиятли бўлса, жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи ҳақида гапириш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг факат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатиларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканлиларини ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй

вазфаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлади. Ва ниҳоят, энг муҳими – уларнинг ўқищдаги мўлжаллари нималардан иборат, бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки эмаслиги ҳисобланади.

Педагог синф билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Синфда ҳақиқий жамоа муносабатлари бўлмаслиги мумкин, бунда ўқитувчи ишни бошидан бошлишга тўғри келади. Кўпинча бундай ҳолат янги шаклланган, «йиғма» синфларда, янги қурилган мактабларда бўлиши мумкин. Тўғри бошқа ҳолларда ҳам шундай бўлиши, аввалги синф раҳбарининг куч-ғайрати муваффақият келтиргмаган бўлиши, таркиби ўзгармаган жамоа VII-VIII синфларда ҳам шаклланмаслиги мумкин.

Иккинчи томондан синф раҳбари синф билан ишлар экан, ҳар доим жамоа ривожланишининг бошланғич даври билан иш кўради, деб мўлжаллаб бўлмайди. Бошланғич мактабдаёқ (I-IV синфларда) кўпинча яхши синф жамоалари шаклланади. Ўқитувчи бундай ҳолда жамоа фаолиятининг аввалги тажрибасини таҳлил этади ва унинг анча юқори ривожланиш даражасига мос келадиган тарбия методларини қўллади.

Комил инсон шахсини тарбиялашда жамоанинг роли ва аҳамияти.

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Бизга маълумки, ҳёти давомида инсон жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола манба шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши ўзгариши шахс сифатида камолга етади. Бунда берилётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рӯёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Боланинг камолотига, руҳиятига, феъл-атвори шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир этади: биологик омил, ижтимоий омил ва тарбия таъсир этади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар Фаробий инсон камолотида таълим тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «муносиб инсон» бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олим имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда аҳлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яширишга олиб борадиган йўлдир дейди. Абу Али Ибн Сино этика ва аҳлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беришда ёрдам берди. У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига

алоҳида тўхталиб: Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак. Агар оилада тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила баҳтли бўлади деган фикри илгари суради.

Бола шахсининг ривожланишга, камол топишга ирсият, муҳит ва тарбия каби (таъсирлар) омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишга наслнинг таъсири ривожланишга наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак, ҳар бир болага ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, буйбости ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Буларнинг барчаси жисмоний хусусиятларга киради. Булардан ташқари олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу эса физиологик хусусият ҳисобланади.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан яна бири бу муҳимдир.

Муҳит деганда кишига стихли таъсир этадиган ташқи воқеалар комплекти тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити киради. Шулар билан бирга муҳит-оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош уруғини кўради. Бола камолотида ижтимоий муҳит бўлиб ҳисобланади. Чунки бу ерда ишлаб чиқиши муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар алоҳида таъсир қиласи. Бу хил муносабат натижасида одам боласи ҳётга ва тажриба ва билимларини эгаллайди. Инсон камолотида ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда турлича бўлади, турли социал гурухларга ҳам турлича таъсир этади.

Бизга маълумки комил инсон шахсни тарбиялашда юқоридаги омиллардан ташқари яна бир омил яъни жамоанинг роли ҳам катта ҳисобланади. Чунки жамоа ҳар қандай бола тарбиясини тўғри йўлга солади. Масалан, синф жамоасини оладиган бўлсак, агар шу синфда бир ёмон яъни хулқи, тарбияси жиҳатдан ёмон булса, шу синф жамоаси уни аста-секинлик билан ўз таъсирини албатта ўтказади. Яъни қандай йўллар билан деган савол туғилиш мумкин.

Масалан, тадбирлар ёки саёҳатлар орқали. Комил инсон шахсини тарбиялашда жамоанинг аҳамияти жуда катта. Азал-азалдан бизгача ота-боболаримиздан қолган ўлмас мақолларимиздан бирини шу ўринда келтириб ўтмоқчиман; “Ақлни беақлдан ўрган”, ушбу мақол замирида бир қанча маънолар бор. Яъни жамоада ҳар хил болалар бўлиб, улар бир-бирига қараб ҳам ўзларидағи ёмон хулқларни йуқотадилар. Бу хислатлар эса уларнинг комил инсон бўлиб тайёрланаётганидан дарак беради.

8-МАВЗУ. ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА СИНФДА ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини тараққий эттиришда синф раҳбарининг вазифаси қўйидагилардан иборат:

1. Билимга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш.

Бола билимга қизиқмасдан туриб, ўқишига интилмайди, муваффақиятли ўқий олмайди. Болада ўз кучига ва қобилиятига ишонч ҳосил этиш, ўқишига жалб этиш, илк ютуқлари учун рағбатлантириш айниқса аҳамиятлидир. Боладаги ўқишига қизиқувчанлик қийинчиликларни енгишга, фаоллигини оширишга, ишонч уйғотишига ва мустақиллиги камол топишига олиб келади.

2. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлиш ва унга масъулият билан ёндашиш.

Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлишлик таълимнинг ижтимоий, ўқишининг шахсий аҳамиятини тушуниш демакдир. Синф раҳбарлари ўқувчиларга уларнинг бош вазифаси – ўқиши эканлигини тушунтириши керак. Ўқишига масъулият ҳисси, фақат Ватан олдидағи бурчгагина эмас, кенг ижтимоий қамровли – жамоа, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўз олдидағи масъулият, уларнинг фикрлари, маъқуллашларини эшитишига интилиш, синф, ўқув жамоасида муносиб ўринни эгаллашга ҳам тегишлидир.

3. Ўқув маданиятини ошириш.

Ўзлаштиришнинг паст бўлиши аксарият ҳолларда, ўқувни тизимли ва режали олиб бориш иқтидори ва кўникмасининг болаларда шаклланмаганлигидан келиб чиқади.

Синф раҳбарининг ва фан ўқитувчиларининг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг фаолиятини қўйидаги шартлар асосига қуриш билан боғлиқ:

1. Фаолиятни режа асосига қуриш.

2. Қунт билан ишлаш.

3. Пала-партишликка йўл қўймаслик, саранжомликка ўрганиш.

4. Билим сифатини ошириш.

5. Қийинчиликларни енгиш.

6. Ўқув меҳнатида муайян режимга итоат этиш.

Бу дегани ўқув меҳнатини ўқувчининг дам олиши билан тўғри алмаштириб борилишидир.

7. Ўқиша ўртоқларча ўзаро ёрдам уюштириш.

Ўртоқларча ўзаро ёрдам синфда улгурмовчиликнинг олдини олади, синф жипслигини оширади, жамоатчилик рухининг шаклланишига олиб келади.

8. Синф ўқитувчилари билан ҳамкорлик.

Синф раҳбари таълим-тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу синфда дарс берувчи бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда олиб боради.

Энди бевосита ана шу ишлар мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Синф раҳбари тарбиявий ишларни амалга ошириш жараёнида ўқиши нафақат ҳар кимнинг шахсий иши, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иш

эканлигини ўқувчиларга тушунтириб боради. Мустақил давлатимиз, бутун халқимиз мактаб даргоҳидан чуқур билимли, ҳәётга ҳар томонлама тайёрланган кишиларнинг етишиб чиқишини кутмоқда. Булар ҳақида синф мажлисларида, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ёки бир гурух ўқувчилар билан ўтказиладиган сұхбатларда, турли тарбиявий тадбирларда синф раҳбари батағсил гапириб беради. Ўқиши бу жиддий меҳнат эканлигини ва бунга астойдил ёндашиш, катта масъулият билан қарааш кераклиги болаларга тушунтириб борилади.

«Билим – такрорлаш мевасидир», – деган эди Абу Райҳон Беруний. Синфда ва уйда күп ва жиддий ишлайдиган болалар, одатда ўқишида ва меҳнатда катта муваффақиятларга эришадилар. Ҳар қандай муваффақиятнинг замирида тинимсиз меҳнат ётади. Болаларни ўқишига масъулият билан қарааш рухида, күчириб олишга қарши нафрат рухида тарбиялаш керак.

Синф мажлисларида вақти-вақти билан мазкур масалалар бутун мазмун-моҳияти билан муҳокама қилиниши, шу орқали ўқув машғулотларига лоқайдлик билан қарайдиган ўқувчиларга сезиларли таъсир ўтказиш керак.

Синфнинг ўзлаштириш масаласи атрофида жамоатчилик фикрининг шаклланиши, бу борада синф деворий газетаси имкониятларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ўқувчиларни билимга бўлган қизиқишлигини оширишда уларнинг назарий билимларини мустақил равишида қўллай билишларини ҳисобга олиш айниқса муҳимдир. Бу тажриба жуда күп мактабларда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Ўқувчиларга бирор бир фан бўйича кўргазмали қурол ёки бирор жиҳоз ясад келиш буорилади. Бунда «Агар тиришсанг, бу сенинг қўлингдан келади» деган гапни унинг қулоғига қуиши керак. Буни ўқувчи нафақат оддий топшириқ, балки ўқитувчининг ишончи сифатида ҳам қабул қиласи. Тўғрисини айтганда, бундай нарсаларни ясаш учун ўқувчи етарли назарий билимга эга бўлиши керак. Ўқувчи топшириқни пухта қилиб бажариши учун у ёки бу фан асосларини ўрганишга, ўз билимини чуқурлаштиришга ҳаракат қиласи, ўзи ясаётган ўқув қуролига, ушбу фанга ниҳоятда қизиқиб қолади. Шу билан биргаликда ҳар бир ясалган нарса замирида меҳнат ётганлигини ҳис қиласи, синф ва мактаб жиҳозларини авайлашга ўрганади.

Мактаб ўқувчиларининг билимга қизиқиши уларнинг ҳаётий эҳтиёжларига бевосита боғлиқдир. Мактаб ҳовлисидаги боғ, токзор, иссиқхонада ўтказиладиган амалий жараён – дарахтларни буташ, уларга пайванд солиш, ток кесиш, дарахт ўтқазиш, иссиқхоналарда помидор, сабзавотлар етиштириш қоидалари ўқувчиларда катта қизиқиши уйғотади. Бу ҳол уларни ботаника, геометрия, жўғрофия, меҳнат фанларига ҳавас, уларни севиб ўрганишга рағбат уйғотади. Ахир, юқоридаги фанлардан чуқур билим ва малака ҳосил қилмай туриб, мазкур ишларнинг мохир усталари бўлиб етишиш мумкинми? Болаларга ижтимоий фанларга қизиқиши орттириш

учун уларни турли маданий-маърифий тадбирларга тортиш аҳамиятлидир. Ҳудди шунингдек, физика, химия, биология, тарих, меҳнат, астрономия, чет тили фанлари ҳам ўқувчиларда ҳавас ўйғотадиган жуда катта ҳаётий амалий имкониятларга эгадир. Билимга бўлган қизиқиши шакллантириш ва ўстиришда синфларни, ўқув хоналарини ва мактаб биносини жиҳозлаш ҳам катта аҳамият касб этади, ўқувчиларда турли қарашлар, дид, дунёқарашни шакллантиради, эстетик завқ ўйғотади, тегишли маълум соҳаларга ҳавас ўйғотади.

Бугунги кунда турли фанлар бўйича қизиқарли адабиётлар нашр қилинмоқда: «Машҳур кишилар ҳаётидан», «Қизиқарли математика», «Қизиқарли ботаника», «Қизиқарли жўғрофия», «Ўсимликлар ҳаёти», «Бизни ўраб турган олам», «Тарихимизга бир назар» ва хоказо илмий-оммабоп туркумдаги бу китоблар ўқувчилар қўлига берилса, улар ҳаётида албатта бурилиш ясами турган гап. Китобдан ҳам яқинроқ дўст, ундан ҳам кудратлироқ тарбия воситаси борми ўзи?

Ўқув жараёнида фанлар бўйича ўзаро боғланишга катта эътибор бериш керак. Бундан ўқитувчию ўқувчи ҳам ютади. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Физика дарсида масалалар ечиш асносида математика формуулаларидан фойдаланилади. Математика дарсларида физик катталиклар ва ўлчов бирликлари қўлланилади. Булардан ташқари иккала фан биргаликда ўрганадиган мавзулар бўладики, уларда иккала фан ўқитувчиси ҳам бир дарсда ўз соҳалари бўйича тушунча берсалар нур устига нур бўлади. Адабиёт-тарих, меҳнат-ботаника, тарих-жўғрофия жуфтликлари фаолиятида ҳам бундай имкониятлар чексиздир. Боланинг муайян бир фанга қизиқишига суюниб туриб, унда бошқа фанларга ҳам онгли равишда ёндашиш ва фан асосларини ўрганишга ҳавас уйғотиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларни билиш фаоллигини такомиллаштириш учун тўгарак, факультатив машғулотлари жараёнида кенгрок фойдаланиш лозим. Синф раҳбари ўз ўқувчиларининг қизиқиши, мойиллиги, уй шароити ҳақида маълумотлар билан фан ўқитувчиларини таништиради, болага қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар беради. Ҳатто, шундай ҳам бўладики, бирор фандан ўзлаштирмаётган ўқувчи билан синф раҳбарининг ўзи бевосита иш олиб боради. «Иккаламиз бу топшириқни бажармасдан қўймаймиз», деб далда беради шогирдига. Керак бўлганда, аълочи ўқувчиларни ёки ушбу фан ўқитувчини ҳам кўмакка чақиради. Бундан ўқувчини кўнгли тоғдек кўтарилади, ёлғиз эмас эканлигини тушунади, топшириқни ўзлаштиришга ҳаракат, ҳавас уйғонади.

Болаларда ўқув меҳнатига жавобгарлик ва масъуллик ҳиссини тарбиялаш жуда муҳимдир. Масъулликни сезмаган ўқувчи пала-партиш ўқийди. Масъуллик кишини сергак торттиради, ўқув фаолиятига алоҳида жавобгарлик ҳисси билан қарашга ундейди

Маълумки, онгли интизом ва масъулият ҳиссини сезиш мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимининг самараси ҳисобланади.

Болаларнинг интизомли бўлишида синф раҳбарининг хизмати катта. У дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда турли тарбиявий усуллардан фойдаланиб, болаларда интизомни тарбиялаб боради, синфда аниқ режим ва ички тартиб ўрнатишга киришади; жихозлаш, тозалик ва тартибни жорий этиб боради.

Бу ишларни синф раҳбари бир ўзи эмас, балки ўқитувчилар, синф жамоаси, фаоллари ва ота-оналар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Синфда интизомни сақлаш ва жорий қилиш фақат синф раҳбарининг иши деб тушунувчилар ҳам учраб туради. Бу мутлақо нотўғри фикр. Интизом учун бутун синф, педагогик жамоа масъулдир. Интизомни тарбиялаш жуда қийин ва мураккаб тарбиявий жараёндир. Шуниси ҳам борки, кўп вақт қилинган меҳнатни бир пайтни ўзидаёқ йўққа чиқариш мумкин. Масалан, синф раҳбари ва айрим фан ўқитувчилари дарсларида болалар жим, интизомли ўтиришади, дарсларни берилиб тинглашади, ўқув юмушлари билан банд бўлишади; баъзи ўқитувчиларнинг дарсларида бунинг акси: болалар қий-чув қилишади, бир-бирига қоғоз отишади, партанинг остига кириб яширинишади, натижада ўқитувчи тажанглашади, ўқувчилар билан ихтилофга боради. Бундай аянчли манзара ҳар бир мактаб ҳаётида учраб туриши табиий.

Нега шундай бўлади? Бу ҳолатда ўша фан ўқитувчисининг ўзи айбдордир. Негаки у дастлабки машғулотларидаёқ ўз «сири»ни болаларга олдириб қўйган. Ута кўнгилчан, сўzlари, ҳаракатлари таъсирсиз, бўшанг, мулойим, болаларни ўзига жалб қилолмайди, ташкилотчилик қобилиятига эга эмас.

Хўш натижа нима бўлади? Ўқитувчи ўз кайфиятини бузади, жисмонан чарчайди, ўқувчиларни уради, дарс мақсадига эришиш у ёқда турсин, дарсни тўлиқ ўтолмайди, бундан ҳам ёмони ўқувчилар интизомини бузади, синфда тарқоқликни, бошбошдоқликни вужудга келтиради. Мана, сизга биргина бўшанг ўқитувчининг келтирган зиёни.

Ўқувчиларда интизомни тарбияламасдан туриб, уларни мактабга, атроф-муҳитга, кишиларга, дарсларга тўғри муносабатда бўлишга, уй вазифаларини бажаришга, саранжомликка ўргатиш қийин. Онгли интизомни тарбиялаш – мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Синф раҳбарлари худди шундай ҳолатларга ўз эътиборларини қаратишияри лозим. Бутун синф ўқитувчилари олдига ягона педагогик талабларни, қаттиққўлликни, синфда интизомни сақлаш, ўқувчиларга бўлган талабчанликни оширишни алоҳида вазифа қилиб қўйиш лозим.

Шарқнинг файласуф шоири Шайх Саъдий:

Агарда муаллим бўлса беозор,

Болалар синфни қилишар бозор,

деб бежиз айтмаган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, интизом деганда болаларнинг партада қимирламай ўтиришини эмас, балки онгли интизомни тушуниш керак.

Кўпгина ўқитувчилар ўзича интизом ўрнатмоқчи бўладилар. Синфга қошқовоғидан қор ёғдириб кирадилар, дағ-даға қилиб болаларни сиқувга оладилар, гах деса қўлга қўнадиган қилмоқчи бўладилар. Бу билан мутлақо келишиб бўлмайди. Зўравонлик асосига курилган тартиб яхшиликка олиб бормайди. Бу мурғаққ қалбларга адоват уруғини сочади, уларни совуққон, қўрқоқ, журъатсиз, ёлғончи, озурда қилиб қўяди.

Дарслардаги тартиб-интизомни сақлашнинг энг яхши усули ўқувчилар ишончини қозонишdir. Дарсни қизғин, ижодий, кўргазмали қуроллар ёрдамида, улар ҳавасини ва ҳайратини уйғотиш, лол қолдириш, дарс ўтилгач бирорта ҳам ўқувчини «беиш» қолдирмаслик – ҳар бирига ўзига хос амалий топшириқлар бериш айни муддаодир.

Интизомли бўлиш нафақат мактабда, балки ўқувчининг келгуси ҳаётида ҳам асқотиши турган гап. Чунки, инсон ҳаётининг чигал ва мураккаб сўқмоқларида ҳам тартиб-интизом муҳим аҳамиятга эга.

9-МАВЗУ. ЎҚУВЧИЛАРДА ИНТИЗОМЛИЛИКНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСУЛ ВА МЕТОДЛАРИ

Синф раҳбари ўз ўқувчисини доимо ўрганиб бориши учун фақат ўқувчилар билангина эмас, балки ўқитувчилар билан, ўқувчиларнинг отаоналари билан ҳам иш олиб бориши керак. Синф хонасининг жиҳози ва кўриниши ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Синф раҳбарининг кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш, ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларидан фойдаланиш ва болалар ижодий қобилияtlарини ўстиришда уларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам беради. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг жамоат тошириқларини бажаришини, тўгаракларда иштирок этишини назорат қилиш керак.

Болаларни севиш, уларни ҳурмат қилиш яхши хислатларни юзага келтириши мумкин. Агар ўқитувчи ўз ўқувчиларига нисбатан бефарқ, айниқса менсимасдан муносабатда бўлса, бундай ўқитувчини ўқувчилар ҳурмат қилмайди ва обрўси тушиб боради.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ. Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолда келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Ўзбекистонда ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онгига умуминсоний ва миллий-маданий, маънавий, аҳлоқий қадриятларни сингдириши талаб этилади.

Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда синф раҳбари ўз олдига куйидаги мақсад ва вазифаларни қўяди:

- ёш авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий тархий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишидир;

- шахснинг ақлий, аҳлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши унинг қобилияtlарини ҳар томонлама очиш учун имконият яратиши;

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ъиссини уйғотиши;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;

– ҳар бир ўқувчини билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлар учун шарт-шароитлар яратиш;

– инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш, бирғирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафтаклилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик, муомала одоби каби тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланилиши лозим;

– ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат – мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига хурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, байроғига, гербига, мадхиясига, президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

– қонуний жамоа аҳлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия бериш;

– мустақил республикамиз Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш, унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, очик-ошкора ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатни тўғри тушунтирумоги керак.

– турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

– соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

– ёшларимизни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш;

– баркамол авлодга хос одоблилик санъати ва маданиятини ўргатиш;

– ўзбек халқининг миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш;

– инсоният тарихий тараққиёти жараёнида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод-аждодларимиздан қолган одоб-аҳлоқ ҳақидаги билимлардан боҳабар этиш;

– мараказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварларнинг асарларидаги хикмат, ўгит ва насиҳатларни ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш;

– табиатга тўғри муносабатнинг моҳиятини, табиятни муҳофаза қилиш инсоннинг бурчи эканлигини, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимлар бериш;

– ота-она ва ватан олдидаги бурчни ва унга содиқлик нима эканлигини англатиш;

– ўз-ўзини англаш шарт-шароитларини, инсон қадри ва хурлигини англаш, унинг табиатини, миллий ва умумисоний маданиятини, она тилишини сақлаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодиёти билан узвий ривожланишини тушунтириб бериш;

– юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англаши, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини-ёмондан ажрата олиш билимига эга бўлишини тушунтириш;

– таълим-тарбия жараёнида бериладиган билимлар яхлит ва ижтимоий шарт-шароитлар, миллий ва тарихий, маънавий омиллар, умумисоний қадриятлар моҳиятини тушунтириш;

– ўқувчиларни билим олиш билан биргаликда юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;

– дарсларда маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англашиб бориши муҳимдир;

– одоб-аҳлоққа хос сифатларни ўқувчиларнинг кундалик эҳтиёжига айлантириш;

– ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини, ижодий мустақил фикрлашни, касб танлашга ва атроф оламга онгли муносабатни ҳосил қилиш;

– аҳлоқийликнинг оддий ҳаётий қоидалари бўлиши катталарга хурмат, кичикларга иззат, оилада бир-бирини эъзозлаш, меҳмон кутиш ва бошқаларни кундалик турмушга сингдириб бориши. Болаларни тарбиялашда (ўқувчи) ўқитувчи қуидагиларни ҳисобга олиши керак;

– тарбиянинг ўқувчилар руҳияти ва ёш хусусиятига мослигини ҳисобга олиш;

– ўқувчиларнинг ақлий-маънавий муносабатлари таъсирини ўрганиш;

– ўқитувчи-тарбиячининг саводхонлик даражаси, санъат ва маҳорати;

Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда дарсларни ижодий, ноанъанавий, сухбат, ўйин, табиатда, баҳс-мунозара, учрашув шаклида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологияларни қўллашда ўқитувчи қуидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

1. Замонавийлик – таълим-тарбия амалиётга асосланган тажриба, синовдан ўтган дидактика соҳасидаги янгиликларни жорий этиш.

2. Тарбия мазмунини узлуксиз янгилаб бориш.

3. Умумий ва миллий қадриятлар соҳасидаги янги-янги ижодларни ўрганиб бориш.

4. Тарбия жараёнида ўқувчи билан ўқувчи фаолиятини оптимальлаштириш, фаоллаштириш. Уларнинг ички руҳияти ва тарбия дарражасини кенгайтириш.

5. Илмийлик – янги усул, восита муаммоси ҳолатларидан фойдаланиб, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ўзини англашга ўргатиш.

6. Бунинг учун болаларни режадаги мавзулар асосида амалий фаолиятга жалб этиш муҳимдир.

7. Илғор тажрибаларга суюниш.

8. Тарбиянинг мақсадини аниқлиги, мазмунининг замонавийлиги, миллий маънавий қадриятлар билан бойитилиши, ўқувчининг ижодий мустақил фаолияти, тарбия жараёнида мақол, матал, эртаклардан ўринли фойдаланиш, ўйин текс саволлари, кўргазмали қуроллар, савол ва топшириклардан фойдаланиш.

9. Янги педагогик технологияни амалга ошириш учун ўқитувчи назарий чукур билимларга эга бўлиши керак.

1-2-3-4 синфларда дарсларни турли шаклларда ташкил этиш лозим:

1. Ўйин, сухбат, баҳс, учрашув, эрталик, оиласда, жамоат жойларда, маҳаллаларда ҳар бир дарс мақсадининг аниқлиги, тарихийлиги ва замонавийлиги билан одоб-аҳлоқ тушунчаларини тарбиялашга қаратилиши.

2. Ўқув машғулотини ранг-баранг усуллар: аудио, видео, кўргазмалик, жонли сўз таъсирида ташкил этилиши.

3. Ўқитувчини янги технологик маҳоратга эга бўлиши ва ижодкорлиги.

Тарбиявий соатларни мақсадига кўра хилма-хил шаклларида ташкил этиш:

1. Ижодий дарс.

2. Ерталик дарси.

3. Баҳс.

4. Суҳбат.

5. Сиёҳат дарслари.

6. Учрашувли дарс.

Янги ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантириш мақсадида кино, телевидение, маънавий ўйинлар, мушиоралар қўлланилиши мумкин. Кишилик жамиятининг ҳар бир соҳаси у ёки ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондан маҳорат талаб этишини ҳалқ оғзаки ижодиётида, ёзма ёдгорликларида, афсона, достон, эртак, хисса, ҳикоят, ривоятларда ҳамда ҳурфикарли, доно, маърифатпарвар, мутафаккирларимизнинг асарларида атрофлича талқин этилган. Шу асарлардан ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялашда бу асарлардан кенг фойдаланиш мумкин. Ҳар бир тарбиячининг дунёқараси, тарбияси одоблиги, унинг муомаласида намоён бўлади.

10-МАВЗУ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА СИНФ РАҲБАРИ ОЛИБ БОРАДИГАН ИШЛАР

Синф раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмундир. У ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини тарбиялаш билан бир қаторда ўқув иили ёки чорак давомида нималар қилиш кераклиги болалар ҳаётини нима билан банд қилиш ва танланган иш турини қандай амалга оширишни бехато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони ечади. Бу борада синф раҳбариға турли хил манбалар ёрдам беради. Ўқувчиларнинг айрим ҳатти ҳаракатларига бу ҳатти-ҳаракатлар номоён бўлишларининг ташкил этиши тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодаламоқ мумкин.

1. Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйсндиromoғи лозим. Ўқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошланғич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишининг янада самарали усул ва методларини танлаб олишга ижодий ёндашиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майллари ҳамда қизиқишиларини қайд қилиб бориш билангина чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, булар билан олиб бориладиган тарбиявий ишни ташкил этиш муҳимдир. Ўз ўқувчиларини яхши ўрганиш демак, ташқи томонига эмас, балки улар ҳулқ атвorum сабабларини ўрганишга эътибор бермоқ даркор.

4. Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиш.

Ўқувчи таълим жараёнида ижтимоий фойдали маслаҳатга ва жамоат ишига ўрганиши лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-оналар ва теварак атрофидаги кишилар билан киришадиган муносабатларини ўргатиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахснинг янада тўла очилади. Ўқувчиларни тиббий иш ва кундалик ҳатти ҳаракат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

Синф раҳбари қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзига юклатилган синфдаги тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажараётган у ёлғиз эмас шу синфда дарс бераётган турли фан ўқитувчилар билан яқин ҳамкорликда ва уларга суюнган ҳолда ўқувчиларда миллий дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқий тарбиясини ривожлантиради. Ўқувчиларни дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этади ва синф жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиши ва қобилятини

ўстириш ҳар бир ўқувчининг индивудиал психик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва ҳаётий мақсадларини шакллантириш синф раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда ҳар бир ўқувчининг соғлигини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беради.

3. Синф раҳбарининг диққат марказида ўқувчиларнинг дарсда юқори ўзлаштиришини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир ўқувчининг кундалик ўзлаштиришида воқиф бўлиб туради. Орқада қолаётганларга ўз вақтида, кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Синфдаги ўқувчиларнинг ўз ўзини бошқариш ишларини йўналтиради, улар иштирокида синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишлардаги иштирокини таъмин этади, мактаб миқиёсида уюштирилаётган муҳим тадбирларда ўз синфининг фаол қатнашишини таъминлайди.

5. Синф ўқувчиларининг ота-оналари, ўкув куни ўзлаштирилган гурухларнинг тарбиячилари, корхоналар ва муассасалардаги, турар жойлардаги оталиққа олувчилар билан яқин алоқа ўрнатади.

6. Синф раҳбари шу синфда дарс бераётган барча фан ўқитувчилари ўртасида ўқувчиларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билим тарқатиб, оила билан мактаб ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

Синф раҳбарининг ахлоқий обрўси ғоят даражада юқори бўлиши ҳам бу ўринда муҳимдир. Синф раҳбари ана шундагина тарбиявий таъсир кунига эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг ва хулқининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Синф раҳбари учун малака ва кўнгилмаларга эга бўлишини ўзи етарли эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги инсонпарварлик фазилатлари, ўз ишига садоқати, интизоми, одамийлиги, ахлоқий сифатлари билан ҳам таъсир ўтказади. Чунки, тарбиячилик қобиляти жуда кўп сифатларни: чуқур билим, кенг фикрлилик, ишга жон дилдан кўнгил қўйиш, болаларга бўлган чексиз, муҳаббат муомала назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ темперамент, оқил ва адолатлилик намунаси, алоҳида назокат сиполик ва вазминлик каби фазилатларнинг бўлишини тақозо қиласди. Бунга яна тарбиячилик техникаси кўшимча ишда муваффақият таъминланиши табиийдир. Тарбиячилик техникаси синф раҳбарининг асосий қуролидир.

Синф раҳбари педагоглар, ота оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларининг нуқтаи назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларни бир марказга бирлаштириш, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўллшига таъсир ўтказиш ва айни вақтда ўзпнинг позициясини аниқ таъминлай олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффақиятини таъминлашга гаров бўлади. Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларни фикрлаш

қобилятини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Хатто ўзлаштириш юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқиш ва муҳаббатна ўстиришга, таълим сифатини оширишга ҳаракат килиш зарур.

Баъзи айрим мактабларда юқори ўзлаштиришга эришишга ўқув, дидактик масала сифатида мактабда таълим тарбияни тўғри йўлга қўйишга боғлик бўлади. Ўқиши жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, дикқатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Юқори синфларда юқори ўзлаштириш учун кўриш сусаймайди, аксинча у яна кўпроқ аҳамият касб этиб боради.

1. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда ва унга маълумот билан ёндашиш ҳиссини тарбиялаш билимнинг сифатли бўлиши боланинг ўқишига бўлган интилиши, қизиқишига уларнинг ҳаракатчанглигига, диққатига фаолиятига ташаббускорлигига, мустақиллигига боғлиқдир. Бундай сифатларни ўқувчиларда шакллантириш, уларга ўқув меҳнатининг ижодий аҳамияти тушунтириш ва ўқув машгулотларига масъулият билан ёндашиш ўқувчилардан талаб этиш синф раҳбарининг фаолиятига муҳим ўрин эгаллайди. Синф раҳбари улар олдида ўқиши болаларини очиб беришга ҳаракат қиласи. Бунга эса уларнинг ўқишидаги ҳар бир ютигини ижтимоий фойдали меҳнат билан боғланиш ўқиши билан ҳаёт ўртасидаги меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқали кўрситиш ватанини ҳимоя қилиш ҳиссасини тарбиялаш орқали эришилади.

2. Ҳар нарсани билишга қизиқиш ва билимга муҳаббат уйғотиши.

Бола билимга қизиқмай туриб, ўқишига интилмай туриб, муваффақиятли ўқий олмайди. Биринчи навбатда қийинчилик билан ўзлаштирилган фанларига нисбатан боланинг қизиқишини уйғотиши керак. Боладаги ўқиши меҳнатига нисбатан, меҳнатга нисбатан ҳавас ва қизиқиш ўқишидаги қийинчиликларни енгишига, билим фаолиятини оширишга қизиқувчанлик ва мустақиллигини камол топишига олиб келади.

3. Ўқув меҳнати маданияткни ошириши.

Ўзлаштиришнинг паст бўлиши аксарият, ўқув меҳнатини системали ва режали олиб бориш иқтидорли болаларда шаклланадиган келиб чиқади.

Синф раҳбарининг ва ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг фикрлашга ўрнатишдан иборатдир. Айниқса болаларда ўқиши қийинчиликларини енгиш, тушуниб ўқиши ва китоб билан мустақил ишлаш уй вазифаларини бажаришда риоя қилишни олган билимларпни, амалда қўллаш каби билим олиш учун зарур бўлган сифатларини шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларнияг ақлий ва жисмоний тарақкий этишга маданиятли бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамиша бу ҳақда ғамхўрлик қилиш лозим.

4. Ўқувчиларни ўқув меҳнатида муайян режага итоат этишга

ўргатиш.

Ўкув меҳнати билан дам олишни тўғри алмаштириб бориш, ташкилий равиша уй вазифаларини бажариш таълим самарадорлигини оширади. Ўқувчилар режимга итоат этишларини ўқитувчи, синф раҳбари ва ота-оналар мунтазам равиша назорат қилиб боришлари керак. Шу йул билан уларни муваффакиятли ўқишга, ўкув меҳнатада сарамжонликка ўрганиш мумкин.

5. Синфда ўқиши жараёнида ўртоқларга ёрдам уюштириш. Ўртоқларга ўзаро ёрдам, синфда улгурмовчиликни, икки йилликни ва мактабни ташлаб кетиш ҳолларининг олдини олишга ёрдам беради. Шу билан бирга синфда ўртоқлик дўстлик ва бир жамоа бўлиб шаклланишига олиб келади.

6. Синф ўқувчилари билан алоҳида бўлиши ва яхши ҳамкорлик.

Синф раҳбари таълим-тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу сршфларда дарс берувчи бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда ҳал этади. Ўкув ишларида синф раҳбарининг ва шу синфда ишлайдиган бошқа ўқитувчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, ўқувчиларга нисбатан ягона талабни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг бир-бирига ўзаро ёрдамлари таълим -тарбия сифатини оширади.

11-МАВЗУ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ШАХСИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПШИРИШ

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, мухит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланишини тушунмок керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, бўйи басти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Академик И.П.Павлов таълимотига кўра бола бир қатор туғма хусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шартсиз рефлексларга гуруҳини ташкил этади. Булар орасида ошқозон рефлекси (сўлак ажратиш), мухофаза рефлекси (иссиқдан қўлни тортиш, ёруғликдан қўзини қисиш) кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тааллуклидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади.

Масалан, тананинг вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти – булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоҳа қилиши даркор. Бу руҳий имкониятларнинг чиндан ҳам ривожланмоғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараёнида инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга этади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Ана ўшанда боланинг нимага, қандай соҳага лаёқати борлиги намоён бўлади. Физиология ва психология фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенциал имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодалайдиган лаёқат билан туғилади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши, ривожланиши учун қулай мухит керак.

Агар бола ўз лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, акс ҳолда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогик лаёқатнинг намоён бўлиши ва қобилият

сифатида ривожланиши тўла-тўкис ҳаёт шароитига ва тарбияга боғлиқ.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири ташқи муҳитдир. Муҳит деганда кишига табиий таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуи тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) киради.

Табиий (географик) муҳит (иқлим, табиий шароит) сўзсиз инсоннинг ҳаёт тарзига, характеристига ва меҳнат фаолиятига таъсир этади. Масалан: тропик минтақада ҳаёт кечираётган инсонларнинг ҳаёт тарзи узоқ шимолдаги инсонлар ҳаёт тарзидан фарқланади, бу уларнинг ҳаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган қатор омиллар билан исботланади.

Шу билан бирга, инсон камолотида микромуҳит – оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош-уругини кўради. Унинг интенсив-жисмоний ва психологияк ривожланадиган даври оила таъсирида шаклланади. Халқимизда “Куш уясида кўрганини қиласди” деган нақл бекорга айтилмаган. Оиланинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит унинг камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Бола камолотида ижтимоий муҳит ҳам муҳимдир. Чунки ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар кишига алоҳида таъсир қиласди. Ижтимоий алоқа, яъни инсонлараро ўзаро муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон камолотига ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда (формацияларда) турлича бўлади, турли социал гурухларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, ҳозирги замон педагогика фани муҳитга, унинг инсон ривожланишидағи таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Муҳит тушунчасига кирадиган ижтимоий ҳаёт воқеаларининг шахсга таъсири ғоят муҳим эканлигини кўрсатади ва ижтимоий муҳит абадий эмас, ўзгарувчан деб қарайди. Шунинг учун муҳит инсон тақдирини белгилаб берадиган омил деб ҳисобланмайди. Аммо унинг таъсири ҳам рад этилмайди.

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигига мунтазам амалга ошириб борилади.

Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади.

Инсон камолоти ирсият йўли билан ортирилган ва табиий лаёқатлар

билин белгиланиб қолмай, балки бутун ҳаёти даврида уни қуршаб олган воқелик таъсирида орттирган хусусият ва сифатлар билан ҳам белгиланади.

Шубҳасиз тарбия одамнинг кўзи, сочи, терисининг рангига, унинг бадани тузилишига таъсир эта олмайди, лекин жисмоний тараққиётга таъсир этиши мумкин. Чунки маҳсус ташкил этилгам жисмоний машқлар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чинқтирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш каби фазилатлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Гарчанд инсон камолотига таъсир этадиган омиллар бир қанча бўлса ҳам, лекин маҳсус тарбия муассасаларида тарбиячи раҳбарлигига амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида турли фазилатлар ўзлаштирилади ва билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникмалар, малакалар ҳам маҳсус уюштирилган тарбия орқали ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш ёки бартараф қилиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи роль ўйнайди. Инсон камол топишида мактабнинг аҳамияти катта. Бблалар мактабга қадам қўяр экан, улар ўқув меҳнати билан банд бўладилар. Болалар мактабда фан асосларини эгаллаш билан бирга, уларда секин-аста илмий дунёқараш шаклланиб боради. Ўқитувчи-тарбиячиларнинг раҳбарлигига инсонга хос бўлган юксак фазилатларни эгаллайдилар. Тарбиявий ишларни режа асосида ташкил этиш, болани тарбиялашда оиласа ҳар вақт ёрдам кўрсатади. Тарбиячи ўз тарбияланувчисининг оиласавий шароитидан хабардор бўлиши, педагогик маслаҳатларга, ёрдамга муҳтож бўлган оиласаларга ёрдам бериши мухим. Тарбиячи учун бола бўш вақтини кимлар билан ва нималар билан машғул бўлиб ўтказаётгани аҳамиятсиз эмас. Чунки ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола кўчанинг салбий таъсирига берилиб кетиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, инсон фақат фаолиятда ривожланади, ундан ташқарида ривожланиш йўқ. Бола жуда ёшлигидан бошлабоқ катталар ёрдамида ташки мухит билан турли хил алоқада бўлади.

Мактаб ёшида бу алоқалар ўқиши ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан боғланади ва булар ривожланиш учун манба саналади.

Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсири этади. Демак, бола улгая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверар экан.

Масалан, боғча ёшида болаларнинг асосий фаолият тури ўйин бўлса, мактаб ўқувчиши учун ўқиб, меҳнат қилиш асосий фаолият бўлиб қолади. Демак, бола ҳаётида фаолият турларининг ўзаро муносабати ҳам ўзгаради ва бунинг таъсирида бола камолоти ҳам янги, юқорироқ босқичга кўтарилади.

Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахснинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва иродавий ривожланишига ижобий таъсири кўрсатади. Раҳбарлик қилинмаган фаолият эса бир ёқлама ёки салбий таъсири этиши мумкин.

Шундай қилиб, инсон тараққиётининг илмий концепцияси инсон камолотига таъсири этадиган омилларни таҳлил этиб, инсон камолоти ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда инсоннинг фаоллигига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қиласа, кутилган натижага эришилади.

12-МАВЗУ. СИНФ РАҲБАРИНИНГ ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРАДИГАН ИШЛАРИ

Ўқитувчи-синф раҳбари, меҳрибон тарбиячидир. Мактабнинг бошланғич синфларидағи муҳим хусусиятлардан бири-бирига қадрдон ўқитувчи раҳбарлигига 4 йил ҳамкор, ҳамдард бўладилар.

Шу сабабдан бошланғич синф ўқувчиларнинг ота-оналар жамоаси билан ҳам ишлаш ўзига хос хусусиятга эга:

Биринчи фарзандларини мактабга кузатадиган ота-оналарнинг иш шакл ва услублари кўп тажрибали ота-оналардан фарқ қиласди.

Булар учун «1-синф ўқувчиси», «Ёш ота-оналарга эсдалик» ларни тавсия этиш талабга мувофиқдир.

Бу иш шаклидан мақсад:

Ота-онанинг – ўқувчи ота-онаси номига сазовор бўлиш ҳиссини ўйғотиб, мактаб олдидағи бурчини англашиб.

Ота-онанинг педагогик, тарбиячилик фаолиятинн фаоллаштириш.

Ёш ота-оналар учун эсдалик.

Ҳар бир инсон фарзанд кўриш ва уни вояга етиб боришини тўрт кўзлаб, кузатаётганидан Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, у буюк неъматни қадрига ета билиши лозим. Бу неъмат боланинг мактабга биринчи қадамидир.

Ғуломиддин Акбарзода «Илм демак жон. Илм демак маданият «дини одобига сабиб» демак, деб ёзган эди. Бас, шундай экан ота-она 1-синф ўқувчисининг илм даргоҳидан кўп билим ва тарбияга эга бўлиши учун нималар қилиши керак:

1. Ўқитувчи муқаддас сиймо у сизнинг маслаҳатчингиз, уни ардоқлаб обрў-эътиборига садоқатли бўлиш.

2. Синф ва мактаб жамоасининг таълим-тарбия тадбирларига фаол қатнашиб таклиф ва мулоҳазаларингизни айтиш.

3. Болангизда нима яхши, нима ёмон эканлигани уқтириб шарқона расм-руслам, удум анъаналаримиздан хабардор қилиш ўқитувчига кўмақдош бўлиш.

4. Болангизнинг ўқув ишларига ёрдам берив бориш. Унга бериладиган топшириқларни бажаришда уларга ёрдамингизни бериш.

5. Болангизда мактаб, синф, ўқитувчи ва ўртоқларга нисбатан яхши фикр ўйғотиши, чунки 1-синф ўқувчисининг мактаб шароитига мослаштириш анча мураккаб руҳий ҳолатдир.

6. Фарзандингиздан кундалик иш фаолиятидаги муносабатини кузатиб, сўраб бориш. Бундай сухбатда яхши, жуда яхши, марҳамат, раҳмат, барака топ каби сеҳрли сўзларни, ножӯя ҳаракат содир бўлган бўлса, «чакки иш бўлибди», «мен кутмаган эдим» кабиларни ишлатиш.

7. Ота-она мактабнинг яқин ёрдамчиси бўлиши, кўмақдоши ўз фарзандининг камоли билан яшashi кабилар.

Биринчи ота-оналар синф мажлисини ташкил қилиш методикаси

Хар бир ўқув йилининг бошида ўтказиладиган ота-оналарнинг синф мажлисини илмий, назарий, маънавий ва методик жиҳатдан мазмунан ташкил қила билиш ота-онанинг бундай мажлисларни орзиқиб кутиб доимий қатнашувчи бўлишига замин ҳозирлайди. Бундан мажлис ўқитувчидан кўп билим ва маҳорат талаб этади.

Дастлаб ундаги масалалар юзасидан тайёргарликни бир ой олдин бошлаш керак. Булар: хар бир оила аъзоси ва шарт-шароити ҳақидаги маълумотта эга булиш:

- оила ва атрофдаги ижтимоий муносабат муҳитини соз ёки носозлигини аниқлаш;
- ҳар бир ўқувчи шахси ҳаҳида тўлиқ маълумотга эга булиш;
- оиласи болани мактабга тайёрлаш тартиби кабилар.

Биринчи мажлисни ўтказишдан олдин ўқитувчининг тайёргарлиги:

1. Мажлис мавзуси ва мақсадини аниқлаш.
2. Мажлис ўтадиган жойни жиҳозлаш.
3. Мажлис ўтказиш методини танлаш; сұхбат, тушунтириш.
4. Мактаб тарихи ва келажакдаги режалари ҳақида қисқа маълумот тайёрлаш.
5. Ота-оналар жамоаси низомини кўргазма тариқасида тайёрлаш (мактаб раҳбариятининг низом ҳақидаги чиқишини ҳозирлаш).
6. Синф ота-оналар қўмитасини сайлаш.

Биринчи ота-оналар мажлиси самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсига боғлиқдир. Унинг ўзини тутиши, муомаласи, ишбилармонлиги, ҳар бир ўқувчи ва оиласи ҳақида маълумотга эга бўлиши, ота-оналарга ижобий таассурот қолдиради.

Кузатишларимиз шуни курсатадики, мактабдаги ота-оналар мажлисини юқори савияда бўлмаслиги ота-оналарни мактабдан совитади.

Тайёргарликсиз, бу сизни болангиз яхши, сизники ёмон дейиш ёки табелларни бериб кўл қўйдиришдир.

Айниқса «ёмон» ўқийдиган болаларнинг ота-оналарини жамоа орасида обрўсизлантиришга интилиш ҳолатлари, ота-оналарни мактабдан узоқлашиб кетишига сабаб бўлади.

Бундай мажлислардан воз кечиш керак. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мағкурасини мустаҳкамловчи янгича муносабат мактаб – ота-оналар ёш авлоднинг тарбиясига зарурдир.

Хар бир ота-оналар мажлиси улкан мақсадга қаратилган, турли шаклларда ташкил қилиш, талабга мувофиқдир. Яъни:

- «Педагог маслаҳатига амал қиласиз» мавзусидаги мажлислар;
- «Учрашувчи мажлис», (олим, тиббий ходим, санъат маданият

арбоблари);

– баҳс мажлислари: таълим-тарбияга доир муммолов юзасидан ёки педагогик адабитлар юзасидан; «Меросга ихлос» мажлислари;

– бола тарбиясига доир Қуръони Карим, Ҳадис ва мутафаккирларнинг доно фикрларидан фойдаланиш;

– синф ота-оналар мажлисини ўтказиш тартиби;

– синф ўқитувчиши ва ота-оналар қўмитаси аъзоларининг олдинги мажлисларида қабул қилинган қарорларининг бажарилиши ҳақида ахборотлари эшитилади.

Мажлис мақсадига кўра мавзунинг эълон қилиниши (юқорида кўрсатилган мажлис турига кўра унинг мазмуни асослаб берилади).

Ота-оналар фикр ва мулоҳазалари эшитилади. Ўқув-тарбия ишларидан савол ва талабларни муҳокама этилади.

Турли масалалар ҳал қилинади. Синф мажлиси қарори чиқарилиб, тасдиқланади. Ўқитувчи келгуси мажлис режаси билан таништиради. Мажлис ўтказиш тартиби мавзунинг ўзига хос хусусиятига кура ўзгариб боради.

Ота-оналарга педагогик билим бериш шакл ва режалари

Инсон камолоти шунчалик мураккабки унга ҳаётий тажриба етарли эмас унинг учун ўрганиш, билим, ўқиш ниҳоятда зарурдир. К.Д.Ушинский «Ижтимоий тарбияда ҳалқ руҳи» ҳамда «Педагогик адабиёт орасида»ги рисолаларида Ота-она учун педагогик билим дастлаб педагогик адабиётлар ўрганишдан бошланади. Бола тарбиясидаги билим ҳалқ руҳи билан суғорилган-ҳалқчилик ғоясига асосланганда гина ота-она билимдон тарбиячилик санъатига эга бўла оладилар», – дейилган.

Педагогик билим ота-оналар учун ниҳоятда зарур. Бу билим мактабда, маҳаллада ва кундалик ахборот воситалари орқали берib борилади. Лекин ҳаётимиздаги янги-янги муаммолар педагогик билимини янада кучайтиришни, чукурлаштиришни талаб этади.

Мактабдаги педагогик билим турли шаклларда амалга оширилади:

Педагогик маъруза, илмий, методик кенгаш.

«Саволларингизга жавоб берамиз» (ота-оналар куни).

Ота-оналар учун маъруза

Маъруза ота-оналарга педагогик билим берадиган турлардан биридир. Ота-оналар учун мўлжалланган маъруза таълими-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Ота-оналар учун педагогик билим берадиган маърузалар мавзулари:

– миллин истиқбол мафкурасини шакллантириш ва баркамол инсон

тарбиясида ота-оналар ўрни.

- оилада иқтисодий тарбия.
- маънавий мерос ва оила.
- сиз ўтмиш авлодларингизни биласизми? Оиланома яратиш масалалари.

- мутафаккирлар ижодиётида оила тарбияси.
- фарзанд тарбиясида халқимиз қўллаган усуллар.
- оиладаги адолат –тўғри тарбия асосидир.
- фарзандингиз саҳий, муруватли бўлсин десангиз?
- оилада иймон-эътиқод тарбияси.

Ота-оналар учун танланган мавзулар қуидагича режалаштирилади.

Мавзу: «Маънавий мерос ва оила».

Мақсад: Ота-оналарга ўтмиш меросимиздан болани оилада тарбиялаш ҳақидаги мутафаккир ва маърифапарварлар асарларидағи таълимотлар ҳақида билим бериш.

Маърузани таъминловчи манбалар:

- а) ўтмиш маърифатпарвар ва мутафаккирларнинг асарлари (Абу Али Ибн Синонинг «Тадбир ал-манозил», Алишер Навоийнинг «Мақбубул қулуб», Воиз Кошифийнинг «Ахлоқий Мухсиний» асарларидағи оила тарбиясидаги ғоялар).
- б) кўргазмалар-алломаларнинг расмлари ва китоб намуналари. в) дидактик материаллар, доно сўзлар ёзилган карточкалар, фактлар.

Маърузанинг кириш қисми

Мустақиллик ва миллий истиқлол мағкураси ҳамда миллий мерос ҳақида тушунча. Бу борадаги Ўзбекистон раҳбариятининг олиб бораётган сиёсати.

Маърузанинг асосий қисми

Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий ва Воиз Кошифийларнинг асарларидағи давомийлик ғояларининг бир-бири билан боғланганлиги, асарларнинг яратилиши ҳақида маълумот борилади. Сўнгра асардаги оила, ота-онанинг ҳурмат, вазифа, бурчлари ҳақидаги маълумотлар. Оилада аёл ва эркак фазилатлари қандай қилиб фарзанд бурчини англатиши муаммолари. Ахлоқ-одоб тарбиясидаги доно фикрлар, ривоят, ҳикоят, танбеҳлар орқали асосслаб, тушунириб мактаб ҳаёти билан боғланади.

Маърузанинг якуний қисми

Миллик меросимиздан қандай фойдаланишга доир методик кўрсатма ва тавсиялар берилади.

Мактабда «Ота-оналар кунини» ташкил қилиш педагогик билим бериш турларидан биридир. Ота-оналарни мактабга маълум кунда таклиф этиб турли ўқув-тарбия ишларидан хабардор қилиш анъанавий аҳамиятга эга

бўлиб, у «Мактабда ота-оналар куни» ёки «Очиқ эшик»лар куни дейилади.

Бу кундаги иш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Педагогик маслаҳат бурчагани ташкил этиш.
2. Болалар ижодиётидан кургазмалар уюштириш.
3. Очиқ дарсларга ота-оналарни таклиф қилиш.
4. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.
5. Ота-оналар учун концерт дастурини намойиш этиш.

Юқоридаги ота-она ва мактаб ҳамкорлигидаги ишлар методик жиҳатдан тўғри ташкил этилса ижобий натижা беради.

13-МАВЗУ. СИНФ РАҲБАРИ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Синф раҳбари ўз ишларини мактаб маъмурияти раҳбарлиги ва болалар ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боради. Шунинг учун унинг фаолиятини режалаштириш умуммактаб ҳамда болалар ва ўсмирлар, «Камолот» жамғармаси ишининг режалаштирилиши билан узвий равишда боғлангандир.

Синф раҳбари ишини режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқувчиларнинг ўzlари фаол иштирок этадилар, бироқ унга синф раҳбари бошчилик қиласи. Синф раҳбарлари олдида жуда қийин вазифа – тарбиявий мақсадларда ўйланган ҳар бир нарсани болалар ўзларининг шахсий фикр ва ғоялари сифатида қабул қилишларига эришиш вазифаси туради.

Режа – ўқувчиларга тарбия бериш жараёнини муваффақиятли ташкил этишнинг зарурий шартидир. Режасиз иш олиб бориш синфдаги тарбиявий ишлар мазмuni, шакллари ва услублари ўлда-жўлда, тарқоқ, ноаниқ, тасодифий ҳолатларда бўлади ва кўр-кўронга ҳаракат қилишга олиб келади. Бундай тақдирда тарбиянинг асосий вазифаларини ҳал этиш қийинлашади, баъзан эса бутунлай самарасиз бўлади. Режа синф раҳбариинг тарбия бериш фаолиятини тўғри ташкил этиш учун жуда катта имкониятлар очиб беради.

Синф раҳбарининг тарбиявий фаолиятини режалаштиришга қўйиладиган асосий услубий талаблар нималардан иборат?

Синф раҳбарлари ўтказилаётган ишларни ҳамда уларнинг ўқувчилар тарбиясига кўрсатган таъсирини ҳар куни таҳлил қилишлари, ўzlари эришган ютуқлари ва муваффақиятсизликлари сабабларини тушунишга ҳаракат қилишлари, жамоасининг ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларни қайд қилишлари керак. Шундай қилиб, режалаштиришнинг ҳар бир босқичига тайёрланиш мунтазам олиб борилади. Жамоани ва айрим ўқувчиларни ўрганиш юзасидан олиб борилган барча ишлар якунида синфга педагогик тавсифнома ёзилади. Мазкур тавсифиома синф жамоасинииг ўзига хос аниқ хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Ҳар бир синф раҳбари ўз-ўзини бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган ўқувчилар қўмитаси ҳамда болалар ва ёшлар ташкилотлари билан бирга ишлаб, синф жамоасига раҳбарлик қилиш юзасидан олиб бориладиган амалий ишларда бу талабни рўёбга чиқаради.

Тажрибали синф раҳбарлари ўзининг кузатишлари ва хулосаларини алоҳида варақларга қисқача қилиб ёзиб боради. Булар маҳсус жилдларда сақланади. Тўпланган маълумотлар ўқувчилар жамоаси ҳаётини, унинг эришган ютуқлари ва камчиликларини кейинчалик таҳлил қилиш учун хизмат қиласи.

Синф раҳбари ўқув йили охирида синф жамоаси ишини таҳлил қилишга

алоҳида эътибор беради. Бунда режада белгиланган вазифаларни қандай ҳал этилганлигини, синф ижтимоий ҳаётида қандай иштирок этганлигини, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги воқеаларга қандай қараганлигини, амалга оширилган ишлардан қайсилари муваффақиятли бўлган ва анъанага айланиши кераклигини, ўқувчилар ўртасида қандай муносабатлар вужудга келганлигини, синф фаолларининг ташаббускорлиги, мустақиллиги, обрў-эътибори ва бошқа масалаларни атрофлича таҳлил қилиш мухимдир.

Синф раҳбари тажриба орттирган сари анча мураккаб масалалар билан қизиқа бошлайди. Уни синфдаги ишлар қанчалик муваффақиятли ўтгани эмас, балки улар ўқувчиларга қандай таъсир қўрсатгани, синфнинг ижтимоий фойдали ишларда иштирок этиши эмас, балки иштирок этиш сабаблари қизиқтиради.

Шуни назарда тутиш керакки, синф раҳбари ўз синф жамоаси олдига кўядиган аниқ тарбиявий вазифалари дастлабки вақтларда унча мураккаб бўлмаслиги мумкин.

Масалан, синф раҳбари синфга келгандан сўнг деярли ҳамма ўқувчилар яхши ишлашини, лекин уларнинг бир-бири билан алоқаси йўқлигини аниқлади. Бундай синфда шундай бир иш топиш керакки, бу иш ҳамма ўқувчиларни ягона мақсадга олиб борсин. Болаларга бу вазифа – мамлакатимиздаги ЎзДЭУ автомобиль заводи учун металлом йиғиши ва жўнатаиш шаклида етказилди. Ўз мазмунига кўра жуда оддий бўлган бу топшириқ ўқувчиларда қизиқиши уйғотади, уларда темир-терсак йиғишида бир-бирлари билан мусобақалашиб, уни тезроқ бажариш иштиёқини ҳосил қиласди.

Бошқа бир синф раҳбари ўз ишларини таҳлил қилиб чиқиб, шундай хулосага келди: синфда кўп ишларни ўзи бажаради, ўқувчилар эса шахсий ҳаёт эгалари бўлиб эмас, балки қўпинча ишнинг ижрочилари бўлиб қоладилар. Шунинг учун у ўқувчиларнинг ташаббус ва мустақиллигини ривожлантириш, барча ўқувчиларни синф ижтимоий фаолиятига жалб этиши ва ҳар бир ўқувчидаги ўзига ёқадиган иш бўлишга эришиш вазифасини қўйди. Шундай вазифа қўйгач, синф раҳбари ўқувчиларнинг кўпчилик қисмини зарур малака ва кўникмалар билан қуроллантириш учун ўз диққат-эътиборини синф фаолларини тарбиялашга қаратиш кераклигини тушунади.

Ана шу таҳлитда изчил иш олиб борилса, тарбиявий вазифалар ўқувчилар учун қизиқарли, истиқболли вазифаларга айланади.

Синф раҳбари турли режалар тузиб олиши мумкин: келажакка мўлжалланган, яъни истиқболли (йиллик, бир неча йиллик) ва мувакқат (ойлик, ҳафталиқ, кунлик).

Хўш режанинг асосий манбаи нималардан иборат бўлиши керак?

Бош манба – ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари, президентимиз И.Каримовнинг қатор рисолалари ҳамда ҳалқ таълими тизимининг расмий йўл-йўриқлари, хужжатлари ҳисобланади.

Режанинг яна бир муҳим манбаи – ўтган ўқув йилидаги тарбиявий тадбирларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлилидир.

Режа қуидаги бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

1. Режага Истиқлол ғояларини сингдириш.
2. Режанинг шакл ва йўналишлари ранг-баранг ҳамда истиқболли бўлиши.
3. Режа узлуксиз ва изчил бўлиши.
4. Режанинг аниқлиги.

Ушбу талабларнинг қисқача мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Режага мустақиллик ғояларининг сингдирилиши. Барча тарбиявий вазифалар мактаб олдига қўйилган асосий мақсадни – ўқувчиларни ҳар томонлама, «Соғлом авлод учун» дастури асосида маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳаётга, мустақил давлат қурилишига фаол қатнашишга тайёрлаш мақсадини амалга оширишга қаратилмоғи даркор.

«Ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир, – деган эди президентимиз И. Каримов.

Синф раҳбари ғоявий-сиёсий ишларни режалаштиришда болаларни фақат китобий билимлар билан эмас, балки амалий, ҳаётий тажрибалар билан қуроллантиришни назарда тутиши зарур. Бу маъruzачилар, сиёсий мактаблар, сиёсий клублар ва ҳоказоларни ташкил қилиш мўлжалланаётган вақтда ўқувчиларнинг ўз ғоявий эътиқодларини қай даражада эканлигини синаб қўришга имкон берадиган вазиятларни вужудга келтиришни назарда тутади. Бу ишларни мунозараларда, баҳсларда, оғзаки ва ёзма журналарда, меҳнат ҳаракатларида, байрамларда, болалар ва ёшлар ташкилотлари ишларида, табиатни, ҳайвонот дунёсини, тарихий ёдгорликларни қўриқлаш каби ранг-баранг тадбирларда амалга ошириш мумкин.

Ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияларига истиқлол рухи том маъноси билан сингиб кетган бўлиши керак. Баъзан айрим синф раҳбарлари иш фаолиятида кўнгилочар ўйинларни кўпроқ ўtkазиш анъанаси кўзга ташланади. Режалаштиришда шуни назарда тутиш керакки, у ўйинми, у ишми бирор мақсадга қаратилганлигига, унинг тарбиявий аҳамиятига эътибор бериш керак бўлади.

Режанинг шакл ва йўналишлари ранг-баранг ҳамда истиқболли бўлиши. Тарбиявий ишнинг хилма-хил шакл ва услублари бўйича иш олиб бориш тарбиявий ишларни ўқувчилар учун янада ранг-баранг ва қизиқарли тарзда олиб боришга ёрдам беради. Режада ўқувчилар билан фақат умумий ҳолда эмас, балки шу билан биргаликда болаларнинг қизиқишилари ва майлларини ҳисобга олган ҳолда ҳам иш юритишни назарда тутиш

муҳимдир.

Режа узлуксиз ва изчил бўлиши. Режада белгиланадиган тарбиявий тадбирлар ягона тарбиявий жараённинг тадрижий бўлакларидан иборат бўлмоғи керак. Ҳар бир тадбир ўзидан олдинги тадбирнинг давоми бўлиши ва эришилган тарбия натижаларига асосланиши лозим. Бу узлуксизлик ва изчилликни таъминлайди, эришилган ютуқлар, қимматли қўникмаларни йўқолиб кетишдан сақлайди.

Режанинг аниқлиги. Режага бажариб бўлмайдиган ишларни киритмаслик керак. Ишни режалаштиришда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиш лозим. Режада ҳамма нарса: иш вақти, жойи, масъуллар аниқ бўлсин.

Синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси – бу мажбурий педагогик хужжатдир. Уни амалга ошириш учун синф раҳбари шахсан масъулдир. «Синф раҳбари ҳақида Низом»-да: «Синф раҳбарининг иши режа асосида олиб борилиши лозим» деб белгилаб қўйилган.

Синф раҳбари умуммактаб иш режалари, болалар етакчиси, «Камолот» жамғармаси котиби иш режалари билап танишиб, директор ўринbosарлари, синф ўқитувчилари, синф фаоллари, ота-оналар билан фикрлашиб, уларнинг қимматли таклифларини ҳисобга олган ҳолда ишнинг истиқболли режасии тузади.

Ишнинг истиқболли режаси синф жамоаси томонидан тўпланган тажрибага қараб ва синф раҳбарининг ўз вазифаларига мувофиқ равишда бир ёки бир неча йилга тузилиши мумкин. Низомда «Синфнинг йиллик иш режаси тузилади. Уни тарбиявий ишлар бўйича директор ўринbosари тасдиқлади» дейилган.

Режанинг ифодалаш шакли жуда оддий бўлгани маъқул: ишнинг номи, бажариш муддати, масъул киши. Режа қисқа ва аниқ бўлиши керак. Бўлар-бўлмас ишлар рўйхатини қалаштириб, қаппайган режа тузишга берилиб кетмаслик керак. Режага фақат ҳаёт илгари сурган ва ўкув йили давомида муваффақиятли бажарилиши мумкин бўлган тадбирларнигина киритмоқ лозим. Киритилган тадбирлар ҳам бири боғдан, бири тоғдан олиб ёзилмаслиги, балки улар тарбиявий ишлар тизимида бир-бири билан боғланган, бир-бирини тўлдирадиган ҳолда бўлиши зарур.

Режа бола шахсига таъсир кўрсатувчи турли тарбиявий омилларнинг нафақат умумий, балки хусусий аниқ тадбирларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Биз қўйида синф раҳбари иш режасининг асосий бўлимлари ва мазмунини берамиз:

I. Уқувчилар жамоаси билан ишлаш. Уқувчини ўрганиш (ўқувчи ҳақида маълумот тўплаш, унинг ақлий, жисмоний, руҳий ривожи, билим, қўникма ва малакалари даражасини, тарбияланганлик, жамоатчиликка интилиш даражаларини диагностик дастурлар асосида ўрганиш), синф жамоасини ўрганиш (ўқувчилар сони, жинси, миллати, ёши, расмий ва норасмий лидерлар, илфорлар, қолоқлар, интизомсиз ва тарбияси қийин

болалар, уларнинг синфга таъсири, синфнинг жамоатчилик топшириқлариға муносабати, синфнинг тарбияланганлик, жипслик, ривожланганлик даражаларини диагностик дастурлар асосида ўрганиш), синф жамоасини ташкил этиш ва йўналтириш (ташкилий ишлар, синф фаоллари билан ишлаш, умумий ишлар устидан назорат, болаларни ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш, навбатчиликни, ўзаро ёрдамни йўлга қўйиш, газета таҳририяти билан ишлаш, касалманд ва ногирон болаларга ғамхўрлик, вақтли матбуот нашрларига ёзилиш, меҳнат ҳаракатларида қатнашиш, синф мулкини саклаш, кундалик режимга бўйсуниш ва ҳоказолар).

II. Болалар ва ўсмирлар уюшмаси («Камолот» жамғармаси) билан биргаликда олиб бориладиган ишлар. Ушбу бўлимда болалар Етакчисига, «Камолот» жамғармаси котибига уларнинг тарбиявий иш фаолиятларида бериладиган ёрдамнинг аниқ шакллари кўрсатилади.

III. Синф ўқитувчилари билан ишлаш. Дарсларда ўқувчиларни ўрганиш (ўқувчининг дарсда ўзини тутиши, уларнинг ўзлаштирумаслиги, билимдаги нуқсонлар, хулқи), ўқувчилардаги билим кўникмаларини аниқлаш (ўқувчилар кундаликлари, дафтарларини кўриб чиқиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, ўқувчиларнинг ўкув ишларини кузатиш, дарсликлар, маълумотномалар, жадваллар ва ҳоказолар билан таъминланиш аҳволини ўрганиш, нутқ маданияти, уйга вазифа, касб танлаш масалалари билан қизиқишиш), ўқувчи-ўқитувчи муносабати (ўқувчи билан ўқитувчининг чиқишимлиги, ўқитувчининг педагогик одобга, педагогик талабларнинг бир хиллигига эришиши масалалари), ўзаро ёрдамни ташкил этиш (қолоқ ўқувчиларни аниқлаш, фан ўқитувчиси билан биргаликда унинг саабларини таҳлил қилиш ва тегишли тадбир белгилаш, аълочи ўқувчилардан ўзаро ёрдам ҳаракатини уюштириш), ўқитувчиларга ёрдам бериш (ўқувчилар ҳақида тегишли маълумотлар, маслаҳатлар бериш, фанга оид тадбирларни ўтказишда кўмаклашиш).

IV. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш.

Бунда ақлий, ахлоқий, ватанпарварлик, ҳуқуқий ва бошқа тарбиялар бўйича белгиланган ишлар ва тадбирлар, касб гаплаш ишлари (каслар рўйхатини тузиб чиқиш, касб ҳақида бурчак ташкил қилиш, меҳнат аҳиллари билан учрашувлар, ўқувчиларга анкеталар тарқатиш, жавобларни таҳлил қилиш, қизиқишилар картасини тўлдириш, касб ҳақида иншо ёздириш, ўқувчиларнинг техник ижодиёти кўргазмасини ташкил қилиш, синфдан ташқари ўқишини ташкил қилиш), фан ўқитувчилари билан биргаликда адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш, ўқилган асарлар юзасидан суҳбат уюштириш, синфда адабий кўргазма ташкил қилиш, кутубхона билан алоқа боғлаш ва ҳоказолар), синфда кўргазмали ташвиқот ишлари олиб бориш (синф бурчаги, деворий газеталар, варақалар чиқариш, синфни мазмунли безаш, экологик бурчак ташкил этиш ва ҳоказолар).

V. Ота-оналар билан ишлаш. Бу бўлимда оилаларни ўрганиш (оиланинг ижтимоий аҳволи, ўқувчига яратилган шарт-шароитлар, оиланинг

тарбиявий имкониятларини ўрганиш), ота-оналар фаоллари билан ишлаш (улар ёрдамида ва иштирокида болалар тарбиясига оид турли-туман ишлар режасини тузиш, улар томонидан баъзи оилаларга кўмак ва таъсир ўтказиш), ота-оналарнинг тарбияга оид билимларини ошириш (ота-оналар мажлислари, дорилфунунлари ташкил қилиш, яхши оилалар ташвиқоти билан шуғулланиш, ўзаро тажриба алмашиш).

Келтирилган режа тартибини мажбурий деб қарамаслик керак. Синф раҳбарлари иш режаси турлича тузилиши ва ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Бу синф раҳбарларининг иш савиёси, тажрибаси, ўз касбига қизиқиши, ҳар хил синфларда иш шароитларининг турличалигига боғлиқдир. Шуни назарда тутиш лозимки, иш режаси қайси шаклда бўлишдан қатъи назар, тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифалари мазкур режанинг муҳим бўлимларидан бири бўлиши шарт.

Иш режасини тузиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш ишларига ўқувчилар ва ота-оналар фаолларини жалб қилиш керак. Аввало улар алоҳида топшириқларни, аста-секин эса режада кўрсатилган кенг ҳажмдаги ишларни амалга оширади.

Режага киритиладиган иш ва тадбирлар, уларнинг мазмун-моҳияти, амалиётга тадбиқ қилиш ҳақида мазкур китобнинг тегишли бўлимларида атрофлича фикр юритилган.

14-МАВЗУ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришуви ҳамда ўз мустақил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўлига эга бўлиши, халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан халқ таълимни тизимида ҳам ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси билан борлиқ жараёнини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Хозирги пайтда, фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳаётта тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонида кўрсатилганидек, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мағкуруни шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ. Ушбу Концепция ҳам худди шу мақсадда, шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга йўналтирилган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Тарбиявий ишлар хуқуқ-тартибот органлари, ижодий уюшмалар, Давлат ва нодавлат жамғармалар, қўмиталар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилади.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўстлари, жамоат ташкилотлари, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва хоказолар бевосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги барча ҳаётий эҳтиёжларни вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорликнинг таъсир доираси орқали шахсни тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш.

Тарбиянинг бош мақсади – ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий-тариҳий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Тарбиянинг асосий вазифаси – шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилияtlарини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишидир.

Бунинг учун: – ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишига кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

– ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

– ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

– инсонпарварлик одоби меъёrlарини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончилик, тұхмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўланиши лозим.

– ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат-мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига хурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадхиясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

– қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, Инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия;

– мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиши. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкораочиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтиromoқ керак;

– турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантириш;

– соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш,

муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

– ёшларимизни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш.

Тарбиянинг асосий тизими қўйидагича бўлиши лозим :

- тарбия – тарбияланувчи шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигит-қизнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборга олиш;
- ёшларда истак ва имконият мувофиқлиги туйғусини қарор топтириш;
- миллийликнинг ўзига хос анъаналари ва воситаларига таяниш;
- шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш,

Амалда тарбиявий жараён яхлит ва узлуксиз ишига ва турли ёшдаги, болаларни қамраб олишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ўсмир йигит ва қизлар нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, истаклари, ҳоҳиши ва эҳтиёжларига суюнган ҳолда уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчиларнинг ижодий қобилияতларини, ташаббускорлигани оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўгарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмир йигит-қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МАЗМУНИ, ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИ. ЭРКИН ТАФАККУР ЮРИТУВЧИ ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Фуқаролик фаолияти ўз давлати олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини тан олишни, жамият белгилаган яшаш ва ахлоқ меъёрларига онгли риоя этишни, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий етукликни барқарор этади:

– ислоҳотларнинг тақдири ва самараси учун жавобгар, юртимизнинг эртанги куни ва истиқболи учун фидойи шахсларни шакллантириш борасида устувор давлат сиёсати юритувчи;

– сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатнинг ички ва ҳалқаро сиёсатини тушуниш ва идрок қилиш. Ватанпарварлик ва байналмилалликни ҳис этиш, ижтимоий сиёсий ҳаётда фаол қатнашишга шай туриш;

– ҳалқ, давлат олдидаги фуқаролик бурчи, яъни қонунчилик тамойилларини, ўзининг Ватан, маҳалла, оила оддидаги ҳуқуқ ва бурчларини билиши, уларга қатъий амал қилиши. Қонунчиликнинг бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш;

15-МАВЗУ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мактабнинг ўқувчилар билан олиб борадиган ўқув машғулотларидан ташқари хилмағхил таълим-тарбия ишлари синфдан ташқари ишлар номини олган. Синфдан ташқари ишлар мактаб таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ўқувчиларнинг бўш вақтларини йўлга қўйиш формаларидан биридир.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар шахсни ҳар томонлама камол топтириш ва уни ҳаётга актив фаолиятга тайёрлаш учун кенг имкониятга эга. Бу ишлар болаларнинг қизиқишиларига мувофиқ тарзда қўнгиллилик асосида ташкил қилинади. Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўзларини қизиқтирадиган машғулотларни танлаб олишади а улард мустақил ташаббускорона иштирок этишади.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий ишларини, мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги қунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари, тарбиявий ишлар тизимида қўйидагилар бўлиши лозим:

- педагоглар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро хурмат муносабатларини шаклланганликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;
- улғатган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмири ва ёш йигитнинг бетакор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳуқуқини эътиборда тутиш зарур.

Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

- а) фан тўгараклари;
- б) моҳир қўллар тўгараклари;
- в) дурадгорлик тўгараклари;
- г) спорт тўгараги;
- д) бадиий хаваскорлик тўгараги.

Ўрта умумтаълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради. Синф раҳбари тўгарак раҳбарлариг яқиндан ёрдам беради. Кизиқишилари, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини бирор тўгаракка аъзо бўлишга чорлайди.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларни дунё қарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифаларига қуидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш;
- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;
- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллариға услубий ёрдам кўрсатиш;
- умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш;

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, услубий ва маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади.

Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қуидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

- тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчликларни таҳлил қилиш;
- тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усусларини аниқлаш;
- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гурухлаштириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштиrmасдан унинг мазмуни, шакл ва усусларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиш қийин.

Синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар жамоачининг хилма-хил ишларни қандай йўлга қўйишга боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлари ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг ташабbusи асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти мухитига олиб киради.

Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир. Бу фаолият илмий жамоа, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонлар конференцияси ва мунозаралар, сиёсий, ахлоқий, илмий-оммабоп ва меҳнат мавзуларидағи маъруза ва

сұхбатлар, ижтимоий-фойдали мәхнат, сиёсий ахборот, баёрам кечлари ва әрталыклари, тұғарал машғулотларини ўз ичига олади.

Үқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади.

Үқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатга киришади, турли вазифатларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилмағхил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоада ишлашни ўрганадилар ижтимоий мәхнат қувончини ҳис қиласилар, ишлаб чиқариш мәхнатига қўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар. Мактабдан ташқари фаолият унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланади. Бу жараёнга улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади. Гарчанд мамлакатимиздаги барча мактабларнинг вазифалари бир бўлса-да, ўша мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва бу хусусиятлр маданий ва миллий шароитларда яққол кўринади. Тарбиячилар, синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борадиган тарбиявий ишларида қўйидаги иш усусларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

1. **Оғзаки иш усуслари.** Турли ахборотлар, мажлислр, әрталабки йиғинлар, маорузалар, китобхонлар конференциялари, мунозаралар, учрашувлар, оғзаки газеталар, радиожурналлар.

2. **Амалий иш олиб бориш усуслари,** турли жойларга сайёҳтлар, спорт мусобақалари, олимпиада, изтопарлар иш фоалияти, ёш табиатшунослар тұғараллари, шанбаликлар.

3. **Кўргазмали иш усуслари.** Мактаб музейлари, уруш ва мәхнат қаҳрамонлари хонаси, янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қолибилятини ишга солишини, тинмай изланишни тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, ахил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлишлари лозим.

Синфдан ташқари ишларнинг форма ва методлари

Жамоат ташкилотлари ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган хилмағхил машғулотларни ўқитувчилар ёрдамида ташкил қиласилар. Синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра жуда хилма-хил: ижтимоий-сиёсий, илмий, ижтимоий фойдали, бадан тарбия-соғломлаштириш ишлари бўлади. Синфдан ташқари ишлар уч хил формада:

оммавий, тўгарак ва индивидуал формаларда ташкил қилинади.

Оммавий формалар: Эрталиклар, мактаб кечалари, болалар байрамлари, қўриклар, қувноқлар ва топқирлар тўгараги, сайр, синф ки мактаб музейлари, болалар ишларининг кўргазмалари в ҳоказолар.

Тўгарак ишлари: мактабдаги ҳар бир тўгарак ўзининг доимий иш кунлари ва соатлариг эга бўлиши лозим. Тўгаракда қатъий интизом бўлиши: тўгарак аъзолари машғулотларига кечикмасдан келишлари, тўгарак топшириқларини батртиб бажаришлари, тўгаракнинг моддий бойликларини эҳтиёт қилишлари керак.

Синфдан ташқари индивидуал иш: ҳар бир ўқувчи майл ва қобилиятларининг ривожланишига рdm беради. Бу ишд синфдан ташқари ўқиш катт аҳамиятга эга. Мактабда ҳар бир синф учун синфдан ташқари ўқиш дстури бор. Ўқувчининг нима ўқиётгани ва ўқиган нрсаларини қандй идрок қилаётганини ўқитувчи билиши жуда муҳим. Шунинг учун ўқитувчининг синфдан ташқари ўқишга раҳбарлиги энг яхши китобларни тарғиб қилиш ва ўқувчиларда ўқилган дарсликларни тўғри, чуқур идрок этишни ривожлантиришдан иборат.

Индивидуал топшириқларнинг турлари жуда кўп бўлиб, ўсимликлар ўстириш, гуллар, сувзотлар етиштириш ҳам ана шундай топшириқлар жумласига киради. Индивидуал топшириқларда ҳар бир ўқувчининг имконият ва қизиқишлиари ҳисобга олинса, улар болаларнинг қобилиятлари, истеъдодларини ўстиришга ёрдам беради.

Ўқитувчи таълим жараёнида болаларнинг маданий эҳтиёжлари ва камолот даражаларини аниқлаш билан шуғулланади. Уларга мувофиқ тарзда айrim ўқитувчилар, группа ёки бутун синф билан олиб бориладиган синфдан ташқари ишларни режалаштириш.

Мактабдан ташқари ишлар

Мактабдан ташқари ишлар болаларнинг ёши ва қизиқишлиарини ҳисобга олган ҳолда, уларни ихтиёрий равишда, актив ва мустақил қатнашишлари шароитида ташкил қилинади.

Район, шаҳар, ўлка ва республика ҳамда мактаб ўқувчилари саройлари ва уйлари – анча кенг тарқалган мактабдан ташқари муассасалардир. Улар халқ маорифи органлари раҳбарлиги остида ишлайдилар.

Мактабдан ташқари муссаса болалар кутубхонасининг иши диққатга сазовор. Болалар кутубхоналари мактабларнинг I-VIII синфлари ўқувчиларига, шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги китоб ўқий оладиган болаларга хизмат кўрсатади. Кутубхонанинг бутун иши болаларга яхши тарбия беришга, фан асосларини ўрганишда ўқувчиларга ёрдамлашишга, болаларда ўкиш маданиятини тарбиялашга, мустақил равишда билим олиш малакаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Кўпгина мактабдан ташқари муассасаларнинг ишлари мисолида, мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар билан олиб бориладиган тълим-

тарбия ишида мактаб ва оиласа жиддий ёрдам бермоқдалар деган хulosага келиш мумкин. Ўқитувчи муайян ахоли яшайдиган жойда мактабда қандай муассасалар борлигини билиб, улар билан ҳамкорликда қилинадиган ишни йўлга қўяди, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тўгаракларга йўллайди. Мактаб болалалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишни режалаштиришда мактабдан ташқари муассасалардан олиши мумкин бўлган ёрдамни ҳам назарда тутади. Мактабнинг тарбиявий иш режасини болалар муассасаларининг режасига мослаштириш зарур. Мактаб тарбиявий иш режасини ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишларнинг форма ва методларини, уларни оқилона йўлга қўйишини ўз ичига олади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси, мактаб тарбиявий ишининг умумий режасини тузади ҳамда ўқувчиларга ҳар томонлама тарбия беришда мактаб ўқитувчилари, мактабдан ташқари муассасалар ҳамда мактабни оталиқقا олган ташкилотларнинг ишларини бир-бирига мувофиқлаштиради.

16-МАВЗУ. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР

Тарбия жараёнининг мазмуни болаларга бериладиган маънавий ахлоқий билимлар тизими, ишонч, эътиқод, интизом, хулқ-атворни бир бутун ҳолатини ташкил этади. Мустақил Ўзбекистонинг, истиқтол ва истиқболи учун фидоийлик кўрсатувчи авлодни тарбиялаш мазмуни тамоман ўзгача ҳарактер касб этмоқда:

- фуқаролик демократик жамиятни барпо этиш моҳиятини англаб оловучи;
- ватанини ҳар доим турли оқимлардан ҳимоя этувчи;
- диний бағрикенглик ва меҳр-муравватли бўлиш;
- давлат сиёсатини тушуниш унга фидоий бўлиш;
- ўзлигини англаш, аждодлар меросини қадрлаш;
- юқоридаги комил инсонга хос сифатларни тарбиялашда;
- мақсадни аниқлиги ва уни тўғри йўналтириш маданияти;
- тарбиячи-ўқитувчи ва тарбияланувчини ҳамкорлик фаолияти;
- ўзини англаш, мустақил фикрловчи эътиқодлиги ва ихтиёрик.

Мактабгача таълим муассаса тарбиячиларини тарбиячилик фаолияти ва уни амалга ошириш методикасини «Учинчи минг йилликнинг боласи» қўлланмасидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Тарбиявий ишларнинг мазмунида бир бутун ёндашишдан бош мақсад, “Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамоийллари дастури”даги ғояларни болаларнинг онгода ўзига хос ва мос равишда сингдиради.

- Халқимизнинг бой маънавий, анъана, удум, урф-одатлар ва аждодларимиз меросидан фойдаланиш.
- Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси, адолат, ҳақиқат ва эркинликни, ишонч-эътиқодни тарбиялаш.
- Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги моҳиятини изоҳлаш.
- Меҳрли-мурувватли ва бағри кенглик.

Айниқса боғча ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълимиy-тарбиявий фаолиятлари ўзига хос хусусиятга эга: ўқувчиларда ҳаётый тажрибаларнинг камлиги, ўқув-тарбия жараённада ҳодисаларга қизиқиш, «яхши», «ёмон» ҳаракатларга чуқур муносабат билдира олмаслиги кабилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятини режалаштириш ўзига хос қоидаларга эгадир:

1. Ҳар бир синф жамоасининг тарбияланган даражасини ўрганиш.
2. Ўқувчиларнинг оиласвий ҳаёти, ота-онанинг фарзанд тарбиялашдаги бурчи ва вазифасини қандай ҳис этиши.
3. Кундалик ўзгаришларга ўқувчиларшиг муносабати.
4. Ўқувчиларнинг шарқона миллий урф-одат, анъаналар ҳақидаги билим даражаси.

5. Қомусий маърифатпарвар, мутафаккирлар ҳамда ҳозирги замон шоир, ёзувчиларнинг ижодиётидан намуна билишлари. Мазкур қоидалар боғчада содда ҳолда қўлланилади.

Юқоридагиларни аниқлашда сұхбат, анкета усулларидан фойдаланиш ўринлидир. Шундагина ҳар бир ўқитувчи-тарбиячиларнинг бетакрор, бир-бирига ўхшамаган тарбиявий тадбир режалари бунёдга келади. Бундай режалар тарбиявий таъсирга эга бўлиб мақсадга эриштира олади.

Тарбиявий ишларни режалаштиришнинг асосий омиллари:

1. Ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик.
2. Миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш.
3. Маънавий тарбия (ахлоқ ва одоб).
4. Иқтисодий тарбия.
5. Экологик тарбия.
6. Гўзаллик тарбияси.
7. Жисмоний баркамоллик (соғлом авлод учун).
8. Ота-оналар билан ишлаш.

Юқоридаги омилларни режалаштиришда танланадиган мавзулар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. Тарбиявий тадбирлар режаси ва ундағи мавзулар давр талабига жавоб бериши.
2. Танланган мавзулар милшӣ ва умуминсоний қадриятлар қамровида бўлиши.
3. Тарбиявий тадбирлар узвийлик қоидасига амал қилган бўлиши.
4. Мавзулар ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига мос бўлиши.

Тарбиявий тадбирларни режалаштиришда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоийллари» дастури. Ўзбекистон Республикаси «Камолот ижтимоий ҳаракати» дастури мос қилиб олинди. Қўйидаги келтирилган режа таҳминий бўлиб, ўз шарт-шароитингизга қараб ижодий ўзгаришлар киритиш мумкин.

Тарбиявий тадбирлар режаларидан намуналар

Дастлабки режага Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги «Маданий меросга - ихлос» юзасидан тузилган Низом асос қилиб олинди, у қўйидаги мазмунга эга:

- 1. Ватан ғурури – камолот мулкининг асоси (I-II синфлар учун).**
 - а) туғилган уй, кўча, шаҳар ва ўлкаларининг тарихи.
 - б) бир болага етти қўшни ота-она эканлиги.
 - в) атроф табиатидаги ўсимликларнинг номи ва уни муҳофаза қилиш.
 - г) ўлка тарихига оид (тарихий, обидалар, кимлар яшаган, иқтисодий бойлиги, санъати ва келажак режалар) маълумотлар.
 - е) киндик қони тўкилган жойнинг тупроғи азиз ҳиссини сингдириш.

2. Турмуш маданияти

- а) шарқона оила.
- б) ота-она меҳри, уларнинг борлигидан фаҳрланиш.
- в) оилада шарқона урф-одатлар, анъаналар қонун ва қоилаларга амал қилиш.
- г) қариялар тарихини ўрганиш, уларнинг яхши фазилатлари билан чукурлашиш ва ғамхўрлик қилиш.

д) турмуш ва бозор иқтисодига шарқона муносабат уйғотиши.

е) жисмоний баркамоллик ва спорт.

3. Ўзбек тилининг соғлиги – ҳалқ ифтихори

- а) ҳар бир миллатни она тили ва унга меҳрли миллий ғурурини гул тожиси эканлиги (ҳалқнинг мақол, ривоят, ҳикоятларидан фойдаланиш).
- б) ўзбек тилнинг тарихи, ривожи.
- в) ўзбек тилининг истиқболи.
- г) «Тил билгани элни билади» (дунё тилларининг моҳияти ҳақида).
- д) миллатлараро тотувлик.

4. Ўзбек миллий урф одат, расм-русумлар ва маросимлар

- а) оиласий урф-одатлар.
- б) расм-русумлар ва уларнинг тарихи.
- в) маросимлар уларнинг турлари, тарихи ва мазмуии.

III-IV-синф ўқувчилари учун Ватан ғурури камолот мулкининиг асоси:

- а) Ўзбекистон худуди ва унинг тарихи ҳақида маълумот.
- б) Ўзбекистон ўтмишдаги подшоҳ ва хонлар, улардаги сифатлар.
- в) Ўзбекистон табиати, ҳайвоноти ва ўсимлик олами.
- г) ўтмиш ва мустақил Ўзбекистон.
- д) бутун дунё ўзбеклари нима билан фаҳрланишлари.
- е) Ўзбекистон мадхиясида миллий ғурур.

Турмуш маданияти:

- а) оиланинг иқтисоди илдизи, уни бошқаришда оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги. Бюджет тақсимоти.
- б) оиласий анъаналар ва унга нисбатан садоқат ҳисси.
- в) оиласий маросимлар. Оиланинг ҳар бир аъзосининг ўрни ва бурчи.
- г) оила истиқболига ҳиёнат қилмаслик.
- д) оила аъзоларининг бурчи.
- е) замонавий оиланинг шакли, маънавий гўзаллиги. Шарқона оила жиҳози. Соғлом тан. Спорт хонадон кўрки.

Ўзбек тили соғлиги ҳалқ ифтихори:

- а) тилнинг тарихини ўрганиш. Дастлабки туркий тилда ёзилган асарларни ўрганиш (Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий).

- б) тилшунос олимлар билан учрашув.
- в) соф ўзбек тили сирлари, тил ўрганиш ҳақида донолар ҳикматлари.
- г) Шарқона ўқишининг оҳангдорлиги ҳақида маълумот бериш.
- д) Шарқшунослик ва тил-адабиётлар илм масканларига ташриф буюриш.

Миллий урф-одатлари, расм-руслар ва маросимлар:

- а) миллий урф-одатлари келиб чиқиш тарихи, унга амал қилишининг ижобий томонлари.
- б) халқ фольклор ва ёдгорликларида расм-руслар, ирим-сиirimларни асослаб берилиши.
- в) турли миллат халқларининг урф-одатлари ва уларга муносабат.
- г) аждодларимизнинг кийиниши, юриш-туришига ўзбекона муносабат билдириш. Ҳозирги замон талаблари-чи? Тўғрими?.

Санъат ва маданияти меъморчилиги:

- а) санъатнинг шарқона кўринишлари. Аждодларимиз санъати тарихи.
- б) санъат усталари (ўтмиш ва ҳозир).
- в) санъат масканлари ва унинг турлари. санъатга муносабат.
- д) миллий санъатнинг келажаги.
- е) меъморчилик тарихи. Маданий меъморчилик кошоналарига саёҳат ва уни ўрганиш.
- ё) қўли гул устоз ва шогирдлар ҳаёти ва келажаги.
- з) меъморчилик кўринишлари (танлаб ўрганиш).

Боболардан болаларга насиҳат ва пандлар:

- а) ўзбек халқининг қадими ёдгорликлари.
- б) А.Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ғаззолий, Ҳазинийлар ижодиётида одоб-ахлоқ масалалари.
- в) ўзбек шоирларининг пандлари. Зебинисо, Завқий, Нодира, Анбар Отин...
- г) Замонавий шоир ва шоиралар. Учрашув ва кечалар ташкил қилиш. Уларнинг ижодиётига ташаббус қилишга ундаш.

Ўзбекона инсоний, юксак ахлоқий сифатлар

- а) алломаларнинг ўғил ва қизларга айтган насиҳатлари.
- б) қизлик иффати, ҳаёси, ғуури.
- в) оила ва жамоат меҳнатига тўғри муносабатда бўлиш.
- г) инсон гўзаллигини англатувчи белгилар.
- д) «Яхшилик» ва «ёмонлик»ни келтирувчи ҳасоб, унинг сабаблари, обрў қозониши осон иш-ми?
- е) саёқ юрган таёқ ер.
- ё) бозор қилиш одоби.
- ж) табиат гўзаллигини сақлаш.

17-МАВЗУ. СИНФДАН ВА МАКТБДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ТАШКИЛОТЧИННИНГ ИШ МЕТОДИКАСИ

1. Ўқувчиларни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялаш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш, уларда фаол ҳаётий мавқени шакллантириш, ўзлаштириш ва билим сифатини ошириш кўп жиҳатдан куни узайтирилган гурухларининг самарали ишлашига боғлиқдир. Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятини тўлдиради. Уларнинг дунёкараши, тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлаб чиқариш билан боғланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ташкилотчисининг вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш.

2. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни ўқувчилар ташкилотлари синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш.

3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш.

4. Умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш.

5. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш. Бу борада ташкилотчилар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, услубий ва маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қуйидаги бир қатор кишиларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишлар соҳасида эришган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш.

2. Тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.

3. Тарбиявий, оммавий, сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усусларини аниқлаш.

4. Синфдан, мактабдан ташқари ишларни режалаштириш, гурухлаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усусларини аниқлаш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади. Шу асосда янги

билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб турли кишилар билан муаян муносабатга киришадилар. Турли вазиятга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоадаги ишларни ўрганадилар. Ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиладилар. Ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар. Жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга отланадилар. Мактабдан ташқари фаолиятга қўйидагилар киради:

1. Оғзаки иш усуллари: мажлислар, йигинлар, маърузалар, кутубхоналар, конференциялар, мунозаралар, учрашувлар, газеталар, радио ва журналлар.

2. Амалий иш олиб бориш усуллари турли жойларга сайёҳатларга, спорт мусобақалари, табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар, янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогикадан бутун қобилиятларни ишга солишга тақозо этади. Синф раҳбарлиги курси билан мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар методикаси курси бир-бирига боғлиқ ва унинг давомийлигидир.

Юқоридаги қайд этилган топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар турли қўлланмалар, асбоблар, аппаратлар, дидактик материаллардан фойдаланишни ўрганадилар, ўз-ўзини текшириш учун турли маълумот ва таянч материалларини жалб этиш кўнималарини эгаллайдилар.

2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишни режалаштириш болаларнинг ёш хусусиятларига, мактабнинг жойлашган шарт-шароитларига, ижодий бирлашмаларига, илмий марказлар билан ўзаро алоқаси каби ишларни инобатга олади. Директор ўринbosарининг фаолияти, ўз ифодасини топган хужжатлар рўйхати, халқ таълими томонидан доимий равища берилиб борилади.

«Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» концепцияси халқ вазирлиги томонидан 1993 йилда тасдиқланган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан ишлаб чиқилади.

Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқитувчининг йўналтирувчи таъсири остидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш асосига қурилган ва фан кабинетларида, кутубхонада ва уйда якка тартибдаги режа асосида ўтказиладиган мустақил машғулотлар етакчи шаклга айланиши керак. Бунда синфдан ташқари ишда таълимнинг моддий базаси: қўшимча ва маълумотнома адабиётлари лаборатория ускуналари, кўргазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, техника воситаларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилади. Улар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлашнинг хилма-хил

шаклларини олган, назарий билимларни ўзлаштиришни таъминловчи;

- тажрибалар, ижодий тусдаги ишларни бажаришни, асбобларни лойихалашни, макетлар, моделлар ваҳоказоларни тайёрлашни олган мустакил ишлаш учун топшириқлар системаси мақсадга мувофиқдир.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар методикаси фани ва бўлимига синф раҳбарларининг ишлари, мактаб маъмуриятининг тарбиявий ишлари киритилади. Бунда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муомиласи, адолатли бўлиши, таъсир кўрсата олиши керак.

Ўқувчи ёшларни ҳозирги замон маънавияти билан онгини суғориш, яъни сингдириш керак. Ўқувчиларни қадриятларимиз асосида урф-анъаналаримиз асосида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчининг вазифаси.

Ўқувчи атрофини ўраб турган воситалар, яхши-ёмон одатлар, ўқитувчилар, мактабнинг муҳити, ўқувчилар тарбиясини тўғри, онгли равиша ўрганиш ва қабул қилиш. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

Тўгарак турлари:

1. Фан тўгараклари.
2. Моҳир қўллар.
3. Дурадгорлик.
4. Спорт мусобақалари.
5. Бадиий ҳаваскорлик.

Кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий, ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой, миллий маънавий анъаналарга, урф-одатилари ҳамда қадриятларига асосланган самарали ташкилий ишларни амалда ишлаб чиқишидир.

Тарбиянинг асосий вазифаси- шахснинг ақлий-ахлоқий тарбиялашда эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишидир. Тарбиявий ишларни режалаштиришда қуйидаги педагогик талаблар мавжуд:

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўгарак қатнашчилари онгода юксак маънавий ахлоқий фазилатлар мужассамлашган бўлиши керак. Тўгарак қатнашчиларини доимий равиша фан ва маданиятнинг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиб туриш, улар онгини ижодий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш ўрин тутади. Тўгарак қатнашчиларида мустакиллик тушунчаси шаклланган бўлиши, улар давлатимиз рамзларини, мадҳиясини, урф-одатларимизни яхши билиш керак. Мактабдан ташқари таълим ўқишлирага, ҳошишлирага асосланган ҳолда дарсдан бўш вақтларда ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва қуйидаги йўналишлар бўйича тўгарак қатнашчиларига талаблар қўйилиши керак:

1. Ватанга муҳаббат, комил инсон тарбияси;

2. Эстетик таълим;
3. Сайёхли йўналиши бўйича тўгаракларга қатнашиш.
4. Экологик таълим йўналиши бўйича тўгараклар;
5. Ўқувчиларни маънавий ахлоқий йўналиши бўйича;
6. Хуқуқий таълим йўналиши бўйича;
7. Техник ижодкорлик йўналиши бўйича;
8. Истиқлол болалари ва истеъдодли ёшлар;
9. Иқтисодий таълим.

Ўқувчиларнинг мустақиллиги турли даражада бўлганида мустақил тайёргарлик амалга оширилиш мумкинлигини ҳисобга олиш муҳимдир, албатта бу эса улар шахсининг шаклланишига шубҳасиз таъсир кўрсатади. Айрим ўқувчиларнинг ишдаги фаол ва мустақил ҳолати тарбиячининг аралашувини талаб этмайди, чунки ўқувчиларнинг ўзлари олдиларида турган вазифаларини ва уларни ҳал этиш йўлларини анча яхши тушунадилар.

Болалар иарбиячи ёрдамисиз ишлайдилар. Бу ерда тарбиячининг аралашуви мақбул эмас. Чунки бундай ҳолат болаларнинг меҳнатсеварлигини, билиш эҳтиёжларини шакллантиришда энг като имкониятга эгадир.

Ўқувчи мустақил ҳаракат қилиб, лекин ўз ишини тарбиялашнинг фикри ва баҳосига боғлиқ қилиб қўйган пайтда тобе мустақил ҳолат вужудга келади. Иш қизиқиши ва иштиёқ билан бажарилса ҳам мустақил ишни бажараётган ҳаракатларида ишончсизлик жиҳатлари мавжуд бўлади.

3. Синф раҳбарининг раҳбарлиги ва назорати остида ҳаракат қиласидан ўқувчилар тоифасида мажбурий ижро этиш ҳолати пайдо бўлади. Бунда ўқувчилар ишга уччалик қизиқиши билдирамайдилар. Улар кўпинча синф раҳбарининг ёрдамини сўраб мурожаат қиласидар, кучли ўқувчиларнинг қўллаб-кувватлашидан фойдаланишга интиладилар, агар бундай қўллаб-кувватлаш бўлмаса, ишни давом эттиришга иродаларини ишга солмайдилар. Бундай ўқувчиларда ташқаридан мажбур қилиш вақтида ҳаракат қилиш одати мустаҳкамланади. Агар бундай ҳолат барқарор бўлиб қолса, у ўқувчининг фақат ақли эмас, шу билан бирга маънавий ривожланишига ҳам тўсқинлик қилиши мумкин.

Мактабда ва синфдан ташқари ишлар ўқувчиларни бир-бирига ҳурмати, ахлоқий сифатлари жамоа орасида шаклланиб боради. Бунда ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган муомала маданияти ҳам шаклланади. Ўқувчи ўқитувчига тақлид асосида ёки дўстлари орасида ўргангандар тарбияси муомиласига таъсир қилиш мумкин. Уқитувчи ўқувчилар орасида муомала-маданиятни шакллантириш учун авваламбор ўқувчининг ўзига бўлган муомаласини этиборини ўрганиши керак.

Ўқувчи мактаб қоидаларига риоя қилиш билан бирга, ўқитувчи талабига ҳам жавоб бериши лозим. Ўқитувчи талабларига:

1. Дарсларга тўлиқ қатнашиш.
2. Ўқув қуроллари билан таъминланганлиги.

3. Ўқитувчини диққат билан эшитиш.
4. Топшириқларни ўз вақтида бажариш.
5. Ташкилий ишларга фаол қатнашиш.
6. Синф интизомига риоя қилиш.
7. Тозаликка риоя қилиш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни назоратсиз ижро этиш ҳолати расмий ижрочилик, иштиёқ ва ҳавас билан меҳнат қилишни истамаслигини яширишга интилаётган ўқувчиларда кузатилади. Бундай ҳолатнинг узоқ вақт мавжуд бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда ўқувчиларда ишига нисбатан расмий муносабат жиҳатлари пайдо бўлади, бу эса уларни меҳнатдаги ташқи фаолликни йўққа чикаради.

Синфдан ва мактабдан ташқаридаги ишларда ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари олдиндан жуда қаттиқ тартибга солиб қўйилганлиги хусусида эътиrozлар билдирилмоқда.

Мустақилликни тарбиялаш вазифаси қўйилмаган, боланинг ҳар бир қадами педагогнинг иродасига бўйсунган жойларида ана шундай ҳолат мавжуддир. Худи шунинг учун мустақил тайёргарлик самарадорлиги, ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласидан ўқитувчи, синф раҳбари ўқувчиларга таъсир кўрсатиш воситаларини пухта ўйлаб танлайдилар, уларнинг ишлари учун оқилона шарт-шароит яратишга интиладилар.

Мактаб ўқувчиларининг мустақил тайёргарлигига педагогик раҳбарлик шундай қурилиш керакки, у ўқувчиларни чарчатиб қўймасин, доим бир хил тусда бўлмасин, ёки ҳаддан ташқари осон, ақлий ва иродавий куч-ғайратини сарфлашни талаб қилмайдиган бўлмасин.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил эти шва ўтказища тарбиячи энг муҳим вазифа ўқувчиларни ўқув вазифаларини ҳал этишга ўргатишдан, бунинг учун ҳаракат усусларини тўғри танлашдан, ўз ҳатти-ҳаракатларига раҳбарликни фаолиятини назорат қилишдан, мустақил иш кўнилмаларини бошқа муҳим хаётий вазиятларга ўтказища келиб чиқищдан лозим эканлигини назарда тутиш лозим. Бунда мустақиллик мазмунига фикрлаш фаолиятининг мустақиллиги, интизом, уюшқоқлик ва ўз-ӯзини назорат қилиш каби тўрт таркибий қисми киришини ҳисобга олиш муҳимдир.

Мазкур жиҳатларни шакллантириш устидан назоратни амалга ошириш синфдан ташқари ишларга раҳбарлик қилаётган ўқитувчининг муҳим ва мураккаб вазифаларидан биридир. Бунинг учун ўқувчи фаолияти натижаларини ҳисобга олишни ва бу жараённи тахлил этишни уюштириш зарур. Ўқитувчи синф-дарс фаолияти учун хос бўлган шаклларни истисно этиб, назорат қилишнинг бир қанча усусларини қўллаши мумкин. Энг кучли ва қобилиятли ўқувчиларга ҳомаки ёзув билан ишлаш хукуқи берилади. Унда қоида кўрсатилади, бу қоидани тасдиқловчи мисоллар келтирилади, ўқув вазифаси қайд этилади. Ёзув жуда қисқа бўлади, лекин у ўқувчининг

фикрлаши қандай борганлигини кўрсатади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўкувчиларни айрим кўнилмаларга ўргатишни назорат воситаси деб ҳисоблаш керак. Ўз-ўзини текшириш, ўзаро текшириш усуулларига ўргатиш ўқитувчининг ўкувчилар билан шундай алоқасини талаб этадики, бунда уларнинг фикрлаш иши жараёни равshan бўлади. Ўкувчиларнинг ўzlари харакатни таклиф этадилар ваш у билан педагогга муаян маълумот берадилар. Синф раҳбари ишида ўкувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш тарбиянинг етакчи тамойилидир. Болалар жамоасини шакллантириш методикаси янги педагогикада тўла ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогика курсларида баён этилган жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўкув-меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади.

4. Ўрта умумтаълим мактабларида синфда ва мактабдан ташқари ишларда синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради.

Синфда ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўкувчилар хаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарали тўғри шаклланишига ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлаб чиқариш билан боғланишаг замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифаларига қуидагилар киради: Дарсдан ташқари тарбиявий ишлар ни режалаштириш ва амалга ошириш.

Ўкувчиларни мактабдан ва синфдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа, ўкувчилар, ташкилотлар, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар ўкувчилар, ташкилотчилар синф фаолларига ёрдам кўрсатиш. Умуммактаб ва мактаблараро тарбиявий тадбирларга қатнашиш. Ўкувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини З та асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, умумий ва маъмурий.

Булар ўзаро узвий боғланган бўлади. Ташкилотчилик фаолиятига қуидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни

тахлил қилиш;

2. Тарбиявий ишларни мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
3. Тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмунни ҳамда шакл усулларини аниқлаш.
4. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни гурухлаштириш бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Шулар асосида янги билимларни ҳосил қиласди. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муаян муносабатга киришадилар. Турли вазиятларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой бўлади. Мактаб ташқаридаги ишларда ўқувчилар жамоадаги ишларини ўрганадилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари ўз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини ҳам назорат қилиб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни мактабнинг умумий режаси, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, етакчи ота-оналар қўмитаси, иш режалари ишини ҳам эътиборга олиши керак.

Иш режа мактаб директори томонидан тасдиқланган. Иш режасида боалалрнинг ёш хусусиятларига мактабнинг жойлашган шарт-шароитига, ижодий бирлашмаларига илмий марказлар билан ўзаро тарқалган алоқаси каби ишларни инобатга олади. Директор ўринбосарининг фаолияти ўз ифодасини топган хужжатлар рўйхати халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда бери борилади. А. Жўраевнинг «Тарбиявий дарсларни ўтиш» рисоласида мустақиллик ғояси билан боғланган тарбиявий тадбирлардан қоидаларга асосланган қонунлар белгиланган. Ижодкор раҳбар ҳамда илғор ўқитувчи тарбиячилар ўз фаолиятлар ижараёнида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги тамоилларни асос қилиб оладилар:

- тарбиявий тадбирларни ўтказиш;
- маънавиятни ёш авлод онгига сингдириш эътиқодга айлантиришдан иборат эканлиги;
- тарбия жараёни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаб бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
- тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоаси жипслаштирувчи омиллар билан бойитиб тарбиянинг таълим билан узвийлигини таъминлаш;
- тарбиявий жараёнда болаларни тарбиялаш даражасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;
- бала шахсига хурмат ва талабчанлик;
- болаларнинг ёш ва руҳий ҳолатини ҳисобга олиш;
- тарбиявий ишларни ташкил қилиш томонлари баркамол инсонни тарбиялашда кенг имкониятларга эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш синф раҳбари ва тарбиячининг педагогик моҳиятига боғлиқ.

18-МАВЗУ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ТАШКИЛОТЧИ ШАХСИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

Директор ўринбосари ўқувчиларга нисбатан меҳр ва муҳаббат, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан талабчан бўлган ҳолда иш тутишда ва мунтазам ўз устида ишлаб, сабр-бардошли, ўз фикрларини пухта баён қилиб, ўзгаларни ўзига жалб қила оладиган хислатларни ўзига мужассамлайди.

Давлат ва хукуматимиз томонидан қабул қилинган барча хужжатлар моҳиятини, Президент асарларини яхши билиши, уни ўқувчи-ёшлар орасида тарғиб эта олиши, халқ педагогикаси анъаналарини, ўзбек халқи миллий урфодатлари, қадриятлари, алломалари ўгитларини яхши билишлари лозим.

– Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши билиши ва доимо уни ўз фаолиятида ҳисобга олиши, тарбиявий ишларни ташкил этишининг илмий асослари ҳамда янгича усул ва методларини яхши билиши;

– радио, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари орқали берилган энг сўнгги янгиликлардан боҳабар бўлиши ҳамда уларнинг моҳиятини ўқувчиларга етказа олиши;

– синфдан ташқари тадбирларни тайёрлаш ва ўtkаза билиши;

– туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши;

– мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;

– мунтазам равишда ўз малакасини ошириб туриши, ўз соҳаси бўйича ўтказиладиган семинарларда иштирок этиш.

ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Низомда белгиланган вазифалар билан боғлиқ равиша тегишли педагогик ходимларга кўрсатма беради.

Хизмат вазифаси доирасидан келиб чиққан ҳолда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва янги тўгаракларни очиш масалаларини ҳал қиласди.

– синф раҳбарининг таълим-тарбия ишлари бўйича эришган ютуқларини ҳисобга олиб, уни тақдирлаш учун директорга таклиф киритиш;

– синф раҳбарларининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизлиги ёки суиистеъмол қилинганлиги учун директор билан келишилган ҳолда танбех бериш;

– болани яхши тарбиялаган ота-оналарни, мактабга ёрдам берган маҳалла фаолларини тақдирлаш учун директорга таклиф бериш ҳуқуқига эга.

Директор ўринбосари билан куйидаги ишлар келишилиши керак:

– синф раҳбарлари иш режасини директор билан ҳамкорликда

тасдиқлаш;

– мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;

– турли хилдаги тұғарак ишлари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий шакллари, мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қарорларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синфдан ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилғанлығи билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар тизимида қуидагилар бўлиши лозим:

– улғаяётган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир боланинг бетакрор ва ўзига ҳослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳуқуқини эътиборда тутиш лозим;

– миллийликни ўзига хос анъана воситаларига таяниш;

– педагоглар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш;

– мактабнинг жамоат ташкилот, оталиқ қилувчи корхоналар билан алоқасини мустаҳкамлаш;

– болалар назоратсизлиги ва қонун бузилишининг олдини олиш;

– яшаш жойи бўйича болаларнинг бўш вақтини ташкил этиш;

– ўқувчиларнинг оиласаларига бориш ва болаларни тарбиялашда уларга ёрдам бериш;

– ёш авлоднинг Ватанга, жамиятга ва меҳнатга, ўзига ва одамларга муносабатини англаб олишга қаратилған аҳлоқий түйғуларини тарбиялаш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбивий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишига, аҳлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам қўп қирралидир.

Тарбиявий ишлар болаларнинг қундалик ҳаётидан олинган аниқ далиллар ва воқеаларни, бадиий адабиёт, вақтли матбуот, кинофильмлардан олинган мисолларни таҳлил этиш ҳамда муҳокама қилиш асосида ўтказилади. Бу ишларнинг хусусияти шундаки, бу болаларнинг ўзини аҳлоқий хатти-харакатлари ҳақида мулоҳаза юритишга ва уларга тўғри баҳо беришга ўргатади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидағи ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради, ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ижобий қобилияতларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади.

Шу сабабли кейинги даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган тарбиявий ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларни онгли, дунёқарашини шакллантиради. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифаларига қуидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш;
- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;
- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда, ўқувчилар ташкилотлари синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш;
- умуммактаб ва мактаблараро ўtkазиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Синф жамоаси билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ҳажми, асосий йўналишлари, мазмуни ҳар бир ёш босқичда ўқувчиларнинг психик ривожланиши даражасига мос келиши лозим.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солиши, тинмай изланишни тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, аҳил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлиши керак.

Мактабда башланғич синфларда тарбиявий ишларни олиб бориш уни йўлга қўйиш синф раҳбари ёки тарбиявий ишлар ташкилотчилари томонидан уюштирилади тарбиявий ишнинг асосий йўналишлари: ўқувчиларда илмий дунёқарааш асосларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш; ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этиш; ўқувчиларда аҳлоқ маданиятини, уларнинг ўз хукуқ ва бурчларига нисбатан онгли муносабатни тарбиялаш; ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш малакаларини шакллантиришdir.

Бошланғич синф ўқувчиси ва синф раҳбари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг аҳил тарбиялий жамоани ташкил этишdir.

Бошланғич жамоа иши шундай қуриладики, ундан синfnинг бошқа жамолари билан алоқаси доимий равишда амалга оширилади, умум мактаб анъаналари сақланади. Бошланғич жамоа ўқитувчи-тарбиячи ва синф раҳбари, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлигида умуммактаб ижтимоий фойдали ишлари фаолиятида иштирок этади.

Ўқитувчи ва синф раҳбари соғлом, аҳил болалар жамосини шакллантириш билан бирга доимий болалар қизиқишлигини қўллаб-

кувватлайдилар, уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини йўналтириб борадилар.

Кичик ёшли ўқувчилар жуда фаол ва ҳаракатчан бўладилар. Фаолликка интилиш бу ёшдаги болаларнинг органик эҳтиёжи. Бироқ бунда болалар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмайди ва кундалик педагогик раҳбарликка эҳтиёж сезади. Бошланғич синф ўқитувчиши боланинг ilk мактабдаги қадамиданоқ тарбиявий ишнинг чинаккам жамоатчилик муносабатларини яратишга зўр имконият берадиган, болаларда бир-бирларига ғамхўр муносабатда бўлишни тарбиялайдиган, индивидуал қобилиятларни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратадиган усулларни танлайди.

Ўқитувчи бошланғич синфларда болаларга ўзларини қизиқтирувчи фаолият турини танлашга ёрдам беради. Бироқ кўпинча кичик ёшдаги ўқувчилар ёш хусусиятларига кўра, ўз хусусиятларини тўғри баҳолай олмайдилар.

Болаларнинг ўсиши уларда жамоатчилик малака ва кўникмаларининг шаклланиб бориши билан ўқитувчи-тарбиячининг болалар жамоасига раҳбарлик қилишидаги жараёнини ўзгартириб боради.

Ўқитувчи бошланғич синфларда ёқ ахил болалар жамоасини яратиш асосида соғлом жамоатчилик фикрини яратади.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг болалар тарбиявий жамосини яратиш соҳасидаги ишини юқори синфларнинг синф раҳбарлари давом эттирадилар.

Бошланғич синф ўқитувчиши ўқувчиларни таълим ва тарбиянинг табиий шароитида, уларнинг жамоа фаолияти жараёнида ўрганадилар.

Синфдан ташқари иш ўқувчиларга бирор мақсадга қаратилган педагогик таъсир вақтини узайтиради, у ўқитувчининг дарсларда эгаллаган билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, болаларнинг қобилиятини ривожлантириш, уларнинг хилма-хил қизиқишиларини қондириш, маданий дам олишларини уюштириш имконини беради. Синфдан ташқари иш болаларни жамият ҳаётига жалб қилишнинг катта имкониятларига эга.

Бу борада ташкилотлар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, усулий ва маъмурий.

19-МАВЗУ. ТАШКИЛОТЧИННИНГ ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ

Ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига эга ва умуммиллий жамоанинг узвий қисми саналади. Шунингдек, у мақсаднинг бирлиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умуммиллий жамоа билан боғланади. Ижтимоий жамиятнинг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган биргаликдаги фаолият жамоанинг навбатдаги муҳим хусусиятларидир. Жамоа фаолиятининг ижтимоий-фоявий йўналиши ҳам жамоанинг фаолияти мазмунида ўз аксини топиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда педагог-олимлар (Л.И.Новикова ва бошқалар) болалар жамоаси ривожланиши жараёнини таҳлил қиласар эканлар, уни қуидаги икки босқичга бўладилар:

- а) жамоани дастлабки жипслаштириш;
- б) жамоани шакллантириш унинг ҳар бир аъзосини инливидуал ривожлантиришнинг қуролидир.

Жамоа ҳаётидаги ҳар бир босқичларни ажратиб қўрсатиш юқорида баён этилган фикрларга зид эмас, балки шахснинг ривожланигнида жамоанинг етакчи аҳамиятини таъкидлайди.

Рус педагоги А.С.Макаренко жамоа муносабатларининг ички жиҳатларига катта аҳамият берган эди. У жамоада шаклланган энг муҳим қуидаги белгиларни ажратиб қўрсатган эди.

1) мажор доимий тетиклик, тарбияланувчиларнинг фаолият (ҳаракатга тайёрлиги);

2) ўз жамоаси қадриятларининг моҳиятини тушуниш, унинг учун гурухланиш асосида ўз қадр-қимматини англаш;

3) унинг аъзолари ўртасидаги дўстона бирлик;

4) жамоанинг ҳар бир аъзосидаги дўстона бирлик;

5) тарбияли, ишchan ҳаракатга йўлловчи фаоллик;

6) ўз ҳиссиёт ва сўзларини бошқара олиш қўнимаси.

3. Жамоани шакллантиришда жамоа аъзолари ва уларнинг фаолиятларига қўйиладиган ягона талаблар муҳим аҳамият касб этади.

Ягона талаб ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги, танаффус. Синфдан ташқари ишлар вақтидаги жамоат жойлари ҳамда уйдаги хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади.

Пухта ўйлаб қўйилган талаблар тизимишининг мунтазам амалга оширилиши мактабда муайян тартибининг ўрнатилишини таъминлайди.

Педаголлар томонидан қўйилгн талаблар қўйидаги шароитларда ижобий натижага беради.

1. Қўйилаётган талаблар ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш билан қушилиши керак.

2. Қўйилаётган талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд

шароитни ҳисобга олган ҳолда қуиши лозим.

3. Қўйилаётган талаблар аниқ бўлиши керак.

4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳамда мумомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар, уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши шарт.

Ўқитувчи томонидан қўйилаётган талаблар ҳажми, тизимини билибгина қолмасдан, талаб қўйиш методикасини ҳам ўзлаштира олган бўлиши керак.

Ўқувчиларга талаблар қўйиш методикаси болаларни талаблар мазмунни билан танишириб уларнинг аҳамиятини тушунтириш, тажриба орттириш ҳамда уларнинг муентазам суратда назорат қилиб боришдан иборат.

Ўқувчиларни талаблар билан танишириш кўпинча умумий мажлисларда амалга оширилади, бунда таълим муассасаси директори ёки ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари истиқболли режалари ва уларни амалга ошириш жараёнидаги талаблар мазмунни билан ўқувчиларни танишириди. Батафсил танишириш айрим ҳолларда амалда кўрсатиш, кейинроқ синфлар бўйича синф мажлисларида, маҳсус сухбатлар уюштириш гоҳида амалга оширилади.

Хулқ-атвор таркиб топтиришга йуналтирилган талаблар билан танишириш мазкур талаблар устида машқ қилдириш билан қўшиб олиб бориши керак. Хулқ-атворни тарбиялаш онгни тарбиялашга қараганда мураккаб иш. Ўқувчилар талаблар моҳиятини яхши англашлари мумкин, бироқ аксарият ҳолларда уларга риоя қилмайдилар. Шу боис муентазам равишда машқ қилдириш маданий хулқ-атворни одатга айлантиради.

Талабларнинг қўйилиши жараёнида уларга ўқувчиларнинг амал қилиши устидан назорат ўрнатиш лозим. Назорат қилиб бориш турли шартлар ёрдамида амалга оширилади, чунончи, хулқ-атвор журналини юритиш, синфдаги навбатчилик учун стендда баҳоларни қайд этиб бориш ва бошқалар. Назорат ҳаққоний ва муентазам бўлиш керак. Унинг натижаларидан ўқувчиларни огоҳ этиб бориш лозим.

а) жамоани уюштириш ва жинслаштириш. Унда фаолни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир педагогнинг жамоани шакллантириш борасидаги ҳаракати жамоанинг таянч ядросини танлашдан бошланади.

Жамоа фаолини шакллантириш жамоанинг у ёки бу фаолиятга нисбатан эҳтиёжи мазмунидан келиб чиқади.

Ишончли, ишchan жамоа фаолини яратиш учун ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини, уларнинг жамоа ишлари иштироки, хулқ-атворини қузатиб бориши ҳар бир ўқувчининг ижтимоий фаолиятни ташкил этиш лаёқатини аниқлаши зарур.

Жамоа фаолини шакллантиришда ўқувчиларнинг жамоадаги обрўсини ҳам инобатга олиш лозим. Жамоа фаоли таркибини болаларнинг ўзлари, албатта, педагог иштирокида ва раҳбарлигида танласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Педагог жамоа фаоли билан маслаҳатлашишни ташкил этади.

Жамоа фаолининг ҳар бир аъзоси зиммасига муайян вазифа юклаш,

маълум даврда ана шу вазифалар юзасидан ҳисобот бериб боришилариға эришиш лозим. Педагог айнан шу фаолга оширилган талаб қўяди. Ўқувчилар жамоасида фаол раҳбарлигига ўз-ўзини бошқариш жамоа аъзоларидан айримларининг бошқаси устидан устун келишига олиб келмаслиги керак.

Шу боис педагог фаолни мақсадга мувофиқ фаолият юритишини назорат қилиб бориши лозим.

Ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш, бу педагоглар томонидан ташкил қилинадиган жамоа ишини уюштириш ва бошқаришда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишидир. Ўз-ўзини бошқаришнинг шакллари орасида жамоа аъзоларининг йиғилиши, конференцияси ҳамда турли комиссиялар фаолияти ўрин тутади.

б) ўқувчилар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим ўрин тутади. Жамоа анъаналари бу барқарорлашган одат бўлиб, уларни жамоа аъзолари бирдек қўллаб-қўвватлайдилар. Жамоа анъаналари мазмунида муносабатлар хусусияти ҳамда жамоанинг ижтимоий фикри ёрқин ифодаланади.

Жамоа анъаналари шартли равишда иккига бўлинади:

- а) кундалик фаолият анъаналари;
- б) байрам анъаналари.

Кундалик фаолият анъаналари ўқувчиларнинг ўқув фаолияти (ўзаро ёрдам турлари) ни меҳнат фаолияти (кўчатлар ўтказиш, ҳашарлар уюштириш ва бошқалар)ни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига турли воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ саналарни нишонлаш хусусан, «Алифбе байрами», Мустақиллик, Наврӯз байрами, Хотира ва қадрлаш куни ва бошқалар киради.

Анъанавий байрамлар ўқув муассасаларида турлича ўтказилади. Ўқувчилар анъаналар моҳиятини англасалар, уларга нисбатан онгли муносабатда бўлсаларгина унинг таъсир кучи юқори бўлади.

Анъаналарнинг юзага келишида ўқувчиларнинг унга нисбатан муносабати катта аҳамиятга эга. Мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар болалар жамоасига у ёки бу ортиқча анъанани юкламасликлари керак. Уларнинг вазифаси ошкор бўлмаган ҳолда ҳамда ўқувчилар яратиш зарурлигини тушунтириш тадбирларни уюштириш ва ўтказишда биргаликда иш олиб бориш, ўқувчиларни анъаналарни давом эттиришга ўргатишдан иборат.

Илмий тадқиқотлар шахс ва жамоа ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши борасида қуйидаги андозанинг яратилигини таъминлади.

20-МАВЗУ. ТАШКИЛОТЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ИШЛАРИНИНГ МЕТОДИКАСИ

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари (келгусида директор ўринбосари деб юритилади) ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгига она Ватанига, халқига ва унинг бугунги бунёдкорлик ишига эҳтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қиласи.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида камидан 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган қобилиятли, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойик бўлганлар туман (шахар) халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида кенг фикрли, соғлом, жисмоний, аклий ва маънавий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга татбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантириш директор ўринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

Ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида уларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, меҳр-шафқатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялайди;

– «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республика Олий Мажлиси сессияси материаллари, Президент фармонлари, асалари, нутқлари, ҳукуматимиз қарорлари, таълим бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатлари, талаблари асосида ўз ишини амалга оширади;

– директор ўринбосари тарбиявий ишларини режалаштиришда, синф раҳбарларининг қизиқишлари, топшириқларни қай даражада бажара олишларини ҳисобга олади;

– ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, Ўзбекистон Республикаси Президенти,

Конституцияси ва Давлат рамзларига садоқат ҳисларини тарбиялади;

МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШИ

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини идора қилиш органлари фаолиятида қатнашуви уларнинг ижтимоий фаоллик сифатларини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Бу болалар ва ўсмирларнинг фуқаролик, демократия борасидаги тушунчаларини кенгайтиради,

Ўз-ўзини идора қилиш – ташаббускорлик ва мустақиллик мактабидир. Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви ўқувчилар томонидан фан ва машғулотларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига, бирор касб ўрганишига, Ватанга садоқат руҳида тарбияланишига, Ватан ҳимоячиси бўлишига мактабдан ташқари тарбиявий ишларда, Давлат, жамоат мулкини кўз қорачиғидай асраршга, табиатни муҳофаза этишга кўмаклашади.

Ўз-ўзини бошқариш ўқувчиларни мустақил ҳаётга, тўрмуш ва жамиятга мос қилиб тарбиялаш, таълим муассасасида маънавий мухитни сақлаш маъмуриятга қўшимча таълим олиш учун ўқувчилар талабномасини шакллантиришда кўмаклашади.

Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви аъзолари мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўтказилаётган барча тадбирларда, танловларда, хоналарни жиҳозлашда фаол иштирок этадилар.

Мазкур бошқарув ташкилотчилик иши кўникмаларини тарбиялади, умумий ғоялари билан аҳил, жипслашган ўқувчилар жамоасини тузади. Ўқувчилар ўз-ўзини идора қилиш тизими мактаб ўқувчилари (жамоаси) томонидан ўзининг фаолиятида демократик фаолият тарзларини чукур ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратади. Бу тўғри тақсимлаш, ижро устидан ҳисобот ва назоратни йўлга қўйиш, ҳаракатлар, ташаббускорликнинг уйғуналигини таъминлаш, мусобақалар уюштириш, ўз зиммасига масъулият олиш каби кўникмалардан иборат. Тарбияланувчилар давримиз кишиси учун зарур бўлган қатор ахлоқий сифатларни, чунончи, жамоат ишига ва унга қўшадиган улуши учун шахсий масъулият, жамоа манфаатларига содиқлик, ўзаро муносабатларнинг қатъийлик, талабчанлик, жамоат ташаббусини кўллаб-қувватлаш каби сифатларни эгаллади.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, барча педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур хурмат, хайриҳоҳдик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил этилиши мумкин. Ҳеч қандай соҳталик ва сунъийлик бўлмаслиги керак. Барча ўз-ўзини идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот бериб туриши, сўз ва иш бирлиги сақланиши, ҳар ким ҳуқуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак. Бунда, албатта, болаларнинг Республика болалар ва ўсмирлар уюшмалари билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир.

21-МАВЗУ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Тарбия жараёнининг моҳиятини чуқур билиб, уни ташкил этишда ташаббус кўрсатиш, ишбилармонлик ва эпчилик, барча янги ва илғор нарсаларни амалда самарали қўллай билиш мактаб ўқувчиси шахсини ривожлантириш жараёнига раҳбарлик қилиш принципларидан биридир.

Самарали раҳбарлик услубини мактаб ҳаёти ва фаолиятига татбиқ, этишишшг намунаси бўлган коллегиал ва якка раҳбарликнинг бирга қўшиб олиб борилиши болалар тақдири, уларнинг тарбиясига педагоглар жамоаси жавобгарлигини ва директорнинг шахсий жавобгарлигини таъминлайди.

Раҳбарликнинг зарур принципи режалилик бўлиб, унинг ёрдамида педагогик таъсирлар тизими ва тарбиявий ишда изчилликка эришилади. Режалилик директорга тарбиянинг барча масалаларини аниқ амалга ошириш истиқболларини намоён қиласади.

Мазкур таълимотга асосан мактабдан ташқари ишларни режалаштириш ва унинг амалга оширилишига раҳбарлик ҳамда назоратни уюштириб бориш мактаб ички бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг умуммактаб режасини маънавий ва маърифат бўйича директор ўринбосари раҳбарлигига, синф раҳбарлари, методик бирлашмаси, тажрибали ўқитувчилар, мактаб кутубхонаси, ўқувчи-ёшлар ташкилоти, ўқувчилар уюшмаси, ота-оналар комитети ҳамда тўгарак раҳбарларининг фаол иштироқида тузиш ҳамда уни мактабнинг йиғилишида муҳокамадан ўтказиб тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиздаги қатор мактаблар илғор директорларининг иш тажрибаларида ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг тарбиявий ишига педагогик раҳбарликнинг яхшиланишини таъминлайдиган комплекс тизим таркиб топмоқда.

Директор ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиячилар ва ўқувчиларга нисбатан тутган принципиал йўли ва фаолиятида бирлик бўлишига эришади, мактабнинг оила, катталарнинг меҳнат жамоалари, жамоат, ташкилотчилари билан узвий ҳамкорлик қилишга интилади.

Мактабнинг тарбиявий жараёнига раҳбарлик қилишда директор бошланғич ва ўқув синflар тарбиявий ишида изчилликка риоя қилишга алоҳида эътибор беради, бу билан таълим жараёнида ҳам, шунингдек, дарсдан ташқари вақтда ҳам тарбиянинг узлуксизлик ва приципини амалга оширади.

Режалаштиришга қўйиладиган талаблар

Синф раҳбарининг тарбиявий иш режаси бу мажбурий педагогик

хужжатдир. Иш режа чораклик, ярим ва бир йиллик тузилиши мумкин. Ҳозирги шароитда тажрибаларнинг кўрсатишига биноан ярим йиллик режасидан фойдаланиш анча самара бермоқда. Режалаштирища куйидагилар назарда тутилса, унинг самараси ошади:

1. Режа маҳаллий шароитга қараб, мактабнинг жойлашаган ўрни, албатта, ўқувчиларнинг савияси, ёштга қараб мумкин қадар мос тузилиши керак.

2. Режа муайян мақсадга қаратшиши ва реал (аниқ) бўлиши зарур.

3. Болалар ва ўсмирлар уюшмаси билан келишилиши лозим.

4. Режада ўқувчиларнинг кузги, қишки, баҳорги ва ёзги таътилларида қиласидиган ишлари акс этиши керак.

5. Ўтказиладиган тадбирларнинг бажарувчи шахслари, муддати ва бажарилиши тури аниқ, кўрсатилиши лозим.

6. Режа мактаб директори ўринbosарлари томонидан кўриб, директор томонидан тасдиқланиши шарт.

Режалаштирища синф раҳбарининг педагогик тайёргарлиги, тажриба ва шахсий хусусиятлари жуда аҳамият касб этади.

Тарбиявий иш жараёнини энди бошлаган, кам тажрибага эга – синф раҳбари, одатда кенг қамровли иш режасини тузса, педагог эса, чегараланган режа билан ишлаши мумкин. Аммо ҳар иккала ҳолда ҳам барча синф раҳбарларининг тарбиявий режасида тарбиявий иш фаолиятининг асосий мазмуни ҳамда йўналишлари тўла акс эттирилмоғи даркор.

Умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфи учун ўқув йилининг ярим йилига мулжалланган намунавий иш режасини келтирамиз.

I БЎЛИМ. СИНФГА ҚИСҚАЧА ТАВСИФНОМА

Синфда ўқувчи бўлиб, ...таси қизлар ва ... таси ўғил болалар.

Шулардан ... таси “Болалар ва ўсмирлар” уюшмаси аъзоси.

«Ўқувчиларнинг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг кўра аълочи ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар сони.

Синф ўқувчилари дарсларда онгли интизомга эришган ва синфдан ташқари ишларнинг қўргина масалаларини мустақил ҳал этади. Ўқувчилар фаол, меҳнатсевар ва дўстона жамоадир.

Синф раҳбари ўқувчилар ҳақидаги куйидаги маълумотларни шу бўлимга келтиришлари мумкин:

1. Бола қаерда яшайди?
2. Унинг ота-онаси қаерда ва ким бўлиб ишлади?
3. Оила таркиби, оиланинг маданий даражаси.
4. Оиладаги ўзаро муносабат.
5. Оиладаги болага тарбия беришнинг ўзига хослиги.

6. Боланинг уйдаги кун тартиби ва майший аҳволи.
7. Боланинг уй ва жамоат ишларига иштирок этиши.
8. Фан тугаракларига қатнашиши (мактаб ва мактабдан ташқаридаги).
9. Боланинг мактабдан ташқаридаги дўстлари ва танишлари.
10. Ўқувчи ёзда қаерда?
11. Бола ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисалар.
12. Газета ва журналларга обуна бўлиши.
13. Ўқувчи саломатлигининг аҳволи ходимларининг маълумотига кўра).

II БЎЛИМ. ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАР

1. Ўқувчиларни меҳнатда ва ўзбек халқининг мустақил давлат куришдаги бунёдкорлик ишларида иштирокини таъминлаш.
2. Ёшларни байналмилал ва бошқа халқларнинг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялаш.
3. Ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини белгилаш.
4. Ўқувчиларни умумий ўрта таълимдан кейинги босқичга тайёрлаш.
5. Юксак маънавият, иймон ва эътиқодли бўлиш, истиқлол ғояларини сингдириш.
6. Синфдаги барча ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга эришиш.
7. Ўқувчиларнинг онгли интизоми учун ўқишга ва меҳнатга тўғри муносабати учун кураш олиб бориш.
8. Ўқувчилар фаолиятини ташкил этишда уларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини ошириб бориш.
9. "Болалар ва ўсмирлар уюшмаси"га кириш учун тайёрлаш.

Эслатма: Тарбиявий вазифалар ўқувчиларнинг ёш хуусиятига қараб ўзгартирилади.

III БЎЛИМ. ЎҚУВЧИЛАРГА ТАРБИЯ БЕРИШНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Синф раҳбари томонидан ўтказиладиган барча тарбиявий тадбирлар шу бўлимга киритилиб, синф тарбиявий соатлари деб юритилади (йил давомида 30-34 соат дарс жадвалига киритилади), у соддалаштирилган, барча синflар учун кулай қуидаги андозага туширилиши мумкин. Аввалги адабиётларда берилган режалаштириш чизмасига "Бажарилиш тури" қўшимча сифатида киритилди. Мақсад, режалаштирилган мавзу масалан, "Ота-онам - суюнган тоғим" юзасидан сухбат, кечаконференция учрашув, экскурсия ва ҳоказолар

ўтказиш мумкин. Албатта, бу тадбирларнинг барчасини бир ўкув йилида ўтказиб, синф раҳбарининг тарбиявий иш режасида бу мавзу ҳар йили такрорланиб, бажарилиш тури ўзгаририб борилади. Синф раҳбари меҳнатининг унумли бўлишида бу усул анча самара беради.

№	Тарбиявий тадбирлар номи	Бажариш тури	Вақти	Масъул киши	Ижроси ҳақида
1.	Ота-онам суюнган тоғим	Учрашув	Март ойининг 1-хафтаси	Синф отаоналар қумитаси раиси	Тадбирга ...ота- она, ...ўқувчи иштирок этди

Синф тарбиявий соатларнинг мавзулари тубандаги таркибий қисмларни ўз ичига олади ва юқоридага андозага тартиб билан жамланади.

I. Маънавият ва бурч тарбияси

Маънавиятимизнинг кадимийлиги, мазмун ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, асосий тамойиллари, унинг жамиятимиз тарақиётидаги роли ва аҳамияти, Президентимиз асарлари ва нутқларида инсонни жонли мавжудодлардан ажратиб турадиган онг ва тил, ақл-идрок ва тафаккур, одамгарчилик, муруват ва саҳоват, раҳм-шавқат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик, табиатни эъзозлаш, илм ва фанни, адабиёт ва санъатни, маданиятни севиб ардоқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга миллат кишиларини, уларнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ва қадрлаш хислатларини тарбиялаш асосий мақсад қилиб олинади. Тарбиявий соат мавзулари:

1. Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур.
2. Инсонни ҳаётини безайдиган, гўзаллаштирадиган омил маънавиятдир.
3. Давлат ва миллат маънавияти билан кўркамдир.
4. Маънавий баркамол кишилар ҳаёти биз учун намуна.
5. Ҳалоллик ва ростгуйлик - инсон фазилати.
6. Бугун ният - эртанги ҳақиқат.
7. Чин ва ёлғон дустлик.
8. Ҳақиқий ва қалбаки қаҳрамонлик.
9. Ёмон одатдан сақлан.
10. Иймонсизда Ватан туйғуси бўлмайди.
11. Ўз ғурурингни ҳимоя қила оласанми?
12. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан парчаларни ўқиш ва муҳокама қилиш.

Эслатма. Юқоридаги ва энди тавсия қилинадиган мавзуларни синф ўқувчиларининг қабул қилиш даражасига қараб соддалаштиришп, мураккаблаштириш мумкин.

II. Ватанин севмоқ иймондандир.

“Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак булса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир”.

И. А. Каримов Инсон учун ота-она, ака-ука, дўст-биродар қанчалик зарур бўлса, ҳам Ватан ҳам шунчалик мұтабардир. Уни асрәб-авайлаш бизнинг бурчимиздир. Чунки "Шу азиз Ватан барчамизники", эканлиги ўқувчиларга тушунтирилиб, Аллоҳ таоолоҳ, тилу-забон, онгу-тафаккур берган инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё ва улуғ неъмат берган инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё ва улуғ неъмат йўқлигини исботловчи мавзулар бу бўлимга киритилиши мумкин.

1. Ватан - Сен суйган одамлар манзили.
2. Ватан - бу туғилган жой.
3. Ватан - бу инсонлар яшайдиган муқаддас замин.
4. "Давлат", "Хукумат", "Халқ" тушунчалари нима?
5. Уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаймиз.
6. Ғалаба ва мустақиллик кунини шарафлаймиз.
7. Ҳарбий ўйинларда иштирок этиш.
8. Ватанимга хизмат қиласман.
9. Чин Ватанпарварлик ўз улкасини севишдан бошланади.
10. Ҳадисдан мавзуга овд парчаларни ўқиши ва мухокама қилиш.
11. Республикализ истиқдолини мустаҳкамлашда фаолмиз.
12. Ўзингиз яшаб турган маҳалла, қишлоқ, туман, вилоят тарихини биласизми?
13. Менинг ватандошим - замондошим.
14. "Биздан озод, обод ватан қолсин".
15. Ёв қочса, ботир кўпаяр.
16. Мустақиллик учун курашган аждодларимиз - фахримиз.
17. Ўзбекистон - Ватаним маним.

III. Байналмилал тарбия

1. Байналмилал бирлик нима?
2. Сен ҳамдўстлик мамлакатлари ва уларнинг болалари ҳақида нималарни биласан?

Бу мавзуга тайёргарлик тубандагича ташкил этилиши мумкин.

Ҳамдустлик мамлакатларидан бири танланиб, унинг ташкил топган вақти географик жиҳатдан жойлашиши, аҳолиси, табиий бойликлари, иқтисоди, адабиёти-санъати, чет мамлакатлар билан алоқаси каби саволлар ўқувчиларга бўлиб берилади. Навбатдаги тарбиявий соатга география, тарих ва адабиёт ўқитувчилари таклиф қилиниб, ўқувчилар тингланади. Фан ўқитувчиларининг сұхбати билан машғулот якунланади.

3. Бизнинг маҳалла, қишлоқ, ва туманда неча хил миллат вакиллари яшайди ва улар қандай алоқадалар?

4. Туман ва вилоятлардаги қўшма корхона вакиллари билан учрашув ўюштириш, экскурсия ташкил этиш.

5. Чет тилларни ўрганиш - иқтисодий мустақиллик пойдевори.

6. Чет тили ўқитувчиси билан хорижий тилда маълум темага аталган кечада ўтказиш.

7. Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда чет эллик ўқувчилар билан алоқа боғлаш.

8. Чет мамлакатларда таълим олаётган юртдошларимиз билан алоқа ўрнатиш, улар орқали у мамлакат ҳақида маълумот тўплаб, муҳокама қилиш.

IV. Эстетик (нафосат) таркиби

1. Мусиқани қандай тинглаш керак?

2. Бадиий асар қандай ўқиласиди?

Афсуски, ҳозирги кунда ўқувчиларимиз китоб мутолаасига қизиқмай қуидилар. Зероки, машҳур татар олими Ризоуддин ибн Фахруддиннинг "Насийҳат" китобидан олинган ушбу парча ўқувчилар билан ишлаб чиқилса, ўқувчиларнинг бу касаллигига шифо бўлса ажаб эмас.

Китоб ва мутолаа

1. Гўзал китоблар ажиб нарсаларни кўрувчи кў, авлоқда сирдош, ёлгизликда дўст, ожизлик вақтларда ёрдамчи, ҳасратда шодлик келтирувчи, фикрларни нурлантирувчи, у замон аҳволидан сўзловчи, умматлар воқиотини ҳикоя этувчи, ақлли кимсаларнинг ақлларини кўрсатувчи, оз ҳақли - кўп фойдали нарсалардир. Шунинг учун китоб олмақда баҳиллик этмангиз, китблардан айрилмангиз.

2. Лекин китоблар орасида йўқ, нарсалар ёзилмиш - маъносиз нарсалар ила тўлғанлари-да бордир, бўларни ўқимоқ, қийматли умрни зоиъ этмақдир. Шунинг учун фикрларни нурлантиражак, ҳулқи покларга ёрдам беражак, ақлни ортиражак китобларни ихтиёр этиб, бошқалардан йироқ бўлингиз. Фойдали китобларни ўқимак қунглига шодлик келтирур, фикрга озиқ бўлур, зехнга кувват берур...

3. Баъзи кимсалар бўладики, “китоби кўб” деб халқ орасида ном чиқармоқ учунгина китоб йиғиб, ўзлари ҳечда фойда олмаслар. Бошқаларгагда» фойда олдирмаслар, ҳатто ичларида нималар борлигинида билмаслар. Булар йуқ ташувчилар мисолидадир. Шунинг учун сизлар ўзингиз фойда олажак бўлган китобларни ўзингаз фойда олмоқ учун ихтиёр этингиз.

4. Мутолаа инсоннинг юзига нур, кунглига шоддик келтиур. Ушбу сабаб учун зеҳн хизмати ила машғул бўлувчилар ҳарнақадар ориқ бўлсаларда, ақллари семиз ва ё муҳаббатли булур.

5. Мусиқанинг ажойиб саҳифалари - мусиқали соат ўтказиш. Ўқувчиларга мумтоз ашуалардан бирининг номи айтилади. Топшириқ: шеър муаллифи, бастакори ҳақида маълумот тўплаб келиш, грампластинка ёки магнит тасмасига ёзилган қўшиқни топиш ва биргаликда эшишиб, муҳокама қилиш, Болалар ўзларига топширилган вазифани мусиқа ўқитувчиси ёрдамида синф тарбиявий соатида муҳокама қиласди.

6. Сен меҳмони қандай кутасан, меҳмонда ўзингни қандай тутасан? (Меҳмон бўлиш ва кутиш адаби ҳақида).

7. "Санъаткор дунёсида", "Улуғ рассом" мавзуларида сухбат, учрашув, экскурсия ўтказиш, альбом ёки стенд тайерлаш.

V. Билим олишда онгли муносабатни тарбиялаш

Бу тарбиявий тадбирни юқоридаги китобдан олинган қўйидаги парчаларни синф тарбиявий соатида ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Илм кўнгил қўзини очур, нодонлик қоронғуликни келтиур, улуғ даражалар еткуур, душманларга қурол бўлур, тирикликни сақлар, дунё кутмак сабабларини билдирур, йурт ичида ва умумхалқлар ила қандай сувратда бўлмак керак эканини ўргатур. Илм олимларнинг хурмати бўй, уғрилардан қурқусиз давлат ва ҳеч битмайтурган бойликдир.

2. Олимлар пайғамбарларнинг ворислари, дунёning нурлари бўлиб, нодонларда дунёда турганлари ҳолда ўликлар хукмидадирлар, чунки улар Оллоҳ таолонинг ажиб нарсаларига керак вақтидагина кўз солурлар, лекин ибрат ола билмаслар. Керак вақтида сув ичадилар, аммо сувнинг нимадан ҳосил бўлгани, чашмаларнинг қаердан келиб, қаерга кетганларидан хабар бўлмас.

3. Илми кўб кимсаларга қараганда оз илмли бўлмакдан уялмангиз, балки билмақ қўлингиздан келажак нарсаларни билмай қолувингиздан уялингиз, чунки буниси айбдир.

4. Илм ахлларига нафс ортидан йўрмак ҳеч келишилган иш эмас, шунинг учун шарийъат ўлчовидан ташқари мол севмангиз шаҳватларга асир

бўлмангиз.

5. Ҳар вақт илмга муҳаббат қўйингиз, ўргатилмиш нарсаларни ихлос ила тинглангиз, керакликлардан сўнг керакликларни ўрганингиз ва ҳар бир илмдан кўркам бў билингиз, хеч вақт илмга такаббурлик кўрсатмангиз.

6. Илм ўрганмак ҳарнақадар гўзал иш бўлса-да, бузук, ният ила бўлганида гўзаллиги йўқ олур. Шунинг учун "Биздан Оллоҳ таоло ризо бўлсин ҳам яхши ишларга сабаб бўлсин", деб нийат этингиз. Бу эса яхши ниятдир. "Имом, муаззин, охунд, қозий ёки муаллим, мударрис ва нима бўлса-да, бир мартабага эришсак эди", деб нийят этмангиз, кўнглингизда бу каби нарсалар бў, чиқарингиз, чунки бў йахши нийят эмасдир. Зоро илмдан мақсад даража эмас, балки фойдали одам бўлмақдир.

7. Хазинангизда бўлган илмдан ортиқни даъво этмангиз, ўз-ўзингизга улуғлик ила хукм айламангиз. Билурсизми, донолари қў ва йирик бўлган бошоқдар ҳар вақт бошларини қўйи солиб турурлар. Донсиз ёки донли бошоқлар бошларини йўқори кўтариб турурлар, озгина ҳаво силкинса, силкина бошлайдилар, холбуки, ўзларининг ўтга ёндиримақдан бошқа фойдалари бўлмас.

1. "Сўнгги ахборот" минути ўтказиш. Ўқувчиларга навбат билан ҳафта мобайнида Ватанимиз ва чет эл янгиликларидан тўплаб, муҳокома қилинади. Материаллар газета, радио ва телевидениядан тўпланади. Бунинг учун ҳар тарбиявий соатда 3-4 минут вақт ажратилади. давомида ҳар бир ўқувчи бу тадбирда бир марта қатнашади.

2. Ўқувчиларни мактабдаги фан тўгаракларга қатнашишини этиш ва кузатиш.

3. "Ўйлаб кўр", "Бахс", "Билиб қўйган яхши", "Янгиликлар", мавзуларда синфнинг мунозара бурчагини ташкил этиш.

4. Газета ва журналларга обуна бўлишини таъминлаш.

5. Радио ва телевиденияларда ўтадиган ўқувчиларбоп эшиттириш кўрсатувларни эшитиш ва кўриш, уни муҳокома қилиш.

6. Фан хафталикларида иштирок этиш.

7. Фанга оид мактабда ташкил этиладиган кўргазма, кеча, бадиий олимпиадаларда қатнашиш.

VI. Экологик тарбия

Инсон самарали меҳнати, табиат ноз-неъметларидан оқилона фойдаланиши ва унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиши туфайли фаровон ҳаёт кечиради. Ўқувчиларда бу тушунчани шакллантиришда экологик тарбия муҳим ўрин тутади.

Экологик тарбия – бу ўқувчиларда атроф-муҳитга нисбатан бепарво бўлмаслик, табиат, инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини эъзозлашни

шакллантириш демакдир. Бу жараён дарс ва синфдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

1. Яшаб турган туман, вилоят табиатини ўрганиш.
3. "Сувсиз ҳаёт бўлмас", "Ер хазина, сув олтин", "Табиат учинчи - акамиз мавзуларида тил адабиёт ўқитувчиси ҳамкорлигида иншо ўтказиш, муҳокама қилиш, намунали иншолар кўргазмасини ташкил этиш.
3. "Табиат бойликлари деганда нимани тушунасиз?", "Табиатни учун асраш учун нималар килиш керак?", "Қандай заводлар ҳавони ифлослайди?", "Орол денгизи ҳақида нималарни биласиз?", "Қандай дaraohт ва гулларни севасиз?" мавзуларида мунозара ташкил этиш.

VII. Соғлиқни сақлаш. Соғлом авлодни тарбиялаш тадбирлари

1. Тиббиёт ходимларининг "Тозалик ва соғлик," ҳақидаги суҳбатларини ўюштириш.
2. "Соғлом танда – соғлом ақл", "Соғлиқ - туман бойлик" мавзуларида мунозара ўтказиш.
3. Буюк алломаларнинг соғлик-саломатлик ҳақидаги ўгитларини муҳокама қилиш.
4. Газета, журнал ва бадиий асарлар қандай ўқилади? Мавзусида мунозара.
5. Жинсий тарбия борасида уғил ва қиз болаларга алоҳида-маълумот бериш.

Шунингдек, "Насийҳат" китобидан "Овқатланмак" ва "Ичмак" одоблари ҳақидаги ибратли парчани ишлаб чиқилса мақсаддага мувофик, бўлади.

VIII. Жисмоний тарбия

"Бадан тарбия билан мұтадил ва узоқ вақт шуғулланувчи киши табибларнинг давосига мухтож бўлмайди".

Абу Али ибн Сино

Келажак авлодни ҳар жихатдан етук қилиб тарбиялаш, ўқувчиларни жисмоний бақувват, ҳар қандай мухитга, меҳнатга қодир ва чидамли қилиб тарбиялаш мақсадида синф тарбиявий соат дарслари ва бошқа тарбиявий тадбирларда тубандаги мавзулардан фойдаланиш

1. Саломатликини сақлаш ва тиклаш учун жисмоний машқлардан фойдаланиш (Мактабдага дарсдан олдинги бадан тарбия машқларига қатнашишларини таъминлаш).
2. Ўқувчиларни мактабдан ташқаридаги спорт мусобақаларига қатнашишларини таъминлаш.
3. "Ёшлиқ-чакқонлик" мавзусида суҳбат.

4. "Улар билан фахрланамиз" мавзусида учрашув ўтказиш, альбом ёки стенд тайёрлаш (мактаб, туман ёки вилоятдан чиққан спорт машъаллари ҳақида).

5. "Аграп юрсанг пиёда, умринг бўлар зиёда" мавзусида таътил вақтларида экскурсияларга чиқиши.

6. Спорт мусобақаларига жалб қилиши.

7. Ватандош буюк алломаларимизнинг жисмоний тарбия ҳақидаги фикрларини муҳокама қилиши.

Тарбиянинг муҳим соҳаси саналмиш жисмоний тарбия ҳақидаги ўзбек мутафаккир олими, етук педагог Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобидан олинган ушбу парчани ўрганиш ўринлидири.

"Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки, ўқимоқ, ўқутмок.. ўрганмоқ, ва ўргатмоқ; учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга булган инсонлар амалларида, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар.

Бадан тарбиянинг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила рух, иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қуюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун малхам ва соғлом бир вужуд керакдур"

IX. Энг янги янгиликлар ва тарихий саналарни нишонлаш тадбирлари

Мустақиллик туфайли ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бориши шубҳасиз. Албатта бунинг негизида Президентимиз ва ҳуқуматимизнинг янги-янги фармон, буйруқ ва кўрсатмалари ётади. Буни биз шартли равища режага "Энг янги янгиликлар" деб киритдик. Бу бўлим режанинг энг охирги тадбирларидан ҳисобланади ва режанинг охирига киритилади. Тарихий саналардан сўнг қайд қилинади. Тарбиявий тадбирларда уларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур, яъни замон талабларига кўра чиқарилган янгиликлар режа тузилгандан сўнг эълон қилинса, синф раҳбари белгилаган тарбиявий тадбирни ўқув йилининг қайси ярим йиллигидан қатъий назар, тарихий саналардан кейин мавзуни қайд этади ва тегишли тадбир ўтказади.

Мактаб раҳбарлари режани тасдиқлаётган вақтларида бу бўлимнинг қай тарзда акс этганлигига аҳамият беришлари зарур.

Тарбиявий папкада нималар бўлиши керак?

Синф тарбиявий папкаси синф раҳбарининг тарбиявий соҳасида олиб бориладиган ишлар тўпламидир. Бунда факат ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб тарбия борасида керак бўладиган материаллар бўлиши керак.

Юқоридаги тажрибалардан келиб чиқиб, синф раҳбарининг тарбиявий иш режаси бир катта дафтарда бўлиши мақсадга мувофиқ, деб топган эдик. Синф раҳбари меҳнатини ихчамлаштириш, назоратни ва бошқарувни илмий асосда ташкил этиш учун режа мундарижаси тубандаги бўлишини тавсия этамиз.

1. Синфга қисқача тавсифнома.
2. Тарбиявий вазифалар.
3. Ўқувчиларга тарбия беришнинг асосий турлари ва шакллари (Эслатма: мундарижа мазмуни 1-3 булимларда тавсия этилганидек ёритилади ва дафтар бўлим хажмига кўра мундарижаланади).
4. Ўқувчи, ўқитувчи, ота-оналар билан суҳбатлар алоҳида-алоҳида бетларда қайд этилади.
5. Тарбиявий соатларни ҳисобга олиш (Тарбиявий соатга бир соат дарсга қандай тайёрланса, бу тадбир учун дам шундай ҳозирлик кўриш талаб этилади). Мундарижанинг бу қисмида хар ҳафта ўтказилган тарбиявий соатнинг мавзуси, бажарилиш тури, вақти, ким томонидан бажарилганилиги (ҳақидаги қисқача баённома қайд этилади. Демак тарбивий папкада:
 - тарбиявий ишлар режаси;
 - режалаштирилган мавзуга оид рисолалар;
 - йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғиндан сакланиш қоидалари юзасидан дастур ва кўрсатмалар ҳамда тарбия борасида керак бўладиган зарур материалларгина булса бас.

Хафталик тарбиявий тадбирни режалаштиришда синф раҳбари мавсумни, тарихий санани, энг янги янгиликларни ҳисобга олиши керак. Раҳбарнинг эса, тарбиявий соатни тўлақонлик ва қизиқарли ўтишида юқоридагилар унинг назаридан четда қолмаслиги зарур.

22-МАВЗУ. ТАШКИЛОТЧИННИНГ ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий шаклларини, мазмунни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишини талаб этмоқда.

Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилғанлиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар тизимида қўйидагилар бўлиши лозим:

- Улғаяётган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш, ижтимоий хуқуқини эътиборда тутиш зарур.

- Миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш.

- Педагоглар ўртасида ўзаро хурмат муносабатларини шакллантириш. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқувчиларни дарсдан бўш вақтлардаги ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтради, ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларда фан ўқитувчилари ўз фанига қизиққан ўқувчилар билан машғулот ўтқазиб, ўқувчиларнинг қизиқишларини ўстиради. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

- A) фан тўгараклари
- Б) моҳир қўллар тўгараклари
- В) спорт тўгараклари
- Г) бадиий ҳаваскорлик тўгараги

Ўрта умум таълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради. Синф раҳбари синфдан ташқари ишларни уюштиришда тўгарак раҳбарларига яқиндан ёрдам беради. Қизиқишлари, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини бирор тўгаракка аъзо бўлишга чорлайди. Уларни қайси тўгаракда машғул бўлишлари ҳисбога олинади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, ёшлар саройлари, ёш техниклар саройлари, ёш техниклар уйлари мактаб тарбиясининг узвий давомчиси бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси», бу ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асос

бўлади.

Маълумки, ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, нафосат ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнидан бошланади. Бироқ ўқувчиларнинг кундалик ўсиб бораётган эҳтиёжлари, талаблари ва барча қизиқишлигини фақат дарс жараёни билангина чеклаб бўлмайди.

Бундай кўп қиррали қизиқишлигини синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни узвий боғланниш асосидагина қондириш мумкин. Шу сабабли кейинга даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар – ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкилотчисининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявитй ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш;
- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга кўйиш;
- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, ота-оналар, синф фаоллари, услубий ёрдам кўрсатиш;
- умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини 3 та асосий томонини кўриш мумкин: 1-ташкилотчилик, 2- усулий, 3-маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қўйидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

- тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш
- тарбиявий ишларни мақсад ва вазифаларини аниқлаш
- тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усусларини аниқлаш;
- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гурухлаштириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштирумасдан, унинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эриши қийин.

Оила – тарбия ўчоғи. Оила – жамият негизи. Ҳар бир инсонда илк ёшлигидан бошалб онгига шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ният, маслаклар, қадриятлар такомил топадиган, мафкуравий ва маънавий тарбия амалга ошириладиган муҳитдир. Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз равнақ топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидан биридир. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига эзгу хусусиятлар, миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллий истиқлол ғоясини сингдириш учун кулай шароит яратилган бўлади.

Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда қабул қилинган ва муваффақиятли амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида давлат дастури ва Ушбу дастурда белгиланган тадбирларнинг стратегик йўналишларига эътибор берилса, улар мамлакатимиздаги оилаларнинг мустаҳкам бўлишига имкон берувчи вазифаларни назарда тутади.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ваш у йилнинг ўзида Оила кодексининг қабул қилиниши ҳамда мамлакатимиз тарихда илк бор ташкил этилган Республика «Оила» илмий-амалий марказининг мақсади ҳам давлатимизнинг оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳимоя этиш борасидаги сиёсатига ҳамоҳанг бўлиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авйлаб-асраш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилани мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганиш, оилавий ҳаётга боғлиқ муаммоларни тадқиқ эти шва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришдан иборатdir.

Марказнинг муҳим мақсад ва вазифаларидан бири оила концепциясини яратиш ва уни ҳаётга жорий этишнинг услуг ва воситаларини жорий этиш орқали хукumatimizning ижтимоий соҳадаги инсонпарвар сиёсатини амалда ҳар бир фуқаро онгига оила институти орқали сингдиришдан иборатdir.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ҳар чиқишиларида оила масалаларига катта эътибор берар эканлар, унинг тарбия берадиган масканлар орасида энг муҳими қадрли эканлигига оид фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. «Оила ҳақида гапирап эканмиз, авваламбор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор». Мустақиллик йилларида республика хукумати ва

Президенти И.А.Каримов томонидан оилаға қўрсатилаётган этибор, йилларга мақом берилаётганда оиални мустаҳамлаш, никоҳни қадрият сифатида эъзозлашга қаратилган чора тадбирлар том маънода юртимизда оила ва фарзандлар хукуматнинг доимий ғамхўрлиги эканлигидан далолатдир.

Тақдим этилаётган концепция оила институтини юртимизда янада мустаҳкамлаш, у орқали миллий истиқлол ғоясини фуқаролар онгига сингдириш ишлари учун дастуруламол бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад озод ва обод Ватан, ривожланган фуқаролик жамияти барпо этиш, шу тарзда халқ фаровонлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, оиланинг баркарорлигига эришиш экан, оила бағищланган концепциянинг вужудга келиши ўта долзарбдир. Зеро, Республикаиз ўз иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, жамиятни эркинлаштириш ва демократиялаш сиёсатини изчил олиб борар экан, бизга жамиятнинг негизи бўлган оилалар муаммолари ва истиқболига қаратилган концепция зарур. Дарҳақиқат, концепция Ўзбекистондаги оилаларнинг ривожланиши истиқболини тасаввур қилиш, оила борасидаги ижобий ва муаммоли масалаларни олдиндан башорат қилиш учун, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва омилларини белгилаб олиш учун ҳам хизмат қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки «Оила» концепциясини яратиш ва бу билан боғлиқ ишларнинг долзарблиги ҳамда бажарилишининг мақсадга мувофиқлиги мустақиллик йилларида Республика раҳбари И. А. Каримов ташаббуси билан йилларга берилган мақомлар доирасида амалга оширилаётган давлат дастурларининг оилани, она ва болани ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлиги, хукумат томонидан оила манфаатларига ажратилаётган сармояларнинг амалда оқланиши зарурати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февраль 6-сонли «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларнинг муҳимллиги ва долзарблигидан ҳам келиб чиқади.

Оила ва жамият - моҳиятан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, оилада жамиятнинг туб моҳияти ва муаммолари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила багрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият баркарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, аввало, оила қадриятларини энг илғор анъаналарини тиклашга

қаратилгандир.

Оилавий тарбия оиласада ота-оналар, васийлар ёки ката кишилар томонидан болаларни тарбиялаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутади. Оила тарбиясида доимий тарбиявий таъсирчан куч-оилавий тартибдир.

Оила ва маҳалла бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равища одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатишнинг чуқур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига ҳам айлантиради.

Оила ва маҳалланинг юксак тарбиявий имконияти болалар ва ота-оналарнинг ўзига хос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, қўни-қўшнилиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч хисси, обрўлиги ва ҳоказолар билан таъминланади.

Маълумки, хилма-хил фаолият шароитида боланинг қобилиятлари энг самарали ривожланади, унинг ижодий имкониятлари очилади, болани оила ва маҳалладан бошқа қаерда ҳам фаолиятнинг хилма-хил турларига жалб этиш мумкин. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбиянинг қимматлилиги ва аҳамияти Яна шундаки, кичик болалик пайтида оиласада эгаллаган нарсалар бир умр сақланиб қолади. Худди шунинг учун ота-оналарнинг болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мажбурияти қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Оила ва маҳалла ҳамкорликда тарбиявий ишни ташкил этар эканлар, энг янги психологик-педагогик тадқиқотлар маълумотларини эътиборга олишлари ҳам муҳимдир, уларга мувофиқ ўсиб келаётган киши шахсини шакллантиришга оилани қўшадиган ҳиссаси турли ёш босқичларда турлича бўлади ва тўлқинсимон ўзгаради.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар жамоасининиг хилма -хил ишларни қандай йўлга қўйишиларига боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлар ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равища бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти муҳитига олиб келади. Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир.

Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатта киришадилар, турли вазиятларга дуч келадилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой,

муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоада ишлишни ўрганадилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласидилар, ишлаб чиқариш меҳнатига кўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланади. Бу жараёнда улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни, тинмай ишлишни тақозо этади.

Синфдан ва мактубдан ташқари тарбиявий ишларни кўнгилдагидай олиб борища ўсиб келаётган ёш авлодни етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорликда иш олиб ориши лозим деб ўйлайман. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, ахил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўлишлари лозим.

23-МАВЗУ. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тарбияни энг аввало инсоннинг ўзига қаратилганлиги Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бутун дунё ҳамжамияти тан олган қадам-бақадам амалга оширилаётган «ўзбек модели» да жуда тӯғри белгиланди. Дунёда биринчи бор инсонни дикқат эътибори уни ўзлигини англашга қаратилди. Ўзлигини англаш биринчидан, унинг озод, эркин, нодир, улуғ сиймолигини англаш ва ўзида унга амал қилиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан унинг ўзига хос миллий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган икки сифат комил инсон сифатининг асосини ташкил этади. Чунки комил инсон сифатларини тарбия соҳасидаги илмларини хуросалаб, мужассамлаштиrsa, улар асосан 3 та:

1. Эзгу ният, фикр;
2. Эзгу сўз, хушмуомила;
3. Эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатдир.

Шу юқоридаги уч сифат ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг бош мақсадидан иборатдир. Бу бош мақсад инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий ахлоқий-амалий ўқув, малака, қўникмалар қуроллантира бориш, мутахассисларда хар бир соҳага мос илм, билим ҳосил қилишдан иборат бўлган педагогика фанининг замонавий фан асосларини кенгайганлигини кўрсатади.

Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуслари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун, унинг методологик асослари, мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожида шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасиининг «Таълим тўғрисида» ги қонунида таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётида соҳасини устивор деб эълон қилинади.

Таълимнинг, ўқитишнинг вазифаси фуқаролар, ёшларнинг энг асосий конститутциявий хуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи ҳоҳлаган касбини танлаш жиҳатидан ривожини таъминлаш, ўзи ҳоҳлаган шу соҳада фаолият кўрсатиши учун моддий-маънавий тарбиявий дидактик шарт-шароит яратишдан иборатдир. Бу умумий вазифадан таълимнинг ҳар бир бўғини, тури ва босқичининг ўзига ҳос вазифалари келиб чиқади.

Таълим педагогларнинг фаорлиятидан ва ўқувчи талабаларнинг

фаолиятидан иборат қўшалоқ жараёндир.

Биргалиқдаги фаолият орқали ёшлар илимий билимлари куролланадилар. Бунинг натижасида уларнинг ижодий қобилияtlари ҳар томонлама шаклланади. Маълумот таълим-тарбия жараёнининг натижаси орқали тўпланган билим, кўникма ва малакалар йифиндиси ва шаклланган маънавий фазилатлар мажмуидир.

Маълумот олишнинг тўғри ва ишончли йўли давлат таълим стандартлари бўйича билим берадиган аниқ мақсадли режалар, дастурлар асосида ўқув юртларида ташкил қилинадиган таълим тарбия жараёнидир.

Таълим, тарбия, маълумот, ривожланиш, шаклланиш уйғунлаш ягона жараёндир.

Унда ўқитувчи-тарбиячи раҳбарлик қиласи. Педагогика узоқ тарихий жараёнда шаклланар экан, ҳозирга келиб илмий билимларни мустақил бир тармоғи сифатида, фан сифатида шаклланади. Ўзининг илмий-назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Натижада педагогик фанлари тизими, яъни унинг тармоқлари вужудга келди. Яқин вақтгача фалсафанинг бир тармоғи ҳисобланган педагогиканинг мустақил янги йўналишлари яратилди. Жумладан, педагогика мустақил янги йўналишлари яратилди, педагогика фанининг тарихан ривожлоаниши ўзида акс эттирилади. Бунда ўтмишдаги илғор педагогик ғояларни пайдо бўлиши, ривожланиши уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, меросдан фойдаланишнинг зарурияти хақидаги фикр юритилади.

Педагогика фанлари тизимида тарбияланувчиларнинг ёшида қаратилган тармоқ педагогикалар мавжуд. Жумладан, мактабгача таълим педагогикаси, умумий таълим педагогикаси, ўрта маҳсус, касб хунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, менежмент, даволаш педагогикаси, геронтопедагогикаси, ҳарбий педагогика, янги педагогика технологиялари кабидир. Бу тармоқ педагогикалар мактабгача таълим муассасаларида умумий ва ўрта-маҳсус касб-хунар таълими, олий ўқув юртларида олиб бориладиган таълим тарбия.

Тарбия маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулокотидир.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

А) талабанинг қайси хислатини шакллантириш ёки йўқотиш мақсадида режалаштирилади.

Б) шу хислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топилади.

В) белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашини режалаштирилади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия моҳиятини таълим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолияти

ташкил қиласы.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсdir. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишига, меңнат қилишига ундаш ва бу ҳатти-харакатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсонни мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақлни пешлайди. Ақл онгни сақлайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узок давом этадиган маъсулият, шарафли меңнат ва қунт, иродани талаб этади. Бунинг учун болаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларининг шаклланишида оиласаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўлагн муносабат муҳим рол йўнайди. Ота-оанларимиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиласидилар. Сўнг аста-секин қилаётган ишларнинг моҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими тарбияланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай усулдан фойдаланишига боғлиқ.

Усул- юнонча атама бўлиб- айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Усул ахборотни узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб:

- 1) сўз орқали ифодалаш усули
- 2) кўргазмалик усули
- 3) амалий намуна усули
- 4) рағбатлантириш ва жазо усули

Юқоридаги усуллар ўз навбатида қуйидаги гуруҳчаларга бўлинади: 1-гуруҳ - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, сухбат ва усуллар;

2-гуруҳ - кинофильмлар, тасвирий санъат, бадиий санаът ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш усулларига;

3- гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меңнат ҳаракатлари орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни амалий меңнатини мисол қилиб кўрсатиш;

4- гуруҳ-ўқувчи талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчилик билдириш, иқтисодий ёрдам, стипендияларни ошириш, мақтov ёрликлари топшириш, суратларини ҳурмат тахтасига осиш ва бошқа оғзаки «раҳмат», «баракалла» каби рағбатлантириш усулларини киритиш мумкин.

Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлсаю, сизга қилган хатосини айтольмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода Сизга қарайпти.

Сиз унга яна бир марта имконият беринг. Аммо кейинга галл ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундей ҳолларда қуидаги жазо турлари қўлланилади: тушунтириш, танбех бериш, огоҳлантириш, қаттиқ огоҳлантириш, уялтириш. Юқоридаги жазо турларини ўқитувчи ўқувчига юзма-юз ҳеч кимнинг ғувоҳисиз қўллайди. Аммо группадош ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қилай деб болани уялтирса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Уят - бу инсоннинг энг нозик сезгиси бўлиб, ўқувчининг ўртоқлари ёки жамоа орасида изза қилиши энг юқори жазо ҳисобланади.

Ўқувчининг жамоа орасида изза қилишни энг охирги чорасиз қолганда қўллаш мумкин. Энг маъқули ўқувчи билан юзма-юз меҳрли оҳангда унга ишонч билдириб, қалтис йўлдан қайтариш мумкин.

Тарбия ҳар бир инсоннинг хаётда яшаши жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларини ижобий кўниумасини ўзгаларга бериш жараёни.

Боланинг характеристини, оиладагни тарбиясини, унинг ор-номусини, шарм-ҳаёси каби нозик туйғуларининг тарбияланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш, яхши ўйлаб қўрмаслик, ёки жахл устида тинимсиз қалтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо усулингиз ўқувчини ёки фарзандингизни қилган хатосини тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бўлиш керак. Агар бу жазо усувлари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигига бошқа чораларни ишлаб чиқиши керак.

Бугунги кунда педагогика фани амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиллашиб боради.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси хозирги замон талабларига мувоғиқ оширишларини таъминлашлари керак.

Таълим олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, маорифнинг ўрни ва ролига янги авлодни тарбиялаш нуқтаи назаридан қараб, олий мажлис материалларида, президентимиз маърузаларида, маҳсус қарорларда раҳбарликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Таълим тизимига илмий раҳбарлик асосларини ишлаб чиқиш педагогика учун асосий йўналишдир. Баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, бу жараённинг конуниятларини очиб бериш, педагогика назариясининг асосий масалаларини таълим амалиётига ва фан ютуқларини назарда тутган ҳолда, И.А. Каримов асарлари асосида ижодий ҳал қилиш педагогиканинг бурчидир. И.А. Каримов ўз

асарларида келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг органларини ташкил этиш ва бошқариш ва уларнинг раҳбарлик фаолиятига доир муҳим принципларини ҳар тарафлама муфассал ишлаб чиқди. Илмий ва педагогикавий амалиёти билан боғланиш тамойили. Бу тамойил халқ таълими органлари ва мактабнинг ҳамма ишини Ўзбекистон Республикаси давлатининг кўрсатмаси, фан ва техника ютуқлари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари асосида амалга оширишни талаб этди. Чунки идора қилиш учун ишни билиш керак. Ҳамма нарсадан хабардор бўймасдан туриб, тўла тўқис билимга эга бўймасдан туриб, идора қилиш илмини билмасдан туриб бошқариш мумкин эмас. Халқ таълими ишларини мактаб ишини касб-хунар коллежлари ишини ва унга раҳбарлик қилишда кўзғалган мақсадларга эришиш учун миллий мағкура, миллий гоя, педагогика тарихи, психология, хусусий методика, мантиқ, этика-эстетика каби фанлар эришган ютуқларини мунтазам ўрганиб бориш, таҳлил қилиш ҳамда бу муваффақиятларни кенг қўлланиши зарур.

Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил етилган масалаларни ўз вактида ва гокобий ҳал этишлари, барча ўкув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ ошириш ишини таъминлаши керак.

Таълим тизимини бошқаришда марказлашган раҳбарликни кенг демократия билан мустақиллик ва ташаббускорликнги ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш билан бирга ўзига хос хусусиятлари ва шарт шароитларини ҳисобга олиш имконини беради.

Юқоридан туриб, бир хил андоза бичиб бериш демократия ва марказлашган раҳбарликка бутунлай ёт нарсадир.

Барча тадбирларда, маҳаллий хусусиятларда ишга қандай муносабатда бўлиш усулларида, назоратни амалга ошириш усулларида, ҳар хил йўлларини қўллаш асосий, муҳим бўлган бирликларни бузмайди, балки у бирликни таъминлайди.

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларни ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги Узбекистон Республикасида маорифга бевосита раҳбарлик қиласи.

У барча типдаги мактаблар, боғчаларга раҳбарлик қиласи. Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги, барча университетларга, касб-хунар коллежларга, лицейларга раҳбарлик қиласи. Улар педагогика жамоатчилигини халқ таълими бўлимлари ва мактабларига ёрдам беришларига жалб этадилар.

24-МАВЗУ. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясида тарбиявий тадбирларни такомиллаштириш зарурияти, алоҳида таъкидланган: сиёсий тузумиинг ўзгарганлиги, янгича иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб бориши, тарбиявий ишни яхшилашда давр талабига жавоб берадиган янгича тамойиллари ғоялар, иш услубиятларини ишлаб чиқиши ҳамда ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятинн қайтадан қурмоқ лозимдир.

Тарбиявий ишларга янгича муносабат мустақиллик маънавияти негизи асосида ҳукумат қарорларида, ҳалқ таълим тизимидан ислоҳотларда олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг изланишларида ўз аксини топмоқда.

Президенимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» комил рисоласида шундай деб ёзган эди:

«Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлгагн бундай соҳаларга биринчи ва энг катта хомий – давлатнинг ўзи. Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа буни ўзбилармонликка ташлаб қўйиб бўлмайди».

«Мақсадимизга эришишимиз, янги жамият қуришимиз, сиёсатда ҳам, иктисадда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ».

«Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил қизлари этиб тарбиялаш масаласи, маънавият юзасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи лозим».

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимида барча ўқув муассасалари ёш авлодга миллий истиқлол мағкурасини шакллантиришда, маънавиятни миллий меросимиз билан биргаликда, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгача иш услублари асосида ижодий ёндашмоқдалар.

Олим, шоир, педагогларимиз ўзларининг илмни изланишларида тарбиявий тадбирларни янгича йўналиш ва тамойилларини Республика ўқитувчи-тарбиячиларга тавсия этмоқдалар:

С.Очиловнинг "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари" номли рисоласида И.А.Каримовнинг асарларини таҳлили ҳамда Ўзбекистон Конституциясидан келиб чиқиб тарбиявий ишларни янгича йўналишларини асослаб берди.

Бўлажак авлодга: хур-фикрлик, миллий ифтихор, миллий қадриятларга ҳурмат, эркинлик ва озодлик, инсонпарварлик, биродарлик ва ҳамкорлик, илмга меҳр-муҳаббат, иймон ва эътиқод, ҳалоллик, ахлоқий поклик, маданий меросга ҳурмат, адолатпарварлик ва озодлик, байналминаллик, ижодкорлик

ва ташаббускорлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш гояларига садоқат, мусулмон динига ҳурмат, Президент ва давлатни кадрлаш каби сифатларни тарбиялаш».

Бу гоялар Ўзбекистон Республикаси истиқлол тараққиётининг беш тамойиллари талабларига асосланиб олинган бўлиб, унинг мезонида тарбиявий ишларни ташкил қилиш маҳорати ва қоидаларп ҳам ўз аксини топгандир.

Ижодкор илғор ўқитувчи-тарбиячилар ўз фаолиятлари жараёнида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги маҳорат тамойилларини асос қилиб оладилар:

- тарбиявий тадбирлар ўтказишдан мақсад миллий маънавиятни ёш авлод онгига сингдириш ва эътиқодига айлантиришдан иборат эканлиги;
- тарбия жараёнининг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаб бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
- тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоасини жиспластирувчи омиллар билан бойитиб, тарбияни таълим билан узвийлигини таъминлаш;
- тарбия жараёнида болаларни тарбияланган даражасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;
- бола шахсига ҳурмат ва талабчанлик, каби.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш тамойиллари баркамол инсонни тарбиялашда кенг имконта эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш тарбиячининг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминловчи муҳим омил педагогик маҳоратдир.

Тарбиячининг педагогик маҳорати кўп қиррали бўлиб у:

- меҳрибон болалар ҳамкорлигига;
- ўқув-тарбия жараёнидаги ҳамкорликда;
- болаларнинг қайғу-хасрати, ғами ва омадсизлигига ҳамдард бўлишда;
- муомала маданиятида;
- чуқур билим эгаси бўлишида;
- ўқитувчининг руҳий ҳолатида (самимилик хайриҳоҳлиги, олийжаноблиги);
- жамоа билан ишлашда вазиятни ижобий томонга санъаткорона йўналтиришда намоёи бўлади. Кишилик жамияти тараққиётида ҳар бир хунар, у ёки бу ижтимоий сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондаи маҳорат талаб этишини халқ оғзаки ижодиётида, ёзма ёдгорликларда, афсона, достон, эртак, қисса, хикоят, ривоятларда ҳамда ҳурфиксали, доно маърифатпарвар мутафаккирларимизнинг асарларида турлича талқин этилган.

Муомала маҳорати

Хар бир тарбиячининг дунёқараси, тарбияланганлиги, одоблилиги

унинг муомаласида намоён бўлади. Муомалани асосий воситаси тил. Халқимизда шундай нақл бор «Бола ширин сўзниң гадойи», бас шундай экан тарбиячи муомаласида тилга жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Тили ширин, хушмуомала ўқитувчи энг обрўлидир. Ҳусайн Воиз Кошифий шундай деган эдилар: «Ҳақ вақтини сўзлар айтурсизлар яхши сўздин бўлакни айтмангизлар ва кўп сўзламоқ кўнгилни қаро қилур» ёки «Мумкин эрса яхши сўз қил ошкор, яхши сўздин хўб йўқдур ёдгор»; «Насиҳатин ширин сўзу мулойимлик бирла ибтидо қилган, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушрўйлик кўргазмайиқ насиҳат корга келмас».

Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳоратида энг аввало тил ширинлиги, «Ширин сўз кўнгиллар учун бамисли асалдир» деган эди.

Кайковус ўзиниң «Қобуснома» асарида «Сухандонлик била баланд мартабал бўлмоқ» зикрида шундай ҳикоятни келтиради:

Хорун-ар Рашид бир туш кўрдики, оғзидан барча тишлари тўкилмиш. Эрта тонг туриб бул тушнинг таъбирини айтувчини чақириб сўрадиким, .. бу тушнинг таъбири недур?», «Андоғким, сендан ўзга ҳеч ким қолмагувсидир». Бу сўзни эшлитибоғон Хорун ар-Рашид "Менинг юзимга бундок дардлиг ва андуқлиг сўзни айтдинг.

Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярман ва на янглиғ рузгор сўрарман?» – деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди.

Сўнгра яна бир таъбирчани чақириб сўради.

... Таъбирчи деди: «Эй амир ал мўмин-ин, сенинг умринг барча акработларинг умридан узоқ бўлур» Хорун ар-Рашид: деди: «Барча ақлинг йўли бирдур ва икковингнинг таъбиринг негизи бир ерга борур, аммо бу иборат била ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўпдур». Буюрди сўнгти таъбирчига юз тилло бердилар.

Бир донишманд жамоага қараб: – бир гапим бор, уни минг сўмга сотаман, истовчилар бўлса марҳамат! – деди. Суҳбат иштирокчилари ҳайрон қолишиб «қандай гап экан» – деб сўрабдилар. Шунда донишманд, бу гап: – «ўйлаб иш қил!» дегани, дебди, донишманднинг бу ғоясидан шуни англамоқ лозимки, ўйлаб иш қилган одам муомаласида қиёфаси бўлиши (бош, юз ва хатти-ҳаракатларини одоб юзасидан бошқариши) керак экан.

Кўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, бола иштахсига тегадиган кўпол муомала қилиш ўқитувчининг иззати ва обрўсига путур етказади.

Педагог олим Сухомлинский муомала маҳоратини кучи ва унинг яширин сирларини “Болаларга фидо” асарида шундай баён эткан эди: «... Юксак туйгу маданиятга эга бўлган ўқитувчи боғчанинг кайфияти ноҳушлигини дархол фаҳмлайди. Бу энг аввало унинг кўзидан билинади, ... У бола кўнглидаги ташвишни сезганини, қандай йўл биландур маълум қилиш йўлини топади. ... Кейин болани танҳо топиб, суриштириши ҳам мумкин.

... Боланинг аҳволини тушуниш, унга ҳамдард бўлиш, мадад бериш керак.

Кўпинча ҳамдардлик, раҳмдиллик чин кўнгилдан гаплашиш боланинг

дилига хуш келадиган энг яқин ёрдам бўлади. Бепарволик, лоқайдлик эса боланинг дилини ларзага солади!»

Бола қалбини нурафшон қилувчи восита ўқитувчининг жонли сўзи, унинг рухини туширувчи ҳам ўша сўзнинг баёнидир. Халқда «Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нарҳи бор» деб бежиз айтилмаган.

Тарбиячининг адолат билан иш тушш маҳорати

Адолат иймон – эътиқодни, пок ниятга элтувчи ҳақни ноҳақдан ажратувчи бир ўлчовдир.

Адолат инсонлар хулқиии баҳоловчи муҳим мезондир. Ўтмиш аждодларимиз адолат ва адолатсизлякка алоҳида эътибор бериб бу тушунчани сиёсий, фалсафий, ҳукуқий, ахлоқий нуқтаи назардан турлича талқин этаб комил инсонни тарбиясида у катта восита эканлигани у асарларида баён этганлар.

Амир Темур салтанатни бошқаришнинг бош мезони адолат деб ҳисоблаган эди. У ўзининг панд насиҳатларида ҳам ёш авлодни адолатли бўлишга чорлайди: «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. ...Қайси мамлакатни забт эткан бўлсан, ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандимдек кўрдим» деган эди.

Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсини» асарида шундай ёзган эди: «Адолат – бу инсонларни бир-бирига яхшилик кўрсатишидир».

Адолат ва адолатсизлик асрий кўринишлари инсонни қилмиши. ҳаракати, тили муомала, маданияти, ташки қиёфасида ўз аксинн топади.

Педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати ўқувчига у ёки бу юксак ахлоқий сифатларнинг моҳиятини англатиш жараёнида қўлланадиган ўқитувчи-тарбиячининг иш усусларидан биридир.

Ўқитувчи III синфда «Эртак кетидан эртак» мавзусидаги сұхбатида ўқувчиларга дастлаб эртак мазмунини баён этади:

«Ота ўз 10 яшар ўғли билан даладан қайтаётib, йўл устида тушиб ётган бир тақани кўради ва ўғлига дейди: Тақани ол!

- Эски тақа учун эгилиб ўтираманми – деб гап қайтарди ўғли. Отаси индамасдан ўзи эгилиб, тақани олади-да, йўлида давом этади. Кун иссиқ эди. Бола чанқай бошлайди. Бир оз йўл юрганидан кейин олча сотиб ўтирган баққол кўринади. Отаси бояги тақани олчага алмаштириб, белбоғига тугиб олади. Ўғлига кўз-кўз қилиб, бир дона олчани оғзига ташлади-да, бир донасини ерга ташлади. Ўғли дарров эгилиб олчани олади ва чанқоғини бостиromoқчи бўлиб оғзига солади. Отаси олчани кетма-кет ташлайди. Ўғли ўн-ўн беш марта эгилиб, олчаларни териб олиб еганидан сўнг ниҳоят отаси

тўхтайди ва белбоғида қолган олчаларни ўғлига узата туриб дейди:

- Кўрдингмн ўғлим, сен тақани қўтариб олиш учун бир марта эгилишга эринган эдинг, олчаларни териб олиш учун ўн-ўн беш марта эгилдинг. Бундан кейин эсингда бўлсин, агар енгил меҳнатни оғир деб ҳисобласанг, ундан баттар оғирига дуч келасан».

Бу эртакдаги педагогик таъсириңнг салбий ва ижобий кўринишларини болаларга изоҳлашда ўқитувчи қуидаги саволлар орқали тарбиявий маҳорат билан аниқлади.

- отани талаби тўғри-ми, ёки йўқ-ми? Сабабини очиб беринг.

- отани болага меҳнатдан бош тортмаслик учун тутган иш усули тўғри-ми? Болага дастлаб ўз ҳаракати билан ўрнак бўлиб, сўнг хатосини тушунириди.

- бу борада сизларнпнг фикр ва муносабатларингиз қандай?

Тарбия жараённда тарбиявий таъсири кўрсатишнинг қуидаги усулларидан фойдаланилди:

Болага қўйилган талаб, педагогик таъсири кўрсатиш.

Ўқув-тарбия жараённда ўқитувчи-тарбиячи ўз мақсадига эришиш учун доимо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндашади. Уларни рағбатлантириди, огоҳлантириди, танбеҳ берди.

Ўқитувчи-тарбиячини педагогик асосида қўйилган талабларини тушунириш, ножӯя ҳаракатлардан болаларни сақлаш, айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоага мослашгунга қадар кетма-кет талаблар қўйилади.

Юқоридаги талабларнинг қанчалик таъсири этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўйига боғлиқдир. Талабларнинг қўйилиш шакллари:

-тарбиячм томонидан талабни тўппа-тўғри қўйилиши.

Бундай талаб болалар жамоаси билан яшлашни дастлабки босқичидир. Ижодкор-педагог А.С.Макаренко «... Самимий ошкора, ишонарли, қизғин ва қатый талаб бўлмаса, жамоани тарбиялашни бошлаб бўлмайди, деган эди. Бундай талаблар жамоани бир мақсад йўлига бошлаш учун:

- талабни ижобий ва боланинг хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қиласлиги;

- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;

- қўйилган талаб натижасини билиш;

- талаб очиқ чехра, самимий бир оҳангда берилиши: илтимос, маслаҳат, яхши ниятта чорлаш;

- талаб болаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши;

- талабларда кесатиш, луқма, миннат қилиб бўлмаслиги ва бошқалар.

Тарбиячининг педагогик таъсири кўрсатишнинг яна бир шакли ўқувчи ва ўқувчилар жамоасини истиқлол йўлига бошлашидир. Бунда жамоада тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ошкора ва ишонч бўлиши, ўз-ўзини бошқариш, анъана ва қонунларга амал қилиниши муҳимдир.

Тарбиячининг ўқувчилар жамоасини жипслаштиришдаги маҳорати. Кишилик жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоани ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирининг назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганиб илмий-тадқикот ишлари олиб борилган.

Тарбиячининг навбатдаги вазифаси болалар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суюниб ўқувчиларни тарбиявий жараёнда ўртоқлик-дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини тарбиялаш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

-синф бошланғич жамоасини тарбиялаш ва уларда ўзаро муносабат алоқаларини яратиш.

- ўқувчилар кундалик фаолиятларининг ҳамма қирраларида жамоага жипслаштириш.

- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш.

- жамоада бир-бирига меҳр-оқибатли, мурувват ва саҳийлик, дўстона ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилар жамоалари ташкил қилишда ўқитувчидаи турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади:

1. Ўқитувчи жамоа аъзоларини янги шароитга (мактабнинг I синфидан бошлаб) мослашув даврида уларга ишонч, хурмат, хушмуомалалик, талабларни тўғри қўя билиш шу билан бирга ўқувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга булиш талаб этилади;

2. Ўқувчилар жамоасидаги етакловчи куч таянч ўзагини танлаш;

3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш;

4. Жамоада янги анъана, қонун-қоидаларни дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш;

5. Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади.

25-Мавзу

IV боб. Болалар жамоасини ташкил методикаси

Жамоа сўзи лотинча «Коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, ийғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ маъноларини англатади. Аникроқ айтиладиган бўлса жамоа бу кишилардан иборат гуруҳ, демакдир. Замонавий талқинда «Жамоа» тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда кишиларнинг исталган ташкилий гуруҳи тушунилади (масалан: ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, хўжалик жамоаси ва ҳоказо). Иккинчидан, жамоа деганда юқори даражада уюштирилган гуруҳ тушунилади. Чунончи, ўқувчи (тарбияланувчи)ларнинг бирлашмаси ўзига хос муҳим белгиларга эгадир. Куйида жамоа ва унинг хусусиятлари (белгилари) борасида сўз юритамиз.

Жамоа ва жамоа орқали тарбиялаш – тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи роль ўйнаш тўғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш даврларидаёқ билдирган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг алоҳида шакли юзага келади, бу эса шахснинг жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳар қандай гуруҳни ҳам жамоа деб ҳисоблаб бўлмайди. Жамоа бир қатор белгиларга эгадирки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай гурухдан ажратиб туради.

Жамоа ижтимоий жамиятнинг бир қисми ҳисобланади, унда ижтимоий ҳаёт ва кишилик муносабатларининг барча меъёрлари ўз ифодасини топади. Зеро, жамоа жамиятдаги мавжуд муносабатлар тизимида намоён бўлар экан, жамоа ва ижтимоий жамият мақсади, интилишида ўзаро бирлик, узвий мақсадга мувофиқ ташкил этилади.

Шу боис жамоа ҳаёйининг бир (ягона) мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий-ғоявий йўналганлиги унинг етакчи белгиси саналади.

Ҳар бир жамоа бошқа бир жамоалар билан узвий боғлиқ бўлади. Унинг ҳар бир аъзоси жамият ижтимоий фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўз жамоаси билан биргаликда иштирок этади. Жамоани тушуниш, уни ҳис этиш ҳамда шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш умумий ва хусусий (шахсий) мақсаднинг қизиқиши, эҳтиёж ва фаолиятнинг бирлигини намоён этади ҳамда бўлишига йўл қўймайди.

Ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига эга ва умуммиллий жамоанинг узвий қисми саналади. Шунингдек, у мақсаднинг бирлиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умуммиллий жамоа билан боғланади. Ижтимоий жамиятнинг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган биргаликдаги фаолият жамоанинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Жамоа фаолиятнинг ижтимоий-ғоявий йўналиши ҳам жамоанинг фаолияти мазмунида ўз аксини топиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамоа хусусиятини аниқлашда кишилар гурухининг ягона ижтимоий тизимини ўрната олишдаги усули, яъни жамоани ташкил қилиш усули ҳам муҳим ҳисобланади.

Педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этилган жамоа фаолияти натижасида жамоа аъзолари ўртасида ишчанлик, бир-бири учун ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, жамоа манфаати учун жавобгарлик ҳисси қарор топади.

Биргаликдаги фаолият умумжамият иши учун маъсулият ҳиссини уйғота бориб, жамоа аъзоларини бир-бирига яқинлаштиради, жамоа мансублик ҳиссини пайдо бўлишига қўмаклашади, жамоага билан муносабатда бўлиш эҳтиёжини оширади. Жамоа аъзолари орасида ўзаро яқинлик, ҳиссий бирлик (бир-бирини ёқтириш) юзага келади. Ушбу муносабат кўпинча ўз-ўзидан пайдо бўлади ҳамда улар педагогик таъсир кўрсатиш учун қўл келади. Руҳий ва ҳиссий жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолиятини мазмунига улар орасидаги ҳосил бўлган ишчанлик фаолиятининг характеристига бевосита боғлиқдир.

Жамоанинг расмий (ишчанлик) ва норасмий (ҳиссий) тузилишини бир-биридан фарқлаш лозим. Жамоанинг расмий тузилиши деганда жамоа фаолиятининг турли кўринишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий жиҳатлари қўзда тутилади. Мазкур тузилма бир томондан жамоа аъзолари қўшилган ишчанлик муносабатларини ифода этса, иккинчи томондан раҳбарлик вазифасини бажарувчи тарбиячилар ҳамда жамоа аъзолари ўртасидаги мавжуд бошқариш муносабатлари мазмунини ифода этади.

Норасмий тузилма жамоанинг барча аъзолари ўртасидаги шахсларро маънавий психологик муносабатларининг умумий тизими ва микрогуруҳни ташкил қилувчи айрим аъзолар ўртасидаги танлаш муносабатлари мазмунини ифодалайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси мавжуд муносабатлар тизимида у ёки бу ўринни эгаллайди. Тарбияланувчи шахснинг жамоадаги ўрни унинг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатади. Мактаб ёки синфдаги расмий ва норасмий тузилмалар бир-бирига мувофиқ бўлганда, жамоанинг расмий етакчилари норасмий муносабатлар тизимида қўзга кўринган ўринни эгаллаган ҳолдагина у чинакам жамоа бўла олади. шунингдек, норасмий гуруҳлар (ижрогуруҳлар умумжамоа ижтимоий манбаатлари учун курашувчи гуруҳлар бўлгандагина жамоа ўз-ўзини чинакам жамоа тарзида намоён этиши мумкин.

Яшаш жойларида ўзаро бириккан болалар гуруҳлари қанчалик аҳил ва иноқ муносабат заминидан ташкил топган бўлмасин ҳақиқий жамоа бўла олмайди. Чинакам жамоа ижтимоий аҳамиятга мойиллик фаолиятини ташкил эта олиши, жамоа аъзолари ўртасида ижтимоий аҳамияти фаолият, мақсад, ишчанлик характеристидаги алоқа ва муносабатларни ўрната олиши лозим. Жамоанинг мажбурийлик белгиси унга педагогик раҳбарликнинг бўлишидир.

Шундай қилиб, жамоа-кишиларнинг шундай муайян гурухи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган умумий мақсад ҳамда мазкур мақсадни

амалга ошириш учун йўналтирилган фаолиятни ташкил этади. Ушбу гуруҳ аъзолари ўзаро бирлик, аъзоларнинг муносабатлар жараёнидаги тенглиги асосида унга раҳбарлик қилиш ва бир-бирига бўйсуниши, шунингдек, жамоа олдидағи жавобгарлиги асосида муайян фаолиятни олиб борадилар.

Жамоа ва уни шакллантириш педагогик фаолиятининг мақсади хисобланади. Айни кўрсатгич, уни шакллантириш воситаси бўлиб, унинг ёрдамида жамоанинг барча ёки ҳар бир аъзосини тарбиялар яхши самаралар беради.

Жамоанинг етакчи тарбиявий вазифаси шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, унда ижобий сифатларни ҳосил қилиш. Мустаҳкам хаётий позицияни қарор топширишдан иборатdir.

Умумий ўрта таълим ҳамда янги турдаги таълим муассасаларида жамоани шакллантириш маъсулиятли вазифа саналади.

26-Мавзу

Бугунги кунда педагог-олимлар (Л.И.Новикова ва бошқалар) болалар жамоаси ривожланиши жараёни таҳлил қиласлар эканлар, уни қўйидаги уч босқичга бўладилар:

- а) жамоани дастлабки жипслаштириш;
- б) жамоани шакллантириш унинг ҳар бир аъзосини индивидуал ривожлантиришнинг қуролидир.

Жамоа ҳаётидаги ҳар бир босқичларни ажратиб кўрсатиш юқорида баён этилган фикрларга зид эмас, балки шахснинг ривожланишида жамоанинг етакчи аҳамиятини таъкидлайди.

Рус педагоги А.С.Макаренко жамоа муносабатларининг ички жиҳатларига катта аҳамият берган эди. У жамоада шаклланган энг муҳим қўйидаги белгиларни ажратиб кўрсатган эди:

- 1) мажор – доимий тетиклик, тарбияланувчиларнинг фаолият (харакатга тайёрлиги);
- 2) ўз жамоаси қадриятларининг моҳиятини тушуниш, унинг учун турурланиш асосида ўз қадр-қимматини англаш;
- 3) унинг аъзолари ўртасидаги дўстона бирлик;
- 4) жамоанинг ҳар бир аъзосидаги дўстона бирлик;
- 5) тарбияли, ишchan харакатга йўлловчи фаоллик;
- 6) ўз хиссиёт ва сўзларини бошқара олиш кўникмаси.

3. Жамоани шакллантиришда жамоа аъзолари ва уларнинг фаолиятларига қўйиладиган ягона талаблар муҳим аҳамият касб этади.

Ягона талаб ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги, танаффус. Синфдан ташқари ишлар вақтидаги жамоат жойлари ҳамда уйдаги хулқ-автор қоидаларни ўз ичига олади.

Пухта ўйлаб қўйилган талаблар тизимининг мунтазам амалга оширилиши мактабда муайян тартибнинг ўрнатилишини таъминлайди.

Педагоглар томонидан қўйилган талаблар қўйидаги шароитларда ижобий натижа беради.

1. Қўйилаётган талаблар ўқувчи шахсини хурмат қилиш билан қўшилиши керак.

2. Қўйилаётган талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши лозим.

3. Қўйилаётган талаблар аниқ бўлиши керак.

4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳамда муомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар, уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши шарт.

Ўқитувчи қўйилаётган талаблар ҳажми, тизимини билигина қолмасдан, талаб қўйиш методикасини ҳам ўзлаштира олган бўлиши керак.

Ўқувчиларга талаблар қўйиш методикаси болаларни талаблар мазмуни билан танишириб, уларнинг аҳамиятини тушунтириш, тажриба орттириш ҳамда уларнинг мунтазам суратда назорат қилиб борищдан иборат.

Ўқувчиларни талаблар билан танишириш қўпинча умумий мажлисларда амалга оширилади, бунда таълим муассасаси директори ёки ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари истиқболли режалари ва уларни амалга ошириш жараёнидаги талаблар мазмуни билан ўқувчиларни танишириди. Батафсил танишириш айрим ҳолларда амалда қўрсатиш, кейинроқ синфлар бўйича, синф мажлисларида, маҳсус сұхбатлар уюштириш гоҳида амалга оширилади.

Хулқ-автор таркиб топтиришга йўналтирилган талаблар билан танишириш мазкур талаблар устида машқ қилдириш билан қўшиб олиб бориши керак. Хулқ авторни тарбиялаш онгни тарбиялашга қараганда мураккаб иш. Ўқувчилар талаблар моҳиятини яхши англашлари мумкин, бироқ аксарият ҳолларда уларга риоя қилмайдилар. Шу боис мунтазам равишида машқ қилдириш маданий хулқ-авторни одатга айлантиради.

Талабларнинг қўйилиши жараёнида уларга ўқувчиларнинг амал қилиши устидан назорат ўрнатиш лозим. Назорат қилиб бориш турли шакллар ёрдамида амалга оширилади, чунончи, хулқ-автор журналини юритиш, синфдаги навбатчилик учун стендда баҳоларни қайд этиб бориш ва бошқалар. Назорат ҳаққоний ва мунтазам бўлиш керак. Унинг натижаларидан ўқувчиларни огоҳ этиб бориш лозим.

а) жамоани уюштириш ва жипслаштириш унда фаолни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир педагогнинг жамоани шакллантириш борасидаги харакати жамоанинг таянч ядросини танлашдан бошланади.

Жамоа фаолини шакллантириш жамоанинг у ёки бу фаолиятга нисбатан эҳтиёжи мазмунидан келиб чиқади.

Ишончли, ишчан жамоа фаолини яратиш учун ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини уларнинг жамоа ишларидаги иштироки, хулқ-авторини кузатиб

бориши ҳар бир ўқувчининг ижтимоий фаолиятни ташкил этиш лаёқатини аниқлаши зарур.

Жамоа фаолини шакллантиришда ўқувчиларнинг жамоадаги обрўсини ҳам инобатга олиш лозим. Жамоа фаоли таркибини болаларнинг ўзлари, албатта, педагог иштирокида ва раҳбарлигига танласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Педагог жамоа фаоли билан маслаҳатлашишни ташкил этади.

Жамоа фаолининг ҳар бир аъзоси зиммасига муайян вазифа юклаш, маълум даврда ана шу вазифалар юзасидан ҳисбот берабор боришлирага эришиш лозим. Педагог айнан шу фаолга оширилган талаб қўяди. Ўқувчилар жамоасида фаол раҳбарлигига ўз-ўзини бошқариш жамоа аъзоларидан айримларининг бошқаси устидан устун келишига олиб келмаслиги керак.

Шу боис педагог фаолни мақсадга мувофиқ фаолият юритишини назорат қилиб бориши лозим.

Ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш, бу педагоглар томонидан ташкил қилинадиган жамоа ишини уюштириш ва бошқаришда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишидир. Ўз-ўзини бошқаришнинг шакллари орасида жамоа аъзоларининг йиғилиши, конференцияси ҳамда турли комиссиялар фаолияти ўрин тутади.

б) ўқувчилар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим ўрин тутади. Жамоа анъаналари – бу барқарорлашган одат бўлиб, уларни жамоа аъзолари бирдек қўллаб-қувватлайдилар. Жамоа анъаналари мазмунида муносабатлар хусусияти ҳамда жамоанинг ижтимоий фикри ёрқин ифодаланади.

Жамоа анъаналари шартли равишда иккига бўлинади:

- а) кундалик фаолият анъаналари;
- б) байрам анъаналари.

Кундалик фаолият анъаналари ўқувчиларнинг ўкув фаолияти (ўзаро ёрдам турлари) ни меҳнат фаолияти (кўчатлар ўтказиш, ҳашарлар уюштириш ва бошқалар) ни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига турли воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ саналарни нишонлаш хусусан, «Алифбе байрами», мустақил, Наврӯз байрами, Хотира ва қадрлаш куни ва бошқалар киради.

Анъанавий байрамлар ўкув муассасаларида турлича ўтказилади. Ўқувчилар анъаналар моҳиятини англасалар, уларга нисбатан онгли муносабатда бўлсаларгина унинг таъсир кучи юқори бўлади.

Анъаналарнинг юзага келишида ўқувчиларнинг унга нисбатан муносабати катта аҳамиятга эга. Мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар болалар жамоасига у ёки бу ортиқча анъанани юкламасликлар керак. Уларнинг вазифаси ошкор бўлмаган ҳолда ҳамда ўқувчилар яратиш зарурлигини тушунтириш тадбирларни уюштириш ва ўтказишда биргаликда иш олиб бориш, ўқувчиларни анъаналарни давом эттиришга ўргатишдан иборат.

Илмий тадқиқотлар шахс ва жамоа ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши борасида қуйидаги андозанинг яратилишини таъминлади.



САВОЛЛАР:


1. Жамоа нима?
2. Ўқувчилар жамоасининг ишлаб чиқариш жамоаларидан фарқи нимада?
3. Жамоанинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
4. Жамоани шакллантириш босқичларини сананг ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига батафсил тўхталинг.
5. Жамоани ташкил этиш методикаси мазмунини сўзланг.
6. Жамоа анъаналари деганда нимани тушунасиз?

27-Мавзу


Мактаб жамоаси таркибида энг барқарор бўғин – бу синфлар жамоалари саналади. Синф жамоасида ўқувчиларнинг асосий фаолияти-ўқишидир. Айнан синф жамоасида ўқувчилар ўртасида мустаҳкам шахслараро алоқа ва муносабатлар таркиб топади. Бу билан синф жамоаси уз негизида мактаб жамоасининг шаклланиши учун ўзига хос пойдевор вазифасини бажаради. Мактаб жамоаси таркибида ўқувчилар жамоаси асосий қисмни ташкил этади. Ўқувчилар жамоаси бу, ижтимоий аҳамиятни ташкил этиш, шунингдек умумий сайлов органлари ва умумий жавобгарлик, барча аъзоларнинг хуқуқ ва бурчлари тенглиги асосидаги ўзаро бирликка эга ўқувчилар гурухидир.

Ўқувчилар жамоаси педагог-тарбиячилар ҳамда болалардан иборат жамоанинг мураккаб бирлашмаси, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқарув жараёнини ташкил этувчи мустақил тизим, шунингдек, ўзининг психолигик мухитига, анъаналарига эга гурух ҳисобланади.

Демак, юксак даражада уюштирилган жамоа ўзида бир неча хусусият (белги)ларни намоён этади. Улар қуидагилардир.



Жамоани шакллантириш муайян қонуниятларга бўйсунадиган узок муддатли, мураккаб жараёндири. Жамоанинг вужудга келиш учун тўрт босқич зарур. Жамоанинг шаклланиш босқичларида дастлаб, педагог бутун гурухга талаб қўяди, сўнгра жамоа фаоллари (активи) жамоа аъзоларига талаб қўяди, сўнгра бутун жамоа алоҳида шахсдан муайян тарзда фаолият олиб бориши талаб қиласи ва ниҳоят, шахс ўз-ўзига талаб қўйидагича баён этиш мумкин:



**қўйилаёттан талаблар мазмунидаги фарқ жамоа ривожланиши
босқичини аниқовчи ёрқин ташкил кўрсатгич саналади.**

**Жамоанинг амалий фаолияти мазмуни, жамоа аъзоларининг
жамоа олдидағи жавобгарлиги, ижодий ҳамкорлиги аъзоларнинг
хулқ-атвори, ахлоқий камолот даражасини кўрсатувчи муҳим
белгилар сифатида намоён бўлади. Жамоанинг шакллантиришда
унинг ҳаётини белгиловчи ички жараёнининг моҳиятини
инобатга олиш зарур.**

Жамоанинг шаклланиш босқичларини белгилаш шартли ҳисобланади, чунки жамоанинг чегара ёки оралиққа эга эмас. Шунга қарамай педагогик нуқтаи назардан жамоанинг шаклланишини босқичларга ажратиш жуда муҳимдир. Болалар жамоаси ривожланиши босқичларга ажратиш муҳимдир. Болалар жамоаси ривожланишининг ҳар бир таъсир кўрсатиш шакл ва методларини танлаш имконини беради.

Жамоа ривожланишининг биринчи босқичи. Мазкур босқичда талаб фақат педагоглар томонидан қўйилади. Бу жамоа ривожланишининг бошланғич нуқтасидир. Ушбу даврдаги жамоа ҳали тарбияловчи жамоа бўлмай, балки «ташкил этувчи бирлик» (синф, груп)дир. Тарбияланувчилар талабларнинг қўйилишига эътиборсиз қарайдилар. Жамоа аъзоларининг узлуксиз ижодий фаолиятини ташкил қилиш ва уларни муайян (ягона) мақсад атрофида бирлаштиришга эришиш орқалиги жамоа қарор топади. Тарбияланувчиларнинг жамоа фаолиятида иштирок этиши туфайли астасекин бойиб борадиган тажриба, фаолият натижасини биргадикда муҳокама қилиш, қилинажак ишларни режалаштириш-жамоа аъзоларида маъсулият, жавобгарлик, фаолият бирлиги, шунингдек ишchanлик муносабатининг пайдо бўлишига тарбияланувчиларда жамоа фаолиятига нисбатан қизиқиши пайдо бўлишига олиб келади. Болаларнинг жамоа фаолиятини ташкил этиш борасидаги маълумотга эга эмасликлари боис, мазкур босқичда педагогнинг асосий мақсади жамоа аъзоларини оддий тарзда уюштиришдан иборат бўлади.

Ушбу босқичда педагогнинг талабчанлиги, қатъийлиги, изчиллиги, муросасизлиги ва жамоанинг барча аъзоларига талабни бир хил қўя олиши асосий омил ҳисобланади. Бу вазиятда ўқитувчилик «ҳукмдорлик» даври узоқ давом этиши мумкин эмаслигини, акс ҳолда бир қарашда интизомнинг вужудга келганлиги маълум бўлсада, груп аъзоларининг фаолликларини ривожлантириш учун шароитнинг мавжуд эмаслиги ҳисобга олиш зарур.

Жамоа ҳаётининг биринчи босқичида жамоа фаолиятининг пайдо бўлиши ушбу давр учун характерли ҳодисадир. Фаолнинг таркиб топиши демакдир. Жамоа фаоли (актив) муайян гурухнинг шундай аъзоларики, улар жамоа манфаатига мувоғиқ тарзда ҳаракат қиласидилар ва педагог фаолияти ва талабига нисбатан ҳайриҳоҳлик билан муносабатда бўладилар. Фаол

педагогнинг яқин ёрдамчилари сифатида иш олиб борадилар.

Жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи. Ушбу босқич жамоа фаолининг педагог талабини қўллаб-кувватлаши ҳамда ўз навбатида унинг ўзи бу талабларини жамоа аъзолари зиммасига қўйиши билан тавсифланади. Эндиликда педагог жамоада пайдо бўлган ва у билан боғлиқ муаммо, масалаларни ёлғиз ўзлари ҳал қилмайди. Жамоа фаоли билан маҳсус тарбиявий иш олиб бориш орқали бу ишга уни жалб этадилар. Жамоа ҳаётини ташкил қилиш усули мураккаблашиб боради, яъни жамоа ўз-ўзини бошқаришга ўтади.

Тарбияланувчилар амалий фаолиятнинг доимий равища мураккаблашиб бориши мазкур даврининг муҳим хусусияти саналади. Иккинчи босқичда жамоанинг муҳим ишларини ўқувчилар томонидан мустақил режалаштирилиши, тадбирларни ўтказишга тайёргарлик, уни ўтказиш ҳамда фаолият натижаларини муҳокама қилиш жамоа фаолиятининг ижодий хусусиятини кўрсатувчи омиллар саналади.

Жамоанинг ижобий ривожланиши унинг аъзоларида фаолият мотивлари (рағбатлари)нинг пайдо бўлиши, ижодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Жамоада мустақил фаолиятнинг юзага келишида жамоа фаолиятининг роли бекиёсдир. Аммо жамоа фаолининг жамоа аъзолари орасида ҳурмат қозона олиши, намуна бўлиши ўз бурчини аниқ ва пухта бажариши ҳамда ўз мавқеларини сустеъмол қиласликлари жуда муҳимдир. Бу ўринда А.С.Макоренконинг жамоа фаолига нисбатан «жамоа виждони» дея берган таърифини эслаб ўтиш жоиздир. Жамоа фаоли бирмунча имтиёзлар (хукуклар)га эга бўлсада, айни пайтда унинг ўзига ҳам оширилган талабларнинг қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоанинг ривожланиши бу босқичда тўхтаб қолиши мумкин эмас, чунки фаолият кўрсатаётган куч жамоанинг бир қисмигина холос. Борди-ю, жамоанинг ривожланиши ушбу босқичда тўхтатиб қолинса, жамоа фаолини гурухнинг бошқа аъзолари билан қарама-қарши қўйиш ҳавфи туғилиши мумкин. Бу босқичда жамоанинг барча аъзоларининг фаол фаолиятга ўтиши зарур саналади.

Жамоа ривожланишининг учинчи босқичи жамоа фаолиятида бу босқич анчагина сермаҳсул ҳисобланади. А.С.Макоренконинг аниқлашича, бу даврда бутун жамоа «айрим ўзини четга олиб қолувчи, инжиқ шахс»ларга талаб қўя бошлайди.

Жамоа шунга эндиликда факат фаолигина эмас, балки унинг бутун аъзолари қизикади. Жамоа ҳаётидаги учинчи босқич, ижтимоий фикр мавжудлиги билан ифодаланади. Педагог мазкур йўналишда максадга мувофиқ ва изчил иш олиб борган шароитдагина ижтимоий фикрни шакллантиришга эришиши мумкин. Шу мақсадда у ёки бу тадбир режасини, жамоанинг биргаликдаги фаолиятини, унинг аъзолари хатти-ҳаракатини жамоа бўлиб муҳокама қилинади: турли мавзуларда сұхбатлар ва маърузалар

уюштирилади, ўқувчилар ўртасида самарали ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий-ғоявий, ахлоқий, эстетик, экологик, ҳуқукий, иқтисодий ва бошқа билимлар тарғиботи ташкил этилади. Педагог жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этар экан, жамоа аъзоларининг ижобий тажрибага қўшиш имконини берадиган ўзаро муносабатларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган шакл ва методлардан фойдаланади.

Жамоа ўзининг ҳар бир аъзосида ижтимоий аҳамиятли фаолиятни мақсадга мувофиқ равишда шакллантириб бориш, жамоа аъзолари орасида барқарор инсоният муносабатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Жамоада барқарор инсоний муносабатларнинг юзага келишининг сабаби, унинг аъзоларини юксак ақлий мазмунга эга бўлган ишларни ташкил этишда фаол иштирок этишларининг самарасидир.

Жамоа ривожланишининг учинчи босқичида кўрсатиб ўтилган хусусиятлар шундан далолат берадики, ушбу босқичда жамоа фаоллигини эмас, балки жамоанинг ҳар бир аъзоси бир-бирларига ахлоқий мазмундаги талабларни қўя бошлайдилар.

Жамоа ривожланишининг тўртинчи босқичи, бу босқич унинг барча аъзолари жамоа олдида турган талаблар асосида ўз-ўзларига талаблар қўя олишлари билан тавсифланади. Шуни айтиш мумкинки, ҳар бир босқич жамоа аъзоларининг ўзининг олдига муайян талаб қўйиши билан тавсифланади, аммо қўйилган ҳар бир талаб ўзига хос йўналиши (масалан, ўйиндан умуминсоният баҳти учун курашишига интилиш ўртасидаги фарқ билан ажralиб туради.

Худди шу жиз^{атдан} тўртинчи босқич жамоа аъзоларининг ўзига нисбатан юксак ахлоқий талаблар қўя олишлари билан аҳамиятлидир. Жамоанинг ҳаёти ва фаолияти мазмуни жамоа аъзоларининг ҳар бири учун шахсий эҳтиёжга айланади. Жамоадаги тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига ўсиб ўтади. Бироқ бу айрим шахснинг янада ривожланишда жамоанинг тутган ўрнини пасайтирумайди. Туртинчи босқичда амалга ошириладиган вазифалар анча мураккаб ва масъулиятлидир. Мазкур босқичда жамоа олдига истиқболли, юксак ва мураккаб талаблар қўйиш учун мутлақо қулай шароит яратилди.

28-Мавзу

Ўқувчиларни тарбиялашда жамоанинг роли

Режа:

1. Ўқувчини жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш ва тарбия қоидаси сифатида.
2. Жамоанинг ривожланиш даражасини тарбияга боғлиқлиги.
3. Жамоа фаолиятини ташкил этиш шакллари.
4. Хуроса. Комил инсон шахсини тарбиялашда жамоанинг роли ва аҳамияти.

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бпр қатор муҳим қонун-қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўулишини таъминлайди, чунончи,

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб яшнаши йўлида қилинаётган фидоий ишлар билан боғланиши;
- ўқувчини жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда бола шахсини хурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Қўйида тарбия жараёнининг қонун-қоидаларини кўриб чиқамиз:

1. Тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги. Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади.

Тарбиянинг мақсади – ҳар томонлама камол топган-мукаммал инсон шахсини тарбиялашdir.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг, вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

2. Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги қоидаси тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини доимо янгилаб туришини талаб этади. Тарбиячилар болалар тарбиясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида иймон-эътиқодни тарбиялаш имконини берадилар. Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолрок; жалб қилинади, бу эса ўқувчи шахсининг таркиб топишига ёрдам беради.

Илгор ўқитувчилар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчилар ахил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини фаол ўқувчиларга таянмоғи, ўқувчиларни турли ишларни биргаликда бажаришга одатлантириб, уларга жамоатчилик рухини сингириб бориши лозим.

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш-тарбиянинг етакчи

тамойиллари ҳисобланади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш усули ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуидагилардан иборат:

1. Талаблар қўйиш;
2. Фаолларни тарбиялаш;
3. Ўқув меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларини ташкил этиш;
4. Соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш;
5. Ижобий анъаналарни яратиш ва қўпайтириш.

Юқорида таърифланган барча қоидалар хар қандай жамоани шакллантириш ва ривожланиши учун қўлланма ҳисобланади.

Тарбия усулларини танлашда уларни жамоанинг ривожланиш даражасига мослиги муваффақиятнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи тарбиявий ишни синфдаги жамоа муваффақиятнинг муносабатларини ривожланиши даражасини аниқлашдан бошлади. Ўқитувчининг эса янги синф билан кун марта иш бошланишига тўғри келади: ўз меҳнат фаолиятининг дастлабки йилида, синфни навбатдаги битириб чиқиши мавсумидан кейин, баъзан эса мактабда вужудга келган вазият тақозоси билан.

Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим ўқувчилар ва умуман жамоа ўз фаолиятини мустакил режалаштиради ва умуман жамоани ташкил этади, ўзига ва бирбирига талаблар қўяди ва ўз-ўзини назорат қиласди.

Синф раҳбари ва ўқувчилар жамоаси ўз ниятлари ва ишларида биргадирлар. Жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган барча ишлар жуда қизиқарли бўлиб, бу иш синф раҳбарининг асосий иши бўлиб ҳисобланади. Ўқувчиларни иноқ жамоага бирлаштирган моҳир синф раҳбари қўлида тарбияланган одам баҳтлидир. Уляётган киши, шахснинг ҳаётдаги мавқенини шакллантиришда, унинг ҳаёт йўлини белгилашда ўз вазифасини англаш сииф раҳбарининг болалар жамоасини барпо этиш юзасидан олиб борадиган фаол ва қатъий фаолиятнинг зарур шарти ҳисобланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг факат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларини таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Синф раҳбарининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал: болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини, ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлади. Ва ниҳоят, энг муҳими уларнинг ўқишдаги мўлжаллари нималардан иборат, бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашнинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан дарсда, дарсдан ташқарида,

мактабда, мактабдан ташқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш даражасида кузатишдан иборатдир. Ўқитувчи жамоанинг кучли ва заиф тамойилларини аниқлаш учун педагогик вазиятлар вужудга келтиришни қўллади. Лекин бунда шуни эсда тутиш керакки, ўқувчи камчиликларини ҳамма ўртасида ёрқин намойиш уни маънавий ҳалок этиши, қалбини жароҳатлаши мумкин.

Шундай вазиятларни вужудга келтириш керакки, улар салбий томонларни эмас, ҳар бир болада одатдаги шароитда бошқалардан яширган ижобий томонларини ҳам очиб берсин. Синф раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Бу хақда гапирмаса ҳам бўларди, чунки бу шарт педагогик тамойиллардан биридир. Шу билан бирга ишни энди бошлаган ўқитувчи, айниқса синф раҳбари тарбия усулларини эмас, балки шаклларини танлашда ўз тарбияланувчилари ёшини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунда бир ҳил усуллар талаблар, топшириклар ва ҳоказолар турлича изоҳланади. Таълим жараёнида жамоа муносабатларини ривожлантириш истиқболлари синф раҳбарининг катта эътибор беришини талаб этади. Жамоа фаолиятида кўпроқ муомала қилишга бўлган эҳтиёж ётади. Дарсларда бу эҳтиёж кам қондирилади. Агар дарсдаги муомалага бўлган эҳтиёж тўғри тушунилса, унинг негизида ўқувчиларнинг ўзаро ёрдами, дарсларга биргаликда фойдали тайёргарлик кўриш, кизиқишлир буйича машғулотлар ташкил этилади. Таълим жараёнидаги жамоатчилик туйғуси ана шу, яъни биргаликдаги меҳнат болаларда катта қоникиш ҳосил қилиш ижобий кечинмадан бошланади. Шу тариқа ўзаро ёрдам ташкил этиш синфдаги жамоа муносабатларини шакллантиришнинг йўлларидан биридир. Ўқитувчи яна ўқувчиларни ёш хусусиятларини, синф жамоасининг хусусиятларини, унинг шаклланганлик даражасини ҳисобга олади, ўша талабларида жамоа фикрининг қўллаб кувватланишига таянади. Жамоа ривожланишининг ҳар қандай даражасида синф раҳбари муайян усуллардан фойдаланиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш тўғрисида маҳсус ғамхўрлик қиласи. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш жараёнини паст даражадан юқори даражага борадиган вақт давомидаги ҳаракат, ижтимоий талаблар аввал шахсан синф раҳбаридан, ўқитувчидан фақат якка болалар, кейинчалик кўпчилик болалар идрок этадиган ва ниҳоят, барча учун ва ҳар бир бола учун ҳаёт қонуни бўлиб қоладиган тарзда жўн тушуниб бўлмайди. Ҳатто уюшган жамоада ҳам жамоатчилик хусусиятлари заиф ривожланган айрим ўқувчилар бўлади. Синф раҳбари жамоа ва ҳар бир алоҳида ўқувчининг тарбияси учун маъсулдир. Шунинг учун унинг жамоа тарзидаги ва якка тартибдаги шаклларини қўшиб олиб бориши тарбиявий ишдаги ўзига хос хусусиятларидан биридир. Жамоанинг шахсга нисбатан юксак талабчанлиги кузатилади.

Мактаблар тажрибасида фаолият одатда оммавий, жамоа, гурух ва индивидулал шаклларда ташкил этилади. Фаолиятни ташкил этишининг

оммавий шакллари ҳам (яъни уларда ўқувчиларнинг муайян гуруҳлари иштирок этади) ўз моҳиятига кўра уни амалга ошириш жараёнида фаолият мақсадга (масалан, маъруза, концерт ва ҳоказо) эришиш учун катнашчилариинг ўзаро муомаласини назарда тутмайди. Бироқ, бундан олдинги ҳолда бўлгани каби, бу шаклларда бевосита тенгдошлар билан биргаликда қатнашиш баъзи ҳолларда уларнинг фаолиятидаги иштирокини фаоллаштиради, бошқа ҳолларда аксинча бўлади. Бу кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаолият мазмунига, муносабатига (ижобий, пассив ёки салбий) боғлиқ бўлади. Фаолиятни амалга ошириш жараёнида унинг мақсадига эришиш учун ўқувчиларнинг ўзаро муомалага киришишларини назарда тутувчи фаолият шакллари жамоа шакллари дейилади, бу муомала жараёнида ўқувчилар ўртасида жамоа алоқалар вужудга келади. Бу шакллар объектив жиҳатдан ўзида муомала учун муайян шарт-шароитларга эга бўлади. Улар ўқувчиларга ишнинг муваффакиятли амалга ошириш учун вазифаларни ўзаро тақсимлаб чиқиш имконини беради, катнашчилар ўртасида алоқа таъсирининг пайдо бўлишига олиб келади. Мисол тариқасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг жамоа шаклларидан бири-билимларнинг ижтимоий кўригини қараб чиқамиз. У бирор фан бўйича ўтказилади. Унда иккита параллел синф ёки бир синфдан иккита команда иштирок этиши мумкин. Кўрикнинг дастури ишларнинг ҳар-хил турларидан (ёзма, оғзаки, график масалалар ечиш, топшириқ учун топшириқларни бажариш ва шу кабилар) ташкил топади, уларни бажариш умуман олганда 40-60 дақиқадан ошмайди. Кўрик охирида ҳайъат аъзолари ҳар бир қатнашчига ва умуман командадаги ўртача баҳони эълон қиласди. Бу ўринда билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган муомала кўрикка ҳозирлик кўриш вақтидаёқ бошланади ва уни ўтказиш жараёнида жуда самарали давом этади. Бунга сабаб шуки, кўрикка доир дастлабки топшириқлар жамоадан тайёргарлик режасини муҳокама этишни, вазифаларни тақсимлашпи ёки гуруҳ бўлиб ишлашни талаб қиласди. Кўрик жараёнида муомала унинг ҳамма қатнашчилар ўртасида содир бўлади, чунки улардан ҳар бири муайян вазифага эга бўлиб, ўз ҳаракатларини бошқа қатнашчилар билан мувофиқлаштиргандагина вазифани муваффакиятли бажариши мумкин. Жамоа муомалани ташкил этишнинг самарали шаклларидан бири гурухий ишдир, бунда мазкур иш болаларшинг таркиб жиҳатидан унча катта бўлмаган (энг кўпи билан киши 5 та бўлиши керак) гурухларида амалга оширилади. Бундай кичик гурухларда барча аъзолар бир-бирлари билан бевосита муомалада бўладилар ва бир-бирларига бевосита бирор таъсир кўрсатадилар.

Ўқувчилар гуруҳида муомаланинг ўзига хос хусусиятни ўрганиш унинг гурухларини ўқувчилар муомаласини ташкил этишнинг самарали шаклига айлантирадиган хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Умумий тарзда улар қуидагича тасвирланиши керак: гурухий иш жараёнида ўқувчиларнинг муомаласи жуда самарали бўлади. Бунга сабаб шуки, биринчидан, гурухий

муайян топшириқ олади, яъни ўзига хос йўл-йуриқ олади. У гурух аъзолари учун мақбул бўлган мақсадларни маълум қилади, лекин бунгача бу мақсадларни унинг ўзи илгари сурмаган бўлади. Йўл-йуриқ, муаммо, масала топишмоқни ўз ичига олади. Бу ҳол жамоа аъзоларида тахминийтадқиқодчилик жавобини ва иш мақсадига интилишни вужудга келтиради. Жамоадаги муомала мунозара тусига эга бўлади, бу ҳол катнашчилардан илгари сурилган қоидаларни исботлашни талаб қилади, жамоага муаммони нотўғри ҳал этишга интилишга тезда жавоб қилиш, бир-бирини тузатиш ва тўлдириш имконини беради.

Жамоада муомалани ташкил этганда, ўқувчилар мухитида мавжуд бўлган ҳақиқий гурухларни назарда тутиш, бир-бирига меҳр билан қарайдиган ва ўзаро дўстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гурухларнинг хусусиятларини, уларнинг йўналиши, қизиқишилари, малакасини ва ҳоказоларини билиши, ҳисобга олиши ва улардан фойдаланиши керак.

Жамоа ишини ташкил этишда ва амалга оширишда вазифаларни тақсимлаш вақтида мазкур хусусиятларни ҳисобга олиш ишининг самарадорлигини оширади. Бу ҳол гуруҳдаги муомалани жамоанинг қизиқишилари соҳасига ва жамоанинг қизиқишиларини гуруҳдаги муомала соҳасига олиб киради. Масалан, жамоа етарли даражада обрў қозонган, жамоатчилик йўналишига эга бўлган гурухга муайян бир тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга бошчилик қилишни топширса бўлади. Қандайдир ўзига хос қизиқишиларии бор гурухга бутун жамоа учун бу қизиқишиларга мос келадиган ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиш таклиф этилади ва ҳоказолар.

Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларнинг шахсларо реал, яъни аниқ мавжуд булган алоқаларини ҳисобга олиш икки хил мақсадга: гурух аъзоларини жамоа ҳаётига жалб қилиш ва улар ўртасидаги муомалага таъсир кўрсатиш бундан ташқари ўз олдиларига қўйган ҳар бир мақсадига эришиш имконини беради.

Одам боласининг ривожланиши бу мухим жараён саналади. Бизга маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирлик даврида ривожланиш ниҳоятда қучли бўлади. Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши, ўзгариши шахс сифатида камолга етади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шахснинг камол топишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг хулқига, муносабатига ва алоқаларига ёши, билими, ҳаётий тажрибаси, одатлари ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана

шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри хал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг, табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмок керак.

Боланинг камолотига, руҳиятига, феъл-автори шаклланишига қўйидаги омиллар таъсир этади: биологик омил, ижтимоий омил ва тарбия таъсир этади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар.

Фаробий инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «муносиб инсон» бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яширишга олиб борадиган йуллар дейди. Абу Али ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беришга ёрдам беради.

У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак. Агар оиласда тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила баҳтли бўлади деган фикрни илгари суради.

Бола шахсининг ривожланишига, камол топишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсирэтади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир болага ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, буйи-басти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Буларнинг барчаси жисмоний хусусиятларга киради. Булардан ташқари олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма утади. Бу эса физиологик хусусият ҳисобланади.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан яна бири бу муҳитдир.

Муҳит деганда кишига стихияли таъсир этадиган ташқи воқеалар комплекти тушунилади. Бунга табиий муҳит ижтимоий муҳит, оила муҳити киради. Шулар билан бирга миромуҳит – оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош уругини кўради. Бола камолотида ижтимоий муҳит муҳим бўлиб ҳисобланади. Чунки бу ерда ишлаб чиқиш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар алоҳида таъсир қиласди. Бу хил муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди. Инсон камолотида ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда турлича бўлади турли социал гурухларга ҳам турлича таъсир этади.

Шундай экан, ҳозирги замон муҳитга, унинг инсон бўлиб ривожланишидаги таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Тарбия

мухит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Унинг фарқли томони ва хусусияти шундаки, тарбия аниқ мақсадни кўзлаб, системали равишда инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячининг раҳбарлигида амалга ошириб борилади.

29-Мавзу

Эзгу хулқ дўстликни,
Ёмон хулқ душманликни келтиради.

Дўстлик – инсон ахлоқининг бебаҳо гўзаллиги, ижобий фазилатлар гавҳари. Инсондаги барча гўзал фазилатлар бир марварид шодаси бўлса, унинг дур-гавҳари чин инсоний муҳаббатга асосланган дўстликдир, Дўстлик туфайли хонадонимиз обод, дунёда тинчлик ва дастурхонимизда тўкинлик ҳукмрон. Шунинг учун ҳам доно кишилар ҳамма жамиятда ҳам дўстликни улуғлаб, қадрлаб келганлар ва одамларни дўст бўлиб яшашга, кўпроқ дўст орттиришга ундағанлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалам ҳадисларидан бирида: «Бир-бирингизга ҳайр-эҳсонли, меҳр-муҳаббатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғиллу ғамлик кетади», - деганлар.

Дўстлик инсоннинг кучига куч, қудратига қудрат қўшадиган, кишини баҳтли қиласиган, ҳаётини безайдиган энг муҳим омиллардандир.

Халқимиз ўртасида дўстлик муносабатларига бағишлиб жуда кўп ҳикматлм сўзлар яратилганки, улар орқали дўстликнинг киши ҳаётида тутган ўрни ифода этилган. Жумладан:

- «Қора кунингда дўстинг ярайди».
 - «Дўст ачитиб, душман кулдириб гапирап».
 - «Қоқилганингда дўстинг суюб қолади».
 - «Ўзини сийламаган, ўртоқларини ҳам сийламас».
 - «Ўзингни қурбон қилиб бўлса ҳам, ўртоқларингни сақлаб қол».
 - «Кунинг қувноқ ўтишини истасанг, ўртоқларинг билан бўл».
 - «Улфат қанча кўп бўлса, кулфат шунча оз бўлади».
 - «Ақли кўпни дов олмас, дўсти кўпни ёв олмас».
 - «Яхшилар бўлса ўртоқ, кунда бўлурлар қўнок».
 - «Чин дўст чин юракдан сўзлайди».
 - «Арпа, буғдой бир кунинга ярайди, содик дўстинг ўлгунингча ярайди».
 - «Қалин ўртоқ – қариндошдан ортиқ».
 - «Яхши дўст давлат».
 - «Яхши либос – танга оройиш, яхши йўлдош жонга осойиш».
- Бу пурмаъно ҳикматли сўзларда эл-улуснинг бир умрли орзу-умидлари

яшайди. Мазкур ҳикматли сўзларда дўстлик ва ўртоқликка хос бўлган энг яхши ҳислатлар ифодаланганки, биз ўз ҳаётимизда уларга ҳар қадамда дуч келиб турмиз.

Дўстлик-биродарликнинг энг яхши ҳислатларидан бири кишиларга меҳр-шафқатли бўлишни англатади.

Масалан, бир синфда ўқийдиган ўртоқларимиздан бири бетоб бўлиб қолди ёки хонадонида бирор кўнгилсизлик рўй берди дейлик, шундай пайтда дарҳол ҳол-аҳвол сўраб, дардига малҳам бўла олсақ, нур устига аъло нур бўлади. Бунинг натижасида кишилар ўртасида яқинлик меҳр-оқибат ортиб боради.

Дўстликка хос бўлган яна бир ҳислат ўзаро ёрдам ҳисобланади. Биз ўқишида, меҳнатда, жамоат ишларида ўртоқларимиздан ёрдамимизни аямаслигимиз керак.

Дўстлик, ўртоқлик ришталарининг боғланиши ва мстаҳкамланишини таъминловчи бирмунча ҳислатлар бор. Жумладан, ростгўйлик, бир-бирини ўзаро ҳурмат қилиш ва сирдош бўлиш, ўртоқларга доимо ғамхўр бўлиш кабиларни ўз вақтида амалга ошириб борсақ, бизнинг ўртоқлигимиз ортиб, ҳақиқий дўстлик даражасига кўтарила олади, шунинг учун ҳам дўстлик ўртоқликнинг олий шаклидир, деб юритилади, чунки дўстлик аввало ўртоқликдан бошланади. Киши ўз ўртоқларидан бирини бошқалардан ортикроқ севади. Уни бошқалардан кўпроқ ҳурмат қиласи, унга нисбатан ўз мойиллигини амалда кўрсатишга тиришади. Иккинчи томон ҳам бу ҳурматга ҳурмат билан жавоб бериши айни муддао бўлади. Дўстлар доимо бир-бирларидан маслаҳат оладилар, бир-бирларнга мунтазам ёрдамлашиб турадилар, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирларини қўллаб-кўзвватлайдилар. Шундай қилиб, аввалги оддий ўртоқлар кейинчалик яқин дўст бўлиб кетадилар.

Дўстликни тор маънода, яъни икки киши орасидаги алоқадангина иборат, деб тушунмаслик даркор. Дўстлик тушунчаси ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, миллион-миллион кишиларнинг аҳил яшashi, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамжиҳатлигини билдиради. Ҳозир ҳам, бундан аввал ҳам ер курраси халқлари орасидаги байналмилад дўстлик жаҳон аҳамиятига эга бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Дўстлик – олтиндан қиммат, пул билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо нарса. Дўстликни сақлаш ер юзидағи барча халқларнинг, катта-ю кичик – ҳамманинг ҳаётий вазифасидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дўстлик аввал икки киши орасида бошланиб, кўпайиб, кенгайиб боради ва ижтимоий тус олади. Дўст орттириш ҳамма ёшда ҳам зарур, лекин ёшлиқда бошланган дўстликнинг илдизи жуда чукур ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам ёшларимиз иложи борича кўпроқ дўст орттиришлари ва бир-бирлари билан аҳил яшамоқлари керак. Дўстлик ширин суҳанликдан бошланади ва хушмуомалалик, очиқ кўнгиллилик, меҳр-садоқат билан мустаҳкамланиб боради. Енгилтаклик,

жиззакилик, иғғво-бўхтонга берилиш ва ўзаро ҳурматнинг йўқолиб бориши дўстликка раҳна солади, унинг емирилишига олиб келади. Дўстлик ўрнини душманлик, фаразгўйлик эгаллайди.

Ота-боболаримиз дўстликни юқори даражада қадрлашган. Дўсти йўқ одамни қуриган дарахтга, жисман мавжуд бўлса ҳам қалбини ўлик мурдага ўхшатишган. Дўсти кўп одамни ҳурмат қилишган. Дўст орттириш учун меҳнат қилиш, бирорларнинг юкини кўтариб мушкулини осон қилиш кераклигини уқтиришган.

Ривоят. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад деган шогирди ҳам дўсти бор экан. Шоир уни жуда яхши кўрар, шогирди бўлса ҳам қадрдон, сирдош дўсти, деб билар экан. Кунлардан бир куни Паҳлавон Муҳаммад кичик бир гуноҳ қилиб кўйиб, шу туфайли Султон Ҳусайннинг қаттиқ ғазабига учрабди. Вокеа бундай бўлибди: Султон Ҳусайн ғазаб отига миниб турган бир пайтда Паҳлавон Муҳаммаднинг гуноҳ иш қилиб қўйганини етказишибди, Ҳусайн Бойқаро:

- Паҳлавоннинг соқол-мўйловини қириб ташланглар, сўнг калтадум либос кийдириб, кўча-кўйда сазойи қилинглар,- деб буйруқ берибди. Паҳлавоннинг бундай жазога гирифтор бўлганини Алишер Навоийга айтишибди. Навоий, агар бу жазо амалга оширилса, Паҳлавон Муҳаммаднинг иззат-нафси камситилиб, у бунга чидай олмаслигини англаб, уни бундай шармандалиқдан қутқазиш ҳаракатига тушибди. Тезлиқда Ҳусайн Бойқаро ҳузурига етиб бориб:

- Султони бокарам, маълумингизки, мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимиздан бир хил кийинамиз, бирга соқол-мўйлов қўйиб, дўст-биродар бўлиб юрамиз. У бошқа кийиниб, мен бошқа кийиб юрсам, ўртадаги аҳд бузилиб, гапимиз тузсиз, ўзимиз субутсиз бўлиб қоламиз. Буюрсангиз, менинг соқол-мўйловларимни қирсинлар, менга ҳам ҳудди Паҳлавон Муҳаммадга берилгандек калта либос кийгизилиб, дўстим билан бирга сазойи қилсинлар,- дебди.

Навоийнинг шогирди ҳамда дўстига бўлган садоқатини, меҳроқибатини кўрган Ҳусайн Бойқаро ғазабидан тушиб қолганини ўзи ҳам билмай қолибди-да:

- Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтдим, жазо қолдирил-син, - деб фармон берибди.

Биз тарихда катта нжобий фазилатлари билан ком қозонган улуғ боболаримиздан ҳамиша ибрат олиб яшаймиз. Оклада, мактабда, кўча-кўйда, маҳаллада, давраларда ёшларимизни дўст орттиришга чақирамиз. Ешлиқда боғланган дўстлик иплари мустаҳкам бўлади, уни ғийбат, тухмат шамоллари уза олмайди. Дўстинг билан бир умрга боғланиб қолсанг, кайфиятинг яхши бўлса, уни баҳам кўргани, диққат бўлсанг уни ёзгани дўстингникига борасан, меҳмон бўласан ёки дўстинг ҳам шундай ҳолатларда сеникига келади, кўнглини ёзди.

Меҳмоннавозлик дўстликни мустаҳкамловчи омиллардан биридир.

Чунки меҳмонни қузатиш жараёнида мезбондаги сахийлик, пазандалиқ тозалиқ инсон ку'нг-лики олиш каби олижаноб фазилатлар намоёа бўлади. Дустлик анъаналарига садоқатли оиласа меҳмон келиши байрамга, хурсандчиликка айланадя. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг» ғазалида бу хақда ажойкб фикрлар бор.

Дўст билан обод уйинг,
Гар булса у вайрона ҳам,
Дуст қадам куймас эса
Вайронадир кошона ҳам. Интизор ҳар уй қадрдон
Дилкушолар базмига. Гар оиц қўйса қабо^ат
Ииглагай стола ҳам. Дуст ^идир, дуст топ жа^онда
Дуст юз минг булса оз, Куп эрур бисер душман
Булса у бир дона ҳам.

Абу Али ибн Синонинг фикрича, иисонда ахло^ий сифатларнинг камол топишида яхшқ хуштабиат, клм-ли дуст катта урин тутади. «Яхши дуст ойиздир,— дей-ди олим,— унда кишининг бутун яхши ёки ёмон томон-лари акс этади». Яхши дуст уз ва^тида урторининг ёмон Килиқларини курсатади, ^зининг маслаҳати ва хулқ-одоби билан уларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ибн Сино дўстликнинг уч хил кўринишини айтиб ўтади.

1. Ҳақиқий дўстлик - бунда дўстлар ҳар қандай шароитда, жумладан ҳаётда юз берган энг оғир дамларда ҳам бирга бўладилар.

2. Бойлик, амал-даражада туфайли боғланган дўстлик.

3. Ягона мақсад ва ғоявий бирлик асосидаги дўстлик.

Булардан биринчи ва учинчиси мустаҳкам, ҳақиқий ва бузилмас, иккинчиси эса, муваққат ва мустаҳкам бўлмаган, сохта дўстлик эканини таъкидлайди.

Форс-тожик адабнётининг мумтоз намояндаси Абду-Рахмон Жомий фикрича, киши муайян ҳаёт кечириб тарбияланар экан, демак, бошқа одамлар билан алоқасиз яшай олмайди. Ҳар бир кишининг дўстона, ўзгаларнинг ёрдамисиз камолотга эришиши жуда қийин. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишкнинг ўзига муносиб, ҳақиқий дўсти ва ёр-биродари бўлишн лозим.

Чин дўст ул дўстлиги ошаверса гар,
Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам,
Бошига минг жафо тоши ёғилса,
Мехр уйи у тошдан бўлар мустаҳкам,-
деб Жомий дўстликка катта баҳо беради.

Бирор билан дўст тутинган киши ўз дўстининг камчиликларини бартараф қилишга, яхши хулқ сифатларини эъзозлашга ёрдам бериши керак. Лекин, иккинчи томондан, дўстларининг айбини ўзигагина айтиш лозим, аммо бегоналар олдида камчилигини айтиб, мулзам қилиш чин дўстнинг иши эмас. Ҳаётда ҳақиқий дўстлардан ташқари, сохта нодон дустлар ҳам учраб туради. «Сохта дўстдан ошкора душман афзал» дейишади. Айрим сохта

дўстлар борки, улар бошқаларнинг бойлигига учиб, шахсий манфаатлари йўлида дўст бўлишга интиладилар. Бундай қалбаки дўстликни жомий каттиқ қоралайди.

Жомий ҳақиқий дўст дўстликнинг ҳамма қонун-қоидаларига риоя қилиши, дўстига ҳар қандай йўл билан ёрдам кўрсатишга интилиши, агар зарур бўлса, ҳатто жонини бериши кераклигини таъкидлайди. Бундай дўстликнинг намуналари ўзбек халқ; оғзаки ижодсиз дўстёзма адабиётида ҳам ардоқланиб, ориздаи-огизга кучиб, улуглаб келинади. Масалан, ўзбек хал қ достон «Ал-помиши» да унинг етакчи образлари Алпомиши ва Қоражон ўртасидаги дўстлик туфайли асар воқеаларидағи зиддиятлар яхшилик зва нителйдаснга ҳал бўлади.

Чунки, бу дўстлик Алпомиши билан Қоражон ўртасидаги самимият, адолат ғалабаси учун кураш қўлидаги ягона мақсад билан мустаҳкам боғланган дўстликдир. Алишер Навоий дўстлик, ростгўйлик, ўртоқлик мадҳини баралла куйлаган ва шу фояни ривожлантиришга ҳисса қўшган. У Фарҳод билан Шопур, Мажнун билан Навфал, Ширин билан Меҳинбону образларини яратиб, ана шу образлар тимсолида киши кишига дўст, биродар бўлиши ҳақидаги азалий орзуларини беназир мадҳ этган. Инсон ва унинг қадр-қиммати Навоий ижодида марказий ўринни эгаллайди. Навоийнинг фикрича, халқни ўйлаган кишигина ҳақиқий инсондир. Шунинг учун ҳам шоирнинг:

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йуқ халқ ғамидин ғами,

- деган байти халқ ҳикматига айланиб кетган.

Навоий инсонларни миллий, ирқий ва диний эътиқодларидан қатъи назар, бир-бирлари билан иноқ яшашга даъват этади.

Навоий дўстликни улуғлайди. Шу билан бирга, соҳта ғараз билан дўст бўлувчи кишиларни қоралайди.

Ҳақиқий дўст кишининг оғир, аламли-дардли кунларида ҳамдам бўлади. Дўстликнинг энг муҳим ва асосий шарти вафодир,- дейди шоир.

Вафо - халққа, давлатга, дўст-ёрларга ҳар қандай қийинчиликлардан кўрқмай, садоқат билан хизмат этиш ва ёрдам бериш демакдир.

Вафодорлик инсонни, дўстларни севиш, хурмат қилиш демакдир:

«Ёрки, бора анда вафо ёр бил,
Умр деган ёри вафодор бил».

Хукмрон доиралардан вафосизлик ва ҳаёсизлик кўрган Навоий кишиларнинг вафодор бўлиши зарурлиги ҳақида жуда кўп фикрларни айтади. У, аввало, бу ҳислатга ўзи амал қиласди ва барча асарларида бунга даъват этади.

«Бобурнома»да ҳам дўстлашиш, уни эъзозлаш ҳақида ёшларга ибрат бўларли насиҳатлар жамланган. Чунончи дўстга ҳамиша эътиборли бўлиш, зиёратга бориш, яхши-ёмон кунида ҳамдардлик қилиш, дўсти кўп киншининг айблари сир тутилиши, фазилатлари кўпайиши, янги дўст топганда эскисидан юз ўгирмаслик ва бошқалар уқтирилади.

Бир куни Искандардан сўрабдилар:

«Бунча оз сармоя билан бу миқдор кўп мулкни қандай хислат билан қўлга киргиздинг?»

Искандар жавоб қилди:

«Душман бирлан илтифотли муомала қилиш, ўзаро келишувчи ҳамда дўстларга садоқатли бўлиш ила шунча мамлакатни қўлга олдим, яна билгинки, дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдир. Агар дўстинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдан эҳтиёт бўл, бундай дуст душман тарафидан сенга ёмонлик қилишдан ҳам андиша қилмарай. Сенинг дўстингга душман бўлғон дўстдан парҳез этгил-мурувватсиз, фазилатсиз кишини дўст тутмагилки, бундай кишининг ҳосияти бўлмас ва уларни ош-нон дўстлари тоифасидан билғил, ор ва номус дўсти эмасдурлар. Яхшиларга кўнгил била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳамустлиги сенга нисбатан ҳосил бўлсун, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстига тушмағусидир.

Дўстликка лойик одамни икки нарса била билса бўлур: бири улки, дўстига тангдастлик етишғон вақтда қудрати етгунча молин дўстидан дариф қилмас ва қашшоқлик вақтида ундин юз ўгирмас; яна бири улки, дўсти бу жаҳонда ўтғондан сўнг ул дўстининг фарзандларини, қариндошлари ва дўстларини йўқлаб, уларга яхшилик кўргизгай. Гоҳ-гоҳ ул дўстнинг мазори зиёратига борғай ва ҳасрат чекиб, дуолар қилғай.

Ҳикоят. Сукрот ҳакимни ўлдириш учун олиб боришаётган чоғда шогирдлардан бир жамоа унга ҳамроҳ бўлиб борар эдилар. Улар йиғлаб, зорлиғ қилиб сўрадилар: «Ҳай ҳаким, энди ўлимга кўнгил қўймишсан, айтгил, сени қайси ерга дағн этайлик?» Сукрот табассум қилиб деди: «Қай жойни кўнглингиз тиласа, ул жойга дағн қилинг, яъни менинг жасадим қайда бўлса, сўнгакларим унда бўлғай, факат мени ёд қилсангиз бас».

*Одамлар била дўстлигинг ўртача бўлсун,
Дўстларингнинг эътиқодидан гофил бўлманг.*

Дўстликни фароғлиқда ва тангдастликда имтиҳон қилғил, фароғлиқда роз ва таом била, тангдастликда суд ва знён била. Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демагил. Таъмагир, кекчи дўстдин узоқ бўлғул.

Юсуф Ҳожиб ҳам «Кутадғу билиг» асарида улфат тутиш ҳақида, уларга ҳамиша эътиборли бўлиш, ҳамдардлик кўрсатиш, зинҳор дилларига

озор етказиб, дўстни душманга айлантирмаслик ҳақида фикр билдради. Чунончи:

*Кўнгил деганлари мисоли шиша,
Синиб қолмасин у, уни ҳамиша.
Кўнгил нозиклиги бу сўзга нишон,
У иссиқ-совуқда боғлиқ ҳар қачон.
Жура кўнгли синса, булар ички ёв.,
Қайдা ёв бўларкан, кеки-беаёв.*

Ёви бор одамнинг ҳаёти totli бўлармиди? Ёви бўлган, ёви билан уриша-уриша қариган киши нима дейди, эшитгин:

*Душманим кичик деб гафлатда қолма,
Нега қўрқайин деб сен шов-шув солма.
Ёвинг бўлмаса, асло ғомил бўлмагин,
Ёвга ёв, яхшига яхши бўл, толма.*

Муаллиф фикрини давом эттириб кимнинг дўсти кўп бўлса, унинг исми ёйилади. Барча ишлари ўз вақтида адо этилади. Дўстлар кишининг яхши томонини оширади, айб-нуқсонларини яширади, дейди.

Агар яқин дўстлар, қариндош-урӯғлар сендан оёқ узиб кетгудек бўлсалар, сен ўзинг яқинлик ипларини улагин, деб насиҳат қиласди.

*Яқин бўлса кўнгил, йироқ ер яқин,
Вафо билан аммо яқинлик тагин.
Шарқу Farb ораси бир ўрлам ердир,
Вафо деб билса ким яқинлик ҳақин.*

Дўстлик, ўртоқлик, ҳамкорлик, биродарлик, аҳиллик ва бирликнинг улур кучи ҳақида мақоллар, ҳикматларда ҳам ажойиб фикрлар мавжуд:

Бирлашган дарё бўлар, Тарқалган ирмоқ бўлар.
Бирлашган куч – енгилмас; Дўстдан-дўст камол топади.

Дўстинг мингта бўлса ҳам нам дегин, Душманинг битта бўлса ҳам кўп билгин.

Инсон ҳамма вақт яхши кишиларга яқинлашишга ҳаракат қиласди, бу хусусият жуда эрта, болалик чоғидан бошланади. Ҳар биримиз ёшлиқданоқ ўз тенгимиз билан ўйнаб, дўст тутинишга иитиламиз, ҳаёт ва меҳнатда, бошга ҳар хил иш тушганда синашда бўлганлар билан дўстлашамиз. Баъзи дўстлар содик бўлиб қолади, баъзилари ажрашиб кетади. Зотан, доно дўст, шинаванда улфат, ғамгузор ўртоқ орттириш жўн иш эмас, албатта.

Бу ўринда, дўст ва ўртоқ орттириш ҳақида бир ривоят келтириб ўтишни лозим топдик.

Ривоят. Бир куни Абу Ҳусайн Абдуллоҳ вояга ета бошлаган ўғли Ибн Синони ёнига чақириб:

- Сиз шаҳзодаларни даволаш учун саройга кўп қатнамоқдасиз. Хоҳлардимки, ўзингиз сарой курсантингиз. Сиз қурган сарой шаҳар ва

қишлоқда сон-саноқсиз бўлса.

Ибн Сино «хўп» деб отаси олдидан чиқибди-ю ўйланиб қолибди. Кўплаб сарой қуриш учун пулни қаердан олишга боши қотибди. Орадан бир неча кун ўтгач, донишманд оқсоқолнинг олдига борибди ва отаси истагини айтибди.

Бухорои шарифга атрофдан одамлар кўп келади. Ана шу одамлар билан кўнгил боғланг, яхшилик қилинг, шаҳару қишлоқларни айланинг, bemorларни даволанг, кўнгил яраларига малҳам бўлинг. Сиз яхшилик қилган беҳисоб одамларнинг хонадони сиз учун беҳисоб сарой бўлади. Қачон борсангиз сиз учун очик турди. Отангиз ана шуни орзу қилибди.

Дўстлик гулдан нозик, пўлаттан қаттиқ, довулдан қучли, дейишади. Дўстлик ўзаро муносабатда самимиликни, зийракликни, ростгўйликни, тўғриликни талаб этади. Масалан, бир киши дўстига кўп яхшиликлар қилган дейлик: қийналиб қолганда уни самими қўллаб-қувватлаган, кўнглини кутарган, моддий ёрдам бериб турган. Яхшилик кўрган киши дўстининг бу яхшиликларини унугани йўқ, аммо яхшиликка яхшилик билан жавоб беришга ҳали унинг қурби етмайди. Нима бўлди-ю, дўстининг кўнглига ёқмайдиган бир гап айтиб, ранжитиб куйди. Шундан сўнг яхшилик қилган одам кўпчилик ичиди: «Фалончига шунча яхшиликлар қилдим, билмади, нонкўрлик қилди», - деб шикоят қиласди. Шунда яхшилик кўрган одам ҳижолатда қолади. «Нега ўша нарсаларни олдимг, деб афсусланади. Халқимизда «Миннатли ошни ит ҳам ичмайди», - деб бекорга айтилмаган.

Бу ўринда дўстига яхшилик қилган одам андишасизлик қиляпти. Агар киши одамгарчиликни, ўзаро ҳамкорликни, дўстликни бир ёқлама тушунса, у дўстини тез ранжитиб қўяди. Ёрдам кўрган киши ҳатто шу ёрдамни унутиб қўйгандага ҳам буни унинг юзига солиш одобдан эмас.

Ҳар бир яхшилик беминнат, бетаъма бўлганда маъқулдир. Айтадиларку, «Яхшиликни балиқда қил, балиқ билмаса ҳолиқ билади» деб, Внжданан айтганда дўстининг қилган яхшилигини билиш, унга миннатдорчилик изҳор қилиш, яхшилик-ка яхшилик билан жавоб қайтариш яхшилар ишидир.

Ҳаким айтади: Ташаккур – дўстнинг қилган яхшилигини эътироф этиш, унинг ўзига сўзлаб миннатдорлик билдиришdir. Ташаккурнинг ғояси – яхшилик қилган кишининг қилган яхшилиги тан олинганини, ўринсиз кетмаганини билиши, яхшилик қилган кишига унинг ҳимматини, гўзал ахлоқини эътироф қилишdir. Яна бу муносабат фурсат келганда, сен ҳам унга яхшилик қилишга шошил, дўстингнинг қилганига яраша қайтара де-ганидир.

Хўш, шундай экан, дўст-ўртоқларни кўпайтириш учун қандай муомала-муносабат лозим? Бунинг учун киши бирор билан дўст-ёр бўлса, ёки дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво ўурмаганини унга ҳам раво кўрмаслиги керак, баъзи нохуш нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, дўстига раво кўрмаслиги лозим.

Ривоят: Қадим замонларда бир мамлакатда икки қалин ва иноқ дўст бўлган экан. Улар замена зайли билан бир-бирларидан ажралишиб, бир неча йиллардан сунг яна учрашиб қолибдилар. Улардан бири жуда бо-йиб кетган, иккинчиси эса фақир ҳолда экан. Фақири қадрдан дусти билан бир дилдан сухбатлашмоқчи бўлибди. Бадавлати эса дўстини танимай, кеккайган ҳолда ундан: «Сен кимсан ва нима учун менинг ҳузуримга келднинг?»- деб сўрабди. Шунда фақир унга:- Мен сенинг қадрдан дўстингман. Сени кўр булиб қолибди деб эшиждим. Шунинг учун сени кўргани келгандим,- деган экан.

Бир донодан сўрашиди:- Дўстлик рамзи нима?

Доно кекса айтди:--дўстлик рамзи – дилкаш ва елкадош бўлмоқ, аммо, яна унинг уч шарти бор: биринчиси - дўстликни авайламоқ, иккинчиси — уни зиён-захматдан сақламоқ, учинчиси – яхши емоқ кунда ҳам-дам бўлмоқ. Дўстлик фазилатини билганлар турмуш зийнатини топадилар. Ҳар бир киши ўзининг қайғуси ёки шодлигини кўнгил тортар дўстига айтиб, юрагини ёзгиси келади. Дўст ўзининг юпатувчи сўzlари, оқил маслаҳатлари билан дўстининг дардини енгиллаштиради, шодлигидан қувонади.

Одамлар ўртасидаги дўстлик кўпинча очик кўнгиллилик, тўғрилик, мақсад бирлиги ва ана шу ягона мақсадга содиклик асосида мустаҳкамланиб келган.

Дўстлар бир-бирларига ҳеч вақт хиёнат қиласликлари ва бир-бирларининг сирларини бошқа бирорларга айтмасликлари, ўзаро ҳурмат ва ишончни ардоқлашлари зарур.

Дўстлик ўз вафоси билан гўзалдир. Ваъдага вафо қилиш, ҳамдам, ҳамдард бўлиш самимий дўстликнинг белгиларидан биридир. Халқимизда турли маъракаларни кўпчилик билан бирга ўтказиш одати бор. Шундай кунларда дўстига дўстнинг ёрдами ниҳоятда зарур. Катта маъракаларда ёшлар қиладиган юмушлар кўп бўлади. Шундай чоғда дўст хонадонида ўтаётган маъракада хизматини аямagan ўғил-қиз эл ҳурматига сазовор бўлади.

Айрим педагогларимиз турли хил маъракаларда ёшларнинг иштирок этишини ёқтирмайдилар. Аслида эса бундай йигинлар йиллар ўтиб, ёшларимиз бошига ҳам тушади. Шуми ҳисобга олиб, бундай маъракаларни ўтказишни, унда хизмат қилиш одобнни ва дустининг раму шодлигига шерик бўлишни ёшлар ўрганиб боргани.

Шундай қилиб, ҳаёт тажрибалари дўстликни мустаҳкамловчи қуйидаги омилларни вужудга келтирди:

- 1) ўзаро ҳурмат ва ишонч;
- 2) дўстга содиклик;
- 3) зарур пайтда бир-биридан моддий ва маънавий ёрдамини аямаслик;
- 4) камчилигини ётиғи билан ўзига айтиб тузатиш;
- 5) дўст сирини сақлай олиш;
- 6) дўстнинг шодлигидан қувониш, ташвишига шерик булиш;
- 7) мақсад бирлиги;

- 8) ўзаро (муносабатда самимилик, зийраклик, ростгүйлик, түғрилик;
- 9) бир-бируни юракдан қувонтиришга интилиш.

Хикматли намуналар

Тангрига иймон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали бу одамлар билан дўстлашиш, яъни солих амаллар қилишдир.

Олий ҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст ортиради, пасткаш эса неча йиллик ошнолигини бир лаҳзада барбод қиласди.

Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига тенг.

Сир сақлаш – тил остига чўғ олиб туришдан ҳам мashaқатлироқдир.

Киши биродари учун хикматли сўздан афзалроқ нарса ҳадя қилолмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Тангри уни тўғри йўлга солиб қўяди ёки ёмон йилдан » қайтаради.

Дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан ёмондир.

Ҳисобли дўст ажралмас.

Инсон қўлга киритган ўлжаларидан энг ҳайрлиси самимий дўстликлар.

Айбсиз дўст қидирган кишининг дўсти камайиб қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди.

Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий сухбатлашишлари ва биргаллашиб сайру саёҳат қилишлари.

Давлатли, неъматли бўлган вақтингизда дўстларки ёдга олинг.

Душманингизни кичик деб ҳисобламанг. Агар душманингиз дўст бўлмоқчи бўлса андиша қилманг.

Дўст ғам ва кулфат вақтида маълум бўлади.

Фақирларни дўст тутинг, чунки давлатмандларни шундок ҳам барча дўст тутади.

Кимки дўстларининг душманлари билан сулҳ қилса, дўстларига озор берган бўлади.

Дўсту душман билан муомалада эҳсон йўлини тутки, дўстларнинг меҳру-муҳаббати ортади, душманларнинг адовати камаяди.

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишидир.

Ҳаёт таъми дўстликдадир.

Фақат маслаҳат бериб, қўлини чўзмайдиган дўст яrim дўстдир.

Дўст тутишдан олдин у билан аввал туз-намак бўл.

Бахт дўстлик келтирса, бахтсизлик уни синовдан ўтказади.

Мехмондорчилик қанча қисқа бўлса, дўстлик шунча узаяди.

Виждони нопок одамлар билан дўст тутинма. Совиб қолган дўстликни иситиб бўлмас. Атрофинги девор билан эмас, дўстлар билан ўра. Жағлар бирлашиб дарс бўлар.

Дарахг – шохсиз, шон-шуҳрат – сафдошсиз, дўстсиз бўлмайди.

Дарахт – дарахтга, одам;- одамга суянади. Дўстлик – умр баҳорининг гули. Дўстлик ўлимни енгади.

Дўстлик – бебаҳо бойлик, дурдона. Бу кўнгил бойлигини қўз қорачиғидек сақлашимиз, қадрлашимиз лозим. Дўстликда қадрланадиган томонлар: ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ишонишдир. Дўст билан бирга бўлиб, ўзига маънавий озиқ олиш, лозим бўлганда дўстдан моддий ва маънавий ёрдамнни аямаслик, унинг муваффакиятидан қувониш, қайғусига шерик бўлиш, хато-камчиликларини юзига айтиб тузатиш, дўстнинг сирини ошкор этмаслик, дўстликнинг қадрига етиш кабилардир.

Дўстликнинг бузилишига олиб келувчи сабаблар: мувофиқлик, ғаразгўйлик, сохталиқдир.

Савол ва топшириқлар

- 1.** Дўстликни улуғловчи мақол, ривоят ҳамда ҳикоятларни топинг ва маъносини сўзлаб беринг.
- 2.** Инсон ҳаётида дўстнинг тутган ўрни қандай?
«Дўстлик – барча бойликдан афзал»,
«Дўстинг учун заҳар ют».
«Дўстнинг сўзини ташлама»,
Ташлаб бошинг қашлама» - каби халқ маколларини изоҳланг.
- 3.** Кимни дўст дейиш мумкин? Қандай қилиб дўстлар орттириш керак?

30-Мавзу

Синф раҳбарининг иш усуллари – бу синф жамоалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўқувчиларнинг онги ва ҳис-туйғуларига таъсир этиш усулларидир. Синф раҳбари тарбия усулларидан ўз иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланади. Турли хил ўзаро боғланган мажмуани кўлланиш болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг маънавий қиёфаси онги, эътиқоди, ахлоқий туйғулари ва хулқ-авторини таркиб топтиришга ёрдам беради.

Синф раҳбари ўқувчиларни фаолиятга жалб этади, тарбия жараёнида алоҳида ўрин эгалланди, бу фаолият уларнинг ижтимоий фаоллигини таркиб топтиради. Турли хил жамоа ишларида ўқувчи ишининг ижтимоий мазмунига кўра билишга ўрганади, ўзининг тенгдошлари ва катта кишилар билан бўладиган муносабат доирасини кенгайтиради, маънавий бойликларни ўзлашиб олади. Синф раҳбари иш-фаолиятининг асосий вазифаси шахснинг ўз муносабатларини ва фаол ўрнини таркиб топтиришдан, шахсий туйғулар ва ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг муайян бир йўлини

ривожлантиришдан иборатдир.

Синф раҳбарининг тарбиявий имкониятлари ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Бунда муайян усулларни қўллаш зарур. Виз қуида ана шу усуллардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

Фаолиятнинг бирор мақсадга қаратилганлиги аввало барча ишларнинг шахснинг ижтимоий қимматли, ғоявий-ахлоқий сифатларини тарбиялашга, синф жамоасининг мақсадга эришишга қаратилганлиги сифатида намоён бўлади. Бирор мақсадга қаратилганлик яна шунда ифодаланадики, фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятли мақсади ўқувчиларнинг ўзлари томонидан қабул қилинади, англаб олинади ва амалга оширилади.

Бирор мақсадга қаратилганлик ўқувчиларнинг **фаоллиги** ва мустақиллиги талаби билан мустаҳкам боғланган. Ижтимоий фаолиятда фаоллик кўрсатиш ҳар қайси ёшдаги ўқувчига хосдир. Кичик ёшдаги ўқувчи кўп нарса қилишни истайди, аммо ўзининг имкониятлари даражасини билмайди, етарли малака, сабот-матонат, қатъийликка эга эмас. Ўқувчиларни ишга аста-секин жалб қилиш, уларга тобора купроқ мустақиллик бериш жамоа ҳаётининг мураккаблашиб борувчи меъёрларини эгаллаб олишга ёрдам беради.

Фаолликка ва мустақилликка таяниш ҳар қандай аниқ ишни ташкил этиш услубиётida асосий талаблардан бири сифатида намоён бўлади. Агар ўқувчилар бирор кечани ўтказишга қарор қилган бўлсалар, бу қарорга ўзлари келишган бўлишлари керак у синф раҳбари томонидан танланган парчаларни шунчаки ёдлаш ва уни ўқиши билан алмаштирилмаслиги, балки кечани тайёрлаш жараёнидаги қизгин ва фаол ишлар давомида амалга оширилиши лозим. Ўқувчиларни жамоа ишига жалб қилиш йўли билан уларнинг онги ва хулқ-авторига таъсир этиш жараёни амалга оширилади. Агар ўқувчилар ўз ишларининг ижтимоий маъносини англасалар, қийинчиликларни енгиб ўтсалар, ижтимоий мақсадга эришсалар бу жараён самарали бўлади.

Ёрқинлик ва жўшқинлик талабидан келиб чиқиш синф раҳбари иш фаолиятига янгича рухва мазмун баҳш этади. Агар ўсмирлар олдида ёрқин, қизиқтирувчи мақсад бўлса, улар жуда кўп ишларни амалга оширишлари мумкин. Синф анъаналари ва байрамларини нишонлаш, торларга, шаҳарларга саёҳат қилиш қайси уқувчини бефарқ қолдиради дейсиз? Гап болаларнинг кунглини олиш, улар учун мумкин қадар кўпроқ байрамлар уюштиришда эмас, балки синф жамоасининг қундалик ҳаёти етарлича ёридин ва жушқин булишида, ижтимоий йўналиш олган фаолиятда қувончли кечинмалар пайдо бўлишидадир.

Ўқувчиларнинг ғоявий-ахлоқий жиҳатдан ўсиши, ижобий сифатларнинг таркиб топиши, шахснинг ривожланишидаги камчиликларнинг йўқотилиши – бу тарбиявий натижадир.

Синф жамоаси фаолиятига баҳо беришда қилинган ишлар микдори, олинган ёрликлар, мукофотлар сонига қараб-эмас, балки ўқувчилар жамоасининг ташкил топишида рўй берган аниқ ижобий ўзгаришларга

эътиборни қаратиш керак.

Аввало ижобий тарбиявий натижаларни баҳолай билиш ва шунга интилиш – синф раҳбарининг услугубий жиҳатдан қуролланганлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этиш. Ўқувчиларнинг ўз меҳнатларининг ижтимоий аҳамиятини англаб этиш синф раҳбари ишини услугубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини билдиради.

Меҳнат қилиш орзуси турли сабаблар билан пайдо бўлиши мумкин. Агар синф раҳбари ҳар қандай ишни ташкил этишда ишнинг ижтимоий аҳамиятини англашни назарда тутувчи юксак даражадаги мавзулар (сабаблар) ҳақида қайғурса, ҳар бир иш ўқувчидаги меҳнатда қатнашишнинг барқарор кўникмалари, унга эҳтиёж тарбияланишига ёрдам беради.

Ўқувчилар жамоасида агар меҳнатдан кўзланган мақсаднинг ўзи аниқ ифодаланган юксак маънога, кўтаринки руҳга эга бўлса, синф раҳбари осонгина меҳнат қилиш истагини юзага келтиради.

Одатда, ўқувчилар ўzlари учун қизиқарли иш бўлиб кўринган меҳнат топшириқларини бажаришга киришадилар. Мактаб ҳовлисини тозалаш, синфда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш каби ишларда кишини жалб қиладиган нарсалар кам. Бу ўринда синф раҳбари болалар бажараётган ишларнинг аҳамияти ҳақида гапириб бериш, уларнинг умум ишига қўшаётган ҳиссалари нималардан иборат эканлигини тушунтириши керак.

Синф раҳбаридан ўқувчиларга шу нарсани кўрсата билиш талаб этиладики, синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишлари – ўқувчиларнинг катталар билан биргаликда иштирок этадиган муҳим ижтимоий ишларнинг бир қисмидир.

Меҳнатни ташкил этишда болаларнинг ёшини ҳисобга олиб ёндошиш талаб қилинади. Бу ҳар бир маълум ёш учун меҳнат топшириғининг оғир-енгиллигини, меҳнатнинг турли даражада англашилишини ҳисобга олиш демакдир.

Меҳнат кўтаринкилигини бажарилаётган ишнинг охиригача сақлаб туриш жуда муҳимдир. Кўпинча болалар иштиёқ билан ишга киришиб, тезда чарчаб қоладилар, меҳнат турларини чала-чулпа бажарадилар. Ўқувчидан ишни охиригача етказиши талаб қилиш, уни ўз кайфиятини бошқара билишга ўргатиш, чарчаши енгиш, зерикиш ҳиссини йўқотиш – буларнинг ҳаммаси меҳнатда шахснинг ахлоқий машқ қисмлари сифатида намоён бўлади.

Меҳнат топшириқлари қандай бажарилганлиги, жамоанинг ҳар бир аъзоси қандай ишлаганлиги, ишга қандай муносабатда бўлганлиги, ижодий ташаббус, зехн, ўртоқларча ўзаро ёрдам қандай намоён бўлганлиги билан қизиқиши айниқса муҳимдир. Бу масалаларни бутун синф жамоаси билан муҳокама қилиш ижтимоий қимматли ахлоқий сифатларнинг тарбияланишига ҳамда жамоада самимий ва дўстона муносабатларнинг вужудга келишига ёрдам беради.

Ижобий намунада тарбиялаш синф раҳбари иш фаолиятида жуда катта ўрин тутади. Ижобий намуналар тақлид қилиш учун яққол намуна сифатида жуда катта ишонтирувчи ва илҳомлантирувчи кучга эга. Ибратли мисолнинг тарбиявий кучи болаларнинг тақлид қилишга мойиллиги ва қобилиятига асосланган. Болаларда етарли даражада билим ҳамда ҳаёт тажрибаси бўлмагани учун атроф-теваракдагиларнинг хатти-харакатини ва қиликларига дикқат билан қарайдилар, уларга тақлид қиласидилар, катта кишилар ўзларини қандай тутсалар, улар ҳам ўзларини шундай тутишга ҳаракат қиласидилар. Ижобий намуналар тарбияни яққолроқ, кўрсатмалироқ қиласиди, унинг ҳаёт билан борлиқлигининг қарор топишига ёрдам беради.

Тарбиявий ишда ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг шахсий намуна кўрсатишлари, ўзларидан катта авлоднинг энг яхши меҳнат намуналари, юрт мустақиллиги учун курашчилар ҳаётидан мисол сифатида фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Ижобий намунани идрок қилиш ҳамда ўқувчиларнинг унга бўлган муносабати болаларнинг ёшига – қараб фарқ қилди.

Масалан, 8-10 ёшли ўқувчиларни, ғунчалар ҳамда кичик ёшли болаларни ёрқин воқеалар, машҳур кишилар ҳаётидан олинган мисоллар қизиқтиради, лекин улар ҳали мустақил ишлар олиб боролмайдилар.

Қаҳрамонлик саргузаштлари билан қизиқиш – кичик ўсмирлар, 11-12 ёшли ўқувчиларга хос хусусиятдир. Улар бу ҳақидаги китобларни берилиб ўқијди, китоб қаҳрамонларининг жасоратли, шижаотли, мардонавор ишларига қизиқади, атрофдаги кишиларда ана шу сифатларни қадрлайди. Ботирлик ва мардлик ўсмир ҳаётининг фаол қирраларига айланади. У кўпинча увий ҳам кучли, ботир, кўрқмас, жасоратларга қрдир деб билади. Бу ҳол уларни кўпинча жасоратнинг фақат ташқи томони билан қизиқишини кўрсатади, қаҳрамонликлар қандай мақсадда амалга оширилганлиги ва уни келтириб чиқарадиган сабаблар билан борланмайди.

Бу ёшдаги ўқувчилар чинакам жасоратда юксак ахлоқий софлик, кишиларга бўлган чексиз муҳаббат, зўр самимийлик намоён бўлишини ҳар доим ҳам тушуниб етмайди. Синф раҳбарининг дикқат эътибори ўқувчилар тушунчасининг шунга ўхшаш чекланганлигини бартараф этишга қаратилиши керак.

Катта ёшли ўқувчилар, яъни 13-15 ёшдаги ўсмирлар қаҳрамон сиймосини ўзларининг ички дунёларига мос, онгли равишда ажратадилар. Шунинг учун ҳам танлаш жўшқин тус олади. Ўзларига турли-туман саволлар беради, ўзига хос умумлашмалар қилинади, жасоратнинг аслий хусусиятлари ё у ўусин, ё бу йўсин идрок қилинади.

Суҳбатлар, учрашувлар, китобхонлик кечалари, санъат, мусика, кино асарлари устидаги баҳслар бу борада яхши натижалар беради.

Ўқувчиларга тарбия беришда синф раҳбарининг шахсий намуна кўрсатиши жуда аҳамият касб этади. Шунинг ҳам унинг синфдаги хулқ-атвори, унинг ўқувчиларга бўлган муҳаббати самимий бўлиши керак.

Ва ниҳоят, ўқувчиларнинг фаолияти ва муносабатида ўртоқлари намунасининг таъсири ҳам муҳимдир. Ташки юриш-туриш хусусиятлари қабул қилинади; қизиқишлиар, ахлоқий жиҳатдан баҳо бериш, мулоҳазалар, севимли машғулотлар, қизиқиш ва дидлар ўзаро бир-бирига таъсир этади.

Ана шу ишлар жараёнида пайдо бўладиган ўқувчи анъаналари ҳар бир ўқувчининг хулқ-авторига қўйиладиган талабларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Ижтимоий аҳамиятли ишларда ижобий намунага тақлид қилиш ўқувчининг ахлоқий жиҳатдан машқ қилишига айланади.

Топшириқлар – муҳим тарбиявий усул ҳисобланади. Ўқувчиларнинг жамоа ҳаётида қатнашиши уларнинг фаоллигига боғлиқдир. Фаоллик эса фаолият жараёнида таркиб топади ва намоён булади.

Топшириқлар:

- ижтимоий аҳамиятга қаратилган натижага қаратилган;
- жамоанинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашувчи кишининг ташкилотчилик қобилиятлари ва сифатларини таркиб топтиради;
- болаларнинг фаол фаолиятга, ўз-ўзини қарор топтиришга бўлган интилишини қаноатлантиради, турли ишларда фаоллик кўрсатиш учун шароит яратади;
- болалар ўртасидаги муносабатларнинг янги имкониятларини вужудга келтиради.

Топшириқлар ўқувчилар жамоасига ва айрим ўқувчиларга берилиши мумкин.

Топшириқнинг тарбиявий таъсири унинг мазмунига ҳам, турли ёш ва жинсдаги ўқувчиларнинг бу топшириқдан манфаатдорлигига ҳам борлиқдир.

Топшириқлар турлича бўлиши мумкин:

ташкiliй топшириқлар (турли-туман ташкiliй ишлар, сайловлар, синф фаолларини белгилаш ва уларни йўналтириш ишлари);

оталиқ топшириқлари (оталиқда олинган кичкин тойларга ёрдам уюштириш, завод ва жамоа хўжалиги ишчи-дехқонларига кўмак бериш;

ижтимоий-маърифий топшириқлар (болалар ва ўсмиirlар ҳаракатида қатнашиш, деворий газета чиқариш ва ҳоказо);

ўқув ишлари билан борлиқ топшириқлар (ўзаро ёрдам у уюштириш, имтихон ва олимпиадаларга тайёргарлик қуриш, фан кечалари ва ҳоказолар); спорт ва ўйин топшириқлари.

Топшириқларнинг моҳияти ва мазмунига қараб ўқувчиларнинг уларга турлича муносабатда бўлишни, у ёки бу 1-топшириқларнинг маълум даражада таъсир этишини назарда тутиш керак. Синф раҳбари болаларда ожизлик туйғулари пайдо бўлмаслиги, улардаги ишончсизликнинг йўқолиши, ишдаги иштиёқи мустаҳкамланиши учун алоҳида эътибор қилишга тўғри келади.|

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, айрим болалар топшириқни

бажаришдан мамнун бўладилар, ҳар қандай ишдан сесканмайдилар, баъзи болалар эса ишга умуман қизиқиш сезмайдилар. Булар тарбияси анча қийин болалар бўлиб, 1 алоҳида ёндошишни талаб этади. Ҳаётда учинчи тоифа ўқувчилар ҳам бор. Улар жамоада яхшигина обрўга эга бўлсаларда, ўз кучига етарли равишда ишонч сезмайди, уятchan, тортинчоқ бўлади, гарчи у ишни бемалол уддалай олса ҳам ўз зиммасига каттароқ жамоат ишини олишга ботина олмайди. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси жамоатчилик обруйининг пасайишига, жамоа ало^аларининг бўшашиб кетишига олиб келади.

Жамоанинг ижтимоий ҳаёт даражаси қанчалик юқори бўлса, топшириқлар мазмуни қанчалик қизиқарли, хилма-хил-бўлса, жамоада баъзи қарама-қаршиликлар осон бартараф этилади.

Топшириқлар ўқувчиларни ёш хусусиятларига жавоб бе-риши, уларнинг кучи етадиган бўлиши керак. Ўқувчига кучи етадиган ишни топшириш айни вақтда мавжуд қийинчиликларни енгиш имконини беради. Қийиничикларни енгиш эса ўз навбатида иродани тарбиялайди.

Ўйин - етакчи фаолият туридир. У туфайли ўқувчи руҳиятида муҳим ўзгаришлар рўй беради, шахс ривожига катта таъсир ўтказади.

Ўйин эркин фаолият бўлиб, у фақат ўйин натижаларидан иборат эмас, балки у ўзидан ҳам қувонч, ҳам қаноатланиш ҳиссини келтириб чиқаради, болаларда фаол, ижодий, ширин кечинмалар ҳосил қиласди.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишда ўйин усулидан турлича фойдаланилади. Ҳозирги пайтда ўйин усууларидан дарс жараёнида ҳам кенг фойдаланилмоқда ва яхшигина натижаларга эришилмоқда.

Синф раҳбарининг услубий маҳорати ўқувчиларни ўйин ғояси билан қизиқтира билишда, ўйиннинг моҳияти, қоидалари, талабларини тушуниб олишда уларга ёрдам беришда намоён бўлади. Болалар билан биргаликда ўйин зарур бўл-ган ҳамма нарсаларни тайёрлаш ва ижрочиликни бўлишда уларда ёрдам бериш лозим. Мусобақалашадиган жамоаларни ўз жисмоний ва ақлий тайёргарлиги жиҳатидан тахминан бир хилда бўлишига эришиш айниқса муҳимдир. Ўйинда бўлар-бўлмасга маъмуриятчилик қилиш, буйруқ бериш, ҳар қандай таъқид заарлидир.

Болаларнинг ўйин фаолиятини ташкил этишда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўйинлар мавжудлигига эътиборни қаратиш лозим. Шу билан биргаликда, шафқатсизлик дағаллик, ортиқча зўриқишиш ва қизиқиш ҳолатларини келтириб чиқарадиган, болаларнинг соғлигига, тарбиясига зиён етказадиган кўнгилочар ўйинларда эҳтиёт бўлмоқ керак.

Ишонтириш орқали ўқувчиларнинг онги ғоявий-ахлоқий меъёрлар ва тушунчалар билан бойишга эришилади. Ишонтириш усули биринчи навбатда онгга таъсир этади, ғоявий-ахлоқий тушунча, қараш, баҳо беришни таркиб топтиради. Маълумки, эътиқод, қараш, баҳо бериш хатти-харакатларнинг ахлоқий талқинларига айланади ва пировардида хулқ-атворга ҳам таъсир этади. Ўқувчиларда ўзлари билиб олган ахлоқий талаблар даражасида бўлишга интилиш пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Бу интилишни

сақлаш ва мустаҳкамлашгина эмас, балки уни амалга ошиши учун имконият яратиш муҳимдир.

Ўқувчиларнинг тўғри сўзлари ва уларнинг ҳақиқий эътиқоди, қарашлари, баҳо бериши, хулқ-автори ўртасида узилиш пайдо бўлганда ишонтириш усулининг нотўғри қўлланилиши оғзаки тарбия хавфини келтириб чиқаради. Бундан сохталик, иккюзламачилик, тилёғламалик келиб чиқади, тарбияга жиддий путур етади. Болаларга маъноси тушунарсиз, мазмуни қизиқарсиз, улар томонидан хис қилинмаган сўзларни тинглашга мажбур қилмаслик керак. Уларнинг шахсий тажрибаларига таяниб, янгича қараш пайдо қилишга ёрдам бериш, ишонтириш ва агар зарур бўлса, фикридан қайтариш жуда муҳимдир.

Ўқувчилар фаолиятининг энг тарқалган шаклларидан бири синф мажлиси, болалар ташкилотлари ҳаракатлари, йиғинлари бўлиб, уларда ишонтириш усули кенг қўлланилади. Булардан ташқари, тарбиявий соатларда, учрашувларда, ахлоқ муаммоларига доир баҳсларда, кечаларда, ўқувчилар билан яккана-якка сұхбатларда бу усул қўл келади.

Ўқувчиларнинг факат синф раҳбарининг сұхбат ва тушунтиришлари ёрдами билангина эмас, балки уларнинг ўз ҳаётий тажрибалари, қундалик ижодий фаолиятлари, бошқа кишилар билан доимий суратда муомалалари орқали ҳам тарбиялаш лозим. Яхши китоб, юксак ғояли санъат асари, қизиқарли радио эшиттиришлари, ойнаи жаҳон қўрсатувлари, синфдан ташқари ўқиши ташкил этиш, газета ва журналлар ўқишига ўргатиш ҳам ишонтириш мақсадига хизмат қиласди.

Аммо, баъзи ҳолларда одатда ўқувчи бирор хатоликка йўл қўйган тақдирдагина танбех берилади, насиҳат қилинади. Бундай сұхбатнинг ишонтирувчи таъсири жуда кам бўлади. Синф раҳбарининг ишонтирувчи сўзи катта таъсир кучига эгадир. У пайдо бўлган саволга жавоб беради, муаммони ойдинлаштиради, шубҳа-гумонларни бартараф этади, маълум бир йўл-йўриқларни тавсия этади.

Рағбатлантириш – педагогик таъсир кўрсатиш усулидир. Ўқувчиларнинг, болалар жамоасининг хатти-ҳаракатлари ва ишларини ижобий баҳолаш унинг асосини ташкил қиласди. Рағбатлантиришнинг тарбиявии аҳамияти шундан иборатки, у ўқувчилар хулқ-авторида ижобий ҳислатларни кўпайтириб, мустаҳкамлашга ёрдам беради. Унда рағбатлантирилган ўқувчиларгина эмас, балки бутун синф зарурий сабоқ олади. Бунинг натижасида ўқувчилар жамоасида ишни янада яхши бажаришга, тартиб-интизомли бўлишга, ишончни оқлашга интилиш юзага келади.

Рағбатлантириш мақташ ва мукофотлаш, уларни қувватловчи фикр-мулоҳазалар айтиш, баъзан бош қимирлатиб қўйиш, бош бармоқни кўрсатиш, жилмайиш, ишора қилиш шаклларида ўз ифодасини топади. Рағбатлантириш ижобий хис-туйғулар учун туртки бўлади, боладаги ўзига, ўз кучига бўлган ишончни оширади, ижобий жўшқин кайфият уйғотади ва

пировардида хулқ-атворнинг ижобий ахлоқий талқинларини тарбиялади, тўғри ишлар қилиш ва одобли бўлиш майлини уйғотиш воситаси сифатида намоён бўлади. Агар синф жамоаси рағбатлантирилаётган бўлса, ҳар бир ўқувчи ўз жамоаси учун қувонч ва ифтихор ҳиссини бошидан кечиради, унинг муваффақиятларини сақлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қиласди.

Аммо нотўғри рағбатлантиришлар айрим ўқувчиларда ва жамоаларда ўз-ўзидан мағурланиш, ўз-ўзига юқори баҳо қўйиш, ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик каби салбий хислатларни тарбиялаши мумкин. Мақтов, ташаккур, мукофот жамоа аъзоларининг фикр-мулоҳазаларига асосланган бўлсагина кўзда тутилган мақсадларга эришилади.

Ўқувчиларнинг ножоя хатти-ҳаракатларига салбий баҳо бериш **жазолашда** ўз ифодасини. топади. Жизолаш ўқувчи-ларнинг ёмон хатти-ҳаракатларига қарши курашишга ёрдам беради ва улардаги зарарли одатларни таг-туби билан йўқотишга имкон турдиради. Бундан ташқари, у ранжиш, уялиш, пушаймон бўлиш, ўз ишларини қоралаш каби туйғулар уйротиб, хатти-ҳаракатнинг ахлоқий жиҳатларини тарбиялади ҳам.

Кўпгина педагоглар жазолашни қўлламасдан туриб, ўз ўқувчилари интизомли бўлишига эришадилар. Аммо болалар мактабда ёки оилада интизом ва тартибни қаттиқ бузганларида уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Синф раҳбарлари огоҳлантириш ёки танбех бериш, номақбул хатти-ҳаракатларни кўрсатиш, бундай ҳолатларни қоралаш, янада қаттиқ жазолаш берилиши ҳақида огоҳлантириш, синф олдида огоҳлантириш ва бошқа жазо чораларини қўллайдилар.

Хозирги замон мактабида рарабатлантириш ва жазолашни куллаш болалар шахсини ҳурмат қилишга асосланган.

31-Мавзу

Мамлакатимизда болалар тўғрисида, оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш чинакам давлат аҳамиятига молик ишдир. «Жамики яхши нарсалар – болаларга» шиори янада барадла жарангламоқда. Кейинги йилларда мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорлар фикримизнинг исботидир.

Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, мактабда ўқиши даврида ҳам, асосан оилада тарбияланади. Оила давлатнинг асосий куртаги сифатида болаларнинг дунёқараси, хулқи ва дилага таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Оила аъзоларининг маънавий бирлиги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришнинг дастлабки ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда-мактабни оила билан мустахкам борламай туриб, тарбия соҳасидаги бутун ишларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Шу мақсадда ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ташвиқот ишларини кенгайтириш уларни мактабнинг

фаол ёрдамчилариға, ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқаридаги ишларида ҳар томонлама фойдали ташкилотчилариға айлантириш зарур.

Жамиятнинг жадал ривожланиши, фаолият турларининг тобора мураккаблашиб бориши шахс онгига кўрсатаётган кўринмас таъсирларнинг кучайишига олиб қелмоқда. Мана шундай шароитда кишининг мавжуд билими, касб-хунари, малакалари камлик қилиб қолмоқда. Энг аввало, инсонларда оиласда таркиб топган дид, фаросат, акл, одоб, эмоционал маданиятга муҳтожлик сезилмоқда. Эстетик, ахлоқий ва бошқа тарбия сифатлари кундалик ҳаёт эҳтиёжга айланиб бормоқда. Табиийки, бундай сифатларга оиласий тарбия орқали асос солинади, камол топтирилади. Тўғри, бунда ижтимоий тарбиянинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назардан уларнинг монолит бирлигига, ўзаро ҳамкорликларига асослансанак, баркамол инсон тарбиясида муваффақиятларга эришиш мумкин. Оиласий тарбия педагогика фанида мураккаб муаммолардан биридир. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос ибтидоий гуруҳ бўлиб, тарбияда факат мазкур гурухга хос хусусиятларга асосланади. Таъкидлаганимиздек, оиласий тарбияни ижтимоий тарбия билан алмаштириш болалар камолотига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, ясли, боғчаларга бормай, *фақат* оиласда ўсган ва вояга етган болалар мактабга боргандарида ўз тенгқурлари ичида кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Оиласинг болаларга моддий ва маънавий ғамхўрлигини, кўрсатаётган тарбиясини ясли, боғча тарбияси билан ёки, аксинча, ясли, боғча тарбиясини оиласий тарбия билан алмаштириб бўлмайди. Факат ўзаро ҳамкорлик масалани ижобий ҳал этиш имкониятини беради.

Лекин ўзининг хусусиятлари ва такрорланмас таъсири билан оила бола тарбиясида муҳим омиллилигича қолади. Амалиётда кузатганимиздек болада ота-онасининг меҳри, эркалашлари асосида ота-оналарига, қариндош-уруғларига бўлган иссиётлари шаклланади. Боланинг отасига булган ҳурмати онанинг ҳурматини жойига қўйишда асос бўлади. Онага бўлган меҳр-муҳаббат оқибат натижада ўз оиласига, хотини, фарзандларига, бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Иккинчи томондан болалар ҳам ўз ота-оналарига таъсир кўрсатадилар. Оиласий алоқаларни оиласий қизиқиши, маънавий қониқиши ҳисларини такомиллашига сабаб бўладилар.

Ота-оналарнинг ўзига ва болаларига бўлган талабчанлиги, катта ва кичикларнинг ўзаро муносабатлари, дўстона муҳит, ишонч ва ўзаро бир-бирларини тушуниш оила, мактаб ва жамоатчиликнинг болалар тарбияси юзасидан олиб бориладиган муҳим омилларидан биридир. Бундай бирликнинг руёбга чиқишида, энг аввало, ота-оналарнинг сиёсий онглилиги муҳим роль ўйнайди. Чунки ота-оналарнинг фаоллиги оиласий ҳаётда ўз ифодасини топади. Шу маънода болалар ўз ота-оналарининг сиёсий ва фуқаролик қиёфаларига қараб ўз хулқ-атворларини тартибга соладилар, зўр атларини жойига қўядилар.

Болалар улғая бошлаши биланоқ ўз ота-оналарининг қаерда ишлашлари, жамиятда тутган ўринлари. уларнинг билимига қизиқа бошлайдилар. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг нималарга қизиқишлигини, кимлар билан сафдош эканликларини болалар мумкин қадар эртароқ билгандар маъқул. Ота-она қандай ишда бўлмасин уни жиддий, эл ҳурматига лойик бир иш деб биладиган бўлиши керак. Бу борада оиласдаги тарбиянинг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши юзасидан жавобгарлик маълум даражада мактабга юкланди. оиласдаги ҳукмронликнинг тарбиявий жиҳатдан тўғри бўлишини таъминлаш мактабнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оиласдаги тарбиянинг мазмунли ташкил этилишига дастлабки таъсирни мактаб белгилайди. Мактабгина оиласдаги тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан раҳбарлик қила олади. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида, ижобий ҳал этилишида ота-оналар ўртасида олиб бориладиган тарбияга оид тарғиботнинг, роли бенихоядир. Чунки ота-оналарни ҳозирги замон руҳий-таълим-тарбиявий. билимлар билан қуроллантири-май туриб, оиласдаги тарбияни йулга қўйиб бўлмайди. Оммавий-тарбиявий тарғиботда энг яхши оиласдаги таъсир кўрсатиш энг мақбул йўлдир. Бола тарбияси юзасидан оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги кунимизнинг долзарб масалалиги ҳам мана шундадир. Чунки, биринчидан, бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мураккаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар. Иккинчидан, ота-оналар ва қариндош-уруглар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлаб чиқариш ва ёру дўстларининг маънавий ҳаётларидаги омилларни муҳокама қиладилар, уларнинг ҳаётга, санъатга, оиласдаги мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабабли ҳам мана шундай тоифа оиласдида тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларидаги – ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар. Тўпланган тажрибаларини ясли, боғча, мактабдаги ўртоқлари билан муҳокама қиладилар ва ҳоказо. Учинчидан, ўзбек оиласдаги, уларнинг ҳаёт тарзи жумхуриятимиздаги улкан ижтимоий воқеалар натюкасида сифат жиҳатидан ўзгаришларга учратмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунда оиласдаги тарбияда сифат ва мазмун жиҳатидан ўзгаришлар қилиш учун янги самарадор йўл ва усуллар қидирилмоқда.

Ўзбек оиласдаги болалар тарбияси учун имконият доиралари анча кенг бўлиб, кўплаб оиласдагимиз моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Ота-оналарнинг энг камидаги ўрта маълумотли. Бундай ҳолатлар ота-оналарнинг педагогика, психология соҳасидаги билимлар билан қуролланишига ва мактаб билан ҳамкорликда болалар тарбиясини яхшилаш имкониятларини яратади. Ота-оналарнинг билим савияси, умумий-тарбияга оид-маданияти, ижтимоий интилишлари ва талаблари, болалар тарбиясига нисбатан турлича муносабатлари, шаклланган ҳаётий тажрибалари, тарбия ва ижтимоий

тараққиёт натижасида ҳосил қилган ишонч ва эътиқодлари, оиласдаги ўзига хослик болалар тарбиясига салмоқли таъсир қўрсатади. Кўплаб ўзбек қишлоқ оиласидан маълум даражада (болалар тарбияси юзасидан жамоатчилик ёрдами мавжудлигига қарамасдан тарбиявий кучларнинг бир бутунлигига эришилмаган, ўзаро ҳамкорликни қандай ташкил этиш мумкинлиги ҳақида маълумот етарли эмас. Ўқитувчилар ҳам синф ота-оналар мажлисининг ўтказилиши мактаб ва оила ҳамкорлигини таъминлайди, деб ўйлашади. Тўғри, ота-оналар мажлиси ҳам ҳамкорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади, лекин оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлиги учун, уларни бирлаштириш учун маҳсус ташкил этилган марказ бўлиши лозим.

Демак, мактаб мукаммал ташкилот сифатида барча тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиши лозим. Ўз ўқитувчилар жамоасини ўюштира олган жамоатчиликни болалар тарбиясига йўналтира олган, уларнинг ота-оналарини яхши билган мактаб маъмуриятигина тарбиявий ютуқларни қўлга кирита олади. Бундай мактаблар эса ўз атрофидаги завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, оталиққа олган корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг мактабдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этмоқдалар, қаровсиз, тарбияси оғир болаларни ўз назоратларига олмоқдалар. Бундай ҳайрли ишларда кўплаб ота-оналар мактаб билан яқиндан алоқада бўлиб ўқувчилар тарбияси юзасидан ўқитувчилар жамоаси билан бамаслаҳат иш олиб боришмоқда.

Лекин, кўплаб ота-оналар болалар тарбиясига тайёр эмасликлари, уларга таъсир этувчи турли омиллардан беҳбарликлари; бола камолотининг мураккаб томонларини билмасликлари натижасида оилавий тарбияда кўплаб кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Бундай салбий омиллар ўғил ёки қизларнинг мактабдаги таълим-тарбиясига ёмон таъсир қўрсатмоқда. Вояга етмаган ёшлар, орасида қонунбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки; ҳали ҳам айрим ота-оналар болалар тарбияси ва уларнинг келажаклари ҳақида замон талаби даражасида тарбиявий масъулиятни ҳис қилмаяптилар. Ота-оналар билан суҳбатлашиш натижасида шу нарса аниқландики, улар фарзандлари 15-16 ёшга етгандагина «Ўғлим ёки қизим юқори синфда ўқимоқда. Келажакда қаерга юборсам экан? Қаерда ўқитсан экан?» деган фикрга борадилар. Имкони борича, танишибилиш орқали ўзлари учун маъқул даргоҳга ўқишига ёки ишга жойлаштироқчи бўладилар. Улар болаларининг қобилиятига ҳам, қизиқишига ҳам, хоҳишига ҳам эътибор бермайдилар. Бундай ҳолат ота-оналарнинг тарбия масаласида аниқ мақсад ва дастурлари йўқлиги оқибатида содир бўлади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки айрим мактаб ўқитувчилари орасида ўз ишига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи шахслар ҳам йўқ эмас. Уларнинг энг ёмон хатоларидан бири

тарбияга оид барча камчиликларни ота-оналар зиммасига юклаб қўйиб, ўзлари эса кузатувчи бўлиб қолишларидир.

Ўқитувчи ота-оналарнинг фаол ёрдамисиз болаларнинг баркамоллигини таъминлай олмайди. Бу ўринда тарбиячининг ўзини тарбиялаш лозимлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ўзига нисбатан талабчан муаллим ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш, янгиликни сезиш, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилияtlарини шакллантириш мақсадида уларга қатъий талаблар қўйиш учун маънавий хуқуққа эга бўлади.

Жумхуриятимизнинг айrim мактабларида ота-оналарни маълум гурухларга бўлиб мажлисларга чақириш жорий этилмоқда. Масалан, ёш ва кам тажрибали оилаларни алоҳида, нотўлиқ оилаларни, куп болали оилаларни алоҳида-алоҳида чақириб, улар билан ишлаш йўллари белгиланмоқда.

Баъзан ота-оналар болаларининг «Уй вазифаларига ёрдам бериш керакми?» деган савонни беришади. Бунга дафъатан «Ҳа» ёки- «йўқ» деб жавоб бериш ҳам ноўрин. Гап шундаки, уйга берилган топшириқлар болаларнинг мустақил ишлари бўлиб, уларнинг фикрлаш фаоллигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Ўқувчиларнинг у ёки бу ўқув материаллари билан амалда танишишлари, тегишли хулоса чиқаришлари назарда тутилади. Шу сабабли уй вазифаларини болаларининг иштирокисиз ўзлари ечиб бермасдан, балки уни ечишда тарбиявий раҳбарлик қилишлари, фикрлаш учун имконият яратишлари лозим. Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики ота-оналар болаларини ўқитаётган ўқитувчиларни, тарбиячиларни танимайдилар, билмайдилар. Болалари бўш вақтларини қаерда, ким билан ўтказишидан бехабар бўладилар. Баъзан эса, ўқитувчиларнинг талаблари, илтимос-истакларига терс жавоб берувчи, тескарисини бажарувчи ота-оналарни ҳам учратиш мумкин.

Мактабга тез-тез бориб турувчи ота-оналарнинг фаолияти мақтовга сазовордир. Чунки ўқитувчилар билан бўлган учрашувлар, болалари юзасидан билдирган фикрлар ўз навбатида ота-оналар учун муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, улар болалари қаерда, ким билан юради, уларнинг дўстлари ким ва қандай фанларга қизиқишиларини билиб оладилар, назорат қилиш имконияти ортади.

Мактабни оила билан боғловчи восита – бу ўқувчилардир. Ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш, ижтимоий фаолликларини таъминлаш орқали ота-оналарга таъсир кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада мактаб ва оила алоқасини таъминловчи, ота-оналар мажлислари, болалар тарбиясига алоқадор муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этиш кабиларнинг ролини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, «Болангизнинг қандай ўқишини биласизми?», «Болаларимиз одоби ҳақида сұхбатлашайлик», «Мустақил хаёт бўсағасида» каби мавзуларда олиб бориладиган сұхбатлар ота-оналарни ўз болалари

ҳақида уларнинг келажаги ҳақида қайғуришларига сабаб бўлди.

Мажлисда фаол ота-оналарнинг иштироки ва ўз тажрибаларини батафсил баён этишлари қўплаб ота-оналар олдида турган мураккаб вазифаларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади. Албатта, бунинг учун ўқитувчилар жамоалари, синф раҳбарлари мажлис ўтказиш учун асосли тайёргарлик кўришлари, қачон ва қандай ҳолда мажлис ўтказиш ва ундан кўзланган мақсад режаларини мукаммал ишлаб чиқишли, тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш, ота-оналардан кимлар сўзга чиқиши ҳақида келишиб олишлари лозим. Ана шундагина мажлиснинг тарбиявий самарадорлиги таъминланади.

Ота-оналарнинг тарбияга оид билимини ошириш учун жонли, хаётий мавзуларга қизиқарли маъруза, сухбатлар ташкил этиш тавсия этилади. Бунда оиланинг ўзаро муносабатлари, оилавий тарбияда ўқитувчининг тутган ўрни, уларга таъсир этиш ва бошқа сифатларни чуқур таҳлил қилиш мухим аҳамият касб этади. Ҳаётий бўлмаган мисоллар, умумлаштиришлар, қуруқ маърузалар ҳеч қандай самара бермаслигини ҳамма тушунади. Мактаб ва оила ҳамкорлигидаги ишларда қўшимча услублардан ҳам фойдаланиш яхши натижа беради. Жумладан, ташкилотчиларнинг ота-оналарнинг ўзлари ўз хатти-харакатларини, хулқ-одобларини танқидий баҳолашлари, маъқуллаш ва муҳокама юритиш методларни қўллашдаги шахсий таъсирни ҳисобга олиш ниҳоятда мухимдир. Бундай хатти-харакатларга доир усуллар, одатда, жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган бўлиши керак. Чunksи катталар фаолиятининг ижобий ёки салбий баҳоланиши улар кўрсатадиган тарбиявий таъсирнинг кучини ё оширади, ёки камайтиради. Мактабларда ота-оналар билан ишлашда эсга солиш, маслаҳат, таклиф, илтимос, талаб каби услублар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўрни келганда, ўз вақтида қўллаш яхши самара беради. Уларни татбиқ этишда ниҳоятда назокатли бўлиш, киши шахсини хурмат қилиш тавсия этилади.

Юқоридаги масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда мухим аҳамиятга эга. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир оиласга кириб бориши шу оиласга ва ота-оналарга хурмат сифатида баҳоланади. Синф раҳбарининг ота-оналар билан биргаликда тарбиявий чора-тадбирларни белгилашлари, синф раҳбарининг ўқувчилар қўз олдида ота-оналари билан сухбатлашишлари уларнинг тарбиясига самарали таъсир кўрсатади. ҳатто, синф раҳбарининг уйига, келишининг ўзи уларнинг қалбларини қувончга тўлдиради. Синф раҳбарининг ота-оналар билан сухбатидан кейин ўқувчилар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз беради, бу уларни хурсанд қиласи, янада куч-ғайрат сарфлашга илҳомлантиради. Факат синф раҳбарлари эмас, балки фан ўқитувчиларининг ҳам ота-оналар билан қилаётган ҳамкорликлари фойдадан ҳоли эмас. Тўғри, ҳамма синф раҳбарлари ёки фан ўқитувчилари ўқувчиларнинг уйларига ҳа деганда боришга имконият тополмайдилар. Бундай пайтларда ўқувчилар кундаликларига «Бугун ўғлингиз берилган

саволларга жуда яхши жавоб берди», «Фарҳоднинг одоби яхшиланмоқда», «Салимжон ўртоқларига ўз хулқи-одоби билан намуна бўлмоқда», «Туробжонни одобли қилиб тарбиялаётганингиз учун сизларга раҳмат» каби ёзувларнинг, ҳам тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўз навбатида, синф раҳбарлари ота-оналар томонидан билдирилаётган хабар, танқидий фикрларини вазминлик билан тиклашлари, мулоимлик билан эшитишлари ва имконият доирасида ижобий ҳис этишлари жуда муҳимдир. Бундай муносабатларда синф раҳбарларига ота-оналарни ўз тенгкурлариdek дўст тутишлари, «Келинг биргаликда ўйлаб кўрайлик, «Сиз нима дейсиз» каби дўстона савол-жавоблар орқали иш тутишлари тавсия этилади.

32-Мавзу. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда оила ва маҳалла ҳамкорлиги

Режа:

1. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар.
2. Оила - тарбия ўчоги.
3. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбиявий ишларни ташкил этиш.
4. Синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири.
5. Хулоса.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий шаклларини мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишини талаб этмоқда.

Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан таъсисланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар тpzимида куйидагилар бўлиши лозим:

- Улғаяётган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш, ижтимоий ҳуқуқини эътиборда тутиш зарур.

- Миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш.

- Педагоглар ўртасида ўзаро хурмат муносабатларини шакллантириш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқувчиларни дарсдан бўш вақтлардаги ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтради, ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ижодий қобилияtlарини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларда фан ўқитувчилари ўз фанига қизиқсан ўқувчилар билан машғулот ўтказиб, ўқувчиларнинг қизик ишларини ўстиради. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

- а) фан тўгараклари;
- б) моҳир қўллар тўгараклари;

в) спорт тўгараклари;

г) бадиий ҳаваскорлик тўгараги;

Ўрта умум таълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради. Синф раҳбари синфдан ташқари ишларни уюштиришда тўгарак раҳбарларига яқиндан ёрдам беради. Қизиқишлари, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини бирор тўгаракка аъзо бўлишга чорлайди. Уларни қайси тўгаракда машғул бўлишлари хисбога олинади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, ёшлар саройлари, ёш техниклар саройлари, ёш техниклар уйлари мактаб тарбиясининг узкий давомчиси бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси», бу ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асос бўлади.

Маълумки, ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, нафосат ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ, шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнидан бошланади. Бироқ ўқувчиларнинг кундалик ўтиб бораётган эҳтиёжлари, талаблари ва барча қизиқишлари фақат дарс жараёни билангина чеклаб бўлмайди.

Бундай кўп қиррали қизиқишларни синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни узвий боғланиш асосидагина қондириш мумкин. Шу сабабли кейинги даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкилотчисининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш;

- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;

- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, ота-оналар, синф фаоллари, услубий ёрдам кўрсатиш;

- умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият

муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини 3 та асосий томонини куриш мумкин: 1-ташкилотчилик, 2- усулий, 3-маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қуидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин: ..

- тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш;

- тарбиявий ишларни мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

- тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмунни, шакл ва усулларини аниқлаш;

- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гурухлаштириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштирмасдан, унинг мазмунни, шакл ва усулларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эриши қийин.

Оила – тарбия ўчоғи. Оила – жамият негизи ҳар бир инсонда илк ёшлигидан бошлаб онгига шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ният, маслаклар, қадриятлар такомил топадиган, мафкуравий ва маънавий тарбия амалга ошириладиган муҳитдир. Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз равнақ, топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятишимиз ривожининг муҳим омилларидан биридир. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига шу хусусиятлар, миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллий истиқлол ғоясини сингдириш учун қулаги шароит яратилган бўлади.

Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда қабул қилинган ва муваффақиятли амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида давлат дастури ва ушбу дастурда белгиланган тадбирларнинг стратегик йўналишларига эътибор берилса, улар мамлакатимиздаги оилаларнинг мустаҳкам бўлишига имкон берувчи вазифаларни назарда тутади.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу йилнинг ўзида Оила кодексининг қабул қилиниши ҳамда мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган Республика «Оила» илмий-амалий марказининг мақсади ҳам давлатимизнинг оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳимоя этиш борасидаги сиёsatга ҳамоҳанг бўлиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш ўйли билан оилани мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини: илмий ўрганиш, оилавий ҳаётга боғлиқ, муаммоларни тадқиқ этиш ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришдан иборатдир.

Марказнинг муҳим мақсад ва вазифаларидан бири оила-концепциясини

яратиш ва уни ҳаётга жорий этишнинг услуг ва воситаларини жорий этиш орқали ҳукуматимизнинг ижтимоий соҳадаги инсонпарвар сиёсатини амалда ҳар бир фуқаро онгига оила институти орқали сингдиришдан иборатdir.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ҳар чиқишиларида оид масалаларига катта эътибор берар эканлар, унинг тарбия берадиган масканлар орасида энг муҳими қадрли эканлигига оид фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. «Оила ҳақида гапирав эканмиз, авваламбор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир қўрсатадиган тарбия ўчоғ эканлигини тан олишимиз даркор». Мустақиллик йилларида республика ҳукумати ва Президенти И.А. Каримов томонидан оиласа қўрсатилаётган этибор, йилларга мақом берилаётганда оилани мустаҳкамлаш, никоҳни қадрият сифатида эъзозлашга қаратилган чора-тадбирлар том маънода юртимизда оила ва фарзандлар ҳукуматнинг доимий ғамхўр эканлигидан далолатdir.

Тақдим этилаётган концепция Сила институтини юртимизда янада мустаҳкамлаш, у орқали миллий истиқбол ғоясини фуқаролар онгига сингдириш ишлари учун дастуруламол бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад озод ва обод Ватан, ривожланган фуқаролик жамияти барпо этиш, шу тарзда халқ фаровонлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, оиланинг барқарорлигига эришиш экан, Сила бағишлиланган концепциянинг вужудга келиши ўта долзарбdir. Зеро, Республикаиз ўз иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, жамиятни эркинлаштириш ва демократиялаш сиёсатини изчил олиб борар экан, бизга жамиятнинг негизи бўлган оилалар муаммолари ва истиқболига қаратилган концепция зарур. Дарҳақиқат, концепция Ўзбекистондаги оилаларнинг ривожланиши истиқболини тасаввур қилиш, оила борасидаги ижобий ва муаммоли масалаларни олдиндан башорат қилиш учун, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва омилларини белгилаб олиш учун ҳам хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки «Оила» концепциясини яратиш ва бу билан боғлиқ ишларнинг долзарблиги ҳамда бажарилишининг мақсадга мувофиқлиги мустақиллик йилларида Республика раҳбари И.А.Каримов ташабbusи билан йилларга берилган мақомлар доирасида амалга оширилаётган давлат дастурларининг оилани, она ва болани ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлиги, ҳукумат томонидан оила манфаатларига ажратилаётган сармояларнинг амалда оқланиши зарурати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февраль 6-сонли «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларнинг муҳимлиги ва долзарблигидан ҳам келиб чиқади.

Оила ва жамият – моҳиятан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, оиласа жамиятнинг туб моҳияти ва муаммолари ўз аксини топади. Шунинг

учун ҳам оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, оила қадриятларини энг илғор анъаналарини тиклашга қаратилгандир. Оилавий тарбия – оклада ота-оналар, васийлар ёки катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутади. Оила тарбиясида доимий тарбиявий таъсирчан куч-оилавий тартибdir.

Оила ва маҳалла бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равища одамнинг бутун ҳёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбия вазифасининг бу улкан микёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатишнинг чукур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига ҳам айлантиради.

Оила ва маҳалланинг юксак тарбиявий имконияти болалар ва ота-оналарнинг ўзига хос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, қўни-қўшнилиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси, обрўлиги ва ҳоказолар билан таъминланади.

Маълумки, хилма-хил фаолият шароитида боланинг қобилияtlари энг самарали ривожланади, унинг ижодий имкониятлари очилади, болани оила ва маҳалладан бошқа қаерда ҳам фаолиятнинг хилма-хил турларига жалб этиш мумкин. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбиянинг қимматлилигини аҳамияти ана шундаки, кичик болалик пайтида оилада эгаллаган нарсалар бир умр сақланиб қолади. Ҳудди шунинг учун ота-оналарнинг болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мажбурияти қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Оила ва маҳалла ҳамкорликда тарбиявий ишни ташкил этар эканлар, энг янги психологик-педагогик тадқиқотлар маълумотларини эътиборга олишлари ҳам муҳимдир, уларга мувофиқ ўсиб келаётган киши шахсини шакллантишга оилани қўшадиган ҳиссаси турли ёш босқичларда турлича бўлади ва тўлқинсимон ўзгаради.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар жамоасининиг хилма-хил ишларни қандай йўлга қўйишиларига боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлар ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равища бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳёти муҳитига олиб келади. Синфдан ташқари ишлар

шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир.

Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатга киришадилар, турли вазиятларга дуч келадилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоада ишлашни ўрганадилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласидилар, ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланади. Бу жараёнда улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни, тинмай ишлашни тақозо этади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ўнгилдагидай олиб бориша ўсиб келаётган ёш авлодни етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорликда иш олиб бориши лозим деб ўйлайман. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, таҳлил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўлишлари лозим.

33-Мавзу Шахснинг оила муҳити, жамиятда шаклланиши

Мавзунинг мақсади ва вазифаси шахснинг шаклланишида оила муҳити, колектив ва жамиятнинг таъсирини ифодалаш, колектив, колективизм, шахснинг жамиятга алоқадорлиги тушунчаларини шакллантиришdir.

Ўқитувчи уйга берилган икки топшириқ ҳақида гаплашиб бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бир-икки ўқувчидан сўрайди. Ўқувчилар аввало ота-оналаридан ёки опа-акасидан, кейин эса тарбиячилари, ўқитувчилари, маҳалла-куйдан миннатдор эканлигини айтадилар, ўқитувчи хулоса қиласиди:

- Жавобингиздан маълум бўлдики, шахснинг камол топиши аввало оила муҳитига боғлиқдир. Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг қуйидаги шеърий парчасига эътибор беринг.

*Улча эрур тифлга шойиста иши,
Билки кичикликда эрур парвариши,
Қатрага чун тарбият этди садаф,
Эл бошига чиққунча топди шараф.*

Тифл, яъни болани кичиклигида парваришлаш, яъни тарбиялаш керак, садаф қаторига кирган қатра, яъни дур одамларнинг бошида туриш шарафига

мұяссар бўлди. Ҳудди шунингдек, ота-она гўё садаф, болалар эса уларнинг бағридаги қатралар - дурлардир.

Оиладаги шароит, озиқ-овқат ва жиҳозлар таъминоти, ўзаро муносабатлар: эр-хотин, бобо-буви, қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки ҳамда бошқа қариндошларнинг бир-бирига муомаласи оила аъзоларининг биргаликда ишлиши, дам олиши, адабиёт, санъат, илм-фан ва спорт билан шуғуланиши, даромад, руҳий-маънавий ҳолатлар, кўни-кўшничилик алоқалари, маҳалладаги тўй-маъракаларга қатнашиш ва ҳоказолар оила мұхитини ташкил этади.

Оила мұхити ахлоқ-одоб, маданият қоидалари асосида ташкил топса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, бунда оиладаги болалар тўғри камол топади. Мисол тариқасида Ульяновлар оиласидаги мұхитни, унда ака-укаларнинг бир-бирига ўқиш-ёзишни ўргатгани, ақлни ривожлантирувчи шахмат ва бошқа ўйинларни доимий ўйнагани, ота-она эса болаларининг машғулотларига раҳбарлик қилишгани, уларга яхши шароит яратиб беришгани, Володя акаси Александр ва опаси билан китблар, ижтимоий ҳаёт хусусида қизғин баҳслар қилганини гапириш, шунингдек, маҳалладаги, қишлоқдаги ибратли оилалардан мисоллар келтириш мақсадга мувофиқдир.

Оила мұхитининг аҳамияти шундаки, боладаги табиий истеъоддининг қирралари дастлаб шу ерда кўзга ташланади. «Инсонларда бўлган табиий истеъод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди: ёғочга ўт қўйилмаса, ёнмайди» («Калила ва Димна»дан). Бинобарин, бола истеъоддининг ёниши оиласдан бошланса, шунча яхши. Ота-она ўз боласини кузатиб бориб (гўдаклигиданоқ) бошқа болалардан фарқини, нимага қобилу, нимага қобилмаслигини аниқласа, уни қобилияти кучли бўлган томонга туртки берса, ривожлантирса, шахснинг истеъоди шунча ёрқин ва тез кўзга ташланади. Мурғак онгли гўдакнинг ҳимояга, ёрдамга, ривожлантиришга мұхтож қизиқиши, интилишини биринчи бўлиб ота-она сезмаса, ким сезади?! Кўзларини мўлтиратиб турган гўдак, фақат сизга нон учун жовдираб қараётгани йўқ-ку! Уни тушунинг, хис қилинг, унга йўл очинг! Қобилияти, истеъоди болалигиданоқ ота-онаси ёхуд бошқа бир мураббий ёрдамида ривож топган қишилардан буюк даҳолар етишиб чиқсан. Боланинг юрагини тушунмай, ҳадеб арзир-арзимас рўзғор, тириклик ишларига қайраб солавериш ҳам тўғри эмас. Бола мусиқа, расм, адабиёт, фанга ёки бошқа ҳунарга қизиқаяптими? Ота-она бу ҳақда ўйлаб кўриши, гўдакка мадад бериши керак. Тўғри, бу осон эмас, жуда тадбиркор, заҳматкаш бўлишни талаб этади.

Оила мұхитидаги ота-она ва болаларнинг муносабатига тўхталиб, қўйидаги ривоятни келтириш мумкин.

Ривоят. Бир йўловчи қишлоқ оралаб кетар экан, бир хонадон олдида турган кекса кишига ёшгина йигитнинг қаттиқ-қаттиқ гапираётганда, қарияни беибо сўзлар билан ҳақорат қилаётгани устидан чиқиб қолди. Кекса

кўзига ёш олиб, бағри хун бўлганича уй олдидаги қундаустида ўтиарди. Ёш йигит бегона кишини қўриши билан уйга кириб кетди, шунда йўловчи кекса ёнига борди, салом бериб уни юпатмоқчи бўлди.

- Эй отахон, бу йигит кимки, сизни шундай ҳақорат қиляпти?
- Ўғлим,- деб жавоб берди кекса кўз ёшини артганча.
- Во ажаб!- ҳайрон қолди йўловчи.
- Эй йўловчи, ажабланма, мен ҳам ёшлигимда ўзимнинг қўпол муомалам билан отамнинг қалбига кўп озор берган эдим. Қарангки, отамга ўтказган ситамим, ўғлимдан ўзимга қайтди!- деди.
- Во дариғ, қайтар дунё экан-да!- деб йўловчи йўлида давом этди.

Бу ривоят мухокама қилиниб, «ўз ота-онангга қандай ҳурмат-эътибор ёки беписандлик кўрсатсанг, келажакда фарзандларингдан сенга ҳам шундай ҳурмат-эътибор ёки беписандлик қайтади», деган хулоса чиқарилади.

Коллективизм руҳининг болага сингиши ҳам оиласдан бошланади. Ахир, бола биргалиқда овқатланиш, биргалиқда ишлаш, биргалиқда дам олиш, биргалиқда тўй-маъракаларда иштирок этиш жараёнида коллективчиликка ўрганиб боради. Ўқитувчи ўқувчилар диққатини «Ҳотамнома»дан (Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988) олинган қуйидаги парчага қаратади.

«Ҳотам туғулғон куни олти минг ўғул Ямандин ва атрофдин таваллуд қилди. Ул болаларни ҳозир қилиб, олти минг энагага болаларни боқмоқга буюрди. Тўрт энага – хуш ва шод ва ёшни илғаб (ажратиб), Ҳотамни парвариш қилиб, сут бермакка тайин қилди. Ҳотам сут эмгали унамади. Тайға хабар бердики:

- Ҳотам сут эммайдур?

Аҳли нужумларни ҳозир қилиб сўрадики:

- Бола нима учун сут эммайдур?

Аҳли нужумлар айттики:

- Бу ўғул саҳоват бирла оламда оти пур (маш-хур) бўладур.

Тоинки ҳамма тифллар ва энагалар бир ерга жам бўлуб, ҳамма болаларға сут бердилар. Ҳотам ҳам сут эмди».

Бу парча Ҳотамнинг фақат саҳоватпеша эканлигини кўрсатмайди, унинг худбинлик қобигига сифмайдиган феъл-авторини ҳам билдиради. Зотан оила аъзоларининг барчаси дастурхон атрофида жам бўлиб овқатланишида ҳам ҳикмат бор. Коллективизмнинг дастлабки уруғлари ана шундай инок давраларда унади.

Ўзбек халқи қадимдан колективизм анъаналарини маҳкам тутган. Қўшнининг бошига оғир кун тушса, атрофдаги одамлар дарҳол етиб келишади, ҳар қандай ишини ташлаб қўшнига ёрдам берадилар. Бу эса оиласнинг қаддини тиклаб олишида муҳимдир. Қуйидаги ҳикоя ўқиб берилади.

«Якшанба куни том сувоқ ҳашари бўлди.

- Нормат полвон ҳашарга айтибди, нуқул эртага сув музлайди-ёв

девдим, ҳайрият, эрталаб турсам кун иссиқ экан,- деб дадамга ҳазиллашди ҳаммадан илгари етиб келган Файзи бобо. Олдинма-кетин Эргаш бо-бо, Рашид ака, Мусулмонқул ва Сайд акалар, улардан сал кейин Босим ака кириб келди. Энг охири Мумин амаки чиқди. Ҳамма йиғилгунча уста Файзи бобо дадам билан қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб олди, лойни бориб кўрди; керакли нарсаларни тез тайёрлашни дадамга буюрди. ҳашарчилар супага ўтириб, ловия ва атиргул гулбарги солиб пиширилган сут чойни мақтаб-мақтаб ичишди. Ўринларидан қўзғалмоқчи бўлган ҳашарчиларга:

- Ўтирибсизлар-да, аввал чой ичиб олинглар,- деб манзират қилган эди, Файзи бобо дадамни қаттиқ койиб берди:

- Полвон, сиз одамларнинг баданини совутманг! Улар ошга эмас, ишга келганлар! Қани, турдик бўлма-са! Омин!..

Фотиха ўқилиб, ҳамма ўрнидан турди. Файзи бобо бир зумда одамларга иш тақсимлади. Эргаш бобо уста катта уйга дераза ўрнатгунча томга чиқиб андава тортиб турадиган бўлди. Соли ака ҳам томга лой ташишга тайнинланди. Кўшнимиз Мўмин амаки кекса бўлгани учун енгилроқ ишга қўйилди; у пақирларни лойдан тозалаб, тагига оз-оз сув солиб туриши керак эди. Устанинг гапи билан Мусулмонқул ака лойхонага тушди, чунки фақат угина уста бобонинг кўнглидагидек лой қила оларди. Полвонкелбатли Сайд ака уста айтиб ўтирасданоқ лойни тортиб олиш учун томга чиқа бошлади. У бу вазифани барибир ўзига қолишини яхши биларди. Ахир, у ҳақда одамлар: «Мачитнинг томига ҳам бир силтов билан лой чиқарган!- деб гапириб юришарди-да! Лойни пақирларга солиб айвоннинг олдига олиб бориш дадам билан Рашид аканинг зиммасига тушди. Уста бобо мени ҳам ишсиз қолдирмади, пақирларни илгакка илиб юборадиган «лавозим»га тайнинландим.

Уста бобо: «Мени нима ишга тайнинласиз?»- деб қўзларини жалтанглатиб турган Босим акага қараб:

- Босимбой, сиз томга чиқинг! Сизга паст ҳавфли! - деди.

Бу гапни эшитиб ҳамма кулиб юборди. Чунки уста бобонинг гапи тагида гап бор эди. Босим ака кимникига ҳашарга бормасин, бир-икки соат ишламасидан қизи ёки ўғли бориб, уйга меҳмон келгани ё бошқа бир сабабни айтиб чақириб кетаркан: аслида Босим ака ҳашарга кетиш олдидан болаларига шундай деб тайнинлаб келаркан, ўзи ишёқмас эмасми, шу баҳонада анча вақт йўқолиб кетиб, дам олиб яна ҳашарга қайтарди. Дастрлаб одамлар буни билсалар ҳам билмасликка олишибди, бу одатини ташлайвермаганидан сўнг бир-икки марта юзига ҳам айтишибди, лекин Босим акада ўзгариш бўлмапти. Бир куни Босим ака ҳам ҳашар қилибди. Одамлар энди иш бошлашган ҳам экан, Соли аканинг ўғли келиб: «Уйга меҳмон келди!»—деб отасини эргаштириб кетибди. Яна бир оздан сўнг бошқасининг қизи келибди; шундай қилиб, бирининг қизи, бирининг ўғли келиб турли баҳоналарни айтиб, оталарини чақириб кетаверибди, охири ҳеч ким қолмабди. Соли аканинг қувноқ товуши эшитилди:

— Ҳой, Босим ака! Ўғлингиз келаяпти, уйга меҳмон келди-ёв!

Ҳашарчиларнинг қаҳ-қаҳ отиб қулишларидан атроф жаранглаб кетди. Бу қаҳ-қаҳ-қаҳ Босим аканинг ўзи ҳам қўшилиб, завқи ошганидан тиззаларига уриб куларди. Мен баъзан арзимаган нарса учун бир-бирлари билан хириллашиб қоладиган бу қишлоқ одамларининг ҳашар пайтида ака-уқадек бўлиб ҳазил-мутоиба гаплар айтишиб, жон-дилдан берилиб ишлашларига қойил қолиб турадим. Мана, уста бобо бирпасда иккита деразани ўрнатиб бўлиб, томга чиқди. Ҳашарчилар: «Тезроқ қимиранглар, уста бобо томга чиқдилар», - деб бир-бирларини шошилтира бошладилар. Дарҳақиқат, уста бобо қўлига андавани олиб енгларини шимарди. Рашид ака Мусулмонқул аканинг пақиргага солган лойини кўтариб кетаркан, секингина:

- Уста енгини шимарайпти, ўлдим деявер, Мусулмонқул! - деди.

- Парво қилма Рашид, чарчаб қолсанг, лойни кетмон билан шу ердан отиб томга чиқариб юборавераман, - деди Мусулмонқул ака пақирларни лойга тўлдирап экан.

Уста бобо эса том сувашни бошлаш олдидан дадамга деди:

- Полвон, келинга айтасиз-да, тушликка ўша зўр шўрвадан бўлсин.

- Хўп бўлади, уста бобо, - деди дадам.

Аям тайёрлайдиган шўрва қишлоққа машхур эди. У шўрвага, ошқовок, лавлаги, картошка, нўхат солиб, шундай боплаб пиширадики, уларнинг ҳеч қайсиси эзилиб кетмас, ҳудди жойида туриб пишгандек бўлиб, шўрва сувининг таъми эса ичган одамнинг оғзидан бир умр кетмасди. Уста бобо ана шунақ а шўрва ҳақида гапираётганди. Унинг гапи бу шўрванинг мазасини тез-тез татиб турадиган Мўмин маслаҳатга ҳам жуда ёқиб тушди.

- Ичимсиз-да, уста, ичимсиз! - деб қўйди у.

- Мулла Мўмин, хотиржам бўлинг, сиз шўрвага лойиқ. иш қилаётганингиз йўқ, - деди уста бобо.

- Ҳой, уста, кўраяпсизми, мен бу ерда қандай ўлиб-тирилаяпман! - У шундай деб ўзини кўрсатмоқчи бўл-ди, ўрнидан туриб, жилпанглаб пақирларга сув қуяётган эди, ўзи сув тўқавериб, сирпанчиқ қилиб юборган лойхонанинг четидан сирпаниб кетди; мувозанатини сақлаш учун қаддини тиклашга ҳаракат қилди-ю, ўзини ўнглаб ололмай бор бўйича шалоплаб лойхонага қулаб тушди. Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди. Мумин амаки оғзига кириб кетган лойни зўр бериб туфлаб:

- О, баччағар! О, баччағар! - дерди.

Мусулмонқул ака товушини баралла қўйиб, бақирди:

- Ҳой, одамлар! Маслаҳат билан Мўмин амакини лойхонадан қандай чиқариб оламиз, энди! Ҳа-ха

- Ҳа-ха-ха ...

- Сайд, арқонингни ташла, қайнатангни боғлаб берай, - деди Мусулмонқул ака яна ҳа-ҳалаб куларкан.

Мумин амаки кулги садолари остида апил-тапил лойхонадан чиқиб кийимини алмаштириб келгани уйга жўнаб қолди.

Бу самимий кулгилар, назаримда, хашарчиларнинг чарчоғини ёзиб юборди; улар ишни янада жадаллатиб юбордилар; уст-бошлари, юз-қўллари лой бўлиб кетганига қарамай, уста бобони кутдириб қўймайлик, деб бир-бирларини шошириб ишлашарди. Мана, Мумин амаки ҳам кийиниб келиб ўз ўрнини эгаллади. Хашарчилар тушлик пайти ҳам узоқ ўтиришмади; бир косадан шўрва ичишди ва яна туриб кетишиб шу билан кечгача ишлашди. Аям тандир-ўчоқларини ҳам суватиб олди; ҳаммадан ҳам у хурсанд эди, хар икки гапнинг бирида: «Ховлимизга файз кириб қолди!» - дерди. Чиндан ҳам катта уйга дераза қўйилиши, атрофи яхшилаб сувалиши ҳовлимиз чиройига чирой қўшган эди».¹

Бу ҳикоядан кўринадики, ҳамқишлоқлар бир оиласек яшаб, бир-бирларидан хабардор, бир-бирларига меҳрибон бўладилар, қишлоқнинг, коллективнинг иши ҳақида ҳисоб бериб турадилар, бир-бирларини ва шу аснода болаларини ҳам коллектив руҳда тарбиялайдилар.

Ибн Сино коллективдан, жамиятдан ажралиб тарбия топган боланинг баҳтсиз бўлиб қолишини таъкидлайди. Инсон оиласада дунёга келгани билан жамиятга алокадордир. «Форобий фикрича, инсоннинг ва жамиятнинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукаммалликка эришуви, инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир. «... табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб инсонга айланишгина кифоя қилмайди, чунки инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш ва касб-хунарга муҳтождир».² Ўз-ўзидан маълумки, бу эҳтиёжлар жамиятда қондирилади. Марксизм-ленинизм асосчилари бу масалани атрофлича ҳал қилиб беришган. Коллектив жамиятнинг кичик бир бўлаги, у шунинг учун ҳам ўзида жамиятнинг сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқа ғояларини мужассамлаштиради (И.В.Дубровина).

Коллектив ҳақидаги педагогик қарашлар А.С.Макаренко, Н.К.Крупская ва бошқа совет педагогларининг ишларида ўз аксини топган. Коллектив бир мақсад, бир интилиш йўлида бирлашган, шу мақсад йўлида иқтисодий тафаккур, ижодий куч-қувватларини, фаолиятларини бағишлайдиган кишилар гуруҳидир. Коллективизм туйғуси ҳам ана шу уюшган шахсларнинг маънавий-ихтиёрий бирлигидан келиб чиқади ва шахс, гуруҳ, жамиятнинг мақсад йўлида бирлашуви билан белгиланади. Коллективизм жисмоний, ақлий меҳнат фаолиятида, маънавий-ахлоқий сифатларнинг маълум маънода умумий бўлишида яққол кўринади. Шунга кўра шахс коллективда, жамиятда меҳнат қиласи, жамиятнинг кичик бир табиий ҳужайраси бўлган оиласа яшайди. Жамиятнинг қанчалик ривожланганини оила фаровонлигида, шахснинг камолотида қуриш мумкин. Ёки шахснинг баркамоллиги, оиласининг тўла-тўқислигига қараб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳволини билиш мумкин. Чунки, шахс-оила-жамият муносабатлари ўзаро

¹ Т.Максуд. «Катталар ва мен» Т.: «Ёш гвардия», 1984, 22-бет.

² Шермуҳамедов Я. «Ўрта Осий мутафаккирларининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари. Т.: «Фан», 1970. 20-бет.

мустаҳкам боғланган. Шунинг учун шахс оила - жамият муҳитида шаклланади, камол топади.

34-Мавзу

Режа:

1. Оилада бола тарбиясининг муаммоли вазифалари.
2. Бола тарбиясида миллий анъаналарнинг ўрни.
3. Тарбияда анъаналардан фойдаланиш босқичлри.

Халқ – ахлоқий қадриятлар бўлиб, у қимматли анъаналар ижодкори. Халқ қадриятлар ва анъаналарни ўзининг озодлиги учун олиб борган курашлардан мардонавор ижод қилди, уларни толмас меҳнатда, чет эл босқинчилари билан қилган жангларида қадлралади ва эъзозлади.

Анъаналарнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий мазмуни турли тарихий даврларда айниқса кескин синфий курашларда яқкол кўринди. Оммавий халқ ҳаракатлари, инқилобий жанглар авж олган даврда ҳам кишилар ижтимоий қизиқишлир билан яшаганлар. Юксак идеаллар учун курашган вақтларда ҳам анъаналар таркиб топган.

Анъаналарни ўрганишда улар қандай тарихий шароитда ва қайси синф томонидан яратилганинини, кимларга хизмат қилганини, кимнинг манфаатини ёқлаганини ва қайси синфнинг хукмронлигини мустаҳкамлаганини кўра билиши керак.

Уруғ-жамоа тузуми шароитида анъаналарни тўғри, ҳаққоний ёки сохта тушунтириб берган. Бундан ташқари урф-одатлар ва маросимлар ота-боболар томонидан ижро этилиб, уларнинг авлодлари ҳам ана шу урф-одатлар ва маросимларга риоя қилишлари лозим бўлган. К.Рамуссен Эскимослар ҳақида жумладан шундай деб ёзади: «Уларнинг ҳаммаси ҳар бир муайян ҳолда нима қилиши кераклигини аъло даражада билар эди, аммо менинг «нима учун шундай қилиш лозим?»-деб берган саволим ҳар сафар жавобсиз қолар эди». К.рамуссен қуйидаги биттагина «тушунтириш» ни эшитган холос, «...Бизнинг ота-боболаримиз барча эски турмуш қоидалари билан қуролланган. Бу қоидалар авлодларимиз тажрибаси ва донишмандлигидан вужудга келган. Биз бу қоидалар қандай ва нима учун пайдо бўлганини билмаймиз, аммо тинч яшаш учун уларга риоя қилаверамиз. Бизлар шунчалик содда ва ишонувчанмизки, ўзимиз билмайдиган нарсалардан ҳам кўрқаверамиз. Ўзимизнинг урф-одатларимизни саклаймиз ва уларга риоя қиласиз».

Бинобарин, анъаналар хаёт талабларига жавобан пайдо бўлади ва у ёки бу синф манфаатига жавоб бера олгунча яшайди. Улар қандайдир ишнинг тақрорланиши натижасида, вазият тақозосига кўра пайдо бўлади. Бунда улар

тасодифан вужудга келади ёки онгли равища жорий этилади.

Энциклопедияда анъана қўйидагича таърифланади: «анъана (лотинча – tradō – узатиш сўзидан)» ижтимоий ва маданий мероснинг авлоддан авлодга ўтадиган ва муайян жамиятларда, синфларда ва ижтимоий гурухларда узок вақт сақланадиган элементи бўлиб, у ижтимоий мероснинг объект (моддий ва маънавий қадрият) ларнинг – ўз ичига қамрайди.

Кичик энциклопедияда бу таъриф шундай аниқлаштирган: «анъаналар (tratio – узатаман сўзидан) тарихдан таркиб топган ва аждоддан авлодга ўтадиган одатлар, ижтимоий тартиб, хулқ нормаси, ғоялардан иборатдир». Педагогика луғатида анъана хусусида шундай дейилади: «оилавий анъана (лотинча – tradō- узатиш сўзидан олинган) оиласда қабул қилинган ва катта авлод кичик авлодга берадиган одатлар ҳамда хулқ нормаларининг мажмуи. Анъаналар мактабда мустаҳкам ўрин олган, жамоа сақлайдиган ва ўқувчиларнинг бир авлоддан бошқа авлодга ўтадиган одатлар, тартиблар, хулқ қоидалари дидлар».

«Анъана бир авлоддан иккинчи авлодга ўтган, олдинги авлоддан мерос бўлиб қолган нарсалар (масалан, ғоялар, қарашлар, дидлар, ҳаракат образлари, одатлар ва ҳоказолар)»

Одат ҳатти-ҳаракатда, турмушда ўрин олган тартиб, дея изоҳланади С.И.Ожегов муаллифлигидаги луғатда (151).

Шундай қилиб, анъаналар ўтиш, бериш деган маънони англатади. Анъаналар тасодифан вужудга келмаслиги, балки йиллар мобайнида таркиб топиши маълум. Демак, анъаналар кўп марта такрорланадиган ва аждоддан авлодга ўтадиган муайян қарашлар, эътиқодлар, дидлар, ҳатти-ҳаракат нормалари ва қоидалари, ишлар ва ҳодисалардир. Биз анъаналар яшининг асосий шарти уларнинг сақланиши ва узатилишида деб ҳисоблаймиз. Анъана кўп қиррали, мураккаб ҳодисадир. Уни турли белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

Ушбу мпвзуга ўтишдан олдин, аввало, қисқача бўлсада, қуйидаги тушунчаларга аниқлик киритиш керак: «Урф-одат ва анъаналар нима?», «Улар бир-биридан нимаси билан фарқланади?», «Қандай анъаналар меҳнат анъаналари деб аталади ва уларнинг бошқа анъаналардан фарқли жиҳатлари нималардан иборат? Буларни аниқлашнинг муҳимлиги шундаки, мавжуд адабиётларда мазкур муаммоларни ёритиш бўйича жуда кўп чалкашликлар учрайди, айrim тушунчалар аралashiб кетади ва ҳоказо. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида «одат» сўзи муайян халқда қабул қилинган анъаналар, шакллар деб «бир одам томонидан қабул қилинган усуллар, ҳаракат тарзи, тамойиллар» деб изоҳланади. Анъаналар эса тарихан таркиб топган ва аждоддан авлодга ўтиб келган маросимлар, ахлоқийлик нормаси деб таърифланади(257).

Бизнингча, урф-одатлар ва анъаналарни бундай изоҳлаш илмий нуқтаи назардан у қадар тўғри эмас. Чунки мазкур ҳолда «анъана – урф-одат» ва «урф-одат – анъана» тушунчалари таърифи орасига тенглик белгиси

қўйилган. Ҳолбуки, бизнингча, анъана урф-одатга нисбатан кенг тушунчадир.

Тўғри, урф-одат ва анъана тушунчаларининг маъноси энциклопедияларда «Изоҳли луғат»дагига қараганда кенгроқ ёритилган. Лекин биз энциклопедияларда ҳам айрим ноаниқликлар бор деб ҳисоблаймиз. Масалан, уларда: «Муайян жамиятдаги ва ижтимоий гуруҳдаги урф-одатлар мерос сифатида қоладиган, такрорланадиган, ҳар бир аъзо учун стереотипга айланган ахлоқ қоидалари»дир, - деб ёзилган (257).

Биринчидан, мазкур ҳолда «мерос сифатида қоладиган» ибораси ноўрин ишлатилган. Чунки урф-одатлар, ахлоқ қоидалари мерос сифатида ўтмайди, балки ҳаётнинг ўзида ўзлаштирилади. Улар ёш авлодга онгли ва онгсиз равишда ўтади. «Мерос сифатида ўтиш» эса ирсийлик билан боғлиқ бўлиб, хромосомалар, генлар орқали ўтишдир ва бу жараёнга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Иккинчидан, урф-одат иборасини «жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун нормага айланган ахлоқ қоидаси» деб тушуниш мумкин эмас. Чунки битта жамиятнинг ўзида у ёки бу гуруҳлар риоя қилмайдиган, айрим оиласлар, шахслар тан олмайдиган урф-одатлар бўлиши мумкин ва мавжуддир. Лекин бу ҳол ана шу урф-одатларни тарк этишга олиб бормайди. Демак, мазкур таърифдаги «мерос» ва «жамиятнинг ҳар бир аъзоси» сўзлари иборанинг аниқлигига птур етказади.

Нихоят, биз урф-одатнинг энциклопедиялардаги таърифи бирмунча кенг деб ҳисоблаймиз. Бу таъриф урф-одатдан кўра анъанага кўпроқ тўғри келади.

Анъана тушунчасида муайян маросимлар ва урф-одатлар, ахлоқ қоидалари бирлашади. Анъана ўзига хос интеграцияланган ва аҳамиятли ҳодиса бўлиб, унда авлодларнинг ижтимоий ҳаётга боғлиқ тажрибаси умумий шаклда акс этади. Профессор Г.Н.Волков таъбири билан айтганда, «анъана у ёки бу кишилар гуруҳидан бошланиб, катта авлоддан ёш авлодга ўтган урф-одатлар, маросимлар ва ахлоқ, қоидаларининг мажмуидир». Аниқроқ айтганда, анъана қадриятларнинг таркибий қисми бўлиб, у ижтимоий ва маданий меросда узоқ, даврлар мобайнида сақланади, кейинги авлодлар томонидан қабул қилинади ва йил давомида янги элементлар билан бойиб бораверадп. Бинобарин, анъана муайян маросимларга, удумларга, урф-одатларга қараганда анча кенг ва умумлашган ҳодисадир (70).

Анъаналар феномен сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига (хуқук, сиёsat, иқтисодиёт, этнография, дин, адабиёт, санъат, маданият ва ҳоказоларга) хос бўлиб, маълум маънода барча ижтимоий тизим ҳаётийлигининг муҳим шартидир. Ғоялар, учрашувлар, маълум ижтимоий тадбирлар, жумладан, дидлар, урф-одатлар, ахлоқ нормалари, маросимлар, байрамлар, қўшиқлар ҳам анъана шаклига кириши мумкин. Шунингдек, ҳалқقا, мамлакатга, ўлкага, миллатга ва оиласга хос анъаналар ҳам мавжуд бўлади. Умуминсоний анъаналар ҳам бор. Масалан, меҳнат анъаналари

гарчи, миллий кўринишга эга бўлса-да, умуминсоний анъаналардир. Улар илғор жиҳатлари туфайли узоқ яшайди, эъзозланади ва авлоддан авлодга ўтади(164).

Даврнинг ҳамда ижтимоий-иктисодий тузумнинг талабларига жавоб берадиган анъаналар эҳтиёткорлик билан сақланади ва бойитилади; акс ҳолда янги анъана билан курашда унтуилиб кетади. Академик Ф.Когормнинг таъкидлашича, «анъаналар диалектик ривожланади, янги аиъаналар қабул қилинади, халқ, асрлар мобайнида яратган анъаналардаги барча яхши ва илғор нарсалардан фойдаланилади. Иккинчи томондан, эскирган ва замон талабларига жавоб бермай қолган анъаналар ривожланиш жараёнида янги анъанага ўз ўрнини монеликсиз бўшатиб беравермайди. Одатда янгилик эскиликка қарши курашда вужудга келади ва ўзига йўл очади» (108).

Анъаналар, урф-одатлар ва байрамларнинг ҳар бири муайян тарихий даврнинг маҳсулидир. Улар моддий турмуш шарт-шароитларининг таъсири билан пайдо бўлган, ривожланган, такомиллашган, асрлар оша аждоддан авлодга ўтиб келган ва халқнинг яхши орзу ниятларп ҳамда маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Улар синфий жамиятда синфий характер касб этади. Илғор анъаналар эса янги давр, ижтимоий тузум эҳтиёжларига мослашади. Масалан, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, болалар тарбияси билан боғлиқ анъаналар асрлар давомида яралган бўлиб, улар ҳозир ҳам ижтимоий.

Ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлодлардан мерос қолган анъаналар ва урф-одатларни меҳнати, билими, тажрибалари билан бойитади ва ривожлантиради.

Урф-одатларни этнографлар, файласуфлар, фольклоршунослар, публицистлар турли нуқтаи назардан таърифлайдилар. Файласуф олим Угринов фирича, урф-одатлар янги авлодга муайян ғоялар, ахлоқ хатти-ҳаракатлар, бойликлар ва туйғуларни ҳадя этишнинг маҳсус усулидир. Ворисликнинг бошқа усулларидан эса урф-одатлар ўзининг рамзийлик табиати билан фарқланади (205).

«Урф-одатлар билан боғлиқ хатги-ҳаракат ҳамма вақт рамзийлик билан сугорилган. Рамзлар ўзида у ёки бу ижтимоий ғояни, образни, фикрни умумлаштиради, тунга мувофиқ туйғуларни қўзгайди» (169).

Урф-одатлар, удумлар, расм-русумлар занжиридан иборат. Улар маданий бойликларни авлодларга ҳадя эчувчи муҳим восита ҳисобланади. Удумлар, расм-русумлар урф-одат сингари рамзий образларга эга эмас. Улар кишиларнинг узоқ йиллик фаолияти – моҳнатдаги, турмушдаги, оиласидаги амалий хатти-ҳаракати натижасида таркиб топади.

Маросимлар – анъананинг бадиийлашган, рамзий белгилар, образлар мусиқа, рақс, қўшик, публицистик на бадиий сўз воситасида англашиладиган муайян ғоялар, ахлоқ нормалари шаклидаги кўриниш. Маросим бир нечта расм-русум, удумлар занжиридан иборат. У анъаналарнинг тантанали бадиийлашган қисми бўлиб, оммавий ҳаракатлар йиғиндисидир (173).

Маросим урф-одатнинг ҳамма вазифасини адо этишга қодир эмас, балки унинг бирор қисми – бошланиши, кульминацияси, тугалланишини намоён қиласи. Шу боис урф-одат кенг режали хатти-ҳаракат мажмуи бўлса (тўй байрамлар, армия сафига чақириш ва хоказолар), маросим ана шу тантана (урф-одат) ни ўтказиш пайти бадиийлашган қисмидир.

Байрамлар – кишиларнинг хусусий ва жамоа бўлиб кечириш шароитининг йиғиндиси бўлган тарихий ижтимоий тараққиёт Жараёнида юзага келган, ўзида идеалларни, эстетик эҳтиёжларни ифодалаган анъаналар ва урф-одатларнинг муайян шаклдаги тантанали кўриниши. Байрам-жамият, давлат, синф, ижтимоий груп, оила ҳаётидаги бирор муҳим ва қувончли воқеага бағишлиланган кундир. Байрамлар бир қанча элементларни ўзида намоён қилиб, сиёсий тадбирлар (тантанали мажлис. илғорларни мукофотлаш), ўзига хос одатлар (ҳарбий парад, меҳнаткашлар намойиши), оиласий тантаналар (қариндошлар, дўстлар учрашуви) кабиларнинг занжиридан иборат (265).

Халқ анъаналари, урф-одатлар ва байрамлар кишиларнинг жамоа бўлиб ўюшишларини, мулоқотга киришишларини тақозо этади. Зотан, улар халқ, ҳаётининг барча томонлари - иқтисодий, ижтимоий, миллий, илмий, маданий, ҳарбий, касб-хунар ва ишлаб чиқариш жабҳаларида намоён бўлади.

Анъана, байрам ва урф-одатлар турмуш маданияти тушунчасининг таркибида ҳаракат қиласи. Анъана ва урф-одатлар кишиларнинг ўзаро ва жамиятга ижтимоий муносабатларини такрор ишлаб чиқаришда, олдинги авлод эришган моддий ва маънавий бойликларни ўзида акс эттириб, кейинги авлодга етказишида муҳим восита.

35-Мавзу

Оилада бола тарбиясининг ўрни

Бу мавзуни ўрганишдан мақсад ўқувчиларга шахснинг камол топишида оиланинг етакчи таъсирини оила тарбиясининг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳамда типик камчиликларини, бу камчиликларни бартараф этиш йўлларини, тарбия самарадорлигининг ошириш омилларини тушунтириш, оила тарбияси, оиладаги тарбия имконияти ва педагогик маданият ҳақида тушунчалар бериш.

Ўқитувчи мавзуни эълон қилгач, таҳтага иккита портретни, масалан, X.Олимжон ва бир номаълум шахснинг портретларини илади ва «Кимларнинг суратларини кўриб турибсиз?» деб сўрайди. Ўқувчилар X.Олимжон номини дарҳол айтадилар, аммо иккинчи портретга қараб жим бўлиб қоладилар. Ўқитувчи «Бу ўғри, безори Н.нинг сурати», дейди ва давом этади: «X.Олимжон сизга яхши таниш. У атиги ўттиз беш умр кўрган.

Лекин шу қисқа умрида ўзбек халқи учун ажойиб бадиий, илмий асарлар қолдирдики, уларни биз бугунгача севиб ўқиймиз. Шоирнинг ҳаёти, ижоди билан қизиққан тадқиқотчилар аввало унинг қандай оиласада тарбияланганига, болалик даврига эътибор берадилар. Ўғри, безорининг жиноий ишларини ўрганадиган жиноят қидирув бўлими ҳодимлари ҳам унинг қандай оиласада вояга етганини, кимларнинг таъсирига берилганини аниқлайдилар. Хўш, нега ҳар икки шахснинг болалик даври, оила муҳити синчковлик билан ўрганилади?»

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини диққат билан тинглайди, сўнг умумлаштириб, шундай холоса чиқаради:

«Демак, бола шахсининг шаклланишида оила муҳити ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўтмишда бაъзи файласуфлар, педагоглар боланинг оила муҳитида тарбияланиши манфаатпарастлик ва бошқа иллатларни вужудга келтириб, одамларнинг ўзаро иноқ яшашига халақит беради, деб ҳисоблаганлар. Бундай фикрдаги кишилар ҳозир ҳам топилади. Улар ҳамма ота-оналарда педагогик билимлар бўлавермайди, бундан ташқари, бола бир-бир яrim ёшида яслига, кейин боғчага, мактабга боради. Демак, кўп вақтини ижтимоий тарбия муассасаларида ўтказади, ота-оналар бир суткада ўз боласи тарбияси учун ун беш минут ҳам вақт ажратмайди, деган холосаларга таяниб, оиласий тарбиядан бутунлай воз кечиб, ижтимоий тарбияга ўтиш керак, деган фикрни олға сурмоқдалар. Хўш, бунга сиз нима дейсиз?».

Бир-икки нафар ўқувчининг жавобини эшитиб, давом этилади: оиласи ижтимоий ҳаётдан бутунлай ажралиб қолган қалъа деб қарашиб нотўғри. «Агар инсон ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудот экан» (К.Маркс) оила ҳам ижтимоий жамоадир; ахир, у одамлар иттифоқидан таркиб топганку! Бинобарин, ҳар бир оиласадаги тарбия ҳам маълум маънода ижтимоий аҳамият касб этади. Оиласадаги тарбия асосида шаклланган шахснинг манфаати жамият манфаатларига зид бўлмай яшashi ва бирлашиб кетиши ҳам мумкин. Ульяновлар оиласида инсоният баҳти учун курашган фидокор шахслар етишиб чиқиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Ёзувчи В.Канимец «Ульяновлар» номли китобида Мария Александровна ва Илья Николаевич болалар тарбиясига қандай аҳамият беришгани, Владимир Ильич шахсининг камолотида оила тарбияси, муҳити қандай роль, ўйнагани тасвиirlаб берилган. Шу ўринда бу китобни ўқишини тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Бола шахсини камолга етказиш учун курашда оиласадаги тарбиявий жараённи педагогик маданият асосида ташкил эта олиш жуда муҳимдир. Педагогик маданият нима? Педагогик маданият – болани классик ва замонавий педагогик билимларни билган ҳолда замон талаби асосида тарбиялашдир. Ота-онада педагогик маданият ўз-ўзидан хосил бўлмайди, балки унга тарбия билан жиддий шуғулланиш, изланиш, ўқиш, тажриба ортириш орқали эришилади. Оиласадаги тарбияси режимдан бошлиш, режимни боланинг ёшига қараб белгилаш лозим; режимга ўрганган болада тартиблилий, интизомлий хислатлари табиий равишда ривожланади;

шунингдек, уни тозаликка ўргатиш керак. Бу тарбиявий омилларни амалга оширишда боланинг жисмоний ривожланишига, чиниқишига ҳам эътибор, бериб бориши лозим. Бола тилга кира бошлиши билан нисбатан мураккаб тарбиявий ишларни амалга ошириш керак. Бола озода, интизомли, одобли қилиб тарбияланса-ю, замонавий социал-психологик ва тараққиёт талаблари ҳисобга олинмаса, унинг келажагига, баҳтига зомин бўлиб қолиш мумкин. Шунинг учун ота-она ижтимоий тарбия муассасалари билан ҳамкорликда болаларнинг касб-хунарни, компьютер саводхонлигини, тилларни, бадиий адабиётни, илмни ўрганишга спортга интилишини рағбатлантиришлари зарур.

Ота-она синчков психолог, нозик дидли педагог, боланинг келажагини яратувчи башораттўй бўлиши лозим. Агар ота-она боладаги истеъдод куртакларини ўз вақтида сезиб, уларнинг ривожланишига шароит яратиб бера олса, бола шахсининг камол топишига катта йўл очади.

Ўқитувчи ана шуларни тушунтиргандан сўнг ота-онанинг болага намуна сифатидаги таъсири ҳақида тўхталади. У аввало қуйидаги парчани ўқиб беради ёки ўқувчилардан бирига ўқитади:

«Сизнинг ўз хулқу авторингиз - ҳал қилувчи энг муҳим нарсадир. Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда, ёки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман деб ўйламанг. Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир моментида, ҳаттоқи ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида қандай гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, кулишингиз, газета ўқишингиз – булар ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга. Гапингиз оҳанги сал ўзгарса ҳам, бола буни дарров пайқаб олади ёки сезади, бола фикрингиздаги ҳамма ўзгаришларни ҳар хил йўл билан билиб олади, лекин ўзингиз бундан бехабар бўласиз. Агар сиз уйда қўполлик ёки мақтанчоқлик қилсангиз, ёки ичкиликка берилсангиз, ундан ҳам ёмони – онани хақорат қилсангиз – сиз болаларингизга ниҳоятда катта заرار етказган бўласиз, уларга ёмон тарбия берган бўласиз ва сизнинг бу ножӯя қилиqlарингизнинг оқибати жуда ёмон бўлади.

Ота-онанинг ўзига талабчан бўлиши, ота-онанинг ўз оиласини ҳурмат қилиши, ота-она ўзининг ҳар бир қадамини назорат остига олиши лозим – тарбиянинг биринчи ва энг асосий методи шудир!».

Ўқитувчи: «Бу парча ҳар бир оилада бўлиши ва тез-тез ўқиб турилиши лозим бўлган А.С.Макаренконинг «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар» китобидан келтирилди. Бу китобдаги гаплар мағзини чақиб олган ота-она ўз педагогик маданиятини юксалтиришга эришади», дейди ва ўзбек оилаларида тарбиянинг ўзига хослигига тўхталади.

Ўзбек оилаларида болани меҳнатсеварликка ўргатишга алоҳида эътибор берилади. Бунда кўпинча ота-оналарнинг ўзлари болаларга ўрнак кўрсатадилар. Масалан, она овқат пишириш, кир ювиш, уйни саранжом-

саришта тутиш, каби ишларни сидқидилдан бажаради ва буни ўзининг оиласдаги бурчи деб билади, ҳеч қачон эрига: ҳуқуқимиз тенгқу, сиз ҳам кир ювинг, нон ёпинг!» демайди. Ота ҳам ўз навбатида рўзғордаги барча оғир ишларни, оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммасига олади, бу борада меҳнатсеварлик, жонкуярлик намуналарини кўрсатади. Бундай шароитда ота-онага тақлидан бола шахсида меҳнатсеварлик, оилапарварлик хислатлари таркиб топа боради. Ўзбек ҳалқининг «бир болага етти қўшни хўжайин», деган нақли бор. Бола улғайган сайин маҳалладаги тўй-маъракаларда қатнашади, атрофдаги яхши одамларни кўриб ўзининг фазилатларини бойитади, камчиликларини йўқотишга ҳаракат қиласди, ундаги худбинлик ҳислари йўқолиб боради. Катта ёшли кишилар болани яхши ишлари учун мақтаб, ёмон қилиқлари учун уялтириб турадилар.

Юқоридаги фикрлардан ўзбек оилаларида бола шахсини камолга етказиш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё, деган хулоса келиб чиқмайди. Баъзи ўзбек оилаларида боланинг усти бут, қорни тўқ бўлса етади, бўладиган бола ўзи бўлаверади, деган салбий қарашлар ҳам мавжуд. Ёки катта-катта тўй-маъракалар қилган ҳолда хола шахсининг ривожланиши учун зарур буюмларни харид қилишни истамайдилар. Баъзи хонадонларда болаларнинг дарслигидан ташқари бадиий, илмий-оммабоп китоблар йўқ, газета-журналларга обуна бўлишмайди, мен бир косиб ёки савдо ходимиман, китобни нима қиласман дейишади. Ваҳоланки, китобсиз ҳеч кимнинг шахси камолга ета олмайди. Кейинги йилларда ҳар бир хонадон учун зарур «Саломатлик», «Уй-рўзғор энциклопедияси» «У ким? Бу нима?» каби китоблар чоп этилади. Бу китоблар оилада бола тарбияси билан шуғулланишда жуда қўл келади, шунинг учун ўзбек хонадонлари уларга эга бўлиши лозим. Баъзи ота-оналар борча, мактаб бор деб бола тарбияси билан жиддий шуғулланмайдилар, бодалари нотўғри йўлга кириб кетгандан сўнг эса-оҳ-воҳ қилиб юрадилар. Ота-она борча, мактаб билан яқин алоқа ўрнатса, оиласдаги тарбиявий ишлар ижтимоий тарбия билан уйғунликда олиб борилса, бола шахсининг шаклланиши икки хиллик, хатолар рўй бермайди.

Оила тарбиясида катта-кичик масала йўқ. Шунинг учун овқатланиш, мумомала, юриш-туриш, кийиниш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, телевидение, радио эшиттиришларидан фойдалана билиш, қўпчилик орасида ўзини тутиш, катталарни хурмат қилишни ўрганиш бола шахсининг камол топишида бирдек аҳамиятга эга бўлган ишлардир.

Ҳар бир ҳалқ ўз болаларининг баҳтли бўлиши учун қадимдан курашиб келган. Буни авлодлардан авлодларга ўтиб келган маънавий хазина – китоблардан билса бўлади. Ана шундай китоблардан бири - Шарқда машҳур бўлган «Қобуснома» дир. У XI асрда, форс-тожик тилида яратилган, жуда кўп тилларга таржима қилинган. 1860 йилда Оғаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилингач «Қобуснома» ўзбек ҳалқининг оила тарбиясини амалга оширишда ёрдам берадиган қўлланмалардан бўлиб қолган. Бу китобда касб-хунар ўрганишнинг зарурлиги хусусида шундай дейилади: «Агар табиатинг

ҳар қанча асл бўлса ҳам, унга мағур бўлмагил, чунки тан гўзаллиги хунар безаги билан зийнатланмас, ҳеч нарсага арзимайди. Масалан, дебурларким, улуғлик акут ва билим биландир, насл-насад билан эмас. Ота-онанг қўйган отларига мағур бўлмагил, бу от фақат ташқи кўринишдан бошқа нарса эмас. Аммо сен хунар билан бир номга эга бўлгил». Бинобарин, ҳар қандай касбнинг устаси бўлиш учун оиласда болага йўл очиш керак, чунки болаликда шаклланган моҳирлик, уdda-буронлик сифатлари бир умр доимий йўлдош бўлади.

Ота-она бола тарбиясида бир ёқадан бош чиқариши зарур, агар ота бошқача, она бошқача талаб қўйса, болада иккюзламалик алломатларини кўрамиз. Бундай пайтда ота-она дарҳол ўз хатосини тўғрилаши, боладаги ножўя қилиқларни йўқотишга ҳаракат қилиши лозим. Ота-она шундай иш тутиб, ўзлари бераётган тарбиянинг болага қандай таъсир кўрсатаётганини кузатиб бориши, болада ножўя қилиқлар сезилса, тарбиянинг бошқа самаралироқ усулларини қўллаши зарур. Болага меҳрибонлик қилиб, ҳаддан ташқари эркалаш унинг калондимоғ, худбин қилиб қўйиши, ёки писмиқ, журъатсиз, ташаббуссиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, педагогикада тан жазоси бериш тақиқланган. Шунингдек, оила тарбиясида ҳам болага тан жазоси беришдан сақланиш лозим. Бунинг ўрнига тушунтириш, дашном бериш, оилавий йиғилишда гуноҳкор болани муҳокама қилиш усулларидан фойдаланиш зарур. Болани ҳадеб жазолайвериш, «сен одам бўлмайсан!» деб камситиш ҳам нотўғри. Бунда бола қаш-қатаёқ бўлиб қолади. Шунинг учун болани вақт-вақтида рағбатлантириб туриш керак.

Хуллас, ҳар бир ота-она болага тарбия бериш борасида ўзининг педагогик маданиятини юксалтириб бориб, бу жуда масъулиятли ишга қатъият ва ижодкорлик билан ёндошиши зарур.

36-Мавзу

Тарбия жараёнида ўқувчиларда тежамкорлик тушунчаларини сингдириш

Режа:

1. Ота-боболаримизнинг ўз фарзандлари тежамкор бўлишга унданганларини халқ оғзаки ижоди мисолида.
2. Оиласда болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялаш.
3. Тежамкорликни тарбиялашда топишмоқ, мақол, эртаклардан фойдаланиш.
4. Оила бюджетидан тўғри фойдаланиш.
5. Хулоса.

Бозор иқтисодиёти оила тарбиясида кенг қўлланиб келинган миллий қадрият сифатидаги тажрибаларига суюнишни ҳам тақозо этади. Масалан,

ўзбек оилаларида болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялаб келганлар, исрофгарчиликка йўл қўймаганлар.

Маълумки, «иқтисод» сўзининг маъноси кенг бўлиб, чуқур мазмунга эга. Кўп уринди бу сўз халқ ичидаги «тежамкорлик» сўзининг синоними сифатида қўлланилади. Тежамкорлик ҳақида сўз кетганда исрофгарчиликка йўл қўймасликки тушунамиз.

«Иқтисод» тушунчасига, машҳур ўзбек муаямини Абдулла Авлоний қўйидагича таъриф беради: «Иқтисод деб пул ва мол каби наъматларнинг қадрини билмакка айтилур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда, сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди баҳиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исровдур. Аллоҳ. Таоло исроф қилувчиларни сўймас».

Ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини тежамкор бўлишга унданларини халқ оғзаки ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, тежамкорлик мавзуи халқ мақолларида ҳам ўз аксини топган. Зеро, бу мақоллар юз йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, халқнинг дилида сақланиб келган.

Мақоллар кишиларнинг тарихий тажрибаси сифатида кўпгина синовлардан ўтиб шаклланади ва чуқур маъно касб этади. Мана уларнинг айримлари: «Тежаган-бирга бирни қўшар, тежамаган бирини ҳам бой берар», «Пул топиш учун куч-қувват керак, тежаш учун-фаҳму-фаросат», «Ўзингникини бир бор тежасанг, халқникини минг бор тежа», «Тежамлигу расомадлик-ака-ука, тўғрилигу ҳалоллик-опа-сингил», «Тежамкор-олқиши олар, исрофгар койишга қолар» ва ҳоказо.

Хаттоки, ота-оналаримиз тежамкорлик руҳида тарбиялаш вазифасига фарзандларининг баҳтли-саодатли бўлишнинг бир шарти, ахлоқий тарбиянинг бир қўриниши сифатида қараганлар.

Бозор иқтисодиётининг мақсади жамиятнинг барча аъзоларини, жумладан, ота-оналарни, уларнинг фарзандларини амалий ҳисоб-китобга ва оқилона омилкорликка ўргатишдан иборат. Зотан, пул ҳам шахсни тарбиялайди. Уни менсимаслик икки томонлама хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Унинг бир томони, болани оиланинг моддий қийинчиликларини билишни истамаслик одати пайдо бўлади ва у текинхўрликка ўрганади. Иккинчи томони, пулга хирс қўйиш, очкўзлик, худбинлик, хасислик каби иллатларни келтириб чиқаради.

Маълумки, азалдан ота-оналаримиз болаларни хўжалик ишлари билан танишириб, оиланинг кирим ва чиқим ишларини уларга ўргатиб келишган. Шу тарзда, болада оиланинг моддий аҳволи хасида тасаввур ҳосил бўлишига эътибор берилган.

Ҳозирги замонда бутун дунёда кўзга ташлаётган озиқ-овқат, ичимлик суви, фойдали қазилмалар ва шу каби захираларнинг камайиб бораётганлиги, шунингдек, аҳволи сонининг ортиб кетаётганлиги қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги тежамкорлик, ишбилармонлик, омилкорлик каби

қадриятларнинг умуминсоний, умумбашарий аҳамиятини зарурлигини кўрсатиб бермоқда.

Демак, тежамкорлик ишбилармонликни бир қўриниши сифатида қадрият ҳисобланиб келинган ва у маънавий-ахлоқий мазмунга эгадир. Бу тушунчани бола онгига сингдириб бориш ота-онанинг вазифасини бўлиб, уни бажариш факат шахсий иш бўлмасдан, балки ижтимоий аҳамиятига молик ҳодисадир. Чунки, бола ўзида тежамкорлик туйғусини шакллантира бориб, факат ўз меҳнатини ва ўзгалар меҳнатини қадрига етадиган бўлади. Буни англаб етиш болада ўзи, ота-онаси ва жамият яратган бойликларни қадрига етиш, уларни асраб-авайлаш кўникмаси ва малакаси пайдо бўла бошлайди.

Ота-оналар болаларининг келажагини ўйлаб, уларни илк ёшларидан меҳнатга солиб чиниқтириб борадилар. Тўғри тарбиянинг энг таъсирни, энг самарали усули ҳам шу меҳнатдир. Ота-оналар болаларининг меҳнатига ҳамма вақт ҳам муҳтож бўлавермайдилар, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўнигириш зиммаларида бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ўз хўжалиги бўлади ва у ўз хўжалигини соф, ҳалол меҳнати билан қуради: бу хўжалик даромади оила аъзоларининг қандайдир доимий фонда олиб туришлари орқасидан эмас, балки иш ҳақининг ошуви ва оила ҳаражатларидан ортириб, тежаб қолиш туфайли кўпаяди.

Биздаги оила хўжалиги рўзгор учун керакли бўлган буюмлардан, ашё ва жиҳозлардан иборатдир. Оила давлатманд бўлса, бу ҳол оила аъзолари яхши ва баҳтли кечираётганини, истеъмол буюмларини кўпроқ келаётганини, ўз эҳтиёжларини кўпроқ харид келаётганини, ўз эҳтиёжларини кўпроқ қаноатлантираётганини билдиради.

Ҳар бир оила ўз хўжалигини тузатиб олиш йўли билан турмушини яхшилашга уринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ бутун мамлакат эришган муваффакиятларга унинг иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади. оилада болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар халққа ҳам, ота-оналарига ҳам ўзларига ҳам шунча кўп фойда етказадилар.

Ҳар бир бола оиланинг тенгҳуқуқли аъзосидир. Демак, у оила хўжалигининг иштирокчисидир. Шу билан бирга, болаларимизни факат оила хўжалигини юритишга қобилиятли кишилар қилиб тарбиялабгина қолмай, шунингдек бутун жамият хўжалигини ҳам тежаб-терган юритадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмоғимиз лозим.

Барча ота-оналар бундай тарбия мақсадлари тўғрисида ўзларида равshan тушунча ҳосил қилиб, бу билан ўз тарбия йўсинларини доимий ишга солиб ва текшириб боришлари зарур.

Кўпинча ота-оналар болаларининг ҳамма нарсани муҳайё бўлиши, яъни яхши еб-ичиши, яхши кийиниши, катта бўлгандан уй-жойли бўлиши ҳақида

ўйлайдилар. Буларнинг ҳаммасини фарзандлариға чексиз меҳрибонликларидан ва уларни беҳад севганликларидан қиласидилар. Болаларини деб ўзларининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ҳам четга суриб қўйядилар, лекин буни бола эсига ҳам келтирмайди ва ҳатто секин-аста ўзини ҳаммадан ортиқ, менинг истагим ота-онам учун қонун, деб ўйлашга одатланади.

Бу тарбиянинг нотўғри ва заарли йўли бўлиб, бундан ота-оналарнинг ўzlари кўпроқ заҳмат чекадилар. Бизнингча, ота-оналар ўз фарзандларини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб тарбиялаш учун қўйидагиларга амал қилишлари керак.

1. Бола ўз ота онасининг қаерда ишлашини ва нима ишлаб чиқаришини, бу ишлаб-чиқаришнинг бутун жамият учун қандай аҳамияти борлигини билиши керак.

Умуман, бола ота-онаси ишлаб, топиб келтирадиган даромаднинг катта ва фойдали ижтимоий меҳнат эвазига олинадиган иш ҳақи эканини мумкин қадар эртароқ яхши тушуниши лозим.

2. болани оила бюджети биланмумкин қадар эртароқ таништириш лозим. у отаси ва онасининг қанча маош олишини билиши керак. Бола ота ёки онасининг нимага муҳтож эканлигини, бу муҳтожликнинг қанчалик зарурлигини билиши зарур, у оиланинг бошқа аъзолари эҳтиёжини яхшироқ қондириш учун ўзининг баъзи эҳтиёжларидан вақтинча кечишга одатланиши керак. Оиланинг умумий эҳтиёжига доир масалаларини муҳокама қилишга болани кўпроқ жалб қилиш лозим.

3. Агар оиланинг моддий шароити жуда яхши бўлса, боланинг ўз тенгдошлари олдида бундай яхши шароит билан ғуурланиш ва мақтанишга одатлантирумаслик керак. Бола оиланинг бойлигидан ўзгалар олдида гердайишга ҳеч қандай асос йўқлигини тушуниш зарур.

4. Ота-оналар болаларининг ҳалол, ростгўй ва софдилликка одатланиб боришларини дикқат билан кузатиб боришлари керак. Улар ҳеч нарсанни боладан атайнин яширмасликлари ва шу билан бирга унинг кўз ўнгидан бўлса ҳам, сўроқсиз олмасликка ўргатишлари зарур. Ҳавас келтирадиган ҳар хил нарсаларни атайнин боланинг кўз ўнгича қўйиб, уни ана шу нарсаларга бепарволик билан, сухлик қилмай қарашга ўргатиш лозим.

5. Оилада тежаскорлик ва хтиёткорлик тарбиясини тўғри ташкил этиб эскириб қолган нарсаларни яхшилаб таъмир қилиб, янгисини сотиб олиш вақтини чўзиш ва шу йўл билан ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари топган пулнинг маълум қисмини тежаб қолиш болани жуда кичик ёшлигидан бошлаб хўжалигини яхши юритмоқчи бўлган киши рўзгорда қайси нарсанинг эскира бошланганини аввалроқ пайқashi, рўзгор буюмларининг жуда эскириб қолишига йўл қўймаслиги, уларни ўз вақтида тузаттириш, бозорда ёки дўконда тасодифан қўриб қолган нарласини сотиб олавермай, балки ҳақиқатдан керак бўлган нарсани сотиб олиши мақсаддага мувофиқдир. Болаларга ҳам шу одатни сингдириб бориш керак.

6. Бола фақат ўз хонадонидаги буюмларинигина эҳтиёт қилиб қолмай, балки бошқа кишиларнинг буюмларини айниқса, кўпчилик фойдаланадиган буюмларни ҳам эҳтиёт қиладиган бўлиши лозим.

7. Тежаб-тергаб иш кўриш одатларини болада мумкин қадар эртароқ тарбияламоқ керак. Одат машқ қилиш билан ҳосил бўлади. шу йўл билан болада буюмларни тежаб-тергаб туриш истагини доимо рафбатлантириб туриш керак.

8. Пулни тежаб-терган сарфлаш айниқса муҳимдир. бундай ҳаражатларнинг рўйхати боланинг ёшига ва оиланинг қурбига қараб турлича бўлиши мумкин. Дейлик, 10 яшар бола учун тахминан қўйидагича рўйхат тузса бўлади: дафтар, китоб сотиб олиш, йўл кира, бутун оила учун нон, сут, сарёғ, совун сотиб олиш, унинг ўзи ва укасига ручка олиш... бола катта бўлган сари, бундай ҳаражатлар рўйхати анча маъсулиятлироқ ва мураккаброқ бўла бориши лозим.

Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг меҳнатсевар, тежамкор ва эҳтиёткор кишилар бўлиб етишишларида ўзлари намуна бўлишлари керак. Бу тарбия ишлари учун жуда муҳим омиллардан саналади.

Оила бюджети ва хўжалиги.

Бизнинг мавзууни ўрганишда оила бюджети ва хўжалиги, уни режалаштириш, ота-она, болалар ўртасида ишларнинг тақсимланиши ва оиланинг иқтисодий манбаи хусусида фикр юритилиб, ўқувчиларда оила бюджетининг даромади ва ҳаражати, оила хўжалигини бошқариш катта тушунчалар шакллантирилади.

Ўқитувчи дарснинг ташкилий қисмидан кейин қўйидаги икки лавҳани икки ўқувчига ўқитади.

Иқтисод.

Пул ва молни керакли, зарур нарсаларга сарфлагандан кейин қолган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозим. шундай қилинса, доимо иқтисод қилиб борилса, катта сармоя ҳосил бўлади.

Иқтисод қилишга, тежашга одатланган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ёйиш, ичиш, кийиш керак, аммо «кўрпангга қараб оёқ узат» нақлига амал қилинса, бошқаларнинг нарсаларига таъна қилинмайди, кўнгил ҳам хотиржам бўлади. Кўлида бўлган пулга, мулка қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди.

Исроф.

Исроф – ўринсиз фойдасиз ишларга пул ва мол сарфлашдир. Кўлдаги пул ва молни керакли жойларга сарфлаш, яхши идора қила олиш, исрофгарчиликдан сақланиш лозим. Шухрат қозониш учун тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарф этишнодонликдир. Исроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига таъна ва ҳasad қилиш келиб чиқади.

Байт:

Сен агар исроф этишни ташладинг,
Ул замон давлат этагин ушладинг.

Ўқувчиларнинг ана шу икки лавҳа хусусидаги фикрлари умумлаштирилиб, давом этилади.

Ҳар қандай оила маълум бир даромад ҳисобига яшайди. Партия ва ҳукуматимиз оилаларнинг иқтисодий қувватини оширишга яқиндан ёрдам бериш мақсадида йилдан йилга меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақларини оширяпти, пенсионер, студент, ёлғиз она ҳам давлат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз оиласа маънавий, иқтисодий жиҳатдан ёрдам берар экан, оиласа келажак яратувчисининг характеристи, меҳнатга муносабати, ахлоқи, ғоявий-маданий савияси ўсишини кўзда тутуади, оилаларни кундалик рўзгор учун зарур нарсалар, уй-жой билан таъминлашни, аёлнинг меҳнатини енгиллаштиришни ўз олдига вазифа, қилиб қўяди. Бу эса ўзбек оиласининг мустаҳкамланишида, бюджет ва хўжалиги ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Ёш оилалар факат бир-бирларини тушунмаслик туфайлигина эмас, балки иқтисодий шароитни йўлча қўя олмай ҳам ажralадиган ҳоллар учрайди.

Шундай оилалар борки, қийинчилик билан топилган пулни, осонгина совурадилар, улар оиласининг иқтисодий масалалари билан юзаки шуғулланадилар. Аммо бу борада ўнлаб қўрадиан кўп муаммолар бор.

Оила аъзолари ойига қанча иш ҳақи олишлари аниқ, лекин шу пулни қайси мақсадларга, қандай сарфлаётганлари ҳақида аниқ ҳисоб-китоб йўқ.

Оила бюджети – оила аъзоларининг ойлик иш ҳақи ҳисобидан тўпланиб, даромад ва ҳаражатлар йиғиндисидир. Хўш табиий ва майший эҳтижга сарфланганидан қолган маблағни нимага сарфлаш керак? Туркистон саёҳат учунми? Китоб сотиб олишгами? Қимматбаҳо кийимлар учунми? Машина харид қилишгами? Буни оила аъзолари ҳал қилиши керак.

Оиласа болаларни ёшлигиданоқ оиласининг иқтисодий масалаларни ҳал қилишга жалб этиш биринчидан боланининг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан пул сарфлаш маданиятига ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари демократик асосда, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-маблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди, балки оила аъзоларини оила колективига янада жипслаштиради.

Доимий равишда пул етмай қолиши, кўпгина оилаларда уруш-жанжалга сабаб бўлади. улар пулни расамади билан ҳаражат қилишни билмайдилар. Пулни ҳисоб-китоб билан ҳаражат қилиш ҳақида ўқувчиларга бир топишмоқ айтиш мумкин:

«Ота ўғлига чака пул бериб:

- Ўзимизга, сигиримизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил, -деди.

Ўғли бозорга борди, ўйлаб-ўйлаб бир нарса харид қилиб келди. Бундан

ота хурсанд бўлди. Ўғил нима сотиб олган эди?»

- Қовун.

Ўқитувчи жавобини изоҳлаб, давом қилди.

Оила бюджетини, хўжалигини тўғри бош қариш учун йил бошида эрхотин бир йил давомида қилинадиган ҳаражатларни ҳисоблаб чиқади. Бу умумий даромадга нисбатан олинади. Ҳаражатлар уч қисмга ажратилади.

1. Ҳар ойда такрорланадиган жорий ҳаражатлар: озиқ-овқат, тураг жой ҳақи, транспорт, гигиенага сарфланадиган маблағ.

2. Аниқ ҳисоб-китобсиз, тахминий сарфланадиган (китоб ҳарид қилишга, газета-журналга) маблағ.

3. Узок муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга сарфланадиган маблағ.

4. Йиллик умумий даромаддан страхованиега, оиланинг катта аъзолари сарф қиласидан баъзи ҳаражатларни чиқариб ташлаймиз. Ҳаражатни режалаштиришни кунда бўладиган ҳаражатларнинг аниқ миқдорини белгилашдан бошлаб керак, шунда ундан даромад узоқ муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга ҳаражатланади

Кундалик ҳаражатлар оиланинг умумий даромадига ҳамда яшаш усулига қараб белгиланади. Бунда уй-рўзғор ишларини бошқарадиган аёлга ҳам кўп нарса боғлиқ, шундай аёллар борки, ҳеч қачон овқатни айнимайди, нонни исроф қилмайди, ҳаммаёқ сарамжон-саришта, ҳеч шошиб қолмайди, рўзғорида доим ҳамма нарса етарли бўлади. бошқа бир аёл бунинг мутлақо тескариси. Бу эса аёлнинг қизлигида уйида олган тарбиясига ҳам боғлиқ.

Баъзи оилалар кайф-сафони, тўкин-сочин дастурхон атрофида меҳмон кутишни, совға-салом билан меҳмонга боришни бошқаларни саёҳатни, яна баъзиларни кутубхоналари учун китоб йиғишини севадилар. Ҳаражат ҳам шунга қараб бўлади.

Айрим болалар ота-оналарининг ойлик даромадлари қанча эканлигини билмагани учун баъзи қимматбаҳо нарча олиб беришни талаб қилиб туриб олади. ойлик даромадни билганда у бундай қилмасди. Шунинг учун Макаренко болани оила хўжалигини юритиш ишларидан хабардор қилиб туриш кераклигини уқтирган эди.

Агар оила яхши таъминланган бўлса, бу ҳақда боланинг ўртоқларига мақтанишига йўл қўймаслик керак.

Оила ўз эҳтиёжларини қийинчилик билан (маълум бир сабабларга кўра) қолаётган бўлса, шундай қилиш керакки, бола бошқаларга ҳасад билан қарамасин. Бола меҳнатсиз келадиган даромаддан кўра, қийинчилик билан, меҳнат билан оила ҳаёти яхшиланишидан фахрлансин.

Агар оилада пул маблағлари тўғри сарфланса, бу оиладаги бола босик, тежамкор, пулнинг қадрини биландиган бўлиб улғаяди.

Шунақ оилалар борки, ойлик олиши билан болаларга ширинликлар, ўйинчоқлар совға қилинади-ю, кейин танг ҳолга тушиб қолишади. Бундай оилалардаги болалар пул ва буюмларнинг қадрига етмайди, борган сари

катта талаблар қўя бошлайди. Ота-она қийинчилик билан бўлса-да боланинг хархашасидан қутилиш учун айтган нарсасини олиб беради.

Бундан болада боқимандалик кайфияти, исрофгарчилик одати, худбинник пайдо бўлади. у ҳақиқий юрт граждани, меҳнаткаши бўла олмайди.

Бундан болага умаман совға бермаслик керак, деган маъно чиқмайди, совға болага катта хурсандчилик баҳш этади ва совға кутади! Пухта ўйлаб қилинган совғанинг тарбиявий аҳамияти катта бўлади.

Боланинг оила хўжалиги ишларида қатнашиши ўзининг ортиқча талабларини тийишга, исрофгарчиликка қарши курашга ўргатади. Бола 8-9 ёшга етганда ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан пул бериб туриш мумкин. Бола бунга ўргангандан кейин уни муңтазам таъминлаб туриш зарур.

Боланинг меҳнати ёки ўқиши ҳеч қачон пул билан рағбатлантирмаслик керак.

Оила бюджети.

Оиланинг маълум муддат (ой, уч ой, йил) да кутадиган даромадлари ва ҳаражатларининг китоби.

Оила бюджетининг даромади барча оила аъзоларининг иш ҳақи, турли мукофотлар, нафақа, стипендия, пенсия, шахсий ёрдамчи хўжаликларидан олинадиган фойда ва бошқалар йигиндиси ҳисобланади.

Оила бюджетининг сарфланиши қуидаги йўналишларда бўлишини ўргангандан эдик:

- 1. Уй-жой ҳаражатлари.**
- 2. Оила учун озиқ-овқатлар, кийим-кечалар, транспорт ҳаражатлари.**
- 3. Рўзгор учун жиҳозлар.**
- 4. Оила миқёсидаги анъанавий тадбирлар ўтказиш учун сарф-ҳаражатлар.**
- 5. Оила қўшимча даромад келтирувчи хўжаликка қаратилган сарф-ҳаражатлар (ем-хашак, кунжара, силос, дон ва бошқалар).**
- 6. Оила учун техниковий жиҳозлар.**

Санаб ўтилган сарф-ҳаражатлар катта а кичик, доимий ва такрорланувчи бўлиши мумкин.

Ҳаражат турлари.

Уй-жой автомобил, замонавий техника анъанавий тадбирлар кабиларга сарфланадиган маблағ катта ҳаражатлар ҳисобланади.

Турли уй-рўзгор анжомлари (болға, теша, супурги, чангютгич, қозон, идиш-товоқ ва бошқалар), рўзғорига оид, зарур кичик жиҳозлар, майдачуйдаларга сарфланган маблағ кичик ҳаражатлар деб аталади. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун, оиласа қўшимча даромад келтирувчи хўжаликка

йўналтирилган сарфлар ҳамда қундалик эҳтиёж учун ажратиладиган маблағлар доимий ҳаражатлар саналади.

Үй-ховли соликлари, радио, телефон, газ, сув, электр кабиларга, ўкув тўловлар, мавсумий кийим-кечаклар, ўкув қуроллари ва бошқаларга сарфланадиган маблағлар такрорланувчи ҳаражатлар деб юритилади.

Оила бюджетини тўлиқ ва тўғри тушунишдан иқтисоднинг туб маъносини англаш, шунингдек «Иқтисод» қасрининг сеҳрли қалитини топиш бошланади. Гап шундаки, оила ва унинг аъзолари эҳтиёжи чегараланмаган. Масалан: ҳамма оила ҳашаматли уй-жой, замонавий автотранспорт, техникавий жиҳозларга, энг яхши кийим-кечак, сифатли озиқ-овқат, кўркам дала-ховли кабиларга эга бўлишни истайди. Аммо, оила бюджети доимо чегараланганди.

Демак, чегараланганди имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда чегараланмаган эҳтиёжни қондириш муаммоларини ечиш иқтисодиётни келтириб чиқаради.

Оила бюджетини сарфлаш йўналишлари эҳтиёж турининг аҳамиятига қараб ўзгаради. Масалан, оила аъзоларини автомобил олишга бўлган эҳтиёжи биринчи ўринга қўйилса, қолган йўналишлардаги сарф-ҳаражатлар автомобил сотиб олиш мақсадига эришгунча қадар камайтирилади. Шунингдек, юқоридаги йўналишларда қўрсатилган катта ҳаражатларга бўлган эҳтиёж мақсадга айланча, қолган йўналишлари сарфланадиган маблағ ўз-ўзидан камаяди.

Пул қадрини сақлаш.

Оилада маълум мақсадда тўпланган пул ўз қадрини йўқотмаслиги учун у кўчмас мулкка, олтин ва қимматбаҳо буюмларга, шунингдек қимматбаҳо қоғозларга айлантирилади.

Миллий анъаналаримизга кўра ота-оналаримиз ўз фарзандларини уй-жой билан таъминлашга катта эътибор берганлари кўчмас мулкка бўлган эҳтиёж асосий мақсадга айланади.

Оилани бошқаришда бюджетни оқилона ва тўғри режалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир оилада даромад ва сарф-ҳаражатлар доимий ҳисобга олиб борилса режалаштириш оддийлашади. Олиб бориладиган ҳисоб-китобларга кўра режалаш варинатлари ҳам ўзгариб туради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Рувшенский Л.И. Тарбиявий ишлар методикаси.
2. Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиев К. Педагогика.
3. Валиева З. Конституция алифбоси. 3-4 синф.
4. Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишлар методикаси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» – Тошкент: Шарқ, 1997-65 б.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Тошкент: Ўзбекистон 1992-62 б.
3. Каримов И.А. «Янги уйни қурмай туриб, эскисии бузманг» – Тошкент: Ўзбекистон 1993. – 24 б.
4. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз». 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
5. «Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари». – Тошкент: Фан, 1990, – 72 б.
6. А.Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (нашрға тайёрловчи Холиқов Л.) – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 160 б.
7. Иномова К.М. «Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси» – Тошкент: Фан, 1999, – 151 б.
8. Йўлдошев Ж.Ф. Хасанов С. «Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар». – Тошкент: Ўқитувчи 1992, – 28 б.
9. Кайкавус. «Қобуснома». – Тошкент: Ўқитувчи 1986, – 118 б.
- 10.Мусурмонова О. «Оила маънавият-миллий ғуурур». – Тошкент: Ўқитувчи. 1999, – 200 б.
- 11.Мунавваров А.К. «Оила педагогикаси». – Т.: Ўқитувчи, 1994, – 112 б.
- 12.Очилова М. Очилова Н. «Ўқитувчи одоби». – Тошкент: Ўқитувчи, 1993\7. – 136 б.
13. Очилова М. «Ахлоқий тарбия». – Тошкент: Ўқитувчи, 1979, – 232 б.
14. Жўраев А.Ж. Тарбиявий дарсларни ўтиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
15. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. Т.: “Ўқитувчи”. 1994.
16. Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. Т.: 1996 й.
17. Очил С. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
- 18.Попов Г.Х. Ўқувчининг шахсий ишини ташкил этиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1992 й.
19. Солихўжаева С.С. Болалар ва ўсмирлар гигенаси. Т.: “Иbn Сино”, 1991.
20. Узоқов Х., Ғозиева Э.., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. Т.: “Ўқитувчи”. 1992.
- 21.Фаробий А.Н. Фозил одамлар шахри. Т.: А.Қодирий, 1993.
- 22.Фролов П.Т. Ёш директор мактаби. Т.: “Ўқитувчи”, 1991.
- 23.Жўраев А. Тарбиявий дарслар ўтиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
- 24.Ҳасанбоева О. Узайтирилган гурухларга тарбиявий ишлар. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
25. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
26. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т.: “Фан”, 1994.

